



УИФУН





**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1975**

УЙҒУН

АСАРЛАР

ОЛТИ ТОМЛИК

УЎҚУ

АСАРЛАР

ИККИНЧИ ТОМ

ШЕЪРЛАР
БАЛЛАДАЛАР
ПОЭМАЛАР

ХРАЊЕЊЕ

ОПИСАНО

11875
-8979-

Фундаментальная библиотека
Формат. и. 200/100/100 мм
Имя. № _____
19 г.



ШЕЪРЛАР

ТОШКЕНТ РУҲИ

Тошкент руҳи халқларни ҳамон
Иноқликка, дўстликка чорлар.
Тошкент руҳи қуёш сингари
Жаҳон бўйлаб нур сочар, порлар.

Мана, бугун Қоҳирада ҳам
Давом этар уша эзгу руҳ.
Давом этар кекса Африка,—
Осиёга бахш этиб шукуҳ.

Замирида жаҳонга тинчлик,
Инсонларга омонлик ва бахт.
Урушқоқлар унинг зарбидан
Мажақланган илондек карахт.

Талвасада бу руҳдан маккор —
Шафқат билмас ёвуз жаҳонгир.
Шод этади эрксеварларни
Африкада узилган занжир.

Бош кўтарган ғазабли қуллар
Мустабидни солар даҳшатга.
Замон келди энди Африка
Барҳам берар қонли ваҳшатга.

Эрксеварлар ҳужумга ўтди,
Дош беролмас чириган говлар.

Ҳайдалади Анголадан ҳам,
Ҳайдалгандек Гоадан ёвлар.

Эрк қушигин куйлайди фаллоҳ
Юрагида жушиб илҳомлар.
Бу қушиққа қулоқ берар Нил,
Қулоқ берар кўҳна эҳромлар.

Бу қушиқдан уйғонар саҳро.
Юксалади Ассуан тоғи.
Шу қушиқдан яшнайди, шаксиз,
Жазоирнинг, Конгонинг боғи.

О, Африка, эрк куйин юксалт,
Бу куй улуғ бахтингга асос!
Эрк қушиғи, дўстлик қушиғи,
Давримизга, руҳимизга мос!

Қалбдан қалбга йўл топар дўстлик,
Қарамайди оқу қорага.
Бир ёқадан бош чиқарсак, ёв —
Нифоқ сола олмас орага!

Тошкент руҳи бизни доимо
Ҳамкорликка, дўстликка чорлар,
Бахт, муҳаббат, дўстлик қуёши
Қалбимизга нур сочиб порлар.

8 февраль, 1962 й.

СЕНИНГ МАДҲИЯНГ

Бугун баҳор, ям-яшилдир дарёлар бўйи,
Табиатни улуғлайди қушларнинг куйи.
Бугун улуғ шодиёна — «Ҳамза»нинг тўйи
Бугун ҳар бир санъаткорнинг орзуси, ўйи —
Халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлиш,
Буюк ишда халқимизга мададкор бўлиш.
Сазоворсиз чуқур ҳурмат, олқишга дўстлар,
Ургандингиз юлдуз бўлиб болқишга, дўстлар.
Москванинг тарбияси куч берди сизга,
Жило берди, равнақ берди санъатингизга.
Ҳар бирингиз саҳнамизда бир хушхон булбул,
Ҳатто баҳор сизга атаб қучоқ-қучоқ гул —
Келтирмишдир. Севгингиз зўр ҳар бир пок дилда.
Таърифингиз, тавсифингиз такрордир тилда.
Қирқ йил халққа садоқат-ла хизмат қилдингиз.
Халққа хизмат — улуғ шараф-шон! — деб билдингиз.
Партиянинг ғоясидан илҳом олдингиз,
Коммунизм севгисини дилга солдингиз.
Шукур Бурҳон, Олим Хўжа, Лутфулла, Наби,
Обид, Сайфи, Шариф, Амин, Саъдихон каби
Санъаткорлар санъатига қойилмиз кўпдан.
Ва уларни олқишлашга мойилмиз кўпдан.
Сора, Зайнаб, Марям, Яйра, Замира, Тошхон
Томошабинларимизнинг оғзида дoston.
Модомики, бугун элда тўю тантана.
Ҳурмат, севги билан тилга олинур яна:
Ҳамза бошлиқ Уйғур, Ятим, Миршоҳид, Аброр,
Ҳожи Сиддиқ, Исомовдек ўнлаб санъаткор.

Маъсумани, Марияни, Гурсунойни ҳам
Ўдидан ҳеч чиқармас халқ! Халқимиз хуррам —
«Ҳамза»сининг балоғатга эришганидан,
Ўш наслнинг шу боғдан гул теришганидан.
Ҳа, «Ҳамза»миз зўр, ҳаётбахш санъат ўчоги,
Истеъдоднинг, камолотнинг гуллаган боғи.
Босиб ўтган йўли унинг тўлиқдир шонга,
Санъатимиз шуҳратини ёйди жаҳонга.

У тарбия гулшанидир, ҳаёт мактаби.
У ўзида акс этади бир кўзгу каби —
Давримизнинг барча мумтоз фазилатини,
Наслимизнинг ижод, меҳнат, саодатини.
У бир олтин саройдир санъатимизнинг.
У кўркимиз, ғуруримиз, фахримиз бизнинг.

Бугун баҳор, ям-яшилдир дарёлар бўйи.
Бугун санъат диёрида «Ҳамза»нинг тўйи.

21 март, 1962 й.

ДУСТЛИК ҚУШИҒИ

Ёру биродарлик, меҳру оқибат,
Ҳамкорлик, бирдамлик кўп яхши одат.
Дўстлик энг инсоний фазилат бизда,
Бизнинг қудратимиз дўстлигимизда.

Туркман, тожик, ўзбек, қирғизу қозоқ,
Бир ака-укадай, меҳрибон, иноқ.
Ҳаммаси жонажон, бари иттифоқ.
Бари бир мактабдан олмишдир сабоқ.
У мактаб Россия, Ленин мактаби!
Қуёшдан нур эмган чечаклар каби —
Очилди, яшнади элатлар, эллар.
Шонли иш йўлида боғланди беллар.
Улуғ рус оғадан миннатдор бари!
Партия кўрсатган истиқбол сари
Дадил қадам ташлар — бир жону бир тан.
Бирининг ватани барига ватан.
Бирининг бойлиғи барига давлат.
Бирининг жамоли барига савлат.
Бирининг бахтидан бари бахтиёр.
Ҳа, дўстлигимизда катта ҳикмат бор!

Борадиган манзил, қиладиган иш
Барига баробар, барига таниш.
Бирга пахта экар, бирга қазир кон
Чўлларни бирликда қилмоқда бўстон.

Бирга дон сочади далага, қирга,
Яйловда қўйлари қўзилар бирга.
Бирга кишнашади тойлари тоғда,
Булбуллари бирга сайрашар богда.
Бирга сув ичади Амудан, Сирдан,
Бирга баҳраманддир қуёшдан, нурдан.
Барча нозу неъмат, давлат ўртада.
Барча шону шараф, ҳурмат ўртада.
Барча ижод, меҳнат, роҳат ўртада,
Муҳаббат ўртада, ҳиммат ўртада.
Дўстликни улуғлаб жаранглар куйлар,
Ўртоқ меҳнат билан юксалар уйлар,
Дарёлар бўғилиб, нур берар элга.
Халқимиз қарамай ёмғиру селга,
Ғалаба қозониб меҳнат жангида,
Табиатга жило берар янгида.

Энг эзгу фазилат инсонларга хос,
Дунёда қардошлик, тинчликка асос,
Юксалишимизга бахш этган суръат,
Биздаги матонат, биздаги журъат,
Донгимизни ёйган бутун жаҳонга,
Сазовор айлаган мислсиз шонга,
Бизга қанот боғлаб юлдузлар сари
Биринчи навбатда учирган — бари
Яна ўша дўстлик, ўша мурувват.
Дўстликда биздаги туганмас қувват.

Агар тумшуқ суқиб Ватанга биров,
Атом қуролини ишга солиб ёв,
Зуравонлик қилиб, дўқ уриб бизга,
Тинч меҳнатимизга, тинчлигимизга,
Уруш билан халал бермоқчи бўлса,
Бизга қарши қалби заҳарга тўлса,

Озодлик нуридан баҳраманд халқлар.
Ёвни енгиб келган қаҳрамон халқлар
Таянтириб қўяр тавбасига хўп!
Жаҳонда тинчликнинг тарафдори кўп.

Совет халқимизнинг буюк ишида,
Улуғ коммунизм қурилишида,

Барининг ҳам қўшган зўр ҳиссаси бор,
Ўша ҳисса билан бари бахтиёр.

Ёру биродарлик, меҳру оқибат,
Ҳамкорлик, бирдамлик кўп яхши одат!
Дўстлик энг инсоний фазилат бизда,
Бизнинг қудратимиз дўстлигимизда!

9 апрель, 1962 й .

ГУЗАЛ МАЙ

Шу гуллаган гузал Май
Келажакнинг тимсоли.
Баҳор каби яшнади
Халқимизнинг иқболи.

Шу иқбол деб, шу бахт деб
Халқимиз кирди жангга.
Шарафли меҳнат билан
Қудрат бердик Ватанга.

Гуллаган Ватанимиз
Машъал эрур жаҳонга.
Ҳаётимиз, ишимиз
Тўлиқдир шараф-шонга.

Шу бахт учун туну кун
Хушёр боқар кўзимиз.
Дўстлик эрур аҳдимиз.
Тинчлик — севган сўзимиз.

Бахтимизга чанг солиб
Хуруж қилса бирор ёв,
Газандадек янчилар,
Зарб берамиз беаёв!

Қўлимизда ҳилпирар
Ленин тутқизган байроқ.

Бу кунимиз порлоқдир,
Келажак ундан порлоқ,

Шу гуллаган гузал Май
Келажакнинг тимсоли.
Бизнинг қўлимиздадир
Кишиликнинг иқболи.

27 апрель, 1962 й.

КУКЛАМ ГУЛ КЕЛТИРДИ

Бугун шодлигимнинг поёни йуқдир,
Баҳор гул келтирди шонли туйимга.
Майнинг таровати, ҳуснига боқсам,
Тинчлик ва бахт келур доим уйимга.

Ҳа, тинчлик бўлмаса яшамоқ мушкул,
Ҳа, тинчлик бўлмаса фароғат ҳам йуқ.
Тинчлик барҳам топса гул ҳам очилмас,
Осойишталиксиз балоғат ҳам йуқ.

Кунгил яйрармиди тинчлик бўлмаса,
Кушлар сайрармиди тинчлик бўлмаса?
Шарқираб оқувчи кумуш ирмоқлар,
Ҳосилга бой боғлар, зилол япроқлар,

Қумурсқадан тортиб барча жонивор,
Нурга интилувчи ҳар нарсаки бор,
Бари тинчлик истар, ҳаётга ташна!
Тинчлик саодатга туганмас чашма!


Самонинг сирини билмоқлик учун,
Чулларни сирини билмоқлик учун,
Йахонга бахт нурин таратмоқ учун,
Табиатни қайта яратмоқ учун,

Режаларни барпо этмоқлик учун,
Шонли келажакка етмоқлик учун,

Бизга тинчлик керак, мустаҳкам тинчлик!
Инсон ҳаётига таянч ҳам тинчлик!

Элда Май байрами — тинчлик байрами!
Бу байрам сақланур, гуллайди олам!
Тунчлик бўстонида жилва кўргазган
Ўлкамнинг баҳори нақадар кўркам!

28 апрель, 1962 й.



ХИРОСИМА ТАКРОРЛАНМАСИНИ

Хиросима такрорланмасин!
Мумкин эмас такрорланиши!
Инсоният хулқига хилоф
Гудакларнинг ўтда ёниши!

Ўйнамоқчи бир гала аблаҳ
Миллионларнинг тақдири билан.
Йўл қўймаймиз — инсонмиз ахир!—
Мажақланур заҳарли илон.

Тинчлик учун кураш ҳамманинг,
Ҳамма халқнинг муқаддас иши.
Адашади бу улуғ ишдан
Мен четда деб ўйлаган киши.

Бетарафлик кетмас бу жангда!
Бетарафлик, четда қолиш йўқ!
Сенга ҳам, менга ҳам, унга ҳам таҳдид
Ўтилишга тайёр турган ўқ!

Ракеталар, атом туфайли
Энди кичик каттакон олам.
Бомба тушса унинг уйига
Омон қолмас сенинг уйинг ҳам.

Битта бошга тушган мусибат
Бошқага ҳам етиши мумкин.

Бирор ерда бошланса ёнғип
Бошқа ёққа ўтиши мумкин.

Юз бермасин даҳшат десангиз
Қотилларнинг боғланг қўлини!
Кул бўлмасин десангиз жаҳон
Бомбаларнинг тўсинг йўлини!

Бетарафлик, четда қолиш йўқ!
Ҳамма бир тан бу улуғ жангда.
Тинчлик учун кураш ғояси
Чечак отсин юракда, онгда.

Хиросима такрорланмасин!
Мумкин эмас такрорланиши.
Кишилиқнинг ахлоқига ёт
Гўдакларнинг ўтда ёниши!

18 июль, 1962 й.

ФАН ЙЎЛИДА

*Майор Николаев билан подполковник
Поповичнинг парвозига бағишлайман.*

Парвозидан космонавтларнинг
Таажжубга тушади киши:
Бажарилди улар туфайли
Тўрт кунда тўрт асрнинг иши.

Ха, фазога ўйнашиб эмас,
Ишлагани шайланиб чиқди.
Фан иши деб Ер атрофини
Олтмиш карра айланиб чиқди.

Икки миллион километрлик
Масофани тўрт кунда босиш,
Фан йўлида бебаҳо меҳнат!
Фан йўлида мардонавор иш!

Фанга хизмат ҳатто уларнинг
Ухлаши ҳам, дам олиши ҳам.
Вақти билан таом сўйиши,
Сузлаши ҳам, жим қолиши ҳам.

Ха, ҳақиқий меҳнаткаш улар,
Дайди сайёҳ, «бизнесмен» эмас.
Инсонга бахт берувчи ишдан
Бўлак ишни улар иш демас.

Минг офарин уларга, янги
Хисса қўшиб илмга, фанга,
Гир айланиб чексиз фазони,
Қайтиб тушди шонли Ватанга.

15 август, 1962 й.

ШИНАВАНДАЛАР

(Ўртоқлик ҳазили)

Павел Попович ҳам, Николаев ҳам
Футбол ўйинини яхши кўради.
Ҳатто фазода ҳам катта ўйиннинг
Оқибатларини Ердан сўради.

Хурсанд бўлишдилар Ердан фазога —
«Шахтёр» зафаридан келганда дарак.
Шинавандаларнинг кўзига Ой ҳам
Бир кумуш тўп бўлиб кўринса керак.

15 август, 1962 й.

ҲИМОЛОЙ

Пастда қолиб кетди юксак Ҳимолой,
Мен ундап неча бор юксалиб учдим.
Инсон қудратига қойил бўлиб у
Кумуш табассум-ла қарар эди жим.
 Ҳа, мени юксалган инсон қудрати,
 Илму фан: идрокнинг кучи бор «Ту»да!..
 Кумуш чўққиларнинг ҳуснига боқиб,
 Фазода сайр этдим мамнун, осуда.
Ҳимолой тоғларнинг баланд чўққиси!
Мавжудотнинг эса чўққиси инсон.
Тарих, замон, ҳаёт она табиат
Инсонлар туфайли қозонолди шон!
 Инсоннинг қисмати юксалиш! Уни —
 Тубанга тортганлар беҳаё, олчоқ!
 Уруш инсон учун тубанлик, ваҳшат!
 Ҳозир юлдузларга учадиган чоқ.
Юксалишни ўйлар ҳақиқий одам.
Ҳа, космонавтларда оламнинг кўзи.
Дунёни гуллатиш, юксалиш, балқиш,
Фазони забт этиш — шу бахтнинг ўзи!
 Юксакда учаман, пастда Ҳимолой,
 Кумуш табассум-ла боқади менга!
 Инсон идрокининг қудрати, кучи,
 Истиқболи гоят ёқади менга.

*Карачи — Ялта.
27 сентябрь, 1962 й.*

ЧОДИР ЕПИНГАН АЁЛГА

Салом келтирувдим ўзбек қизидан,
Қандай топшираман? Юзингда парда!
Ёмон ният билан қарасам ўлай,
Азизим, беҳуда қилмагин зарда!

Ҳақиқатан сенга озод синглингдан
Салом келтирганман, азизим, ишон!
Афсуски юзингни бекитмиш чодир,
Бу бахтсизлигингдан, қулликдан нишон!

Оқ чодиринг худди кафанга ўхшар,
Кафан эса берар ўлимдан дарак.
Юзингдаги парда кул бўлиб ёнсин!
Гул юзингга шуъла тушмоғи керак!

Баъзилар элингни озод дейдилар,
Озодлик қаерда қул бўлса аёл?
Аёллар қафасдан бўшалмас экан,
Озодлик деган гап қуруқ бир хаёл!

*Карачи — Ялта.
Май — октябрь, 1962 й.*

БУЛБУЛ

Илк саҳарда сайраб мени уйғотган
Қайси булбул эди? Хабар бер, сабо!
Хайрли сафарда мени кузатиб
Тошкент боғларидан келганми ва ё?

Ва ёким, қайтадан тирилиб Ҳофиз
Девонидан учиб чиққанмикан?— Айт?
Тонг бўзариб келар, тўлғанар гуллар,
Булбул хониш қилар... шоирона пайт!

Бу шоирона пайт, бу эзгу дамда
Қасрдалигимни унутдим бир оз.
Мени мафтун этган болалигимдан
Ўша булбул товуши, ўша жўшқин саз!

Ўша табиатнинг мангу ҳофизи
Ҳаяжон қўзғатиб келмоқда қонда.
Севги қоплагандай бўлар дунёни
Муҳаббат куйчиси куйлаган онда...

Карачида эдим, меҳмон тарзида,
Булбул хониш қилган ўша саҳарда.
Мен учун кўп нарса янги, бегона,
Кўп нарса нотаниш бу ёт шаҳарда.

Аммо булбул товуши шу қадар таниш,
Шу қадар ёқимли, кўнгил яйрайди!

Булбул барчага тенг, ҳаммага яқин,
Булбул ҳамма ерда бир хил сайрайди.

Рухни юксалтирар тотли овози,
Булбулни ҳамманинг севиши шундан.
Ҳаётга иштиёқ орттирар сайраб —
Ибрат олса арзир шоирлар ундан.

Булбул нагмасининг мафтунлари кўп,
Мен ҳам у куйчининг битта гадоси.
Ўқ овози битсин дунёда буткул,
Абадий яшасин булбул садоси.

*Карачи — Ялта,
Май — октябрь, 1962 й.*

ШАҲРИНГГА ЙЎЛ ОЛДИМ

Файз Аҳмад Файзӣ

Шаҳрингга йўл олдим сени кўргали
Шодликдан ҳаяжон кезар қонимда...
Шубҳага тушмасин баъзи жаноблар,—
Портловчи модда йўқ чамадонимда.

Юким фақат китоб: Ҳамзанинг шеъри.
Навоий достони, Бобир ғазали.
Кўп хурсанд бўлардим бу шеъриятдан
Баҳраманд бўлолса Лоҳур гўзали.

Кўнглимда муҳаббаг, дўстлик туйғуси
Тошкент руҳи кезар қалбимда ҳамон.
Уруш деганларнинг овози ўчсин!
Тинчликни тақозо қилади замон.

Истардим дунёда қон тўкилмаса,
Оналар куймаса фарзанд доғида,
Давом этса тинмай мушоирамиз,
Тошкент гулзорида, Лоҳур боғида.

Доим осойишта чаманлар ичра
Роҳат бағишласа булбуллар саси.
Ҳаяжон уйғотса қалбларда мудом
Лаблар табассуми, юзлар жилваси...

Ёмон одамлар бор, қора ниятли,
Иғво қилар улар бизга нисбатан.

Ишон, ёмонликни раво кўрмайди,
Кукка космонавтлар учирган Ватан.

Ёмон одам бўлар, ёмон халқ бўлмас,
Ҳамма халқ ҳам ҳурмат, севгига лойиқ.
Бахт, севги, қардошлик инсонлар аро
Ҳукмрон бўлсин дер барча халойиқ.

Халқингга нисбатан севгимиз шундан.
Ўафокаш, меҳнаткаш халқингга салом!
Халқлар орасида ҳамкорлик, дўстлик,
Тинчлик ривож топсин, ҳулласи калом.

Лоҳур — Ялта,
Май — октябрь, 1962 й.

ҚУЁШ БОТАР ЧОҚДА...

Қуёш ботар чоқда Тарқоқ булутлар,
Шоҳига, атласга айланар нурда.
Кимхоб тушалгандай булар денгизга,
Тулқинлар товланар минг алвон турда.

Кумуш тулқинларда кечки қуёшнинг
Шуъласи гоҳ ёниб, гоҳ учиб уйнар.
Гуёки ҳисобсиз олтин капалак,
Чаманга гоҳ қуниб, гоҳ учиб уйнар.

Бу гузал манзара мафтун этади,
Асло ололмайман қушимни ундан.
Гузаллик эзгу ҳис уйғотар менда,
Табиатга ошиқ бўлишим шундан.

11 октябрь, 1962 й. Ялта.

АНЧА БУЛДИ...

Анча булди кунгил худди кузини
Қум босган булоқдек, жим эди ва лол.
Шеър ёзиш қайда, ҳаттоки қўлга
Қалам олишлик ҳам келарди малол.

Мана, энди бирдан жуш уриб кунгил,
Булоқдек қайнади, тўхтатиб бўлмас.
Гуё қалб айланди бир олтин хумга,
Шеърый жавҳарларга энди ҳеч тўлмас.

Майли, ҳаёт экан шоир, кунглининг
Қийнагани яхши, жушгани яхши.
Майли, тинчимасдан сахий илҳомнинг
Мисраларга мисра қўшгани яхши.

9 октябрь, 1962 й.

ИЛҲОМ

Янги бир шеърни тугатган эдим,
Иккинчиси келиб эшикни қоқди.
Илҳом деганлари шу бўлса керак,
Мисралар қалбимга сел бўлиб оқди.

Шеър бошлаб келар сонсиэ шеърни,
Турналар учгандай баҳор пайтида.
Илҳом учиб келар бол арисидек,
Худди бол ётгандек, шоир байтида.

Менга қувват берар, ҳаёт бағишлар,
Бу жўшқин шеърият, бу тугён, бу сел.
Бахтиёр бўлардим шеъримдан агар,
Озгина бўлса ҳам баҳра олса эл!

Ялга, 9 октябрь, 1962 й.

ҲИНД РАҚҚОСАСИГА

Бир кўрдим саҳнада, биргина кўрдим,
Аммо эсда қолдинг бутун умрга.
Оймисан ҳинд қизи, ё қуёшмисан?
Бир боқиб қалбимни тўлдирдинг нурга!

Дунёда шубҳасиз, гўзаллар кўпдир,
Аммо сендақаси камдан-кам бўлур.
Сенинг жамолинига тенглашмоқ учун
Минглаб гўзалларнинг ҳусни жам бўлур,

Уша, Фурқат айтган «Қамар сиймо»сан,
Ҳусну латофатда келмиш омадинг.
Қузаларинг бир олам, юзинг бир жаҳон,
Таърифга сизмайди қадду қоматинг.

Хаяжонга тушиб Шарқ шоирлари
Минг йил тавсиф этган соҳибжамолсан,
Сарви хиромонсан, офатижонсан,
Сузалари шакарсан, лаблари болсан!

Лабдаги табассум, кўздаги ишванг
Тошни эритарлик қувватга эга!
Ахир мен инсонман, тош эмасман-ку,
Санъатингни кўриб эримай нега?

Эрдим! Эритдинг қуёш бўлиб сан,
Ва ёдимда қолдинг бутун умрга.

Бир жилва қилдингу тўлдирдинг шу он,
Қалбимни севинчга, кўзимни нурга!

Умримда бир марта учратдим сени,
Яна кўраманми, йўқми — муаммо.
Бир кўриш билан ҳам сендай гўзални
Жуда бахтиёрман, азизим... Аммо —

Қайта-қайта кўргим келади, сўзла,
Сеҳрлаб олдингми тушиб ўйинга?
Улуғ ҳамсоянинг раққоса қизи
Садаға бўлайин баста-бўйингга!

О, ҳинд раққосаси, о ҳинд гўзали,
О, ғунча лаблигим, ширин сўзлигим,
Сени етиштирган халқингга балли!
Санъатингга балли, оҳу кўзлигим!

Санъатинг гўзалдир, ўзинг гўзалсан.
Гўзалликка эса ўч бўлар шоир,
Гўзалим, бу севги ҳаммадан бурун
Санъатингга доир, халқингга доир!

1962 й. Деҳли — Тошкент.

ҚИРҚ БАҲОРНИНГ ЖАМОЛИ

Қирққа кирган қирчиллама навқиронсан, Ватаним.
Жамолнингда қирқ баҳорнинг жамоли бор, кўрки бор,
Дустанк, севги булогидан қона-қона шимириб.
Қучоғинида камол топган қардош халқлар бахтиёр.

Минг йиллардир орзу қилиб келди сени инсонлар,
Сени уйлаб улуғ Маркс ухламаган тунлари.
Буюк Ленин сургунларда юриб сени уйлаган,
Халқ сени деб жангга кирган улуғ айём кунлари.

Ҳа сени деб Октябрда қурбон бердик, қон-тукдик,
Покиза қон ва қурбонлар беҳудага кетмади:
Сен туғилдинг! Ёвлар сени йўқ қилай деб уринди,
Аммо ҳар гал мажақланди, ниятига етмади.

Сен туғилдинг ва улғайдинг, бахтимизга, кун сайин,
Мана, энди, кишилиқнинг ифтихори, фаҳрисан.
Ҳеч бузилмас пулат қўрғон, қалъасисан тинчликнинг,
Бахт ва нажот манзилсан, эзгуликнинг баҳрисан.

Худди қуёш юксалгандай сен ҳам болқиб юксалдинг,
Сен таратган ёруғ нурдан олам бўлди мунаввар.
Ҳилпирашиб Ленин берган машҳур Қизил байроқни
Улуғ, шонли йўлдан ўтдинг мардонавор, музаффар.

Қирқ баҳорга хусн бўлар яшнаб турган чаманинг,
Қирқ асрнинг қудрати бор қудратингда, азмингда.

**Хаётимиз, толеимиз, тинчлигимиз сен билан,
Бахтимизнинг таронаси қўшиғингда, назмингда.**

Тенг ҳуқуқли халқлар учун меҳрибон бир онасан,
Ҳалол меҳнат, хур ижоднинг, илму фаннинг конисан.
Сенда барча эзгу хислат, фазилатлар жамулжам,
Мангу озод халқимизнинг ғурурисан, шонисан.

Ишчиларинг бойлик қўшар бойлигинга беҳисоб,
Ботирларинг зўр жангларда енгиб келган қазони.
Деҳқонларинг оро берар пахта билан, дон билан,
Лочинларинг забт этмоқда поёни йўқ фазони.

Бошлаб бериб жаҳон ичра коммунизм асрини
Келажакка минг баҳорнинг кўрки билан кирасан.
Оламда сен мангу яшнаб, жилоланиб, нур сочиб
Минг йилларни ёритувчи қуёш бўлиб турасан.

24 декабрь, 1962 й.

БИР ГАЛА ОҚ БУЛУТ...

Бир гала оқ булут чўққидан ошди,
Енгил соя ташлаб тоғ сағрисига.
Гуё учиб борар оққув тўдаси —
Тушмоқчи бўлгандай денгиз бағрига.

Аммо тухтамасдан учиб кетдилар
Олтин уфуқ томон, жуда нарига.
Ботаётган қуёш нур тўкар эди,
Оққув — булутларнинг кумуш парига...

Юксакдан тубанга тушгилари йўқ,
Қўнишмади денгиз устига улар.
Узоқлашган сайин, юксалган сайин,
Олтин шуълаларга чўмилиб кулар.

*11 октябрь — 24 декабрь
1962 й. Ялта — Тошкент*

ХАЙР ДЕГАНИМ ЙУҚ...

Хайр деганим йуқ кетар чоғимда,
Кетиб буладими сендан узоқлаб?
Унутиб булмайди сени, неча бор
Роаҳт багишладинг мени ардоқлаб.

Сенда бир бор яйраб дам олган киши
Умрбод ёнингдан қайтиб кетолмас,
Сендан лаззат олиб одатланганлар
Бу одатни асло канда ётолмас.

Оромбахш бағрингни соғиниб, яна,
Сулим соҳилинга қайтиб келаман.
Кумуш тўлқинларнинг мадҳиясини,
Улмас қўшиғини айтиб келаман.

11 октябрь — 24 декабрь, 1962 й.
Ялта — Тошкент.

СОҲИЛДА

Анави, денгизга хаёлчан боқиб,
Соҳилда утирган ким бўлса экан?
Ишчими, олимми, билиб бўлмайди,
Дарҳақиқат билиш қийин дафъатан.

Кузида кузойнак, қулида китоб,
Эгнида покиза, бежирим либос.
Фикрлари теран суҳбати ширин,
Мулохазалари олимларга хос.

Олим деб ўйласам буларга қараб,
Ишчи бўлиб чиқди,— билибман кейин.
Бу замонда илғор ишчини, дустим,
Олимдан ажратиш жуда ҳам қийин.

Ишдагина эмас, дам олишда ҳам,
Ишчи билан олим ҳуқуқда бирдек.
Навбатдаги янги бир ихтирони
Ўйламоқда ишчи, хаёл суриб тек...

*11 октябрь — 25 декабрь, 1962 й.
Ялга — Тошкент.*

АЙ — ПЕТРИ

Ай — петри юксакда қуёшни кутиб,
Уфққа куз тикиб, утирар мағрур.
Унга олтин либос кийгизар ҳар гал,
Тонг чоғи оламга қуёш туккан нур.

У мартабасидан мамнундир, унга
Ҳасад билан боқар сойда ётган тош.
Чунки тубандаги тошга эмас, йуқ,
Аввал Ай — петрига нур сочар қуёш.

Бу табиий бир ҳол, чунки азалдан
Қуёш нур сочади юксакка аввал...
Бу фикр бошимга келди эрталаб,
Ай — петри шуълага бурканган маҳал.

11 октябрь — 25 декабрь,
1962 й. Ялта — Тошкент.

ШЕЪРИЯТ ЯШАЙДИ

Шеърият севгининг ифодасидир.
Шеърият яшайди севги бор экан,
Шеърият яшайди токи азалдан
Инсон юрагига севги ёр экан.

28 февраль, 1963 й.

ЧЕЧАКЛАР ТЕРСАК

Демьян Бедныйга

Шеърий жавҳарларнинг олдида олтин,
Оддийгина маъдан, бир темир-терсак.
Безаган булардик шеърий чаманни
Унинг бустонидан чечаклар терсак.

6 март, 1963 й.

ҚИРҒОҚҚА КЕЛДИММИ...

Қирғоққа келдимми қараб турмасдан,
Ўзимни денгизга отаман дарҳол.
Денгиз ҳам қўйнида яйратар мени,
Дегандай:— Шифобахш бағримда дам ол!

Буйнимдан қучоқлаб майин тўлқинлар,
Ўйнаб бир-бирини қувиб кетади.
Бир зумда оромбахш, шифобахш сувлар,
Бутун ҳордиғимни ювиб кетади.

Армонсиз чўмилиб, денгиз бағридан,
Меҳнатга шайланиб чиқаман яна.
Шеърят боғига дадил кираман,
Ижод майдонида яна тантана!

*11 октябрь, 1962 й.—21 март, 1963 й.
Ялта — Тошкент.*

ДЕНГИЗ

Мен баъзан соҳилда ўтириб танҳо,
Денгизни томоша қиламан узоқ.
Тўлқинлар рақсига маҳлиё бўлиб,
Шовқин-суронларга соламан қулоқ.

Бушовқин минг йиллар, миллион йилларким,
Давом этар, яна давом этади.
Чарчамас денгизнинг улур қўшиғи
Миллион йиллардан ҳам ўтиб кетади..

Баъзан чопиб келиб кумуш тўлқинлар
Марварид тўр ёяр жигар ранг қумга.
Сўнгра шалдиратиб майда тошларни,
Чекинар, сўнг яна ўтар қужумга...

Бу ўйин кўп узоқ давом қилади,
Мени мафтун этиб, мени сеҳрлаб.
Гоҳ денгиз наърадан тўхтаб, ювошиб,
Эртак сўзлагандай бўлар шивирлаб...

Гоҳ ел тўлқинларни қамчилаб, саваб,
Қаҳру ғазаб билан қирғоққа қувлар.
Тошларга урилиб, сапчиб, қуёшда
Сонсиз инжу бўлиб ёнади сувлар...

Йўлбарсдек ўкириб, шердай бўкириб,
Қояга ташланар баъзан қутуриб.

Бу ўйин, бу шовқин, бу зўр қудратни
Томоша қиламан танҳо ўтириб.

Кулмак сувлар каби сасиб қуримас,
Ҳеч вақт гузалликдан аримас денгиз.
Доим ҳаракатда, ғайратда, ишда,
Шу сабаб ҳеч қачон қаримас денгиз.

9 август, 1961 й.—22 март,
1963 й. Ялта — Тошкент.

ГУЗАЛ ҲИНДИСТОН

Гузаллигинг аввалдан дoston эрур оламга,
Ҳақиқатан гузаллик жилва қилур ҳар ёнда.
Обидалар, қасирлар, саройларинг чиройли.
Табиатинг товланиб шавқ уйғотар инсонда.

Аммо кучаларингда очлар кезиб юрибди,
Гузал улка ҳуснингни очлик бузиб турибди.

Май, 1962 й.— март, 1963 й.
Дехли — Тошкент.

ТИЛАНЧИ

Сочи оқ, юз эса қорайиб куйган
Бардош беролмасдан қуёш таптига.
Ҳар ўтганга қараб қўл чузади чол,
«Бахшиш» ташлаб ўтдим суяк кафтига.

Кузида изтироб, юзида нола,
Очлик таҳдидидан қутулмас бир зум.
Билмадим, умрида бу шўрлик юзга
Бир гал қўнганмикан шодлик, табассум?

*Май, 1962 й.— март, 1963 й.
Деҳли—Тошкент.*

КАРИДОР

Савдогар харидор йўқ деб нолийди.
Дарвоқе дўконда чириб ётар мол.
Дод деганича бор: нозу неъматлар
Ачиб-чириб ётса, албатта увол.

Кун бўйи дўконда пашша қўриб, бой
Харидор кутади, икки кўзи лўқ.
Харидор йўқ эмас, харидор сонсиэ,
Аммо харидорда мутлақо пул йўқ!

*Май, 1962 й. — март, 1963 й.
Деҳли — Тошкент.*

ОЧ БОЛАЛАР

Болалиги қани бу болаларнинг?
Қаёққа йўқолган ўйин-кулгиси?
Туғилгандан бери оч эмиш булар,
Нон бошқаларга-ю, буларга — иси!

Қул-оёқ ўрнида қора суяклар,
Қилтириқ бўйинлар, чақчайган кўзлар.
Эртадан кечгача ахтаришар нон,
Тиллар фақатгина «бахишиш»дан сўзлар.

Наҳотки умрбод шодлик кўрмаса?
Наҳст қисматлари фақат очлик, ғам?
Буларнинг бахтини ким ўғирлаган?
Мистерми? Соҳибми? — Иккаласи ҳам!

*Май, 1962 й. — март, 1963 й.
Деҳли — Тошкент.*

ДЕМЬЯН БЕДНИЙГА

Камтарин ном қўйди «Демьян Бедний» деб,
Аммо шеъриятда жуда бой эрур.
Шеърият кўкида парпираб ёнган
Сунмас қуёш эрур, порлоқ ой эрур.

Дунёнинг бойлиги етмас мутлақо.
Унинг бойлигини ўлчамоқ учун.
Уни ўқи, дўстим, билмоқчи бўлсанг,
Шеърият қудратин, шеърнинг кучин,

У жангчи шоирдур отган «ўқини»
Мергандай мўлжалга теккиза олган.
Унинг шеърлари бомбадай портлаб,
Душманлар қалбини ларзага солган.

Улуғ шеърияти улуғ даврнинг,
Октябрь қўшиғин жаранглатган соз.
Бизнинг шеърда ҳам у шеъриятнинг
Кучи, илҳоми бор, ҳаётбахш, мумтоз.

Томлари шеърият хазинасида
Қуйма олтинлардай қатор турибди.
Бизни жангга чорлаб жанговар шеъри,
Ҳаёт бўстонида кезиб юрибди.

7 апрель, 1963 й.

ШОДЛИК КУЙЧИСИ

Ғафур Ғуломга

Замон олиб кетди ёшлигимизни,
Аммо қаримадик, қаримаймиз ҳам.
Ҳавас билан сенга зеҳн соламан
Оёқ олишларинг ҳали ҳам бардам.

Ҳали ҳам фалакка етар қаҳқаҳанг,
Қўлда асо эмас, жанговар қалам.
Шодлик ҳамроҳ бўлди қутлуғ сафарда,
Йўлда оч бўридай эргашмади ғам.

Ғам нима, ўтмишда қон йиғлаб ўтган
Фурқатдан сурашсин, айтиб беради.
Бизнинг замонамиз шундай замонки,
Ўтган ёшликни ҳам қайтиб беради.

Сенинг ўзинг, шеъринг бунга бир мисол,
Бахтинг ва шодлигинг оламга сиғмас.
Минглаб ёш авлодга етар улашса
Сендаги шавқу завқ, сендаги ҳавас.

Шодлик давримизнинг, ҳаётимизнинг
Замирида ётган қудрат, фазилат.
Истиқболимиз ҳам шодликка тўла,
Шеъримизга шодлик бахш этди зийнат.

Шодлик куйчисисан, бахт булбулисан,
Айни авж пардада жаранглар созинг.

Шеърӣ ансамблда яккахон бўлиб
Баралла янграйди сенинг овозинг.

Сени шоир қилган Ленин гоёси,
Сенга илҳом берган партия сўзи.
Шеърингдаги теран фикрлар, уйлар
Ҳаётдан олинган, ҳаётнинг ўзи.

Шеърингда Амунинг қудрати, Сирнинг
Шукуҳи, Зарафшон жилваси бордир.
Халқнинг ҳурматиға сазовор бўлган
Сен каби шоирлар кўп бахтиёрдир.

Улуғ айёмингда дўстларинг тилар
Қаламинга қудрат, кўзларингга нур,
Ажойиб. оташин шеър учун раҳмат!
Кам бўлма, умрингга қўшилсин умр.

17 апрель, 1963 й.

ЕРУҒ ЮЛДУЗ

Космонавт
Валентина Владимировна
Терешковага

Бутун дунё оёққа туриб
Сенга олқиш айтаётган пайт,
Қай юлдузга ўхшатай сени?
Зуҳрагами? Ё Ойгами? — айт!

Йўқ, ўзинг бир ёруғ юлдузсан,
Кўкка учган Совет еридан.
Бир юлдузки, яралган халқнинг
Меҳнатидан, кумуш теридан.

Бир юлдузки, халқнинг севгиси,
Қудратидан нур олиб, порлаб,
Йилоланиб кўкка юксалган
Аёлларни мардликка чорлаб.

Минг асрни ёритиб турар
Сендаги нур, сендаги чирой.
Ўзалликда сенинг олдингда
«Ип эшолмас» Зуҳра билан Ой!

Бир барқ билан чақмоқ сингари
Нурга кўмнинг оламини дарҳол.
Минг офарин, мардлик бобида
Зўр мўъжиза яратган аёл.

Сендай асл фарзанд туфайли
Ўрурланур миллионлаб она.
Сенинг дадил парвозинг билан
Башарият юксалди яна.

16 июнь, 1963 й.

КОММУНИСТЛАР КОСМОСДА

Коммунистлар космосда, бу сўз
Жавоб берар барча саволга.
Коммунистлар бошлаган ҳар иш
Учрамайди асло заволга.

Эски дунё қоронғиликда
Нима деса деб ётар, майли.
Коинотда коммунистларнинг.
Ғолибона бошланди сайли.

Коммунистлар бу соҳада ҳам
Ҳар галгидай ғолиб чиқдилар.
Кишиликнинг бахтини кукка
Байроқ қилиб олиб чиқдилар.

19 июнь, 1963 й.

ЛЕНИН БАЙРОҒИ

Партиямизнинг 60 йиллиги

Қаҳрамон халқимизга илҳом берди
Ҳонажон доҳий Ленин — улуғ падар.
Ҳангларда ғолиб чиқиб, ўлкамизни
Кутардик қолоқликдан кўкка қадар.

Ҳаҳонда тинчлик, бахтнинг гаровидир,
Эркесвар, қудрати зўр давлатимиз.
Космонавтлар учирдик коинотга,
Оламга чирой бўлди савлатимиз.

Бахт учун, тинчлик учун зўр курашда
Ер билан яксон булур ҳар қандай ёв.
Ҳамламиз, иродамиз қаршисида
Кул булур йўлимизда учраган ғов.

Раҳнамо улуғ Ленин партияси
Халқимиз бораётган нурли йўлда.
Доимо инсонларни бахтга чорлаб
Ҳилпирар қизил байроқ бизнинг қўлда.

Бу байроқ қўлимиздан тушмас экан,
Ҳамма вақт бизга хизмат қилар замон.
Бу байроқ халқимизни коммунизм —
Асрига олиб борар эсон-омон.

27 июль, 1963 й.

ТОНГ ЎЛКАСИ, БАҲОР ЎЛКАСИ

Ўлкамизни баҳор ўлкаси,
Тонг ўлкаси дейдилар,— бу рост.
Ленин баҳор, тонгини ўйлаган,
Ўлкамизга солганда асос.

Тонгдай ёруғ, баҳордай гўзал,
Ватанимиз жаҳоннинг фаҳри.
Инсонларга ўлкамиз доим
Бахт булоғи, эзгулик наҳри.

Тонглиги шу:— нур сочар, қувлар
Ер юзидан зулматни буткул.
Баҳорлиги: кундан-кун яшнаб
Инсонларга тақдим этар гул.

Қучоғида гуллар саодат,
Меҳнат эса айланган шонга.
Дўстлик, мардлик, садоқат, вафо
Сингиб кетган идрокка, қонга...

Бутун кучи сафарбар унинг
Қурилишга, ишга қуришга.
Тинчлик учун курашар тинмай,
Ўл қўймайди асло урушга.

Бахтга асос, тинчликка гаров,
Ўлкамизнинг аэми, қудрати.

Жаҳон буйлаб космонавтларнинг
Учиб юрар сўнмас шуҳрати.

Эски дунё олдида ўхшар
Ватанимиз новқирон ёшга.
Бизга қарар эрк истаганлар
Қарагандай тонгда қуёшга.

Партиянинг улуг режаси,
Ҳусн қўшар ҳуснига яна.
Улкамизда тонгдай ёришиб
Коммунизм қилур тантана.

4 август, 1963 й.

УЛМАС МУҲАББАТ

Сочларинг оқ, аммо ҳали ҳам
Муҳаббатдан сўзлайсан, дединг.
Хуш, сен ўзинг қачондан бери
Муҳаббатдан воз кечган эдинг?

Севги қалбга умрбод йўлдош.
Муҳаббатдан воз кечиб бўлмас.
Ҳаётимнинг мазмуни сеvgи,
Қалб тепаркан — муҳаббат ўлмас.

Севгисиз қалб — эгаси йўқ уй.
Севгисиз қалб — вайрона бўмбўш!
Муҳаббатдан ажралган юрак
Юрак эмас, чорак қадоқ гўшт.

4 сентябрь, 1963 й.

* * *

Муҳаббат ҳақида айтилган шеър
Уни улуғлашга хизмат қилмаса,
Инсонга бахт берган буюк севгинини
Қудратини таъриф қила билмаса,
Қуруқ гап, беҳуда соврилган елга!
Қуруқ гап ҳеч қачон наф бермас элга!

5 сентябрь, 1963 й.

СЕВГИСИЗ БАХТ ЙЎҚ

Баъзи бир мунофиқ, «ишқи йўқ»ларнинг
Таъна, ифвосидан чўчима, жоним.
Инсоний муҳаббат садоқат, вафо
Сенинг ҳам шонингдир, менинг ҳам шоним.

Қулоқ сол, севгининг фазилатидан,
Қудратидан пича қилайин баён.
Севгисиз оила, севгисиз бахт йўқ.
Севгисиз ҳаёт йўқ,— ҳаммага аён.

Севгисиз яшашнинг маъноси йўқдир.
Севгисиз мақсадга етиб бўлмайди.
Севги билан барпо этилган бўстон
Абадий яшнайди, асло сўлмайди.

Севгисиз ижод йўқ, севгисиз иш йўқ,
Меҳнат замирида севги ётади.
Севги билан инсон юксалар мудом.
Севги билан толе тўнги отади.

Баъзи енгилтаклар хато ўйлайди,
Доя:— «Севги фақат бўсаю қучоқ!»
Севги онланинг асоси, жони
Севгисиз оила — оловсиз ўчоқ.

Севги «ўйин-кулки», «кўнгли очиш»мас,
Бахтли турмуш қуриш севгидан мурод.

Умринг беаги, дерлар, севгини,
Севиша билганлар бахтли умрбод.

Олтин фарқ қилади жездан, дейдилар,
Хирсу ҳавас севги эмас, албатта.
Инсонга бахт берур ҳақиқий севги,
Ҳақиқий севгининг маъноси катта.

Баъзи бир мунофиқ, «ишқи йўқ»ларнинг
Таъна, иғвосидан чўчима, жоним.
Инсоний муҳаббат, садоқат, вафо
Сенинг ҳам шонингдир, менинг ҳам шоним.

6 сентябрь, 1963 й.

Донишманд Аҳмад Шайхоннинг кўчма нусخаси
Донишманд Аҳмад Шайхоннинг кўчма нусхаси

МУҲАББАТИНГ БЎЛСА...

Муҳаббатинг бўлса пок сақла доим,
Тубанлик гардини қўндирма унга.
Хиёнат қотишса хиралашар у
Қора булут соя солгандай кунга.

Садоқат сувидан кукарган севги
Бахт маскани бўлган ажойиб бир боғ!
Севги севгиликдан чиқади дарҳол,
Ғараз, вафосизлик аралашган чоқ.

Севгингни пок сақла, севгингга ҳеч вақт
Ғараз, бевафолик аралашмасин.
Севгини муқаддас ҳисоблаганлар
Сени хиёнатда қоралашмасин.

6 сентябрь, 1963 й.

КҮНГИЛНИНГ НАҚШИ

Асл инсонки бор, унга хос севги.
Инсоннинг шаънига жуда мос севги.

Севги оламида «гул кўб, чаман кўб»¹
Ҳамма севги бирдек, ҳаммаси ҳам кўб.
Ватан севгиси ҳам, халқ севгиси ҳам
Бизнинг қалбимиздан жой олган маҳкам
Истиқбол севгиси, зафар севгиси,
Биз бошлаган улуг сафар севгиси,
Табиат севгиси, гулзор севгиси,
Дўсту ёр севгиси, дилдор севгиси,
Она муҳаббати, бола севгиси,
«Оқ олтин» ундирган дала севгиси,
Баҳор севгиси ҳам, ёз севгиси ҳам,
Ижод севгиси ҳам, соз севгиси ҳам,
Уз урнига эга юрагимизда.
Бари ҳам олий ҳис уйғотар бизда.
Бирини қоралаб, бирини оқлаш.
Бирини рад этиб, бирини ёқлаш,
Мутлақо нотўғри, ҳамма севги тенг!
Севгининг тури кўп, мазмуни ҳам кенг,
Ҳамма севги зарур, ҳаммаси яхши.
Муҳаббат, садоқат кўнгилнинг нақши.

9 январь, 1958 й.

17 октябрь, 1963 й.

¹ Навоийдан.

ЮЛДУЗ ЧАҚНАГАНДАЙ ҚОРОНҒИ ТУНДА

Юлдуз чақнагандай қоронғи тунда,
Чақнар кўзларингнинг қорачиғлари.
Қора кўзларингга асир бўлдим ёр,
Қалбимни тешмасин ҳижрон тиглари.

Мени бошлаб кириб севги боғига,
Қўлимга гулдаста тутқизганингда,
Хуснинг чирёғига парвона қилиб,
Севги шаробидан ютқизганингда,

Васлингга муяссар айлаганингда
Меҳру вафо гувоҳ эди ўртада.
Энди жудо қилма бу бахтдан мени!
Энди ҳажр ўтида мени ўртама!

Муҳаббат изҳор қил севгимга лойиқ,
Садоқат кўрсатгил садоқатимга.
Жоним, бевафолик, ҳижрон хиёнат
Завол еткизмасин саодатимга.

Қора кўзларингга тун чўккан каби,
Юлдуз бўлиб чақнар иккала гавҳар.
Қалб хазинасида мангу сақланур
Севги деб аталган бебаҳо жавҳар.

17 октябрь, 1963 й.

КЕЛАЖАК УТМИШДАН ГҶЗАЛ

Келажақ утмишдан гўзал дейдилар.
Нурли келажақда кўп булар тўйлар.
Келажақда ошар амалга, шаксиз,
Утмишда амалга ошмаган ўйлар.

Бора-бора ғараз, ҳасад, хиёнат,
Душманлик, ёвузлик унутилади.
Бора-бора севги, садоқат, дўстлик,
Қардошлиқ дунёни жаннат қилади.

Бора-бора жумла жаҳонда тамои —
Ёвузлик ўринни азгулик олур.
Гўзал келажақда ҳукмрон бўлиб
Қардошлиқ, муҳаббат ва дўстлик қолур.

17 октябрь, 1963 й.

РОССИЯ ҲАҚИДА

Қалбимни эзгу ҳис қоплаб олади,
Россия ҳақида лаб очсам сўзга.
Россия деганда она юртимнинг
Кўрки, салобати кўринар кўзга.

Иккинчи она тил бўлди биз учун
Шеърят доҳиси Пушкиннинг тили.
Улуғ Россияга нисбатан кўпдан
Севги билан тўлган халқимнинг дили.

Ака-ука бўлиб рус, ўзбек, қozoқ
Қучоқлашди бундан юз йил муқаддам.
Ушанда қардошлик қуёши балқиб,
Дўстлик оламида бошланди кўклам.

Ушанда тақдири халқларимизнинг
Боғланди чамбарчас, узилмас бўлиб.
Россия севгиси жуш урар дилда
Баҳор дарёлари оққандай тўлиб.

Равнақ, жило берди дўстлигимизга,
Октябрь қуёши, Ленин ғояси.
Бу дўстлик бор экан халқларимизнинг
Бошига тушмагай қуллик сояси.

Сафарда биргамиз, жангда биргамиз,
Зафар ҳам ўртада, шон ҳам ўртада.

Меҳнатда, ижодда биргамиз доим,
Бойлик ҳам ўртада, нон ҳам ўртада.

Бахтиёр халқимиз қутлуг сафарда
Ленин партияси раҳнамо бизга.
Дўстлар қаторида рус ҳам, ўзбек ҳам
Бирга киришади коммунизмга.

Қалбимни эзгу ҳис қоплаб олади
Россия ҳақида лаб очсам сўзга.
Россия деганда она юртимнинг
Жамоли, камоли кўринар кўзга.

18 октябрь, 1963 й.

ДАСТУРХОНДА ҚОЛДИ НОЗУ НЕЪМАТЛАР

Дастурхонда қолди нозу неъматлар,
Томоқдан ўтмади бир бурда нон ҳам.
Гуё Ҳиндистоннинг барча очлари
Кўз тикиб тургандай оғзимга шу дам.

Улар:— «Сен емоқчи бўлган таомда
Бизнинг ризқимиз бор!»— дегандай бўлар.
Улар:— «Сен туярсан ва лекин юзлаб
Гадо шу оғзиёқ очликдан ўлар!

Теримиз, ёшимиз, қонимиз билан
Йўрилган таомни емоқчимисан?
Фақатгина ўзим тўйсам кифоя,
Очлар, майли, ўлсин демоқчимисан?

Бизга бер, у таом бизники, меҳмон!»
Дегандай бўлади... Бир луқма ош ҳам
Томоқдан ўтмади, ҳисобсиз очлар
Менга термулишар, кўзларида ғам.

Тўқликдан ёрилай деб турган соҳиб,
Очлик азобини билмайсан!.. Толган,
Атрофда санғишиб юрган очларни
Қуравериб кўзинг ўрганиб қолган.

Бойлик, ҳокимият сенинг қўлингда,
Қорнинг тўқ, устинг бут, парвойинг фалак!

Атрофингда эса минглаб оч, гадо
Бир бурда нон учун саргардон, ҳалак.

Гадоларнинг тери, кўз ёши, қони
Пул бўлиб жаранглар ғаладонингда.
Соҳиб, сен зулуксан, оч болаларнинг
Сурилган қони бор сенинг қонингда!

Таажжуб, бу гузал; бу бой ўлкада
Соҳиблар сандиғи олтинга тўлар.
Кўчаларда эса ҳисобсиз гадо
Тупроққа бош қўйиб очликдан ўлар!

Дастурхонда қолди нозу неъматлар,
Томоқдан ўтмади бир луқма ош ҳам.
Гўё Ҳиндистоннинг барча очлари
Термулиб тургандай оғзингга шу дам.

*Май, 1962 й.—29 октябрь, 1963 й.
Деҳли — Тошкент.*

ҲАШАРЧИЛАР

Кеча ёмғир ёғди, уриниёз ёмғир,
Ўзаларни расо шалаббо қилиб.
Ўё ҳисоби йўқ совуқ томчилар
Ўтди юрағимни ханжардай тилиб.

Совуқ томчилардан киприккача ҳўл,
Ўё киприкларда қалтирайди ёш.
Марра яқин қолган, иш жадаллашган,
Ҳозир жуда зарур ҳарорат, қуёш.

Ҳозир рутубатнинг хонаси эмас,
Ҳозир ҳар туп ўза ҳарорат талаб...
Бугун қуёш чиқиб намни қуритди
Олтин тили билан баргларни ялаб.

Қуёшга ёрдамчи ва дастёр бўлиб,
Ўзани силкитиб сувни тўкар ел.
Ўё ҳашарлашар ел билан қуёш.
Бу ҳашарчилардан жуда мамнун эл.

29 октябрь, 1963 й.

О Ф А Р И Н

Офарин! Офарин, забардаст халқим,
Тенгсиз ғайратингга, садоқатингга!
Бу шонли ғалаба туфайли яна
Саодат қушилди саодатингга.

Лафзи ҳалол дейди ардоқлаб дўстлар,
Зарра ҳам қайтмадинг берган сўзингдан.
Пахтакор халқимсан, бир нафас бўлсин
«Оқ олтин»нинг меҳри кетмас кўзингдан.

Дўлу сел, ҳашарот кор қилолмади,
Барча машаққатни парчалаб ўтдинг.
Мислсиз маҳорат, мардлик туфайли
Шону шараф билан маррага етдинг.

Пахтага кон бўлган мард Андижоннинг
Бу йил ҳам шуҳрати оламга кетди.
Фарғона, Бухоро, Тошкент, «олтини»
Олтин тарозингга салмоқ бахш этди.

Сурхондарёликлар яратган бойлик,
Ешулликлар тўккан дурру гавҳарлар;
Ҳар толаси минг шоҳ хазинасидан
Афзал ҳисобланган олтину зарлар,

Қудратингга қудрат, ҳуснингга ҳусн,
Шонингга шон бўлиб қушилди яна.

Зафар кезиб юрар олтин далада,
Ҳар куча, ҳар уйда шодлик, тантана.

Қишлоқ ҳам, шаҳар ҳам зафардан мамнун,
Чексиз шоду-хуррам қари ҳам, ёш ҳам,
Бу улуг ғалаба, бу улуг тўйдан
Гўё хурсанд ер ҳам, кўк ҳам, қуёш ҳам!

Барчаси ҳам ҳақли, барчасининг ҳам
Ғалабага қўшган ҳиссаси катта.
Ҳа, юртини севган ҳар ватанпарвар
Бу шонли зафардан хурсанд, албатта.

Уч миллион беш юз олтмиш олти минг
Тоннадан юз Чотқол яратса бўлур.
Бу олий ҳимматдан, бу олтинлардан
Ватан хазинаси бойликка тўлур.

Навқирон йигитсан, азамат ўлкам,
Елкангдаги юкинг савлатингга мос.
Сенинг «оқ олтин»инг пахтаи билан ҳам
Шонли келажакка солинур асов.

14 ноябрь, 1963 й.

ЗАФАР

Зафар замирида жанг ётар, дўстим,
Ғалаба тагида меҳнат ётади.
Саҳро ҳам, тақир ҳам, қўриқ ҳам, бўз ҳам
Меҳнат ва жанг билан чечак отади.

Ҳар бир ғалабадан шодланганингда
Оғир меҳнат, жангни хотирингга ол.
Ғалабани севсанг, ҳаммадан аввал
Меҳнат севгисини юрагингга сол.

Арзоннинг шўрваси татимас дерлар,
Осон қўлга кирган зафар зафармас.
Енгил-елпи турмуш ўтказувчилар
Зафарни ҳеч қачон қилмасин ҳавас.

Баҳорги дўл, жала, сел эсингдами?
Улар йўлга чўкди, машаққат бўлиб.
Аммо ҳайиқмадик машаққатлардан,
Ҳосил деб жанг қилдик ғайратга тулиб.

«Оқ олтин» деб катта, кичигу тинмай.
Йил бўйи ишлади — бу табиий ҳол.
Бу улуг зафар ҳам мардона меҳнат,
Ҳасорат сўнгида кўрсатди жамол.

Колхозчи дўстларнинг маҳоратидан
Бу ажойиб зафар вужудга келди.

Зафар деб шаҳарлик қанча ишчининг
Қанча студентнинг тери тўкилди.

Ҳаммасига раҳмат! Бари соғ бўлсин!
Бари ҳам бу шонли зафарга шерик,
Ҳалол меҳнатимиз зое кетмади,
План бажарилди. Ишимиз йирик!

Зафар замирида жанг ётар, дўстим,
Ғалаба тагида меҳнат ётади.
Тупроқ ҳам, ҳаёт ҳам, умид ҳам, бахт ҳам
Меҳнат ва жанг билан чечак отади.

19 ноябрь, 1963 й.

АНҲОР

Бир нафас ҳам фурсати йўқдай,
Ҳузуримдан отилган ўқдай,
Учиб ўтар тўхтамай анҳор.
Ҳа, анҳорнинг зарур иши бор!

Ташналикни йўқотиб, енгиб,
Тупроқларга қон бўлиб сингиб,
Чаман бўлиб очилар анҳор,
Мева бўлиб сочилар анҳор.

Истар эдим анҳор бўлишни,
Саҳоватга лим-лим тулишни,
Ерга сингиб гул бўлиб унсам,
Шабнам бўлиб баргларга қўнсам!

22 ноябрь, 1963 й.

М Е Р О С

Ҳар умрининг бир якуни бор.
Улим ҳақ деб айтишадн, рост.
Бир куп келиб мендан ҳам сизга,
Ҳеч шубҳасиз, қолади мерос.

Аммо, нокаслардай меросимни
Сандиқларга жойлаганим йўқ.
Ашқол-дашқол ва лаш-лушларни
Буқча қилиб бойлаганим йўқ.

Олтиним йўқ ерга кўмилган.
Йўқ банкка қўйилган пулим.
Олтинларга ҳирс қўйсам агар
Утда ёнай, соврилсин кулим.

Аммо бойман, гадо эмасман.
Ҳаёт менга курсатди қиммат.
Бойлигим бор сизга аталган,
Бойлигим бор олтиндан қиммат.

Тама қилиб олтин, кумушни
Беҳудага хом хаёл сурманг.
Меросимни, бойликларимни
Йўқ, ерлардан ахтариб юрманг.

Бир кун томчи бўлиб абадият
Денгизига чўмиб кетаман.
Меросимни сизга аталган
Сатрларга кўмиб кетаман.

22 ноябрь, 1963 й.

МЕНГА ТАЪНА ҚИЛМА

Кўрганларинг фақат очларми, дея,
Менга таъна қилма, гузал Ҳиндистон.
Очлар ҳақидаги шеърларимни
Ёмон ният билан ёзмадим, инон!

Халқингга ҳурматим, муҳаббатим зўр,
Бошқача бўлиши мумкинми, ахир?
(Устозлар дўстликка ўргатган бизни!)
Очликдан толиққан бир бола фақир —

«Бахшиш!» — деб чирқираб, орқамдан қолмай,
Қаттиқ таъсир этди менинг дилимга.
Шунда, бу шеърлар табиий ҳолда,
Ўз-ўзидан келди дарҳол тилимга.

Ахир, қандоқ қилиб жим қолай, айт-чи,
Очлар утиб турса тинмай ёнимдан!
Буларни ёзганим асил фарзандинг —
Оч болаларингга ачинганимдан.

Май, 1962 й.—23 ноябрь, 1963 й.
Дехли — Тошкент

БОЙ КЕЛИНЛАР

Назаримда яшил ғузалар
Бой келинга ўхшайди... Бугун —
Назар солдим, ҳар бир шохида —
Ҳар қулида унтадан тугун.

Ҳар тугунда ун грамм олтин,
Элга совға бебаҳо бойлик.
Кук шохидан кўйлак кийишган
Бу келинлар жуда чиройлик.

Маликаси ғузал даланинг
Бой келинлар — кумуш ғузалар.
Жавоҳирга, инжуга тўлмиш
Олтин чаноқ-олтин кўзалар.

Териб олинг теримчи қизлар
Келинларнинг олтин юкини,
Аммо, хабар қилинг, сиз билан
Бирга бўлай мен ҳам шу куни.

Бирга терай, бизга интизор
Бой келинлар — кумуш ғузалар.
Келинларнинг кузги тўйида
Майга тўлсин олтин кўзалар.

27 ноябрь, 1963 й.

ОЛТИН САТРАЛАР

Пахтакор ҳам шоир ва лекин
Эгатларга битар байтини.
Оро берар газалларига
Утказмасдан меҳнат пайтини.

Ўзал дoston кумуш пахтазор,
Яшил эгат — олтин сатрлар.
Мазмунида бу сатрларнинг
Ёғлиқ палов, ёғлиқ патирлар.

4 декабрь, 1963 й.

КУМУШ ПАҒАЛАР

Ха, энди қор ёғса урни бор, майли,
Ерларга қон бўлиб сингади бу қор.
Шошилмай, оҳиста, кумуш пағалар
Тупроққа инади вазмин, пурвиқор.

Жилвагар, сеҳргар гузал манзара,
Дарахтлар бошида олтин жиғалар.
Оппоқ қанотига барака ортиб
Тупроққа қўнади кумуш пағалар.

Оппоқ қорга боқсам япроқ ёзади
Келгуси гулларнинг севгиси дилда.
Олтин гўза бўлиб унади ердан
Бу кумуш пағалар келгуси йилда.

4 декабрь, 1963 й.

БАЙРАМ ЭГАЛАРИ

Кумуш далаларда бошланган байрам
Ҳамон давом этар улкамиз бўйлаб.
Байрам эгалари меҳнат қилдилар
Азиз юртимизнинг бахтини ўйлаб.

Байрам эгалари — азамат халқим
Чулларга гуллардан кийдирди либос.
Байрам эгалари олтин гиштлардан
Бахтли келажакка қўймоқда асос.

Сахий Бухородан шонли Уралга
Олов олиб борган, нур олиб борган;
Нур истаб дарёни жиловлаганлар,
Кон излаб тоғларни, тошларни ёрган;

Меҳрибон баҳодир, дўстларга содиқ,
Байрам эгалари — навқирон халқим.
Чулларга сув келди халқ ҳимматидан,
Энди ташналикда қуримас ҳалқум.

Совет давлатининг қудрати, шони
Халқимизнинг ватанпарварлигида.
Ўзи қўлга олган ўз ҳуқуқини
Улуғ партиянинг раҳбарлигида.

Халқ, пахта тўйининг нашидасини
Келгуси йилга ҳам олиб ўтади.

Келгуси йилда ҳам бутун дунёга
«Оқ олтин»имизнинг донги кетади.

Шонли меҳнат билан тўй эгалари
Жаннат яратмоқчи ҳур улкасида.
Энди тўрт миллион тонна юкни ҳам
Кўтаришга қодир ўз елкасида.

Бу йилги, шарафли тўй тугамасдан
Янги ҳосил учун бошланди ҳамла.
Ғалаба қозониб ўрганган халқим,
Истиқболга борар шахдам қадам-ла.

4 декабрь, 1963 й.

МАВЗУ ҲАҚИДА

Баъзи бир илҳомсиз шоирлар каби
Бошим қотгани йўқ мавзу ахтариб.
Мавзу топа билдим ҳар ердан, ҳар чоқ
Ҳаёт деб аталган бўстонга бориб.

Кичкина заррадан то қуёшгача,
Денгизларга қадар томчидан тортиб,
Яшил япроқдан то ўрмонга қадар,
Яшнаган чаманлар жамоли ортиб,
Баҳордаги чирой, нурдаги жилва,
Гудак табассуми, дилрабо нози,
Дарёдаги қудрат, баргдаги шабнам,
Хонанда қушиги, бастакор сози,
Сувлар шилдираши, қушлар сайраши,
Севгидаги оташ, меҳнатдаги завқ,
Инсонга хос бўлган дўстлик туйғуси,
Ижод ҳаяжони, зафардаги шавқ,
Инсонни космосга учира билган,
Муъжиза яратган техника ва фан,

Коинот, юлдузлар, Зуҳра, Марс ва Ой,
Башарият фаҳри аталган Ватан,
Менга мавзу бўлур ва илҳом берур.
Шулар ижодимнинг манбаи эрур.

Нимаки инсонни улуғлар экан,
Нимаки ҳаётга севги уйғотса,
Нимаки инсонни юксакка тортса,

Халт ялмирида пимаки ётса,
Нимани нагулик, бахт билан бирга,
Муқаддас мавзудир асл шоирга!

Мардлар продаси, ботирлар шахти,
Инсоннинг қудрати, меҳнати, бахти,
Салогиси, шарафи, зафари, шони,
Битмас илҳомимнинг туганмас кони.

4 декабрь, 1963 й.

ЕНАДИГАН БЎЛСАНГ ЯЛЛИҒЛАНИБ ЕН

Баъзи бир нуноқ шоирларга

Хул утиндек ҳадеб, биқсима тутаб,
Ёнадиган бўлсанг яллиғланиб ён.
Яллиғланиб ёнки, ҳароратингдан
Ва нурингдан баҳра ололсин инсон.

Тутун кўр қилади кўзни, дейдилар,
Тутун бўлиб кирма инсон кўзига.
Агар олов бўлса мисраларда, халқ
Жон деб қулоқ солар шоир сузига.

Нур бера олурми ёнмаса шоир?
Ҳолбуки нур бериш шоирнинг касби.
Ахир, шоирликдан мақсад кўзга нур,
Қалбларга ҳарорат бериш эмасми?

Агарда ловуллаб ёна билмасанг,
Тутамай, биқсимай ўчганинг яхши.
Қийнамай ўзингни, ўзгаларни ҳам
Бошқа бир соҳага кўчганинг яхши.

14 декабрь, 1963 й.

ҚУБИЗЧИ

Тарас Шевченкога

Юз йил ўтиб кетди, аммо қўбизчи
Куйлаган қўшиқлар жаранглар ҳамон.
Наслдан наслга етказиб уни
Олиб келмакдадир ардоқлаб замон.

Асрдан асрга ҳатлаб ўтади
Абадият сари йўл олиб қўшиқ.
Доним бирга яшар инсонлар билан
Қалбларга ҳаяжон, ўт солиб қўшиқ.

Днепр бўйидан кўтарилди-ю,
Абад янграб қолди қўшиқ овози.
Эзгу ҳис, олий ўй уйготар бизда
Улуғ қубизчининг дилрабо сози.

Қўшиқда украин халқининг қалби,
Даҳоси куйланди мукамал, чуқур.
Қубизчи шеърини ўқиганингда
Қалбингга завқ тўлур, кўзларингга нур.

Гузал Украина гузаллигини
Тарас шеъри билан ифода этди.
Шеърда муҳаббат, дўстлик куйланар
Шу важдан доврўғи оламга кетди.

Сеҳрли қубизнинг ҳар пардасидан
Минг хил садо чиқар бир-биридан соз.

Қўбизчи яратган ўлмас шеърлар.
Ажойиб қўшиқлар бари дилнавоз.

Қўбизчи куйлаган оташин қўшиқ
Жаҳоннинг қалбини забт этиб олди.
Қўбизчи дунёни тарк этган кўпдан,
Аммо қўбиз халқнинг қўлида қолди.

3 март, 1964 й.

БАҲОР ТАБАССУМИ

Навбаҳорда табиатнинг кўркидан
Кўзга зиё, дилга шодлик тўлади.
Навбаҳорнинг жилвасида Ильичнинг
Табассуми кўрингандай бўлади.

У туғилган куни олам юзида
Пайдо бўлган табассумдан бахтлимиз.
У туғилган куни бирга туғилган
Мангу ўлмас шодлигимиз, бахтимиз.

У туғилди ғамгин, сўлгин юзларга
Ишонч, шодлик, табассум бахш этгали.
Байроқ қилди унинг эзгу ғоясин
Меҳнаткашлар мақсадига етгали.

У яратган фалсафада, ғояда
Кишиликнинг саодати мужассам.
Унинг буюк таълимоти, меҳнати
Дунёга кўрк берди мисоли кўклам.

Баҳор пайти туғилди-ю, доҳиймиз —
Кишиликка мангу баҳор келтирди.
Зулму зулмат, асоратни парчалаб,
Халқимизга ёруғ наҳор келтирди.

Қуёш оро берганидай баҳорга
Оро берди юртга унинг ғояси.

Қўлда унинг байроги бор, хеч қачон
Бошга тушмас асоратнинг сояси.

Қўз қамашар лолалар жилвасидан,
Яна баҳор табассуми авжида.
У туғилган кунни қутлар табиат,
Қуёш нури порлар дарё мавжида.

19 апрель, 1964 й.

ХУШ КЕЛИБСИЗ

*Ўзбекистонда ўтказилган рус
адабиёти ва санъати декадаси-
нинг иштирокчиларига*

Дўстлар хуш келибсиз, Ўзбекистонга,
Қадамларингизга минг-минг ҳасанот.
Сизни қарши олар шодликка тўлиб
Яшнаган бўстонлар, гуллаган ҳаёт.

Сизни қаршилайди чаманда гуллар,
Боғларда мевалар, кумуш ғўзалар.
Сонсиз нозу неъмат, тўкин дастурхон
Шарбат тўла минглаб олтин кўзалар.

Ясанган йигитлар, безанган қизлар
Кутиб олар сизни гулдаста ушлаб.
Ўзини бахтиёр сезар халқимиз
Азиз дўстларининг кўнглини хушлаб.

Уйимизнинг тўри сизники, дўстлар,
Севгимиз беҳисоб сизга нисбатан.
Сизнинг ватанингиз бизга она юрт,
Бизнинг ватанимиз сизга ҳам ватан.

Ҳа, бизнинг ғоямиз, тақдиримиз бир,
Сўнамас қуёшимиз, тонгимиз бирдир.
Коммунизм сари борар йўлимиз,
Одатимиз ҳам бир, онгимиз ҳам бир.

Бирга, бир Ватанда парвариш топдик,
Улуғ Ленин бўлди мураббий, устоз.

Келинг, азиз дўстлар, жонажон дўстлар,
Гуллар йўлингизга бўлсин поёндоз.

Дўстларсиз мақсадга етиб бўлмайди,
Дўстларсиз ғалаба қозонмоқ — сароб.
Бол татир оғизга дўстлар базмида,
Дўстлар даврасида ичилган шароб.

Мустаҳкам, муқаддас дўстлигимиз бор,
Дўст бўлиб қоламиз мангу, умрбод.
Келинг, азиз дўстлар, сизга мунтазир
Гуллаган ўлкамиз, яшнаган ҳаёт.

23 август, 1964 й.

СЕНТЯБРЬ

I

Қуңғир салқин тушди, сахий сентябрь
Далаю боғларни бойлиққа кўмди.
Гўё бутун борлиқ файзу саховат,
Барака ва ором қўйнига чўмди.

Тирсиллаб ёрилар бўлуқ кўсаклар,
Кумуш чечакларга айланар ғўза.
Омборларда лиқ-лиқ дону дун, давлат,
Асалга тўлади беҳисоб кўза.

Якун ясалади ҳалол меҳнатга,
Шонли ишимизнинг маҳсули катта.
Далаларда битган тенги йўқ ҳосил
Халқимизни хурсанд қилур, албатта..

II

Мактаблар эшиги болалар учун
Она қучоғидай очилар шодон.
Халқда бир мақол бор: илму ҳикматнинг
Ўқишнинг қадрига етмаган нодон.

Нодонликка қарши ўғил-қизимиз,
Ўқиш деса хурсанд, мактаб деса шод.
Ўқишнинг, меҳнатнинг қадрига етар
Келажаги порлоқ бизнинг ёш авлод.

Тиниққан, чиниққан қуёшда пишган,
Соғлом, тетик, яхши дам олган ёшлар,
Янги гайрат билан, янги куч билан,
Катта ихлос билан ўқишни бошлар.

Ўқишда, меҳнатда ёшларнинг ўрни,
Ўқишда тўлишар ёшлар жамоли.
Ўқиш, меҳнат билан сайқал топади,
Инсон фазилати, инсон камоли.

Нодонларга йўл йўқ коммунизмда,
Коммунизм юксак маърифатга кон.
Ватанга, халқига содиқ бўлганлар
Ўқишда, меҳнатда топар шараф-шон,

Доно ва меҳрибон ўқитувчилар
Билим гавҳарини топтирар сизга.
Синфда олинган билим, маърифат
Қанот бағишлайди ўғилга, қизга.

Юксалиб учасиз шу қанот билан
Ўзал коммунизм диёри томон.
Меҳнат қилганники, ўқиганники
Ғалаба, саодат, келажак, замон.

26 август, 1964 й.

ДУСТЛИК

Дўстлик деб сарлавҳа қўйиб шеъримга,
Гапни Москвадан бошладим, бу гап —
Доим эсга келур биринчи дафъа
Дўстлик тавсифига очганимда лаб.

Дўстликнинг мазмуни, моҳиятини
Яхши ифодалар Москва сўзи.
Мамнуният билан, муҳаббат билан
Москвага боқар халқларнинг кўзи.

Москва бузилмас дўстликка асос,
Москвадан балқди дўстлик қуёши.—
Москва, жонажон гўзал Москва,—
Дўстлик дарёсининг манбаи, боши.

Озарбайжон, тожик, грузин, туркман,
Рус, ўзбек, украин, белорус, қозоқ,
Қорақалпоқ, қирғиз, армани бари
Москва туфайли тотув ва иноқ.

Москва, Партия, Ленин яратган
Дўстлик мазмун бўлди ҳаётимизга.
Барча ғалабанинг боиси дўстлик,
Ғоят муқаддасдир бу дўстлик бизга.

Москва бузилмас дўстлигимизнинг
Машъали, гарови, асоси бўлди.

Москва туфайли кўз мизга нур,
Қалбимизга ғурур ва шодлик тўлди.

Москва пойтахт пойтахтларга,
Москва етказди бизни бахтларга!

27 август, 1964 й.

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЙДИЛАР

Донг чиқарган ўлкамизни Ўзбекистон дейдилар,
Гуллаган, ҳусну латофатда гулистон дейдилар.

Серқуёш, нурдан мунаввар, яшнаган, соҳибжамол,
Ҳар ёғи Ильич чироғидан чароғон дейдилар.

Боглари олдида жаннат эски бир вайронадир,
Меваси қанду асал, минг дардга дармон дейдилар.

Бол татир дарёлари кўп, мисли Сир, Чирчиқ, Аму.
Зар сочар дарёси бор, номин Зарафшон дейдилар.

Бағри ҳеч битмас хазина: газ, темир, олтин, кумуш,
Нефть, кўмир ҳар турли маъдан пахтага кон дейдилар.

Авжига минган саноат, урчиб-унган чорваси,
Беҳисобдир шоҳи-атлас, ғаллаю дон дейдилар.

Илму ҳикмат гуллаган ер, санъати топган ривож,
Халқи санъат ошиғи, хассос ғазалхон дейдилар.

Қарчиғай келват йигитлар ифтихори ўлканинг,
Қизлари кўп дилрабо, сарви хиромон дейдилар.

Бағри тинчлик маскани бўлган ажиб бу ўлкада,
Кексалар роҳатда, ёшлар шоду хандон дейдилар.

Енга ёв, дўстларга дўст, дўстлар муҳаббат кўрсатиб,
Уртамизда ҳеч бузилмас аҳду паймон дейдилар.

Неча бор душманни енгган, меҳрибон дўстлар билан,
Ҳар қачон жангу жадалда марди майдон дейдилар.

Партия йўлбошчиси, йўлдан адашмас доимо
Унга ёр бахту саодат ҳам шараф-шон дейдилар.

Эркесвар, тинчликесвар, меҳнатесвар, ижодесвар
Халқимизнинг шуҳрати оламга дoston дейдилар.

Қирққа кирган, навқирон, қирчиллама мард ўлка бу,
Халқи шодон, турмуши аъло, фаровон дейдилар.

Бахти кулган ўлкамизда тўй бўлар тўй устига,
Давримиз, давронимизни яхши даврон дейдилар.

31 август, 1964 й.

«ОҚ ОЛТИН» МАДҲИЯСИ

«Оқ олтин!» дер сени ардоқлаб халқим,
Жуда ҳам муносиб сен учун бу ном.
Пахтакор улканинг шоири бўлдим,
Улмас мадҳиянгни куйлайман мудом.

Илҳомимга манба бўлгансан кўпдан,
Жушаман кирганда кумуш далангга.
Ишғримни безаган жавоҳир, олтин,
Ишқинг юрагимда сўнмас аланга!

Мадҳиянгни кўкларга кутардим, аммо —
Илоҳлаштирмадим сени ҳеч қачон,
Гарчи зўр бўлса ҳам, чексиз бўлса ҳам
Ўзбек халқи учун сен келтирган шон.

Биз сен учун эмас, сен биз учунсен,
Ахир биз эмасми сени яратган?
Ахир биз эмасми ардоқлаб, севиб,
Донгғингни оламга ёйган, таратган?

Сен биз учун қимматбаҳо давлатсан,
Битмас бойлигисан теримчи қизинг.
Олтинга айланган манглай теримиз,
Ноёб ҳосилисан меҳнатимизнинг.

Хислат, фазилатинг беҳисоб сенинг,
Сендан юз хил буюм яратар инсон.
Хизматинг жуда кўп ҳаётимизда,
Сен битмас хазина, туганмас бир кон!

Байроқларга алвон, қизларга кўйлак,
Кексаларга либос бўлади сендан.
Шуҳрат қўшиб келдинг шуҳратимизга,
Ўлкамиз бойликка тўлади сендан.

Юз хил нозу неъмат, минг хил усти-бош,
Паловларга маза киргизган ёғсан.
Мураккаб химия, шеъримга қоғоз,
Дори-дармон учун ажиб гиёҳсан.

Жангчи ярасини боғлаган дока,
Жанггу жадалларда қуролсан кўлда,
Поёндоз бўласан, кумуш поёндоз
Коммунизм сари бошланган йўлда.

Тагин нима дейин? Яна нимасан?
Кумуш чаманмисан ерда очилган!
Олтин табақдаги жавоҳирмисан?..
Ёки юлдузмисан кўкдан сочилган?

Сен билан юксалди осмонга қадар
Ўзбекнинг меҳнати, шуҳрати, шони.
Сен билан камолга етди халқимнинг
Ҳунари, ижоди, илму урфони.

Қирқ ёшга тўлади республикамиз,
Ўлкада бошланар тўю тантана.
Элда тўёна кўп тўйга аталган,
Аммо энг афзали ўзингсан яна.

Уч миллион олти юз минг тонналик
Ёмбини тўй учун қиламиз тортиқ.
Пахтакор ўлканинг шонли тўйига
Тўхфа бўладими бундан ҳам ортиқ?

Тўйга энг муносиб тўёна деб, халқ,
Сени келтиради олтин саватда.
Сен бойлигимизнинг чуққиси, тожи,
Юксалишимизда хизматинг катта.

«Оқ олтин!»— дер сени ардоқлаб халқим,
Жуда ҳам муносиб сен учун бу ном.
Пахтакор ўлканинг бир шоириман,
Ўлмас мадҳиянгни куйлайман мудом.

31 август, 1964 й.

КУНГЛИМИЗ ШОДОН БУЛУР

Дейдилар, дўстлик фазилатларга битмас кон бўлур,
Бирлашиб меҳнат қилинса чўлда ҳам бўстон бўлур.

Дейдилар дўстликда қувват, дейдилар бирликда куч,
Бир бўлиб биз ҳамла қилсак тоғу тош талқон бўлур.

Могу мулк орттирма, дўст орттир агар оқил эсанг,
Могу мулкмас, дўсту ёринг сен учун қалқон бўлур.

Кимки дўстин алдаса, алдайди бир кун халқини,
Дўстлиги ёлгон одамнинг аҳди ҳам ёлгон бўлур.

Йўлчининг аҳволи тангдир дўсту ҳамроҳ бўлмаса,
Кимки ҳамроҳдин адашса йўлда саргардон бўлур.

Донги кетган ўлкамизнинг шуҳрати ортсин дебон
Меҳнату ижодда дўстлар бир тану бир жон бўлур.

Дўстга дўст бўлмоқ ҳамиша халқимизнинг одати,
Бу ажиб одат жаҳонга бебаҳо дoston бўлур.

Икки қўллаб дўстга тутгай халқимиз ҳар неки бор,
Келса дўстлар юртимизга энг азиз меҳмон бўлур,

Жон нисор айлaшга тайёرمىз азиз дўстлар учун,
Шоду хуррам бўлса дўстлар кўнглимиз шодон бўлур.

Бахтиёرمىз ўртада ленинча дўстлик бор учун
Қўлда дўстлик байроғу бошларда шавкат, шон бўлур.

15 сентябрь, 1964 й.

ТЕМИРНИ ҚИЗИҒИДА УР

Темирни қизиғида ур, дейдилар,
Вақтида ҳосил олсанг дур, дейдилар.

Халқингни, Ватанингни севар бўлсанг,
Тонг билан пахтазорга юр, дейдилар.

Пойгада соврун олай десанг тезроқ,
«Пулат от»нинг жиловин бур, дейдилар.

Планни ўринлатиб эл олдида
Ғолиб бўлиб тантана қур, дейдилар.

Ғолибларнинг кўзида шодлик ўйнаб
Юзидан ёғилади нур, дейдилар.

Тўй яқин, «оқ олтин»дан совға қилиб,
Тўй куни даври даврон сур, дейдилар.

Сентябрь, 1964 й.

ШОНЛИ ТҮЙ МУБОРАК!

Шонли тўй муборак, азамат ўлкам!
Байрам қутлуғ бўлсин, бахтиёр халқим!
Тўёнангни кўриб тўйга келтирган,
Минг офарин, дейман, пахтакор халқим!

Булар ҳусн қўшар ҳуснингга сенинг
Булар шуҳратингни оширар минг бор.
Дўстлар тўйга келиб узоқ-яқиндан
Қандингни ур, дейди, азиз пахтакор.

Пахта бойлигининг олтин тожидир,
Бойлигинг беҳисоб, бойликка консан,
Ленин қуёшидан парвариш топган
Ҳазони йўқ гузал бир гулистонсан.

Қимматбаҳо эрур атласинг, шойинг,
Жингалак олтин, дер, қорақўлингни.
Ер ости бойлигинг — битмас хазина,
Ердаги жаннат, дер, Мирзачўлингни.

Шакар қовунларинг, бол меваларинг,
Бугдойинг, гуручинг оламга машҳур.
Бағрингни мунаввар қилиб турибди,
Юзлаб ГЭСларимиз тараётган нур.

Шарққа машғалсан, деб бекор айтмаган,
Ҳуснинг бутун Шарқни ўзига-тортар.

Кундан-кун қудратга, кучга тўласан,
Кундан-кун камолинг, шуҳратинг ортар.

Дўстлар қувонади завқ билан боқиб,
Қирқ йиллик ҳуснингга, латофатингга.
Халқлар тан беради, қойил қолади
Вафодорлигингга, садоқатингга.

Улуғ Москванинг иниси дейди
Ўзал Тошкентингни — пойтахтингни.
Шонли партиянинг таълимотидан,
Октябрь нуридан топдинг бахтингни.

Байрам қутлуғ бўлсин, бахтиёр халқим!
Шонли тўй муборак, навқирон ўлкам!
Соҳибжамол ўлкам, баркамол юртим!
Гуллаган қучоғинг нақадар кўркем!

12 октябрь, 1964 й.

КУЗЛАР

Тилингни билмайман, аммо дилингни
Кузларингдан яққол билиб турибман.
Севгингнинг қудрати ва куламини
Уз-ўзимча тахмин қилиб турибман.

Назаримда севгинг менга нисбатан
Ҳинд океани каби теран ва катта.
Бундай кучли севги, бундай теран ҳис
Камдан-кам бўлади, жоним, ҳаётда.

Тилинг лол, туйгунгни кузларинг сўзлар,
Маънога бой бўлур кузларнинг «сўзи».
Бир боқиб минг оғиз сўздан афзалроқ
Таъсир кўргазади гузалнинг кўзи.

Инсон туйғусини, инсон фикрини
Ифода қилишда зўр қурол сўзлар.
Аммо сўзлар ожиз қолган чоғида
Теран туйғуларни англатар кузлар.

*Май, 1962 й.—29 октябрь, 1964 й.
Деҳли — Тошкент.*

НАВОИЙ БУЛБУЛНИ ТАЪРИФ ҚИЛАРКАН

Навоий булбулни таъриф қиларкан
Бир назар ташлабди рангги рўйига.
Назар ташлабди-ю тусатдан шу он
Бир ташбиҳ келибди унинг уйига:

Булбул гул ишқида қоврила, ёна,
Кулга айланибди... кул рангги шундан.
Чаманда парини тузғитса сабо
Гўё кул ёғилиб тургандай ундан.

Булбул учиб юрган бир кафт кул эмиш,
Боиси бевафо қизил гул эмиш.

30 август — 29 октябрь, 1964 й.

«АВРОРА» САДОСИ

«Аврора» садоси жаранглаб ҳамон
Инсонларни мангу баҳорга чорлар.
Октябрь қуёши йилдан йил балқиб
Жаҳонга нур бериб ярқирар, порлар.

Октябрь минг йиллик орзу ҳавасга,
Эзгу умидларга ҳаёт бергучи.
Космик кемаларни кукка учирган
Ракеталарда ҳам Октябрь кучи.

Ўлкам юз асрлик масофа босди
Октябрь туфайли ярим асрда.
Жаннат эмас, менинг гузал Ватаним
Барқ уриб, товланиб кўринган нурда.

Бу нур Октябрнинг сўнмовчи нури,
Бизга бахш айлаган ҳам куч, ҳам чирой.
Октябрь туфайли ўлкамиз шонга,
Илму маърифатга, фазилатга бой.

Ўлкамиз озодлик, тинчлик маскани,
Ўлкамиз қардошлик, дўстлик макони.
Ўлкамиз ҳамкорлик, мардлик, жасорат,
Олий хислатларнинг туганмас қони.

Дейдилар, етади гулнинг қадрига
Чулларни бўстонга айлантирганлар.

Қулликка йўл бермас зафар сўнгида
Озодлик боғига келиб кирганлар.

Улкамизда меҳнат ижод авжида
Бахтимизни куйлар қўлда олтин соз.
Октябрь туфайли коммунизмнинг
Ерқин чуққисига бошладик парвоз.

Ленин таълимоти куч берар бизга,
Ўзимизда тарих, табиат, замон.
Шахдам қадам ташлар, босар илгари
Нурли келажакка йўл олган карвон.

2 ноябрь, 1964 й.

ГУЛЛАГАН ЎЛКА

Ўлкамиз бошдан-оёқ гулга тўлди
Октябрь қуёшидан баҳра олиб.
Отланди мард халқимиз келажакка,
Коммунизм севгисин дилга солиб.

Бу йўлдан қайтаролмас бизни ҳеч ким,
Бу йўл — бахт, озодликнинг нурли йўли.
Халқимиз — космонавтлар учирган халқ,
Чузса ҳатто юлдузга етар қўли.

Бу қудрат, бу жасорат, бу парвозни
Октябрь бахш айлаган халқимизга.
Мардликни, доим зафар қозонишни
Қолдирган мерос қилиб Ленин бизга.

«Оқ олтин» ўлкаси деб ном чиқардик.
Пахтадай дилимиз пок, юзимиз оқ.
Улуғлаб Октябрни ҳилпирайди
Пахтамиздан яралган қизил байроқ.

Касбимиз оро бериш она юртга,
Жаҳонда тинчик бўлсин — тилагимиз.
Инсонлар бахт учун меҳнат қилиб,
Ҳеч қачон толган эмас билагимиз.

Чул қувдик саҳроларни бўстон этдик,
Чиқардик ер қаъридан ҳисобсиз кон.

Ҳамкорлик, дўстлик бизга мадад берди,
Ўртоқлик меҳнат билан қозондик шон.

Ардоқлаб тонгда бизни ёруғ йўлга
Йўллади доҳий Ленин — улуғ падар.
Шу йўлдан олға босдик, камол топдик,
Юксалдик юлдузларга, ойга қадар.

Октябрда бошланган улуғ сафар
Ўзлуксиз зафар билан давом этар.
Коммунизм қуришлик олий мақсад,
Халқимиз мақсадига шаксиз етар.

5 ноябрь, 1964 й.

ТАМБУР

Бир тамбурчи ўтган экан, чалганида созини
Булбул келиб тамбурининг дастасига қўнганмиш.
Хатто тош ҳам симоб бўлиб эриганмиш, бағридан
Худди эртакдаги каби қизил гуллар унганмиш...

Бу, албатта бир афсона, шинаванда туқиган,
Аммо таъриф ҳақиқатдан узоқ эмас жуда ҳам.
Ҳа, дунёда хуш овозли чолғулар кўп ва лекин,
Тамбурдақа ёқимлиси, таъсирчани камдан-кам.

Ним пардани эзиб-эзиб чалганида созанда
Гуё нозик бармоқлари қалб торини эзади.
Ларза солиб баданингга, оташ солиб қонингга
Таъриф қилиб бўлмайдиган бир ҳаяжон кезади...

Ҳа, тамбурнинг овозини эшитганда ўзимни
Тиёлмайман шавқу завқдан, ҳаяжондан, ёнишдан.
Ҳа, тамбурни тинглаганда сеҳрланиб, тонг қолиб,
Булбул бўлсам тан берардим, воз кечардим хонишдан

Ҳа, тамбурнинг овозини эшитганда гул бўлиб
Очилардим ғунча бўлсам, эрир эдим тош бўлсам.
Ҳа, дунёда хуш овозли чолғулар кўп ва лекин
Тамбурдақа ёқимлиси, сеҳрлиси камдан-кам

11 декабрь, 1957—21 ноябрь, 1964 й.

РАЗЛИВДАГИ ЧАЙЛА

Разливда бир оддий чайла бор,
Унда Ленин яшаган бир вақт.
Унда Ленин ишлаган, ёзган
Халқлар учун бахш этай деб бахт.

Қулаб кетди шоҳлар саройи,
Аммо чайла турибди ҳамон.
Мустаҳкамдир тош қалъалардан,
Нурамайдиган ҳам замон.

Муқаддас жой энди бу чайла,
Азал — абад турар, бузилмас,
Зиёратга келур насллар,
Ёнидан ҳеч одам узилмас.

Биз бу оддий чайлани ҳеч вақт
Алмашмаймиз шоҳлар қасрига.
У ёдгор бўлиб қолади
Шонли коммунизм асрига.

23 ноябрь, 1964 й.

БОБИР

Шоҳ Бобирнинг эмас, шоир Бобирнинг
Яшаган жойини кўргали келдим.

Шоир Бобир севган ҳамсоя халқнинг
Ҳоли-аҳволини сўргали келдим.

Шоҳ Бобирнинг эмас, шоир Бобирнинг
Ватандошларидан бириман, дўстим.

Шоир Навоийнинг, шоир Бобирнинг
Шеъридан завқ олиб улгайдим, усдим .

Жанглар ур-йиқитлар, қирғинлар эмас
«Тоғмаҳал»лар уни эслатур менга.

Тожи-тахти эмас, санъати, шеъри
Мангу қолди,— бу ҳол аёндир сенга.

*Май, 1962 й.—23 ноябрь, 1964 й.
Деҳли — Тошкент.*

ОЛТИНТЕПА

«Қўтиртепа» дерлар бу ерни, бу ном
Унга мерос бўлиб ўтмишдан қолган.
«Борса келмас» деган ном билан бу жой
Боболар қалбига куп даҳшат солган.

Бу ерда қуш учса қаноти куйган,
Одамзод юрганда куйган оёғи.
Ўтмишда дараксиз кетган эрларнинг
Ҳамон халқ қалбида сақланар доғи.

Қум бўронларида қолиб ўларди
У ерга бахт, бойлик излаб борганлар.
Бу ернинг бойлигин босиб ётарди,
Худди аждар каби сариғ барханлар.

Аммо вақти келиб улуғ Октябрь
Олмос қурол берди туркман қўлига.
Қўлига ушлатиб бахт калитини,
Бошлади озодлик, зафар йўлига.

«Борса келар» қилди «борса келмас»ни
Октябрь нуридан баҳра олган халқ.
Мўъжиза яратди қум саҳросида
Истиқбол ишқини дилга солган халқ.

Бўйсунди азмига азамат халқнинг
Асов, ўжар қумлар, аждар барханлар.

«Қора олтин» олиб қайтади энди
У ерга бахт, бойлик излаб борганлар.

Қум қаъридан чиқар нефть булоқлари,
Қиммат баҳо бойлик, ҳисоби йўқ кон.
Ғоят муътабардир туркман элига
Тенгсиз мардлик билан қозонилган шон.

Минг йиллар инсонга бўй бермай келган
Қайсар қумларни ҳам енгди, қилди лол.
Шу кичик мисолда бахтиёр халқнинг
Қудрат, иродаси куринар яққол.

Дўстлар қўли билан парвариш топиб
«Қора олтин» шаҳри тўлмиш чиройга.
«Олтинтепа» дедим шу важдан уни,
Эски ном ярашмас энди у жойга.

22 ноябрь, 62 й. — 23 ноябрь, 64 й.
«Қўтиртепа» — Тошкент.

ПУШКИН ҲАЙКАЛИ

Пушкин ҳайкалининг тагига, яна,
Кимдир янги гуллар қўйиб кетибди.
Бу ерни одамлар гулчамбарлардан,
Гуллардан сунъий бир гулзор этибди.

Одатмиш: насллар ҳайкал тагига
Гул ташлаб утармиш юз йилдан буён.
Шоирнинг номини улуғлаб мангу
Гул япроқларида утирармиш шон.

Бу сунъий гулзорда шоирга бўлган
Юз йиллик муҳаббат, ҳурмат яшайди.
Халқлар юрагида Пушкиннинг шеъри
Хазонсиз гул бўлиб абад яшнайдди.

*6 июль — 28 ноябрь, 1964 й.
Москва — Тошкент.*

СЕВГИНИНГ УЛЧОВИ

Хар нарсанинг ўз улчови бор,
Молга қараб қўйилади тош.
Нима билан улчардинг, дустим,
Тарозига қўйилса қуёш?

Агар ўлчаш лозим бўлганда
Тош буларди қуёшга қуёш.
Севгини ҳам улчамоқ учун
Фақат севги була олур тош.

22 декабрь, 1964 й.

ТОМЧИ

Шеъринг кичик, ўқиб қонмадим,—
Дединг томчи чанқоқни босмас.
Сузинг хато, гап ҳажмдамас.
Кичик булур олтину олмос.

Томчилардан яралар денгиз,
Атом кучи томчига йулдош.
Томчиларнинг маъноси тенгсиз,
Бир томчида акс этар қуёш.

23 декабрь, 1964 й.

ҲАЙКАЛТАРОШ

Ерда ётган оддий тош эди
Ҳайкалтарош қўли теккунча.
Ниҳон эди тошда гўзаллик
Ҳайкалтарош йўниб, чеккунча.

Дағал тошдан нозик ва гўзал
Венералар пайдо қилди у.
Гўзалликка, тошдан яратган,
Инсонларни шайдо қилди у.

Идрок, даҳо, инсон кучига
Ҳеч бир нарсa бера олмас дош.
Ҳайкалтарош қўли текканда
Санъатга айланур оддий тош.

26 декабрь, 1964 й.

ИНСОН БАХТИ УЧУН

Янги йил кечаси мамнун боқаман
Кумуш гилам бўлиб тушалган қорга.
Аминман келажак мунаввар, бу қор
Муқаддима эрур гузал баҳорга.

Баҳор қуёшида эриб, сув бўлиб
Чаманлар танига сингади бу қор.
Оппоқ, момиқ қорга назар ташласам
Куз олдимга келар кумуш пахтазор.

Кумуш пахтазорнинг жамоли ортсин,
Хосили кўпайсин янги йилда ҳам.
Тинчликдан хушхабар келтирсин бизга,
Гуза япроғида ялтираб шабнам.

Йилдан йилга ортиб қудрат, кучимиз,
Комил ишонч билан тушамиз йўлга.
Коммунизм сари қадам ташлаймиз,
Янги ўлжаларни киргизиб қўлга.

Бахтимиз улғаяр, яшарар ўлка,
Яшарар йилдан йил ҳуснга тўлиб.
Космонавтларимиз яна сайр этар
Кўкда юлдузларга ҳамсоя бўлиб.

Ўлкамиз навқирон йигитга ўхшар,
Юз асрнинг юки тоғдай кифтида,

Инсонлар бахтини машъал қилароқ
Фазога кўтарди икки кафтида,

Халқимиз гуллатар янги бўзларни,
Илму фан, идрокнинг кўрсатиб кучин.
Қадаҳ кўтарамиз гўзал ўлкамиз,
Партиямиз учун, халқимиз учун.

Қадаҳ кўтарамиз янги йил туни
Янги ҳосил учун, янги шон учун.
Нимаки ўйласак, нимаки килсак,
Инсон бахти учун ва инсон учун.

Ёруғ йўлга тушган карвон кабимиз,
Йил сайин ошамиз янги бир давон.
Тўхташни, чарчашни, қўрқувни билмас,
Коммунизм сари йўлланган карвон.

27 декабрь, 1964 й.

МИРАШИР

(Олтин йигит)

Тулки телпак, хром этик,
Беқасам тун — усти-бош.
Юз ҳунарнинг эгаси у
Булса ҳамки ҳали ёш.

Ашулани ванг қуяди
Қия миниб эгарга.
Қанча қизлар ошиқ булиб
Куйган эмас бекорга!

Кеча-кундуз меҳнат қилар
Кон бор, дея, еримда.
Доим совруи олиб юрар
Мусобақа, теримда.

Мана, яна тинчимасдан
Уғит ташир далага.
Ҳамма қойил Мираширдек
Паҳлавон буз болага.

Аъло баҳо олиб чиққан
Беллашишда, синашда.
Не-не норғул йигитларни
Букиб қуйган курашда.

Ваъда берса бажаради
Маҳкам туриб азмида.

Ўтиришнинг «гули» бўлар
Улфатларнинг базмида.

Бевафолик қилмас асло
Қуралай кўз ёрига.
Меҳр қўйган олтин дала,
Кумуш пахтазорига.

Одатда у кийим кияр
Замонага яраша.
Олифталар ҳавас билан
Либосига қарашар.

Баъзан кўнгли тусаб қолса
Яна ўша чапани,
Яна белда шоҳи қийиқ,
Елкасида чопони.

Мардлик нима, одоб нима
Жуда яхши билади.
Қандай ишни буюрсалар,
Ҳаммасини қилади.

Бир қарабсиз аравакаш,
Қилар ялла хиргойи.
Дейишади йигит бўлса,
Шундай бўлса киройи!

Бир қарабсиз уста шофер —
Машинада юк ташир.
Ана шундай танти йигит.
Олтин йигит Мирашир.

Ҳозир эса ҳа, чу, дейди,
Қамчи босиб саманга.
Ўғит ташир, ҳисса қўшар
Кузда кумуш чаманга.

Унга жуда ярашади
Сабза мўйлов, қаламқош.
Юз ҳунарга эга, аммо
Ўзи эса ҳали ёш.

26 март, 1962 й.—7 январь, 1965 й.

ҚҰРҚОҚ ЭМАСМАН

Йуқ, азизим, қўрқоқ эмасман,
Қўрқмагайман ҳатто ўлимдан.
Аммо даҳшат: якка қолсаму
Ушламаса дўстлар қўлимдан.

13 январь, 1965 й.

ЎҒРИ

Баъзилар бор бефаҳм, бетамиз,
Вақт олади валдираб, вайсаб.
Улар билан бир кун гаплашсанг
Бир ой ишдан чиқади асаб.

Бир бемаъни гап айтиш учун
Чиқиб турар атайлаб йулга.
Бир бошласа сўзни тўхтамас,
Қоқиб берар миянгни қулга.

Ундайларнинг суҳбати азоб,
Гапи сассик, қўланса, тузсиз.
Улар асаб, вақт ўғрилари:
Улар шилқим, бераҳм юзсиз!

Ундайлардан ақлингиз бўлса,
Узоқ юринг,— гапнинг тўғриси.
Ўғриларнинг энг расвоси ҳам
Вақт ўғриси, асаб ўғриси!

27 январь, 1965 й

УЛГАН КАСБ

Вақти келиб гоҳо кекса тарихда
Ҳеч бир кутилмаган ишлар бўлади.
Худди одам каби ёшини яшаб
Баъзи бир ҳунар ҳам, касб ҳам улади.

Мана, Бухорони ўтмишда мешсиз,
Мешкобсиз тасаввур қилиб бўлмасди.
Эски Бухорода мешкоб афзалми,
Е нонвой афзалми, билиб бўлмасди.

Нон ҳам, сув ҳам керак инсонга, шаксиз.
Уйма-уй сув ташиб юрарди мешкоб.
Лабиҳовуздаги кукарган сувдан
Элга «шарбат» бериб турарди мешкоб.

Баъзида бу «шарбат» бечораларни
Ришта касалига айларди дучор.
Қандоқ қилсин, бошқа сув бўлмагач, халқ
Кукарган сувни ҳам ичарди ночор...

Янги замон келиб, янги Бухоро
Ўтмишнинг доғини ювиб ташлади.
Водопроводдан келаётган сув
Оби ҳаёт бўлиб оқа бошлади.

Лабиҳовуздаги сассиқ сув, ришта,
Мешкоблик ҳунари йўқолди бирдан,

Зарурат қолмади мешкобга, мешга,
Тоза сув келганда темир қувурдан.

Бухороликларга шарбат татийди
Кумушдай, мусаффо, тозаланган сув.
Водопроводнинг сувида, гуё,
Оқиб кетди меш ҳам, мешкоб ҳам мангу.

Ҳозир эса бирор одам топилмас
Мешкобни ахтариб овора бўлган.
Музейда сақланар мешкобнинг меши.
Ўзидан асар йуқ, касби ҳам ўлган.

Март, 1959 й. Бухоро.

Февраль, 1965 й. Тошкент.

САРОБ ЭМАС...

(Қорақум каналида)

Борми бизнинг қудратимизга
Бўйсунмаган биронта соҳа!
Сароб эмас, кўзга кўринган,
Қум қўйнида гуллаган воҳа!

Сароб эмас, ўзинг ичиб кўр,
Чул бағрида оқаётган сув.
Сароб эмас биз яратган кўл,
Юлдузларни акс этган кўзгу.

Бу зилол сув қумнинг минг йиллик
Чанқогини қондирган шароб.
Қаҳрамонлар ҳамла қилганда,
Хатто, қўрқиб чекилар сароб.

Ноябрь, 1962 й.— февраль, 1965 й.

ИНЖУ ВА КУПИК

Денгизнинг остида ётади инжу,
Купик эса денгиз устида доим.
Купик: юзага чиқ!— дермиш инжуга,
Инжу дермиш: денгиз багрида жойим!

Инжудан гузалман деярмиш купик,
Қуёшнинг нурида товланиб, ёниб.
Кадрим, қимматим зур дунёда менинг,
Инжудан баландман, дермиш мақтаниб.

Қанча мақтанмасин купикдир купик,
Лип этиб ёнади, лип этиб учар.
Вазмини йўқ, енгил, денгиз устига —
Енгил ўрнашади ва енгил кўчар.

Елдан мадад олиб денгиз бетида,
Оқ чечак отса ҳам купикдир купик!
Олтинга айланиб қуёш нурида
Кузни уйнатса ҳам купикдир купик.

Дунёда инжу ҳам, купик ҳам шаксиз,
Ўзига яраша ўрин олади.
Денгиз тинчидими, шамол тиндими
Купик йўқолади, инжу қолади.

28 февраль, 1965 й.

СУНГГИ ДАМГАЧА

Амр этинг, доимо тайёрман ишга,
Азиз ватандошлар, сизда қулоғим.
Сиз учун хизматда, сўнгги дамгача
Тўхтамайди қалбим — қайнар булоғим!

1 март, 1965 й.

ЕМОН ТАНҚИДЧИ ҲАҚИДА

Ёзувчига меҳрибон бўлган,
Устоз бўлган танқидчилар куп.
Танқидчи бор — танқиддан тубан.
Танқидчи бор — доно, файласуф.

Яхшиларга минг қарра раҳмат.
Минг арава лаънат ёмонга.
Тушунмасдан ёмон танқидчи
Алмаштирар донни сомонга.

Тушунмасдан, асар ўқиса
Йиғлайдиган жойда кулади.
Агар улар ўтоққа тушса,
Алаф қолиб гулни юлади.

Қалид билан эмас, болта билан
Шеърятнинг эшигин очар.
Ундайлардан ҳамма ҳам безор,
Ундайлардан ҳамма ҳам қочар.

Адашади ундай танқидчи
Тарозига тош қўяман деб.
Агар ҳушёр бўлиб турмасанг
Қўз чиқарар қош қўяман деб.

Ишга тушса ундай шоввозлар
Бугдой қолиб мақталар сомон.
Мақсадимиз: кошки бўлмаса
Орамизда битта ҳам ёмон.

1 март, 1965 й.

ХАР БИР ЯЛТИРАГАН НАРСА УТ ЭМАС

Хар бир ялтираган нарса ут эмас,
Шиша синиғи ҳам ялтирар нурда.
Фарқ қилар оловдан ялтироқ шиша,
Фарқ қилгачи каби тирикдан мурда.

8 март, 1965 й.

ОИЛА

Дейдилар оила агар боғ бўлса,
Боғнинг боғбонлари хотин билан эр.
Боғбонларга боғлиқ боғнинг гуллаши,
Парвариш истайди боғ этилган ер.

Гуллатадиган ҳам боғни иккови,
Қуритадиган ҳам иккови дерлар.
Ҳар чоқ оиланинг тақдири учун
Баравар жавобгар аёллар, эрлар,

Боғни гуллатишда уларга ҳамдам:
Муҳаббат, аҳиллик, садоқат, вафо.
Боғ қурир агарда ўртага тушса
Вафосизлик, шубҳа, хиёнат, жафо.

Дейдиларким, меҳру муҳаббат билан
Парвариш топган боғ гуллар муттасил.
Дустлар, оилада дунёга келур
Бизнинг авлодимиз, келажак насл.

Оила жамият асоси, уни
Қўз қорачиғидай сақламоқ керак.
Эру хотин деган юксак унвонни
Шону шараф билан оқламоқ керак.

13 март, 1965 й.

ГУЗАЛ

Ҳиндистонда бир гузал кўрдим,
Таърифини келтириш қийин.
Бир қарашда мафтун бўласан,
Ололмайсан кўзингни кейин.

Ололмадим мен ҳам кўзимни,
Гул юзига бир йўла боқиб.
Куришай, деб қўл чўзган эдим,
— Шошманг!— деди, бадбуруш соҳиб.

— Паст табақа, сафил бу аёл,
Жирканамиз ундайлардан биз!
Қул теккизманг бу касофатга,
Таомилни бузакўрмангиз!

Маъюсланди ерга боқиб қиз,
Қаттиқ ботди соҳибнинг сўзи.
Соҳиб хунук: чечак туфайли
Юзи чўтир, сўқир бир кўзи.

Қизнинг айби — мансуб бўлиши
Таҳқирланган «паст» табақага.
Аммо гузал тенгги йўқ бу қиз,
Соҳиб эса ўхшар бақага.

Соҳиб, мени чалғитма, менга
Сенинг жирканч таомилинг ёт.

Сен ўлимнинг тимсоли,— қизнинг
Чеҳрасида барқ урар ҳаёт.

Йўқ, у инсон табақасига
Мансуб бўлган покиза бир қиз.
Турли-туман табақаларни
Туқиб, ўйлаб чиқарганлар сиз!..

Ҳавас билан сўнгги бор боқиб
Давом этдим, ночор, йўлимда.
Кунса гузал қўл теккизишмас,
Кўтариб юрардим қўлимда.

*Май, 1962 й.—13 март, 1965 й.
Деҳли — Тошкент.*

ТУҒРУҚХОНАДА

Уялиб, қимтиниб, бахтиёр она,
Маъсум табассум-ла қарайди бизга,
Доктор дейди: меҳмон, ном қўйиб беринг
Шу бугун тонг билан туғилган қизга.

Дейман: яхши ном кўп — Саодат, Ҳаёт,
Майли, Ҳаёт бўлсин қизчанинг оти.
Инсон туғилади яшамоқ учун,
Инсонга хос бўлсин қизнинг ҳаёти.

Бемаҳал ўлимга ем бўлмасин қиз;
Томоқдан бўридай, бўғмасин очлик,
Унинг инсон деган улуғ шаънига
Доғ бўлиб тушмасин хорлик, муҳтожлик.

Ҳеч вақт бузилмасин олам тинчлиги,
Она кўзларида кўринмасин нам.
Кўкдан ноғиҳони тушган бомбалар
Қизнинг ҳаётига бермасин барҳам.

Номи Ҳаёт бўлсин, дунёга инсон
Яшамоқчи бўлиб келади доим...
Онага ҳам мақбул бўлди бу сўзлар,
Миннатдор кўзлари боқар мулойим.

*Май, 1962 й.—13 март, 1965 й.
Карачи — Тошкент.*

Ш О Ш И Л М А

Баъзи бир ҳовлиқма ёш ёзувчиларга

Тирсак билан туртиб ёндагиларни
Олдинга чиқай деб интилма, шошма!
Ижод майдонига кирибсан, яхши,
Ўз ўрнингни билу ҳаддингдан ошма!

Стадион эмас ижод майдони,
Соврун ололмайсан чопганинг билан.
Беш қўлни барабар оғзингга тикма,
Қаноат ҳосил қил топганинг билан.

Ижодкор одамга муҳими асар,
Ўзинг эмас асар илгари юрсин.
Соядай камтар бўл, аммо, асаринг
Ёруғ юлдуз каби чароқлаб турсин.

Ўзинг орқароқда, ёзган асаринг
Олдинги қаторда бўлгани маъқул.
Асари узидан орқада қолса
Ундай санъаткорнинг ўлгани маъқул.

13 март, 1965 й.

ЧАҚАЛОҚ ЙИҒИСИ

Йиғи ёмон нарсa, ағар катталар
Йиғласа доимо ғамга тўламиз.
Аммо чақалоқлар тамшаниб, сут деб
Йиғлаганида ҳам хурсанд бўламиз.

Шундай, чақалоқлар йиғиси бошқа
У ҳаёт овози, ёқади бизга.
Улар йиғлаганда кулганида ҳам
Шодлик тўлдиради оиламизга.

Майли, чақалоқлар купайсин, ўссин,
Уларнинг йиғиси «қурқинчли» эмас,
Юз бериб оламда бирор фожиа
Даҳшатдан катталар йиғламаса бас.

15 март, 1965 й.

ОЙДИН КЕЧАДА

Деразамни тиқирлатган ким?
Е сенмисан, ғузал ойжамол?
Ҳеч жавоб йуқ... Ойдин кечада
Гулшан ичра ўйнайди шамол.

Шамол экан мени алдаган,
Шўхлик қилиб, дераза қоқиб...
Тонгга қадар сени ўйладим
Юлдузларнинг ҳуснига боқиб.

Тонгга қадар кутдим, келмадинг,
Тонгга қадар утирдим боғда.
Бедор ўтар ҳамиша туним
Жоним сени соғинган чоғда.

Бир кечамас, ҳатто минг кеча
Ўтиришга қодирман бедор.
Ўтун умр кутишим мумкин,
Келаман деб ваъда берсанг, ёр.

15 март, 1965 й.

КУЗ ТАШЛАСАМ МОВИЙ ДЕНГИЗГА

Шамол қўзғаб силкинса денгиз
Кумуш пари ёнар қуёшда...
Бу гўзаллик, сеҳргар жилва
Олий ўйлар уйғотар бошда.

Куз ташласам мовий денгизга
Хаёл уфқи кенгаяр бирдан,
Теранлашар фикрлар, ҳислар.
Огоҳмисиз сиз ҳам бу сирдан?

Ҳаётга чорловчи гўзаллик
Шеърятга бўлармиш емиш.
Одатда улуғлик улуғ ҳис,
Улуғ ўйлар уйғотар эмиш.

*18 июль, 1965 й.
Күктебель — Қора денгиз.*

ЧАРЛОҚ

Қанот ёзиб, денгиз бағирлаб
Учиб юрар битта оқ чарлоқ.
Гўё, кўкда булутни ёриб
Чақнагандай ногаҳон чақмоқ.

Озиқланар денгизга шўнғиб.
Сув ичади қўниб тўлқинга.
Сунг юсакка хезланар бирдан.
Ҳавас билан боқаман унга.

Оқ чарлоққа боқаман хурсанд.
Олам кўзга кўринар порлоқ.
Хаёлимни оқ қанотида
Олиб учар юсакка чарлоқ.

18 июль, 1965 й.

Кўктебель — Қора денгиз.

ДАМ ОЛАМИЗ

Чўмиламиз бадан, асаб, пай
Аста-секин туплайди кучин.
Дам оламиз заводда, қирда
Муъжизалар яратмоқ учун.

Халол меҳнат қилдингми, боплаб
Дам олишга ҳақкинг бор, дўстим.
Меҳнат билан дунёга ҳусн
Қўшганлар куп бахтиёр, дўстим.

18 июль, 1965 й.

Кўктебель — Қора денгиз.

КУЛМА, ҚИЗИМ

Кулма, қизим, буvingга қараб,
Унга ҳурмат, ҳавас билан боқ.
Ҳар кимга ҳам муяссар бўлмас
Дунёмизда узок яшамоқ.

Кексалар ёшига етолмай
Ёш кетганлар жуда кўп, қизим.
Муддатидан олдин ҳаёти
Тарк этганлар жуда кўп, қизим.

Кексаларни ҳурмат қил доим!
Хотирангдан чиқмасин бу гап.
Қани сен ҳам кўп яшасангу,
Кампир бўлсанг буvingга ўхшаб.

*31 июль, 1965 й.
Кўктебель — Қора денгиз.*

**ЙУҚ, ДОКТОР,
КУКСИМГА ҚУЛОҚ ҚУЙМАГИЛ**

Йуқ, доктор, куксимга қулоқ қуймагил,
Саломат деб фараз қилишинг мумкин.
Қалбимнинг зарбини, ҳароратини
Мисраларни ўқиб билишинг мумкин.

8 август, 1965 й.
Дублати — Болтиқ денгизи.

ДАНАК

Фақат данак эмас кафтингда турган,
Бўлажак гул, мева, бўлажак дарахт.
Ҳозир улар ниҳон данак ичида
Ҳозирча уйқуда, ҳозирча карахт.

Муъжиза яратар шу кичик данак
Кафтингдан тушганда она тупроққа
Данак ичидаги ялакат мағиз
Айланади гулга, яшил япроққа.

16 август, 1965 й.
Дубулти.

ОЛТМИШ ДОВОН ОШДИМ

Дадил ошиб ўтдим олтмиш довондан,
Юзинчи довонда энди кўзларим.
Ишонинг, ундан ҳам ошиб ўтаман,
Елга кетганмиди ҳеч вақт сўзларим?

Агар бирор сабаб туфайли ўзим
Ошолмасам, шаксиз, шеърим ошади.
Агар шеъри юз йил умр сурмаса
Шоир бу дунёда нечун яшади?

26 август, 1965 й.

Дубулти — Болтиқ денгизи.

ХАЛҚИМНИ СЕВАМАН

Халқимни севаман, бу севги менга
Жондан азиз десам, хато қилмасдим.
Агар ўз халқимни сева билмасам
Ўзга халқларни ҳам сева билмасдим.

*26 август, 1965 й.
Дубулти — Болтиқ денгизи.*

НОН

Уғлим, нонни ерга ташлама,
Хурмати зур, қадри зур ноннинг.
Замирида тоғдек беқиёс,
Меҳнати бор бобо деҳқоннинг.

Шу бир бурда нон замирида,
Қанча меҳнат, қанча ҳаяжон.
Қалб утида пишар, деҳқоннинг —
Тери билан йўғрилган бу нон.

Уғлим, нонни ерга ташлама!
Ташланган нон кўзни кўр қилур.
Ерда ётган нонни кутарсанг,
Мартабангни баланд, зур қилур.

27 август, 1965 й.

ШАМОЛ ЧУПОН ЭМИШ

Шамол чўпон эмиш, булутлар қўйи,
Қўйларни савармиш чақмоқ қамчиси.
Чопа-чопа «қўйлар» терга тушганда
Ерга йўрғалармиш ёмғир томчиси.

27 август, 1965 й.

Дубулти — Болтиқ дснниси.

СЕВГИ УММОН ЭМИШ

Севги уммон эмиш, ҳозирга қадар
Ундан инсоният бир томчи олмиш.
Шу биргина томчи севги кучи ҳам
Инсонлар қалбига гулгула солмиш.

Агар бутун уммон ишга тушганда
Нима булар эди, тассавур қилинг!..
Севгидан нолима, севги топилур
Агар муҳаббатга мос бўлса дилинг.

Севги поёнсиздир, севги уммони
Ҳали шу буйича яхлит турибди.
Фақат гадо бўлиб севгига ҳиссиз,
Бевафоларгина нолиб юрибди.

25 август — 7 сентябрь. 1965 й.

ТОБУТ

Ҳар ой Вьетнамдан «хуш хабар», доллар
Оларди бойликка ҳирс қўйган аёл.
Лекин омаднинг ҳам сўнгги бўлади,
Доим хушвақт бўлиш, шаксиз, хом хаёл.
Бугун ҳам эридан доллар кутарди,
Аэродром сари югурди-елди.
Аммо бу гал доллар эмас, эрининг —
Жасади солинган тобути келди.

29 октябрь, 1965 й.

ПАРВОЗ

Октябрь кунлари бошланган парвоз
Хамон давом этар, ҳамон авжида.
Яққол кўринмоқда салобатимиз
Зафар денгизининг олтин мавжида.

Бахтимиз юксалди улуғ айёмда,
Қуёш балқигандай парпираб тонгда.
Давом этмоқдадир юксалиш, парвоз
Илму маърифатда, идроку онгда.

Ҳар нарсада парвоз, ҳар ерда парвоз,
Хонадонга қадар хонадан тортиб.
Юксалди мамлакат, юксалди Ватан
Қудратли кифтига саодат ортиб.

Қолоқ ўлка эдик, олдинга чиқдик.
Ёруғ юлдуз бўлиб қолдик жаҳонда.
Юксалишимизнинг сири, бойси
Улуғ партиямиз яратган шонда.

Довул бўлиб эсдик, кўҳна дунёнинг
Харобаларини кўкка созуриб.
Гулхан бўлиб ёндик, барча иллатни,
Эски сарқитларни ўтди қовуриб.

Қуёш бўлиб балқдик нур сочиб, порлаб.
Дарё бўлиб тошдик, гул бўлиб ундик.

Космик кемаларда биринчи бўлиб
Самога юксалдик, Ой узра қўндик.

Кучли оқин бўлиб, сел бўлиб ўтдик,
Парча-парча бўлди йўлдаги ғовлар.
Жангда мағлуб бўлди, хокисор бўлди
Биз билан куч синаб беллашган ёвлар.

Чегараси йўқдир парвозимизнинг,
Космик суръат билан учамиз ҳамон.
Элда коммунизм қурилар шаксиз,
Бизнинг изимизда замин у замон.

Тубанликда қолди парвозимизга
Шак келтириб юрган жоҳил ва авом.
Октябрда ёруғ келажак сари
Бошланган зўр парвоз этади давом.

29 октябрь, 1965 й.

ЛЕНИННИ ЭСЛАБ

Шонли Октябрни тилга олганда
Улуғ Ленин тушар ёдимга ҳар гал.
Улуғ Ленин доно йўлбошчи эди,
Асрлар жумбоғи этилганда ҳал.

Ағдарилганида қонли тожу тахт,
Ленин раҳбар эди жанггу жадалда.
Ҳар бир қувончли кун, ҳар галабада
Ленинни эслаймиз биринчи галда.

Қанча масофани босиб ўтди халқ,
Қанча доvon ошдик ўшандан бери,
Галаба қозондик ҳар бир соҳада,
Жаннатга айланди ғолиблар ери.

Бизга Ленин доим мададкор бўлди,
Унинг номи билан боғлиқ ҳар зафар,
Унинг ғоясидан қудрат, куч олиб,
Коммунизм сари бошладик сафар.

Ҳар бир мушкулни ҳам осон қилади
Унинг таълимоти, унинг ғояси.
Уни устоз дедик, унга нисбатан
Ҳурмат, севгимизнинг йўқ ниҳояси.

Шонли Октябрни тилга олганда,
Улуғ Ленин тушар ёдимга ҳар гал.
Улуғ Ленин устоз ва раҳбар эди
Авлодлар тақдири этилганда ҳал.
1 ноябрь, 1965 й.

ҲУЖУМ

Октябрь кунлари боболаримиз
Хужум қилган эди «Қишлик сарой»га
Биз давом эттириб боболар ишин
Хужум қилмоқдамиз юлдузга, Ойга.

Халқимизнинг меҳнат ва ижодидан
Кулбалар айланди олтин саройга.
Шу қадар юксалдик, шунча ўсдикки,
Байроқ тика олдик кўкдаги Ойга.

1 ноябрь, 1965 й.

БЕКОР ЁТМА

Бекор ётма, ишламоқ учун
Имконият, фурсат бор экан.
Бекор ётма, меҳнат қил тинмай,
Саломатлик сенга ёр экан.

Вақти келар ётарсан мангу,
Турмас булиб қайтадан ҳеч вақт.
Шул сабабдан ҳаёт экансан
Меҳнат қилгил, меҳнатдадир бахт!

8 ноябрь, 1965 й.

ЯНКИ

«Янки, уйингга кет!» дейди одамлар
Юртини қўриқлаб бало-қазодан.
Тумшугини суқса қай юртга янки,
Уша юртнинг боши чиқмас азадан.

«Янки, уйингга қайт!» дейди дарғазаб
Унинг найрангидан зада бўлганлар.
«Янки, қоранг ўчсин!» дейишар, унинг —
Зулмидан юраги қонга тўлганлар.

Қаердаки фитна, хархаша бўлса
Уша ерда унинг қўли бор, инон!
Пентагондан чиққан босқинчи, ўғри
Чақишда чаёну аврашда илон.

Юзида кулги-ю, тилида заҳар,
Тулкидай муғомбир, қилиғи ёмон.
Инсоф деган гапдан тариқча ҳам йўқ..
Тишига тушдингми, чайнар беомон.

«Биз одил одамлар», дейди-ю аммо,
Қўлига тушганни майиб қилади.
Ғафлат босганларни, алданганларни
Ердам бераман, деб роса шилади.

Дўстлик изҳор қилар кўринганларга
Турига тушдими, сўрар қонини.

Лақиллатиб содда, гўл одамларни
Боплаб «туя» қилиб берар нонини.

Отнинг қашқасидек машҳурдир Янки,
Хулқи жирканч, ифлос, табиати паст.
Қонуний давлатлар, озод элларга
Қарши фитна қўзғар, қилар суиқасд.

Ва лекин ҳар қанча товланмасин у
Барибир бир куни тушади қўлга.
Озодлик тўлқини қудратли, Янки —
Энди тўғон бўлиб туролмас йўлга.

Тинчликсеварларнинг, эрксеварларнинг
Қўли ҳалқумидан тутар ҳадемай.
Ажал уругини сочган қонхўрни
Ўлим ўз қаърига ютар ҳадемай.

8 ноябрь, 1965 й.

АЖИН

Юзнинг ажинини, сочининг оқини
Тўхтага олмайман, қўлимдан келмас.
Аммо юрагимни ва ижодимни
Еш сақлай оламан — шу бахт менга бас.

25 ноябрь, 1965 й.

БОЛА СЕВГИСИ

Бола деб ҳар қандай синовга тайёр,
Она писанд килмас иссиқ, совуқни.
Курганмисиз қурғаб уз жужасини
Калхатга ташланган она товуқни?

Узидан ун ҳисса кучли душманга
Хужум қилса товуқ йўқдир ҳечқиси.
Шижоат бахш этар она товуққа
Жужа муҳаббати, бола севгиси.

14 декабрь, 1965 й.

ЕНҒИН

Қўшнингнинг уйига ўт тушса агар
Анграйиб турмагил томоша қилиб.
Сувга чоп, сув келтир, ёнғинни учир.
Қўшнилик бурчини муқаддас билиб.

Агар четда турсанг ўт бора-бора
Сенинг уйингга ҳам ўтиши мумкин.
Қўшнингнинг бошига келган фалокат
Сенинг бошингга ҳам етиши мумкин.

Инсонларга хосдир дустлик, аҳиллик.
Ҳалокатга судрар ҳасад, бахиллик.

15 декабрь, 1965 й.



Уйғун. 1925.

НОЛИМА

Оз яшадим дея нолима, аввал
Мулоҳаза қилгил пича.
Рост, жаҳон умрига нисбатан сенинг —
Умринг биргина зум, чақмоқ умрича.

Аммо чақмоқ бир зум яшаса ҳамки.
Оламни ёритар зулматни ёқиб.
Бир зум ҳам етарлик эзгу иш учун,
Ибрат ол чақмоқнинг ишига боқиб.

16 декабрь, 1965 й.

ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН

Азиз ватандошлар, янги йил билан!
Янги йил, янги бахт муборак бўлсин!
Ишингиз ҳамма вақт ўнгидан келиб,
Қалбингиз доимо шодликка тўлсин.

Ғолиб қўллардаги олтин қадаҳлар
Ўтарангги юксалиб самога етди.
Ўтган йил эришган ютуғингизнинг
Довруғи дунёга тарқалиб кетди.

Ахир тўрт миллион тоннага яқин
«Оқ олтин» тўпландик, ҳазил гап эмас!
Аммо олға босиб ўрганган халқим
Чегарага етдик, энди бас, демас.

Ҳа, ғалабаларнинг чегараси йўқ,
Олға ташланамиз далил ва бардам.
Жаҳонни ҳайратга солган халқимиз
Мўъжиза яратар янги йилда ҳам.

Ватандошларимнинг нияти холис,
Нияти муқаддас, олий, мўътабар.
Дейдилар: дунёда инсон ва ҳаёт,
Тинчлик ва адолат қозонсин зафар!

Тилагимиз яхши, олий тилаклар,
Боғларга барака тилаймиз доим.

Бизда ҳар азамат, ҳар бир ватандош
Ижодда, меҳнатда, дер менинг жойим.

Тилаймиз, дунёнинг чиройи ортсин,
Кўзларда ёш эмас, табассум ёнсин.
Бўстонга айланган саҳролар, чўллар
Янги каналларнинг сувига қонсин.

Ерни тракторлар ҳайдасин, кўкдан
Ёғилган даҳшатли бомбалар эмас.
Деймиз пентагонлик зўравонларга
Вьетнамни тинч қўй, аблаҳ, ярамас!

Тупроқ қондан эмас, гулдан қизарсин.
Яшасин ҳаётни ёқловчи ғоя!
Атом бомбасининг мудҳиш дудидан
Ерга ёстанмасин даҳшатли соя!

Амалга ошади улуғ режалар,
Ишончимиз комил, йўлимиз порлоқ.
Азиз ватандошлар, янги йил билан!
Бахтингиз, шонингиз ёр бўлсин ҳар чоқ.

16 декабрь, 1965 й.

ЕР ОРОМ ОЛАРМИШ...

Ёз бўйи тинмасдан меҳнат қилиб, ер
Қишда дам олармиш, ухлармиш бир оз,
Аллалармиш уни изгирин, бурон,
Бошини силармиш эркалаб аёз.

Ер озор чекмасин, ором олсин деб,
Парвона бўлармиш она табиат.
Оқсоч қиш совуққа тўнгма деб, кумуш —
Кўрпа ёпар эмиш устига қат-қат.

Қишда ухлаб расо куч йиғармиш ер,
Ёзда гулларга куч, чирой бергали.
Майли, ер дам олсин, ухласин пича,
Баҳорда уйғонар, фурсат бор ҳали.

17 декабрь, 1965 й.

ЕР ҲАМ ТУШ КЎРАРМИШ

Ер ҳам туш кўрармиш, унинг тушига
Оқ пахта кирармиш қишда аёзда.
Туши эса доим ўнгидан келиб,
Ўзалар гуллармиш барқ уриб ёзда.

Ўзалар кумушга айланган чоғда
Кўтариб юрармиш бошга қўйиб.
Олтин қизим, дея бағрига босиб,
Ўсуну жамолига қарармиш тўйиб.

Тушда ҳам, ўнгда ҳам севдим деб сени
Ардоқлармиш уни кўтариб бошга.
Хирмон-хирмон этиб кўтариб баланд,
Кўз-кўз қилар эмиш ўзал қуёшга.

17 декабрь, 1965 й.

КУЗ СУЗИБ

Ҳам кўз сузиб, ҳам қош уйнатиб,
Ҳам табассум қилдинг бир йўла.
Ҳар бирида минг ғамза, минг ноз,
Ҳар бирида ҳалокат тўла.

Минг жон олур ҳар битта ғамзанг,
Ҳар ишвада минглаб-минглаб ўқ.
Шул сабабдан ойдек юзингга
Бардош бериб қаролганим йўқ.

Чунки менинг битта жоним бор,
Кулма мендан, қилма киноя!
Мен гарибни қатл этмак учун
Бир истиғно — бир ўқ кифоя!

17 декабрь, 1965 й.

МИЗОЖ

Ҳар кимнинг мизожи ҳар хил бўлади.
Жуда ҳам ажойиб мендаги мизож.
Бошимда мисралар пайдо бўлдими,
Езиб қутуламан, йўқ бошқа илож.

Агарда ёзмасам, миямни улар
Зулукдай сўришар, аридай талар.
Шу қадар азобда қолиб ёнаман,
Гўёки миямга кимдир ўт қалар.

Ҳа, менга тинчлик йўқ, иш билан мия
Пора-пора бўлиб сўкилмагунча.
Мияни сўришдан тўхтамас шеър,
Дур бўлиб қогозга тўкилмагунча.

17 декабрь, 1965 й.

АМЕРИКАЛИК БИР АЕЛГА

Айт-чи, билармидинг туққан болангинг
Улғайганда жаллод бўлишлигини?
Билармидинг ўғлинг туфайли минглаб
Она қалби қонга тўлишлигини?

Ўғлинг Вьетнамда бомба ёғдириб
Минглаб гўдакларни ўлдирганида,
Вьетнам кўкини шўрлик оналар
Оҳу ноласига тўлдирганида,
Сен қаерда эдинг? Кўзинг кўрмиди?
Қулоғинг кармиди? Уялмадингми?
Ахир, ҳалокатнинг олдини олиб,
Босқинчи ўғлингни тиёлмадингми?

Ўзингни бахтиёр ҳисоблайсанми
Гуноҳсиз болалар ўтда ёнган пайт?
Бошқа оналарнинг доди, фарёди
Сенга сира таъсир қилмадими? Айт!
Бунча бағри тошсан, ялмоғиз? Ёки
Илоннинг ёғини ялаганмидинг?
Тариқча ҳам йўқми сенда шафқатдан?
Ёки дўзахга ўт қалаганмидинг?

Ўғлинг Вьетнамдан юборган пулда
Қон юқи бор эди, кўрмадингми? Хўш?
Аммо, шуни яхши билиб қўйгилки,
Йинойтчиларнинг доим тағи бўш!

Ҳар бир жинойтнинг жазоси ҳам бор,
Жинойтга лойиқ берилур жазо.
Озодлик ёвининг умри қисқадир,
Ҳадемай, ўғлингга тутасан аза.

Ўқи хато кетмас партизанларнинг,
Боланг ўққа учиб, шаксиз улади,
Мотамдан юрагинг қонга тўлади.
Шуни хоҳлар эдим, шундай бўлади!

27 декабрь, 1965 й.

АГАР СЕВСАНГ...

Севганингни, севгингни мақтаб
Ширин гаплар айтишинг мумкин.
Аммо, кулфат тушса бошимга
Гапларингдан қайтишинг мумкин.

Агар севсанг мени юракдан
Бирга сузгил селда, оқинда,
Бирга тотгил аччиқ-чучукни,
Бирга бўлгил узоқ-яқинда.

Қайғудош бўл қайғурсам агар,
Бирга севин севинганимда.
Кулфат тушса, агар бошимга
Ташлаб кетма, бўлгил ёнимда.

Қуёш бўлиб нур соч кундузи,
Юлдуз бўлиб йўл кўрсат тунда
Баҳам кўргил нимаки бўлса,
Ишонаман севгингга шунда.

17 декабрь, 1965 й.

ЭЛЛИККА КИРГАНДА

Элликка кирганда оқарди сочим,
Олтмишга кирганда айланди қорга.
Аммо қариликни билмас кўнглимни
Қиёс қилса бўлур гузал баҳорга.

Юзларимда ажин, сочларимда қор,
Ва лекин қалбимда ҳамиша баҳор.

1965 й.

ПОРАХҲҲР

Агар порахўрга ишинг тушдими,
Муомала қилар қўлингга боқиб.
Ҳаромга ўрганган, бир нима кутиб
Кўзи жавдирайди, сўлаги оқиб.

Агар бирор нарсa кўрса қўлингда,
Чеҳраси очилар, илжаяр, кулар.
Бир чақалик хизмат кўрсатмак учун
Кези келса, улар юз сўмни юлар.

5 январь, 1966 й.

САДҚАЙИ КЎЗ ЕШЛАРИНГ КЕТСИН

Алдадими? Ташлаб кетдими
Қон йиглатиб, кўнгил берганинг?
Ёт эканми бегонадан ҳам,
Яқин куриб қучоқ кеганинг?

Алданибсан, алдабди бошда
Содда бўлиб кўринган айёр.
О, ҳушёр бўл, ундай разиллар
Ҳар қанақа пастликка тайёр.

Ҳа, севгида алданиш оғир,
Аммо, энди иложинг қанча?
Бу алданиш, ёниш туфайли
Мулла бўлдинг, тушундинг анча.

Шукур қилгил қутулганингга
Ундай разил, ундай маккордан.
Мумкин эмас мурувват кутиш
Виждонни йўқ, беюз, беордан.

Вафосизлар вафо, севгининг
Қандай қилиб қадрига етсин?
Қуй, йиғлама, ўша бевафо
Садқайи кўз ёшларинг кетсин!

1 февраль, 1966 й.

ТИРИКЛАР САФИДА

(Мусо Жалилла)

Шоирни қамоқлар, қийноқлар, дўқлар
Кайтара олмади шарафли йўлдан.
Хаёт деб жанг қилди, сўнгги дамгача
Жанговар қалами тушмади қўлдан.

Доимо тириклар сафида шоир,
Шоирга ўлим ёт, унутилиш ёт.
Ёзган шеърлари ўлим олдидан
Шоирга бахш этди мангулик ҳаёт.

Тириклар тилидан тушмайди номи,
Улуг шоирларга муносиб бу ҳол.
Юрак қони билан битилган шеър
Тириклар қўлида жанговар қурол.

Насллар наслга берар шеърини
Деб: — эзгу меросни ардоқлаб кўтар!
Авлодлар шеърини гулдастасимон
Минглаб асрлардан кўтариб ўтар.

9 февраль, 1966 й.

КУЗАКДА

Кузакда ўрмонни айланиб юриб,
Кўзим арча билан қайинга тушди.
Арча ҳамон кўм-кўк, қайин барглари
Сарғайган: олтин ранг, оташ ранг, пушти...

Кўк шоҳи либосли арчахон билан
Олтин кўйлак қайин турар юзма-юз.
Гўёки шоирни ҳайратга солиб,
Ёнма-ён тургандай, баҳор билан куз...

11 февраль, 1966 й.

ФАЛОНЧИГА

(Юмалоқ хат юборувчиларга)

Имзосиз ва ёки бошқа бировнинг
Имзосини қўйиб юборасан хат.
Ахир уласанми хат ёзганингда
Очиқ имзо қўйиб ёзсанг, касофат!

Хатинг бошдан-оёқ иғво ва тухмат,
Хатинг ҳақиқатдан тамоман узоқ.
Дунёни тескари кўради кўзинг,
Оқни қора дейсан, қорани-чи — оқ!

Хатинг арзимасу машаққати кўп,
Фурсатни ўғирлар, қотирар бошни.
Мисли кўршапалак қанотинг билан
Тўсмоқчи бўласан порлоқ қуёшни.

Имзосиз хат ёзиб, пок одамларнинг,
Шаънига доғ солмоқ бўласан гоҳи.
Ўзгалар бахтини кўролмай, аблаҳ,
Ҳасаддан заҳарга туласан гоҳи,

Қанча одам сарсон, қанча идора
Овора текшириб ёзган хатингни.
(О, қани қўлига тушсанг, бедаво,
Ўзғитиворарди уриб патингни!)

Хатинг одамларни ишдан қўяди
Асабларни бузар, қилади диққат.

Баъзида ўқ бўлиб тегиб юракни
Жароҳат қилади туҳмат тўла хат.

Жавоб бер: Инсмисан? Жинсмисан? Кимсан?
Адресинг қаерда? Аниқ номинг ким?
Ахир минг томонга хат ёзиб, ўзинг
Ковакда биқиниб ётасанми жим!

Ахир қачонгача ковакда ётиб,
Зимдан заҳарингни сочасан чаён?
Аммо башарангни қанча яширма
Барибир биз учун кимлигинг аён.

Қўрқоқсан! Номардсан! Фисқу фужурсан!
Ифвонинг уяси турган-битганинг.
Бировга беҳуда озор бергунча
Яхшироқ қон ила зардоб ютганинг!

Мард бўлсанг, майдонга чиқиб гаплашгил,
Ҳақ бўлсанг, бекинма, очиқча сўзлаш.
Дунёда энг расво нарсa ҳасаддан —
Покиза одамнинг заволин кўзлаш.

24 февраль, 1966 й.

НАЙ

Хижрон азобини тортган ошиқнинг
Ноласини изҳор қилар эмиш най.
Шул сабабдан найчи чалганда уни
Овози борича йиғлармиш тинмай.

24 февраль, 1966 й.

ДУТОР

Дутор ошиқларнинг юрак сирини
Бир-бирига аста шивирлар эмиш.
Шу сабаб донолар ҳамма чолғудан
Дуторни юракка яқинроқ демиш.

24 февраль, 1966 й.

ЎЛКАДА БАҲОР

Одатда биз коммунизмга
Борамиз деб айтамыз, бу рост.
Аммо фурсат, вақт маъносида,
Булмаса ҳеч ёққа борилмас.

Коммунизм худди шу ерда,
Шу ўлкада бўлар барқарор.
Коммунизм бошланар элда
Бошлангандай ўлкада баҳор.

Поёни йўқ дала, қирларда
Коммунизм яшнар гул очиб.
Коммунизм балқир то абад
Қуёш бўлиб Ерга нур сочиб.

Биз ўзимиз унинг меъмори,
Ижодчиси, қурувчиси ҳам.
Коммунизм яқинлашсин деб
Меҳнат қилур халқимиз бардам.

У намоён халқларимизнинг
Дўстлигида, озодлигида.
У намоён жаҳонга машъал
Ўлкамизнинг ободлигида.

У гул очар ҳалол меҳнатдан
Пайдо бўлган пахтада, донда.

Коммунизм яшнар гуркираб
Биз яратган шарафда, шонда.

Коммунизм чечак отади
Сенинг цехинг, унинг уйида.
Шоирларнинг жушқин шеърию
Бастакорнинг янгроқ куйида.

У гул очар унинг колхози,
Ановининг маҳалласида.
У гул очар йигит, қизларнинг
Шодлигида ва яллasiда.

Коммунизм сўзини такрор —
Такрор айтиш, албатта камдир.
Коммунизм текин нон эмас,
Ҳалол меҳнат, улуг иш ҳамдир.

Коммунизм меҳнатимизнинг
Замирида ётади, дўстим,
Коммунизм хулқу одатда,
Онгда чечак отади, дўстим.

У яралур меҳнатимиздан,
Онаси иш, отаси меҳнат!
У поёнсиз ижод, юксалиш,
У тенги йуқ, туганмас қудрат.

Коммунизм — фаровон ҳаёт,
Ҳам маънавий, ҳам моддий бойлик.
(Дастурхонинг, дерлар, нон билан,
Нозу неъмат билан чиройлик).

Биз яратган фаннинг қудрати,
Техниканинг кучи бепоён.
Санъат, ижод чиқар авжига,
Коинотни забт этар инсон.

Коммунизм дунёнинг кўрки,
Келажаги, ғурури, фаҳри.
Ташналарни сувга қондирган
Оби ҳаёт, эзгулик наҳри.

Ўғриларга ўрин бўлмайди
Коммунизм номлик чаманда.
Текинхўрлар, шумлар йўқолур.
Иғвоғарлар бўлар шарманда.

У баҳорги тошқин дарёдай
Тўғонларни бузиб ўтади.
Йўлида ғов учраса, худди
Чирик ипдай узиб ўтади.

Акиллашиб қолаберади
Коммунизм ёвлари йўлда.
Партиямиз йўл бошлар дадил.
Ленин берган байроқ бор қўлда!

25 февраль, 1966 й.

МАҚТАНЧОҚ

Ҳеч ким қистаган йўқ, жавраган ўзи.
Минбардан ўқ бўлиб отилди сўзи:
— Мен ишнинг кўзини яхши биламан.
Мен ундай қиламан, бундай қиламан.
Мен уддабурунман, мен миришкорман!
Мен сеҳру саховат, омадга ёрман.
Ишу ғайратимга қойил қоласиз.
Кузда мендан фақат олтин оласиз.
Ҳаммангиздан аввал пахта термасам,
Эллик центнердан ҳосил бермасам,
Майли, мени сира одам деманглар,
Бирга бир товоқдан таом еманглар.
Деб, баҳорда лофчи роса сайради,
Лофу қоф тошига тилни қайради.

Мана, ёз ҳам ўтиб, куз келиб қолди,
Лофчи бригадир хаёлга толди.
Бундай бир қараса ишда унум йўқ.
Талвасага тушди, кўзи бўлди лўқ:
Ўзалар кам ҳосил, ўт босган, хароб.
Баҳорда берилган ваъдалар сароб!
Хуллас, мақтанчоқнинг пачава иши,
Оғир меҳнатга ҳеч ўтмади тиши.
Фурсатни бой берди лақиллаб юриб,
Тер тўкмади ишнинг бошида туриб.
Хатони тузатиш ўрнига, акам,
Яланг важ ахтарар! Қанча койи, кам!
Важдан нима фойда? Важ кимга керак?!

(Ахир, эгилса-чи, кеккайган терак!)
Ахир, нуқсонини буйнига олса,
Осмондан келмаса, бир гапдан қолса,
Камиб қоладими? Ақли етмайди!
Унча-мунча гапни писанд этмайди.
Ахир, тушунса-чи, кеккайган терак,
Элга ваъда эмас, «оқ олтин» керак!

Ўз нафини кўрмас, қолганми кўздан?!
Грамм пахта афзал минг тонна сўздан!
Бебурд эл олдида шарманда бўлар,
«Ўйламай сўзлаган оғримай ўлар».

26 июль, 1966 й.

НИМА ИШ ҚИЛГАНСАН?

Неча йил яшадинг — гап унда эмас
Нима иш қилгансан? — Ўшандан гапир.
Утган умр эмас, қилган иш билан
Қиммати улчанаар инсоннинг, ахир!

Олтимишга кирганда олти пақирлик
Иш қилмасдан ўтган шоввозлар ҳам бор.
Кимга керак ундай бесамар умр?
Ундан афзал минг бор ерга ёққан қор.

Умри ўтганлар бор қисир булутдай,
Ерга ташламаган бир томчи ҳам нам.
Агар инсон бўлсанг наф еткиз халққа,
Фақат яшашгина инсон учун кам.

Гап муддатда эмас, гап ишда, жаҳон —
Бисотига нима қўшдинг? — Шунни айт!
Доғ бўлиб тушади инсон шаънига
Бекор ўтган умр, бекор ўтган пайт.

Ҳеч бўлмаса битта чега қоқ, ёки
Битта дарахт ўтқаз анҳор бўйига.
Ҳеч бўлмаса бир кафт ерни гулзор эт,
Бир даста гул келтир халқнинг тўйига.

Лермонтов оз яшаб, кўп иш қилолди,
Замона зулмидан ёнса ҳам бағир.

У қолдирган мерос, у қолдирган юк
Тарихнинг белини буккидай оғир.

Неча йил яшадинг — ундан гапирма,
Нима иш қилгансан? — Ўшандан гапир.
Узун келиб, узун кетиш дунёдан
Инсонлик шаънига ярашмас ахир!

30 август, 1966 й.

ОЛАМ ШУ ҚАДАР КЕНГ

Олам шу қадар кенг, шу қадар чексиз,
Битта ҳақиқатни айтайин сизга:
Миллиард йил муқаддам сўнган юлдузнинг
Нури ҳали етиб келмаган бизга.

Ўзи аллақачон йўқ бўлиб кетган
Юлдузларнинг нури йўлдамиш ҳамон.
Вақтнинг боши ҳам йўқ, охири ҳам йўқ,
Дейдилар азалий, абадий замон.

Бу кенг олам ичра бизнинг куррамиз
Сузиб юрган кичик бир зарра, холос.
Биз эса зарранинг заррачалари,
Аммо, ақлимиз бор инсонларга хос.

Зарранинг зарраси бўлса ҳам инсон
Оламини қамрайди хаёли, ақли.
Оламининг тагига етар бир кун у,
Инсон ақли билан мақтанса ҳақли.

30 август, 1966 й.

ЕРНИ КОЙИМА

Зилзила бўлди деб ерни койима!
Ерда нима гуноҳ! Гуноҳ йуқ ерда.
Бу, уша, хамирдай йўғрилган тупроқ
Минг йил пешонадан тўкилган терда.

Унга боболарнинг қони тўкилган,
Унга омухтадир авлодлар хоки.
Инсонни тўйдирай, кийинтирай, деб,
Минг карра сўкилар тупроқнинг чоки.

Донолар мияси, гузаллар лаби,
Ботирлар юраги унга қотишган.
Ахир, шу тупроқ деб жон бермаганми
Жангчилар, доҳийлар ерда ётишган?

Бошига кўтарар тириклигингда,
Онадай бағрига босади ўлсанг.
О, ерни қарғама, меҳрибон ердан
Арзийди ҳар қанча миннатдор бўлсанг

30 август, 1966 й.

ШЕЪРЛАРИМ БИЛАН

Занжир қилиб шеърий мисраларимдан
Асрлар бўйнига сиртмоқ ташладим.
Шеърларим билан келажакни ҳам
Аста-секин асир қила бошладим...

30 август, 1966 й.

ИШОНГИМ КЕЛМАС

(Ўзбекистон халқ шоири
Ғафур Ғулом хотирасига)

Улди деганлари ёлғондир, балки...
Улганингга сира ишонгим келмас.
Ахир, энг камида юз йил яшашни,
Юз йил шеър айтишни қилардинг ҳавас.

Ишонгим келмайди... Худди шу топда
Шеър ёзиб ўтирган кабисан уйда.
Ё бир оз ёзилиб келай деб, яёв
Кезиб юргандайсан кўчада, кўйда.

Қаттиқ севар эдинг ҳаётни, дўстим.
Ишонгим келмайди, ўлганинг ёлғон!
Қани, Фарғонага борайлик, юр, деб,
Телефон қиларсан уйимга шу он.

Балки, ҳар галгидай хушчақчақ, хурсанд
Эшигимни қоқиб келарсан, дўстим.
Хонамни ёритиб, нурга тўлдириб,
Қуёш бўлиб боқиб келарсан, дўстим.

Ялангтўш, якка кифт, серзавқ йигитдай
Чаккангга гул тақиб келарсан, дўстим.
Обиҳаёт бериб шеърин чаманга
Дарё бўлиб оқиб келарсан, дўстим.

Балки, ҳар галгидай гурунгимизда
Латифа сўзларсан бизни кулдириб.

Балки, дўстлар билан барра кабоб еб,
Қимиз шимирарсан коса тўлдириб...

Ахир, кечагина суҳбатдош эдик,
Бизни кулдиардинг латифа сўзлаб.
Наҳотки тарк этсанг бизни умрбод?
Наҳотки қоламиз орқангдан бўзлаб?

Йўқ, дўстим, шафқат эт, бизни ташлама!
Айрилиқ азоби жуда ҳам оғир.
Ўлди дейишдилар... ўшандан бери
Куздан ёш аримас, ўртанар бағир.

Ҳажрингда жигарим зардоб ютаман!
Энг яқин кишимдек мотам тутаман...
Бироқ тил бормайди ўлди дейишга,
Мен учун тириксан, доим кутаман!

Юзга кирганда ҳам кутаман сени,
Ҳаёт, ҳеч шубҳасиз, қилур тантана.
Латифангни тинглаб юзга кирганда
Тишсиз оғиз билан куларман яна.

Ишонгим келмайди, ишониш қийин,
Ўлди деганлари ёлғондир, балки...
Шоирлар ўлару шеърят ўлмас!
Менга шу ҳақиқат берар тасалли.

25 июль, 1966 й.

МАВЛОНО ҒАФУР

Хушхон булбул учди шеърий чамандан,
Дунёда янграган овози қолди.
Ниҳояси йўқдир бу хуш овознинг,
Замину замонни забт этиб олди.

Шеърият бобида мавлоно Ғафур
Бутун бир давр эди, бир олам эди.
Латофат, фалсафа, донолик, зако
Унинг ижодида жамул жам эди.

Ошиб замонларнинг чуққиларидан
Абад қолади у, оламлигича.
Шоирнинг туганмас эртаси бордир,
Гарчи у яшаган бўлса ҳам кеча.

Дунёда шоир кўп шеър айтиб юрган.
Аммо, кам бўлади Ғафурдақаси.
Соврун олиб юрган тулпор эди у.
Ерни гумбурлатиб олтин тақаси.

У бир шунқор эди юксалиб учган,
Чарчашни билмаган пўлат қаноти.
У зўр шоир эди, зўр инсон эди,
Халққа бағишланган бутун ҳаёти.

Ўлим зарбасига учраб шоирнинг
Ўзи йиқилса ҳам сузи йиқилмас.



Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси. Президиумда (чапдан) Н. Тихонов, Уйғун, К. Симонов, Нозим Ҳикмат. 1951.

Ютай деб минг ажал ҳужум қилса ҳам
Ҳақиқий шеърят улимни билмас.

Дейдилар шоирнинг қолган умрини
Шеъри қанотида олиб учармиш.
Шеърятни билан ҳақиқий шоир
Неча асрларни бориб қучармиш.

Булбул учиб кетди — қўшиғи қолди,
Дунёни тўлдириб эзгу оҳангга.
Янги дунё қуриш йўлида бизни
Бу қўшиқ чорлайди муқаддас жангга.

25 июль — 7 октябрь, 1966 й.

ФИКР ГАВҲАРИ

Баъзи шоир яхши фикр топади,
Аммо уни равшан англата олмас.
Кераксиз, ортиқча сўз уюмининг
Тагида қолади топилган олмос.

Онгга озиқ берган фикр гавҳари
Шаффоф мисраларда кўриниб турсин.
Фикрини озгина сўз билан яққол
Англата билганлар қандини урсин.

29 август, 1966 й.

ЙИҒЛОҚ ДЕМАНГ

Кўзимда ёш кўриб йиғлок демангиз,
Бадбин деманг баъзи бировлар каби.
Гоҳида шодликдан шошади инсон:
Кўзда ёш, кулкидан очилар лаби.

Ёлғиз ўтирдим, кутилмаганда
Уйга соғинтирган қаламқош келди.
Ошиқлик шунақа, айбга буюрманг,
Қаттиқ севиндиму кўзга ёш келди.

20 сентябрь, 1966 й.

ТОНГНИ ЭСЛА

Чуллаб сув ичканда тиниқ анхордан
Эсга олиш керак сувнинг бошини.
Мамнун бўлганингда бугунги бахтдан
Эсла тонгда балққан эрк қуёшини.

Октябрь тонг эди, озошлик тонги.
Уша эзгу тонгдан бошланди иқбол.
Оламга, ҳаётга шод боққанингда
Кузингга нур берган тонгни эсга ол!

Ҳеч нарса ўзидан ўзи бўлмайди,
Ҳар бир ўзгаришнинг замирида жанг.
Бу кунлар йўқ эди, агар оталар
Қилмаганда душман аҳволини танг.

Тинч меҳнатимиздан, ижодимиздан
Шонли коммунизм кўтармакда қад.
Наслимиз бахтиёр яшасин дея
Ўтмишда оталар қон тўккан беҳад.

Ўзал келажакка кўз солганингда
Шонли ўтмишни ҳам унутма ҳеч вақт.
Ўтмишда халқимиз қаҳрамонона
Жанг қилмаганида қайда эди бахт!

Бугуннинг қадрига етмакчи бўлсанг,
Ўтмишда тўкилган кўз ёшни эсла.
Агар зулматга қул бўлмайин десанг,
Еруғ тонгни эсла, қуёшни эсла!

30 сентябрь, 1966 й.

БЕЗОРИ

Ичди, муштлашади кўринган билан,
Кийими лой, ифлос, ёқаси йиртиқ.
Пешонаси ғурра, кўзи кукарган,
Чаккаси пичоқнинг зарбидан тиртиқ.

Кўпроқ шу алфозда кўрасиз уни,
Ҳамманинг жонига теккан безори.
Ота хижолатда унинг дастидан,
Қон бўлиб йиғлайди онаизори.

Агар шовқин солиб пайдо бўлса у,
Тинчлик йўқолади маҳалла-кўйдан.
У кирса азага айланади тўй,
Шу сабабдан уни қувишар тўйдан.

Шафқат нима билмас, огзи бемаза,
Болаларни урар, чолларни сукар.
Йўлда хотин-халаж учраб қолдимиз,
Шилқимлик қилади, обрусин тукар.

Топар-тутари йўқ, ишсиз, ўқимас,
Гоҳи ўралашиб юрар бозорда.
Нима бўлса уйдан ташинб кетади,
Ҳаловат қолмади онаизорда.

Отанинг бошига битган бир бало,
Чунтагидан пулни қоқиб олади.

ТОНГНИ ЭСЛА

Чўллаб сув ичканда тиниқ анхордан
Эсга олиш керак сувнинг бошини.
Мамнун бўлганингда бугунги бахтдан
Эсла тонгда балққан эрк куёшини.

Октябрь тонг эди, озодлик тонги.
Уша эзгу тонгдан бошланди иқбол.
Оламга, ҳаётга шод боққанингда
Кузингга нур берган тонгни эсга ол!

Ҳеч нарса ўзидан ўзи бўлмайди,
Ҳар бир ўзгаришнинг замирида жанг.
Бу кунлар йўқ эди, агар оталар
Қилмаганда душман аҳволини танг.

Тинч меҳнатимиздан, ижодимиздан
Шонли коммунизм кўтармакда қад.
Наслимиз бахтиёр яшасин дея
Ўтмишда оталар қон тўккан беҳад.

Ўзал келажакка кўз солганингда
Шонли ўтмишни ҳам унутма ҳеч вақт.
Ўтмишда халқимиз қаҳрамонона
Жанг қилмаганида қайда эди бахт!

Бугуннинг қадрига етмакчи бўлсанг,
Ўтмишда тўкилган кўз ёшни эсла.
Агар зулматга қул бўлмайин десанг,
Еруғ тонгни эсла, қуёшни эсла!

30 сентябрь, 1966 й.

БЕЗОРИ

Ичди, муштлашади кўринган билан,
Кийими лой, ифлос, ёқаси йиртиқ.
Пешонаси ғурра, кўзи кўкарган,
Чаккаси пичоқнинг зарбидан тиртиқ.

Кўпроқ шу алфозда кўрасиз уни,
Ҳамманинг жонига теккан безори.
Ота хижолатда унинг дастидан,
Қон бўлиб йиғлайди онаизори.

Агар шовқин солиб пайдо бўлса у,
Тинчлик йўқолади маҳалла-кўйдан.
У кирса азага айланади тўй,
Шу сабабдан уни қувишар тўйдан.

Шафқат нима билмас, оғзи бемаза,
Болаларни урар, чолларни сўкар.
Йўлда хотин-халаж учраб қолдими,
Шилқимлик қилади, обрўсин тўкар.

Топар-тутари йўқ, ишсиз, ўқимас,
Гоҳи уралашиб юрар бозорда.
Нима бўлса уйдан ташиб кетади,
Ҳаловат қолмади онаизорда.

Отанинг бошига битган бир бало,
Чунтагидан пулни қоқиб олади.

Қариндошлари ҳам жуда тўйишган,
Ҳамманинг бошига ташвиш солади.

Баъзан ичиб олиб, қутурган итдай
Қўринганга қараб ташланар, беор!
Узоқдан қораси кўриндими, бас,
Четлаб ўтишади одамлар — безор!

Ҳатто, бир одамни йўлда тўсатдан
Пичоқ билан уриб ярадор қилди.
Шу жиноят учун қамоқда ётиб,
Безорининг кўзи бир оз очилди.

Йўқ, қамоқдан чиқиб унутди дарҳол,
Барча қилмишини бу сурбет, бу паст
Сира тавбасига таянгани йўқ
Бу ота безори, бу разил бадмаст.

Аммо, янги қонун чиққандан бери
Безорининг касод бўлди бозори.
Энди жиловидан тортишар, унинг
Тугар одамларга берган озори.

7 октябрь, 1966 й,

ҚУТЛОВ¹

Ҳақлисан, турур билан оламга боқ!
Юзинг эл ҳузурида пахтадай оқ
Планин шараф билан уринладинг.
Минг яша, қандингни ур, Қорақалпоқ!

Пойгада ўзиб чиқиб, соврун олдинг,
Майдонда марди майдон бўлиб қолдинг,
Ғалаба чуққисига кўтарилиб
Оламга шуҳратингдан довроқ солдинг.

Советлар замонда топдинг камол,
Гавҳарга тўлиб ётар Аму, Орол,
Ҳайратга солиб барча дўстларингни
Қувонтирар сендаги тенгсиз жамол.

Таърифинг элга дoston, шон ўлкасан.
Ўзбекка жуда яқин жон ўлкасан.
«Оқ олтин», гуруч, балиқ, мол-чорвага,
Турлай-туман бойликка кон ўлкасан.

Бойликка олтин даланг тўлиб тошди,
Муллингидан кўрганнинг ақли шошди,
Қўнғиротлик Ойбарчин, Алпомишлар
Туплаган олтин хирмон тоғдан ошди.

¹ Бу шеър 1966 йили Қорақалпоғистон пахта планини шараф билан бажарганда ёзилиб эди.

Беруний, Амударё, Тўрткўл, Чимбой
Парвозда ҳар бири бир бўз қарчиғай.
Бергани нуқул олтин, нуқул кумуш,
Саховат, садоқатга, мардликка бой.

Хўжайли, Тахтакўпир, Кегайли ҳам
Зафарнинг завқу шавқин кўрди бахам.
Ватаннинг шонига шон қўшганларнинг
Қўллари дард кўрмасин, бўлмасин кам.

Далангда кезиб юрар барака, қут.
Элингга меҳмон борар яхшилаб кут.
Дунёга кўз-кўз қилиб тантанангни
Ғалаба шаробидан дўстларга тут!

Элингга бугун улкан тўй келади,
Тўйингга туя, бия, қўй келади.
Бошимга ҳалол меҳнат натижаси
Кўп роҳат, деган олий уй келади.

Шонингга шон қўшилсин, Қорақалпоқ,
Донишгга дон қўшилсин, Қорақалпоқ.
Далангда «оқ олтин»нинг мўл-кўл бўлсин,
Конингга кон қўшилсин, Қорақалпоқ!

Ютуқлар, ўлжалар мўл бўлаверсин.
Майли, ғаним ҳасаддан ўлаверсин.
Бойлигинг кундан-кунга оша-оша,
Хазинанг жавоҳирга тўлаверсин.

Жонажон, жондан севган қардош элим,
Қабул эт тутловимни, олқишимни!
Тилайман чин юракдан азиз ўлка,
Доимо қуёш бўлиб болқишингни!

26 октябрь, 1966 й.

ЁШ МАСАЛАСИ

Шоир Уткирга

(Ярми ҳазил, ярми чин)

Инсон туғилдими, улғаяр, қарир,
Кекса табиатнинг қонуни шундай.
Аммо, бир иш қилки, халқ ичра қадринг
Азиз ҳисоблансин бугдойдай, ундай.

Жисмоний қаришлик табиий бир ҳол,
Кунгил қаримаса бўлгани, ошнам.
Нега тез қаридинг, нега шалпайдинг
Дея тенгдошларинг бермасин дашном.

Эллик ёш шоирга нима деган гап!
Туйиб ишлай деса қандоғ етади?
Болалик, уйқуни олиб ташласанг,
Ярми пўстдумбага чиқиб кетади!

Баъзи одамлар бор қирққа кирмасдан
Қарийди қолади, ишдан чиқади.
Баъзи одамлар бор юзга кирса ҳам
Йигитдай, курашса филни ййқади.

Киройи яшасанг юз йил яшагин,
Одамлар, ҳа, йигит ёшида десин.
Дунёни ишга кўм, одамлар, ҳамон —
Юз ёшлик ёшларнинг бошида десин!

Ижод, қаримасин, дил қаримасин,
Илҳом қаримасин — ҳамма гап шунда.

Ижод қаридими ўқлов-тахтани
Йиғиштириш керак бўлади унда.

Мисралар кетма-кет, суқма олтиндай.
Оқ қоғоз бетига ғилдираб турсин.
Хизматингда бўлиб илҳом париси
Чой ташиб ёнингда пилдираб юрсин.

22 декабрь, 1966 й.

ТРАМВАЙДА

(Ярми ҳазил, ярми чин)

Трамвайга чиқсам қари деб, ёшлар,
Ўрин бўшатади, алам қилади.
Алам қилганини кекса шоирга,
Мурувватли ёшлар қайдан билади?

Мабодо билгингиз келса, дўстларим,
Кўнглимдаги гапни дангал айтайин:
Ёшликнинг хумори тутади қаттиқ
Умр ўтган сайин, кексайган сайин.

Кошки, ёш бўлсаму мўйсафидларга
Жой бўшатиб юрсам, хизматда бўлсам.
Кошки, кексаликни билмай, доимо
Сеҳргар ёшликнинг завқига тўлсам!

Тўғри, кексайганим қариганим рост,
Далил — сочимдаги ҳисоби йўқ оқ.
Аммо, трамвайда ўрин бўшатиб,
Эсга солаверманг, ўкситманг, ўртоқ!

23 декабрь, 1966 й.

ЯНГИ ЙИЛ ТАРОНАСИ

Янги йил кирганда янги бахт билан
Дўстларни табриклаш кўп яхши одат.
Дўстлар, омон бўлинг, саломат бўлинг,
Ҳамроҳингиз бўлсин бахту саодат.

Яна бир кемамиз Ой узра қўнди,
Оламга жар солиб журъатимиздан.
Юлдузлар қангу манг, коинот ҳайрон,
Жаҳон ҳайратдадир суръатимиздан.

Агар давом этсак шу суръат билан
Ҳадемай, инсон ҳам қўнади Ойга.
Юлдузлар юртида катта тўй қилиб,
Таклиф этар эдик Зухрани чойга.

Бу ҳам янги йилда ўйланадиган
Эзгу орзуларнинг, ўйларнинг бири.
Чеки йўқ қудрату парвозимизнинг,
Шубҳасиз очилар коинот сири.

Кошки бу орзу ҳам амалга ошса,
Инсон садосини эшитсак Ойдан
Кошки аниқ хабар, дарак тополсак
Бизга жумбоқ бўлиб кўринган жойдан.

Янги йилда орзу, ўйлар жуда кўп,
Бир-биридан гузал бир-биридан соз.
Доим қалбимизга севинч бахш этсин
Булбулдаги қўшиқ, гуллардаги ноз.

Ҳеч нарса бузмаса тинчлигимизни,
Меҳнатдан барака, саодат топсак.
Олтинга кон қилиб пахтазорларни,
Саҳролар юзини гул билан ёпсак.

Янги гулшанларнинг атри маст қилиб,
Янги каналлардан сув ичсак қониб.
Янги қад кутарган азамат ГЭСлар
Янги шаҳарларни ёритса ёниб.

Ҳоким бўлса меҳнат, ижод, тантана,
Осойишта бўлса замин у замон.
Фароғатда ўсса гўдакларимиз,
Уруш даҳшатини билмай ҳеч қачон.

Озодлик йўлида жанг қилганларга,
Вьетнам халқига тилаймиз зафар.
Давом этсин шону дабдаба билан
Нурли келажакка бошланган сафар.

Янги ҳосилларга барака бўлиб,
Қор ёғсин далага, шудгорга қишда.
Ўқитувчиларга, ўқувчиларга
Ғалаба тилаймиз ўқишда, ишда.

Янги йил кирганда янги бахт билан
Дўстларни табриклаш кўп яхши одат.
Дўстлар, омон бўлинг, саломат бўлинг,
Ҳамроҳингиз бўлсин бахту саодат.

27 декабрь, 1966 й.

МУБОРАКБОД

Янги йил бошланар одатдагидай
Серилҳом, сермазмун, сериш, серижд.
Янги йил — тўй йили, тантана йили,
Янги галабалар бизни айлар шод.

Ярим аср бўлди янги дунёнинг
Наҳори, баҳори бошланганига.
Коммунизм сари, келажак сари
Мардонавор қадам ташланганига.

Йилдан-йил юксалар Ватаним, жаҳон —
Ҳавас билан қарар кўрки, шонига.
Зафар қўшилмоқда зафаримизга,
Шодлик қўшилмоқда шодлик ёнига.

Асрий уйқусидан уйғонди олам
«Аврора» садоси янграган чоғда.
Халқимиз осуда, бахтиёр яшар
Совет ўлкаси деб аталган боғда.

Шу ярим асрда қанча йўл босдик,
Қанча довол ошдик, қанча жанг қилдик.
Қанча қон тўкилди, қанча жон кетди,
Аммо ёвни енгдик, ҳангу манг қилдик.

Қанча меҳнат қилдик, қанча тер тўқдик
Ватан юксалсин деб фалакка қадар.

Минг асрга татир ярим асрда
Қўлга киритилган ҳисобсиз зафар.

Энди тенг келолмас дунёда ҳеч куч
Бизнинг кучимизга, қудратимизга.
Забт этиш бобида коинотни ҳам
Чираниб юрганлар тан берди бизга.

Биринчи космонавт учирдик кўкка,
Биринчи кемани Ойга қўндирдик.
Мақтаниб юрганлар орқада қолди,
Биз бу соҳада ҳам ишни дўндирдик.

Ҳамла қилмоқдамиз юлдузларга ҳам,
Агар чўзсак етар Ойга қўлимиз.
Нурларга беланган, шодликка тўлган,
Гулларга бурканган тушган йўлимиз.

Мақташга арзисин тўй йили тўйга
Келтирган совғамиз, қўшган ҳиссамиз.
Минг йилларга кетсин олтин даврда
Қилган меҳнатимиз, ёзган қиссамиз.

Янги йил муборак! Янги бахт билан
Дўстларим, қалбингиз шодликка тўлсин,
Мисли қўрилмаган туҳфалар билан
Янги йил тарихий, улуғ йил бўлсин!

28 декабрь, 1966 й.

БАҲОРНИ СОҒИНДИМ

/ Баҳорни соғиндим. Ҳадемай яна
Баҳор боғларини мамнун кезаман.
Негаки, кўнглимнинг ёш эканини
Баҳор чоқларида яққол сезаман.

Гунча лабидаги хандани кўрсам,
Ёшлигим қўзғайди баҳор фаслида.
Баҳор тасдиқ қилар бир ҳақиқатни:
Соч оқарса ҳамки, ёшман аслида!

Йулимга гул сочиб, олқишлаб мени
Қанча-қанча гузал гулбаҳор ўтди.
Афсус деганим йўқ ўтган умримга,
Умрим баракали, мазмундор ўтди.

Ишонинг, ҳаётдан жуда мамнунман,
Хеч ҳам ўкинмайман ўтган умрга.
Улуғ Октябрда бошланган ҳаёт
Онгимни, кўзимни тўлдирди нурга.

Дўстлар, гулбаҳорнинг шайдоси бўлиб,
Қаттиқ севганимнинг боиси бор-да!
Бахтга ошно бўлдим, бахтимни топдим
Октябрь аталган улуғ баҳорда.

Шу баҳор ҳақида шеър айтдим тинмай,
Умрим тугагунча айтганим айтган.

Баҳорни, ҳаётни севганим аниқ,
Мен номард эмасман сўзидан қайтган!

Қўшиқ қаритмайди, имкон борича
Ҳаётни улуғлаб куйладим қўшиқ.
Қўшиқнинг умри ҳам, йўли ҳам узун,
Ҳатто унга ўлим бўлолмас тўсиқ.

22 январь, 1967 й.

БАҲОР ҲИКОЯСИ

Баҳор дунёмизнинг навқиронлиги,
Ёшлигидан ҳар гал ҳикоя сузлар.
Кум-кук чучмомани, қизил лолани
Курганда севинчдан яшарар кўзлар.

Ҳаёт қудратини намоёиш қилур
Ерга бахмал ёпган яшил сабззор.
Булбуллар бекорга сайрамайдилар,
Уларнинг тилида баҳор мадҳи бор.

Зўр қудрат сезаман баланд тоғлардан
Шарқирашиб оққан ирмоқларда ҳам.
Ҳаёт жилвасини кўраман яққол
Гул хандасида ҳам, япроқларда ҳам.

Фақат шоир эмас, шоир табиат
Ҳар одам гузаллик шайдоси, инон!
Доим табнатга, ҳаётга ошиқ
Шоир табиятли ҳақиқий инсон.

Баҳорда қизларнинг гуллар ҳуснига
Маҳлиё бўлишиб туриши шундан,
Ҳагто, яшаргандай мўйсафидларнинг
Чаккага гул тақиб юриши шундан.

Тинчлик ва меҳнатдан гуллайди олам,
Дунёда муътабар нарсa йўқ ундан.

Инсон мамнун булар ҳар бир осуда,
Табассум ва шодлик бахш этган кундан.

Аммо, ёвузлар бор қора ниятли,
Дунёнинг кўркига кўз олайтирган,
Атом бомбасини ушлаб қўлига,
Дунёни қул қилиш йўлига кирган.

Қонсираб улишар океан ортидан
Инсонлар бахтига қасд қилган пастлар!
Жумла жаҳонга биз ҳоким бўлсагу,
Оламини ямласак, дейди нокаслар!

Ушалар Вьетнам гўдакларининг
Бошига тўхтовсиз бомба ёғдирар.
Ушалар истайди эрк деганларнинг
Юзига тушмаса ҳеч вақт ёғдулар.

Гарбий Германия, Грецияда
Ишулар бош кутарар яна қонсираб.
Ишулар Африкада қутурган итдай
Нэғишиб юрибди терлаб, ҳансираб.

Бу ҳол ҳушёрликка чақирар бизни!
Гафлатда қолмангиз, азиз инсонлар!
Ёвузлар дастидан юз бериб даҳшат,
Ер Курраси буйлаб оқмасин қонлар!

Атом қуроллари, ракеталарнинг
Қудрати, суръати кучайган сари:
Ер Шари кичрайиб бормоқда, худди —
Кўриниб тургандай Курранинг бари.

Ракеталар учун Ер Куррасининг
У бошидан бу боши бир қадам холос!
Муқаддас бурчимиз шу она-Ерни
Даҳшат, ҳалокатдан айламак халос!

Бошлангандан бери ракета асри
Курра кафтда турган юракка ўхшар.
Мардона қўл билан сақлайди уни,
Агар яшамоқни истаса башар!

Асло мумкин эмас ғафлатда қолиш!
Биламиз қудратли атомлар сирин.
Агар кнопкалар босилса ногоҳ,
Минутлар ҳал қилур жаҳон тақдирин!

Дунёда беҳисоб тинчликсеварлар,
Бизнинг қўлимизда дунёнинг бахти!
Табиат яшарар меҳнатимиздан,
Гулларга бурканар гузаллик тахти!

Сайроқ булбуллари, хушбўй гуллари
Билан қувонтирар ҳар йил гулбаҳор.
Токи биз тирикмиз, бахту саодат
Азиз инсонларга доим бўлур ёр!

Ҳилпиратиб қизил байроқларини
Ҳар йил шодлантирар бизни гузал Май!
Яшнар йилдан-йилга табиатдаги,
Гузал ҳаётдаги абадий чирой!

29 апрель, 1967 й.

СОЛДАТ ҚАБРИ УСТИДА

Изҳор этиб муҳаббатимни
Қабринг узра келиб турибман.
Сен қабрда ётганинг учун,
Эҳтимол мен тирик юрибман...

8 май, 1967. Белоруссия.

ҚОРИН БАНДАСИ

Баъзи одамлар бор фақат ўзини
Ўйлайди,— иши йўқ ўзгалар билан.
Агар қўйиб берсанг ундай одамлар
Ўйнагиси келар олтин-зар билан.

Қорин билан ўлчар ҳамма нарсани:
Қорни тўқ бўлдим — олам мунаввар!
Замонни қаргайди, турмушдан нолир,
Дунёни дўзах дер оч қолса агар.

Текинга уй олса — давлатдан рози,
Жамиятдан хурсанд, ўзида йўқ шод.
Агар нинасини биров олдим,
Давлатдан порози — кўтаради дод.

Ҳамма нарса фақат менинг фойдамга
Ҳал бўлиши керак дейди ундайлар.
Майли, гўрковликми, ахлат ташишми,
Фойда чиқадиган ишга бел бойлар.

Дунёни ер ютса парвойи фалак,
Фақат ўзи омон қолса бўлгани.
Шу қадар молпараст, шу қадар очкўз,
Кафан текин бўлса тайёр ўлгани.

Унга бирор нарса садақа берсанг
Сендан яхши одам йўқдир оламда.

Ҳатто, жирканмайди без теришдан ҳам,
Андиша бўлади демас одамда.

Мояна кўпайса ҳамма иш яхши,
Мояна озайса ҳамма иш ёмон!
Кўтариб юришга бу разилларни
Қандай чидар экан замини замон?!

Бундайларда имон, эътиқод йўқдир,
Виждонни арзимас пулга сотади.
Булар ҳаром-хариш устида ётиб
Сассиқ алафлардай палак отади.

Буларда гоя йўқ, мақсад йўқ, булар —
Мисли бир ҳашарот,— қорин бандаси!
Булар кўпчиликдан қочиб қутулмас.
Бир кун келиб чиқар хуп шармандаси!

9 май, 1967 й.

ТАБИАТ ҚОНУНИ

Табиат қонуни шунақа, хоним,
Ёш ўтиб, чеҳрангдан латофат ўчмиш.
Аммо, йўқотдим, деб, қайғурма, ҳуснинг
Гулчеҳра қизингнинг юзига кучмиш...

19 май, 1967.

УМР ВОДИЙСИДА...

Бир вақт ширмой каби қип-қизил, таранг,
Гул баргидай нафис эди юзларинг.
Ёшлик ва шодликнинг манбаи эди
Чақмоқдай чакнаган қора кўзларинг.

Энди аллақандай нурсиз у кўзлар,
Атрофга боқади парвосиз, лоқайд.
Чеҳрангда барқ урган гузаллик қани?
Гул жамолинг қайда? Қайга кетган? Айт!..

Афсус билан боқдим оппоқ сочингга,
Ҳа, утиб кетибди ёшлик баҳори.
Умр водийсида узоқ йўл босдинг,
Сочларингнинг оқи — йўлнинг ғубори.

Йиллар босиб ўтмиш гул юзларингни,
Юздаги ажинлар — йилларнинг изи.
Гузаллик сўлади, сарғаяр чеҳра,
Табиатдагидай умрнинг кузи.

Юздан аста-секин йўқолар чирой,
Хазон узилгандай бандидан кузда.
Баҳорги латофат барҳам еб, фақат,
Заъфарон ажинлар қолади юзда...

Умр водийсида узоқ йўл босдинг,
Сочларингга қўнмиш йўлларнинг гарди.

Ҳа, энди қўнишдан бошқа чора йўқ,
Давосиз дард эрур қарилик дарди.

Аммо, эҳтиёт бўл, юздаги ажин
Юракка тушмасин — тушса кўп ёмон!
Истасанг юз ёшга кирганингда ҳам
Юрагингга ҳоким бўлолмас замон.

Юздаги ҳусни ўғирлару вақт,
Қалбдаги севинчга кучи етмайди.
Чеҳрангни тарк этган латофат, ёшлик,
Истасанг қалбингдан сира кетмайди.

Ихтиёр ўзингда: севинч қолади
Қалбимда умрбод қол, деб, қистасанг.
Йиллар талабини рад этиб юрак
Амрингга бўйсунар, агар истасанг.

Юракка тушмасин юздаги ажин,
Дил гулшанин қиров босмасин зинҳор.
Юзни забт этса ҳам умрининг кузи,
Қалбингда ҳамиша гулласин баҳор.

19 май — 4 июнь, 1967 й.
Тошкент — Дўрмон.

ШОИР ВА БОЛАРИ

Шоир боларига ўхшар меҳнатда,
Роса меҳнат қилар иккаласи ҳам.
Болари бол йиғар минг гулга қўниб.
Шоирга минг гулнинг шарбати ҳам кам.

Заҳмат чекар шоир шеър ёзганда,
Қоғозга томади юракнинг қони.
Минг машаққат билан, зур меҳнат билан
Шеърга айланар дил ҳаяжони.

Болари табиат гулидан асал
Тўплайди — билади ҳамма бу ҳолни,
Шоир эса ҳаёт гулидан йиғар
Бўлажак шеърга шарбатни, болни.

Минг гул шарбатидан яралган учун,
Минг дарднинг давоси бўлар эмиш бол.
Шеър эса руҳингга озиқ ва шифо,
Шеърят инсонга бахш этар иқбол.

Ҳар иккаласи ҳам кўп меҳнат қилиб,
Заҳмат чекиб халққа бахш этади бол.
Агар шеъри халққа бол беролмаса
Ундай шоирларга шоирлик увол.

3 июль, 1967 й.
Дўрмон.

ТАСАЛЛИ

*(Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғуломнинг
вафотига бир йил тўлиши муносабати билан)*

Ажралганимизга бир йил бўлдимиз?
Наҳотки, шу қадар тез ўтар дамлар?
Ҳали эскирмаган жудолик дарди,
Юракда қалашиб ётибди ғамлар.

Ҳа, агар дунёда бардош бўлмаса
Ғамлар бизни адо қилган бўларди.
Ҳа, агар тасалли бўлмаса, олам
Ҳижрон дарди билан лим-лим тўларди.

Яхшики оламда тасалли мавжуд,
Яхшики бардош бор, чидайди инсон.
Ҳа, ўлимни билмас шоҳ асарларинг
Тасалли беради бизга, Ғафуржон.

Дардимизга малҳам, ғамни қувлайди
Сен бизга қолдирган ажойиб китоб.
Ҳар сузинг ҳаётнинг севгиси, мадҳи,
Ҳар сузинг яшашга ундовчи хитоб.

Китобингни олиб очган замони
Худди тириклардай кирасан тилга.
Тасалли беради оташин шеъринг
Ҳижрон азобида эзилган дилга.

Нишонсиз кетмадинг, кетар экансан
Шеъринг хазинага дур тукиб кетдинг.

Ёруғ юлдуз эдинг сўндинггу, аммо,
Кузимизга сўнмас нур тукиб кетдинг.

Олтин китобингда бизга қолдирган
Абадият шеъри жаранглаб ҳамон.
Доимо офтобдек порлаб турасан,
Сени унутмайди замину замон.

4 июль, 1967 й. Дўрмон.

МУАЗЗИНГА

(Келажакни ўйлаб)

Биз, инсон номидан юксалиб баланд,
Сайр этканимизда кўм-кўк фазони,
Мачит тепасида қалтираб қолди
Чўлоқ муаззиннинг мунгли азони.

Тонг пайтида жавраб чўлоқ муаззин,
Кимни ишонтирдинг ёлғон сузингга?
Сенинг эътиқодинг уйдирма, мубҳам
Тескари кўринар олам кўзингга.

Дўзах азобидан афсона айтиб,
«Мўмин»лар қалбига ваҳима солдинг.
О, чўлоқ муаззин, о, суқир суфи
Замон олга кетди, сен ортда қолдинг,

Энди, беҳудага кўп ҳам уринма,
«Бандаи мўмин»ни жаннатга чорлаб.
Вақти ўтмадимми афсоналарнинг,
Илму фан қуёши турганда порлаб?

Космик кема билан роса айландик,
Ойга чиқиб тушдик, самони кездик.
Ҳар ерда модданинг фазилатини,
Модданинг қудрати, кучини сездик.

Ўша сайёралар, ўша собитлар,
Поёнсиз бўшлиғу абадий модда.

Тўхтовсиз ҳаракат, доим ўзгариш,—
Баъзан мураккабу баъзида содда.

Космик нур қўйнида товланиб, ёниб,
Давом этар ҳамон моддалар жангги.
Жангда ҳалок бўлар минглаб метеор,
Минги пайдо бўлар янгидан-янги,

Шимол мамонтидай ўлар юлдузлар,
Аммо пайдо бўлар яна қанчаси.
Самода юлдуз кўп, бепоён, сонсиз,
Улуғбек зичида мавжуд анчаси.

Юлдузларга тўлган гузал оламини
Айландик, мисоли гирдикапалак
Ҳамма нарса мавжуд, аммо сен айтган
«Фаришта»дан асло топмадик дарак.

«Арши аъло»ни ҳам учратолмадик,
Агар ишонмасанг, Зухрадан сўра.
Ке, энди воз кечгил афсоналардан,
Хаёл осмондан ерга туш, жўра!

Кигиз китоблардан афсона сўзлаб,
Элга кулки бўлма, космос асрида.
Сен ҳам ҳақиқатни эътироф этгил,
Ётма жаҳолатнинг кўҳна қасрида.

14 июль, 1967 й.

Дўрмон.

БИЗГА ТАНИШ

Вьетнамни кўрган эмасман, аммо,
Кўрганга ўхшайман одамларини.
Гўё эшитгандай бўламан, зафар —
Йўлида ташланган қадамларини.

Жуда ҳам яқиндир юрагимизга
Шонли Вьетнамнинг қаҳрамонлари.
Бизга таниш, ёвга таҳлика солган,
Азамат ўлканинг партизанлари.

Бизга жуда яқин, Ватан ишқида,
Озодлик ишқида жангга кирганлар.
Бизга жуда таниш, юртни қўриқлаб,
Келгинди, босқинчи ёвни қирганлар.

Уларнинг мардлиги, довиюраклиги,
Қувончи, қайғуси — ҳаммаси таниш.
Ахир, бахт эмасми, Ватан ишқида,
Озодлик ишқида жангга отланиш?

Жангга отланганлар юртни қўриқлаб,
Озодлик йўлида, енгилмас ҳеч вақт.
Тарих тажрибаси далилдир, доим
Мардларга ёр бўлур ғалаба ва бахт.

Фикру хаёлимиз, таважжуҳимиз,
Севгимиз, қалбимиз сиз билан бирга.
Аминмиз, барқ уриб зафар қуёши,
Севган юртингизни тўлдиран нурга.

9 ноябрь, 1965—15 июль, 1967 й.

ЖУНГЛИ

Жунгли басавлат, жунгли гузал,
Ажойботларнинг туганмас кони.
Жунгли баҳайбат, жунгли сирли,
Ғаройботларнинг кўҳна макони.

Жунгли қўйнида яйрашар, ўсар,
Қанча жонивору, қанча наботот.
Жунгли қўйнида минг хил қуш сайрар,
Жунгли қўйнида қайнайди ҳаёт.

Жунгли бағрида қўллар бор сўлим,
Аждардай буралиб дарёлар оқар.
Жунгли хазина, жунгли сахий:
Сонсиз жониворни йил бўйи боқар...

Уруш бошланди-ю, жунгли бирдан
Айланди мардларнинг қароргоҳига.
Жунгли ёвларни ютар аждардай,
Боқмай кўз ёшига, боқмай оҳига.

Вьетнам мардлари, енгилмас қўшин,
Жунглида ҳоким, жунгли ҳушёр.
Жунглида номард янкилар учун,
Партизанлар билан жанг қилиш душвор.

Йўлбарсдек ташланар янки итига,
Жунглининг ботир партизанлари.

Фақат галабани уйлар туну кун,
Вьетнам халқининг жонажонлари.

Жунгли барҳаёт, жунгли сергак,
Жунгли душмандан қасос олади.
У яшашга хилват жангда пистирма,
Янкилар қалбига даҳшат солади.

Жунглига кирса қалтирар душман,
Халқумига келар даҳшатдан жони.
Жунглида минглаб каллакесарнинг
Балчиққа қоришди қоп-қора қони.

Қутурган янкилар, аламзадалар
Жунглига сонсиз бомба ташлади.
Ут қуйишди, заҳар, газ тарқатишди,
Хаводан узлуксиз ҳужум бошлади.

Тухтовсиз ёғилган бомба зарбидан
Жунгли бағрида сонсиз яралар.
Жангда ҳалок бўлди минглаб қаҳрамон,
Қон бўлиб оқмоқда сойлар, даралар.

Бир қарич ҳам ер йуқ бомба тушмаган,
Бутун ваҳшатини ишга солди ёв.
Жунглини бошдан-оёқ қул қилсам,
Деди, ёвуз душман, маккор, беаёв.

Аммо, жунглини енга олмади.
Жунгли барҳаёт, жунгли бардам.
Жунгли енгишни уйлайди фақат.
Енга зарб беришга тайёрдир ҳар дам.

29 октябрь, 1965—
19 июль, 1967 й.

ИШОНЧ

Вьетнамда уруш, қиргин, фожиа!
Ниҳояси борми, қонли даҳшатнинг?
Гуё, озодликни сақлармиш янки!
«Эркин дунё» эмиш номи ваҳшатнинг!

Мактаб, шифохона, тинч қишлоқларни
Бумбардимон қилиб, ёндириб, бузиб,
Ўлдирилган гудак, аёллар, чоллар
Қонидан яралган дарёда сузиб,

Зуравонлик қилиб, жинойт қилиб,
Бу ҳам «эркин дунё» номидан дерлар!..
Сирини фош қилур «эркин дунё»нинг
Гудаклар қонидан қизарган ерлар!

Лаънат ёгдиради «эркин дунё»га
Емирилган кулбалар, соврилган боғлар.
Лаънатлар, бераҳим, «эркин дунё»ни
Топталган чаманлар, куйган япроқлар.

Ҳа, «эркин дунё»нинг жинойтига
Бомбадан кул бўлган шаҳарлар гувоҳ.
Гувоҳ: кеча-кундуз Вьетнам буйлаб
Кезиб юрган нола, кезиб юрган оҳ.

Гувоҳ: фарзандидан айрилган, шўрлик,
Мушфиқ оналарнинг мунгли фигони.

Жиноятга гувоҳ: сонсиз мурдалар,
Бегуноҳ чолларнинг тукилган қони.

Ҳа, уша, мақталган «эркин дунё»нинг
Оғзи қон, қўли қон, юрган йўли қон!
Долларга топинган бир гала малъун
Ўз роҳати учун истайди қурбон!

Улар, биз яшасак бўлгани, майли,
Олам ҳалок бўлсин, кул бўлсин, дейди.
Биз доллар ҳокими! Жумлаи жаҳон
Долларга топинсин, қул бўлсин, дейди.

Йўқ, асло қул бўлмас долларга эллар!
Афсона тугади, ўзгарган замон.
Жаҳоннинг тақдири халқлар қўлида,
Олам ҳалок бўлмас, кул бўлмас жаҳон!

Сунгги талвасада доллар ҳокими,
Сунгги бор оламга захрин сочар.
Жанг қилар Вьетнам озодлик учун,
Озодлик қуёши унга юз очар!

Минглаб самолётдан ажралди янки,
Минглаб Америка ёшлари улди.
Жаҳаннамга кетди ҳисобсиз доллар,
Янкининг «ўлжа»си шугина бўлди.

Вьетнам аҳдида маҳкам турибди,
Қайтмас озодликнинг эзгу йулидан.
Ёвни юртдан тамом ҳайдамагунча,
Жанговар қуролни қўймас қўлидан!

1 ноябрь, 1965—
20 июль, 1967 й.

ТОНГ МАНЗАРАСИ

Туннинг турқи ўча бошлади,
Чеҳрасида бўзарган излар.
Кулда ётган чўғларга ўхшар
Кукда милт-милт ёнган юлдузлар.

Само юзи оқарган сайин
Бирин-кетин сунади «чўғ»лар.
(Бу гапимга, балки ишонмас
Тонг сиридан хабари йўқлар.)

Тонг ёришар, мағлуб бўлиб тун
Ранги ўчиб, қайтар изига.
Уфқ чўзар ёқут лабини
Ловуллаган қуёш юзига.

Тоғ бошига келиб минар тонг,
Қоронғилик буқунар пастда.
Майин шамол чаманга кириб
Гул баргини ўйнатар аста...

Тунги зулмат қўйнида чиқиб
Ҳамма нарса кирар рангига.
Асалари тумшуқ суқади
Чечакларнинг олтин чангига.

Коинотга нур товоғида
Барака, қут келтиради тонг.
Қушлар сайрар тонгни олқишлаб,
Тонгни қутлаб, ҳаёт урар бонг.

31 июль, 1967. Коктебель.

УҚУВЧИНИ УЙЛАБ

Уқувчини уйлаб,— ўзимни эмас,—
Ижод майдонида тушганман ишга.
Уқувчим бир лаҳза роҳат қилсин, деб,
Тайёрман минг соат азоб чекишга.

Ижод роҳат эмас, машаққат, меҳнат,
Чидаган киради ижод йўлига.
Ахир, халқ бекорга ё эрмак учун
Қалам тутқизмайди шоир қўлига!

Модомики қўлга қалам олдим,
Шоир ўз касбини оқлаши керак.
Халол хизмат қилиб, халқ севгисини
Умрбод қалбида сақлаши керак.

Холбуки шоирнинг касбидай оғир
Касб бўлмаса керак ёруғ жаҳонда.
Шоир минг тирилиб, минг ўлар, ҳар гал
Туфон қўзгагаида илҳоми қонда.

Шоирни гоҳ утга, гоҳ музга ташлар
Серташвиш, шафқатсиз ижодий тулгоқ.
Шоир тиним билмас ижод даврида,
Кундузлари бедор, тунлари уйғоқ.

Баъзан асов қушдай тутқич бермайди,
Баъзан булоқ бўлиб оқади шеър.

Муз бўлиб юракни илитмас баъзан.
Баъзан олов бўлиб ёқади шеър.

Баъзан зулмат ичра кўринмас кўзга.
Баъзан қуёш бўлиб боқади шеър.
Баъзан ханжар уриб қалбингга, баъзан
Куксингга гулдаста тақади шеър.

Шундай дамлар бўлар шоир устига
Тоғдай азоб юклар ҳар мисра, ҳар **байт**.
Баъзан иш ўнгидан келиб, шоирни
Тоғдай юксалтирар шоирона пайт.

Шоир бардош берар ўз фарзандининг
Бутун жафосига, барча нозига.
Қанча мушкул бўлса шеър туғилиши,
Шунча куч бағишлар шоир созига.

Қанча қийнамасин туғилишда шеър,
Оқибат шоирга лавзат бағишлар...
Ҳа, чидаган кирар ижод йўлига,
Серташвиш бўлади ижодий ишлар.

31 июль, 1967. Коктебель.

НУРЛИ ИСТИҚБОЛ

Янги йилни хурсанд бўлиб
Карши олар халқимиз.
Чунки бизга янги зафар.
Бахт келтирар янги йил.
Илгарига интилади,
Келажакка учади,
Коммунизм гулшанининг
Ишқи билан тўлган дил.

Атир пуркар димоғларга.
Хурсанд қилиб дилларни,
Чаманлардан елиб ўтган
Истиқболнинг шамоли.
Йилдан йилга қудратимиз
Ошар, бунга аминмиз.
Йилдан йилга тўлишади
Ўлкамизнинг жамоли.

Дала тўлган кумуш пахта,
Дала тўлган олтин дон,—
Тенгсиз бойлик билан бизни
Чорлар нурли истиқбол.
Бизни янги зафарларга,
Ўлжаларга ёр этиб,
Сўнмайдиган қуёш бўлиб
Порлар нурли истиқбол.

Янги бўстон, янги чаман,
Янги боғу роғлардан
Ҳадя қилиб турфа гуллар
Тутар бизга янги йил.
Ҳисобсиз кон, беҳисоб шон,
Саноқсиз дур, чексиз нур,
Нозу неъмат, сафо бўлиб
Кутар бизни янги йил.

Келажаги йўқларгина
Янги йилдан қўрқади.
Эски дунё янги йилни
Даҳшат билан қаршилар.
Кун ботмаса, тонг отмаса,
Қотиб қолса вақт, замон,
Дер, янги йил яқинлашса
Истиқболга қаршилар.

Янги йилни хуноб бўлиб
Қарғайдиган ўшалар.
Янги йилдан қўрқадиган
Биз эмасмиз, бошқалар.
Янги йилда янги зарба
Тушмасин, дер, елкага,
Вьетнамдан калтак еган
Пешанаси «қашқа»лар.

Куни битиб ҳалокатга
Маҳкум бўлган ёвузлар,
Қўрқишади янги йилнинг
Жамолига боқишдан.
Қўлларида келса агар
Тоймас эди ўшалар,
Бомба ташлаб куррамизни,
Келажакни ёқишдан.

Аммо, бизнинг қўлимизда
Келажакнинг тақдири.
Ёвузларнинг қўли калта,
Ниятига етолмас!
Ёвуз қўллар кишиликнинг
Орзусини, бахтини,
Ғоясини, мақсадини
Ҳеч вақт барбод етолмас!

Йилдан йилга равнақ топиб
Техникамиз, фанимиз,
Забт этамиз юлдузларни,
Ўғаллаймиз самони.
Йилдан йилга кенгаяди
Нурли, олтин уфқлар,
Йилдан йилга яқинлашар
Коммунизм замони.

Келажаги бахтиёрлар,
Истиқболи ёруғлар,
Ишонч билан, қувонч билан
Нурга чўзар қўлини,
Фақатгина улуг Ленин,
Коммунизм гоёси
Қуёш булиб ёритади
Инсоният йўлини.

10 сентябрь, 1967,

ТОНГ ҚУШИҒИ

Эллик ёшга тўлди шонли ўлкамиз,
Эллик йилдан бери бахт бизга йўлдош.
Коммунизм йўлин ёритмоқдадир
Эллик йилдан бери Октябрь — қуёш.

Шу порлоқ қуёшдан нур эмиб ўсди
Дўстлик чаманлари, озовлик гули.
Шу қуёш таптида қоврилди ғаним,
Кўкларга соврилди зулмининг кули.

Октябрь туфайли халқимизга бахт
Ҳамроҳ бўлиб қолди бутун умрга.
Барча инсоният кўз тиккан кўпдан
Зулматни қувлаган муқаддас нурга.

Йилдан йилга ўлкам юксалмоқдадир,
Шавкати, шуҳрати, қудрати ортиб.
Бизнинг измимизда, бизга бўйсунар
Коинотга қадар атомдан тортиб.

Дунёда энг юксак ва энг қудратли
Давлатга айланди Совет давлати.
Жаҳонга ифтихор, оламга чирой
Шонли ўлкамизнинг кўрки, савлати.

Бир вақт, Октябрнинг умри қисқа, деб,
Айюҳаннос солиб вайсашди кўплар.

Тарихни орқага қайтарамиз, деб,
Жони жаҳди билан отишди тўплар.

Ичдан портлатмоқчи бўлди баъзиси,
Сиртдан ҳисобсиз ёв қуршовга олди.
Бўхтонлар, урушлар, қирғинлар билан
Оламни неча бор даҳшатга солди.

Аммо, зарбамизга тоб беролмасдан
Евнинг шармандаси чиқди ҳар сафар.
Қўлимизда порлар ол байроқ бўлиб
Тарихий жангларда олинган зафар.

Энди «фолбин»ларнинг дами ичида,
Инга уриб кетди кўршапалаклар.
Аммо, гоҳо-гоҳо баъзи тентаклар
Қуёшни тўсаман дея алаклар.

Хали ҳам баъзи бир аламзадалар
Шонли йўлимизни тўсмоқчи бўлар.
Уларга жавобан дейди халқимиз:
«Ўйламай сўзлаган, оғримай ўлар!»

Йуқ, энди шоввозлар, кеч қолдингиз, кеч!
Қора ниятингиз, хаёлингиз пуч!
Овора бўлмангиз, дунёда йуқдир
Бизнинг йўлимизни тўсадиган куч!

Ракета сурати қанотимизда,
Парвозимиз баланд юлдузлар томон!
Эллик асрдан ҳам ўтиб кетамиз,
Бизнинг фойдамизга ишлайди замон!

15 сентябрь, 1967.

ОКТАБРЬ ҚУЁШИ

Жаҳонни мунаввар қилиб абадий
Асрлар уфқидан болқида қуёш.
Минг йил азоб чеккан меҳнаткаш инсон
Шу қуёш туфайли кутаролди бош.

Бу қуёшни минг йил кутди одамзод.
Бу қуёшга минг йил кўз тутди олам.
Энди бу қуёшсиз келажагини
Тасаввур қилолмас меҳнаткаш одам.

Бу қуёш йўлида қилинган жанглар,
Бу қуёш йўлида кесилган бошлар,
Бу қуёш ишқида чекилган азоб,
Бу қуёш ҳажрида тўкилган ёшлар,

Бекорга кетмади, тезлатди тонгни,
Тонг отди парпираб, болқиди қуёш!
Озодлик қуёши, Октябрь тонги
Бизни бахтга мангу айлади йўлдош.

Асрлар оҳидан яралган довул,
Асрлар ёшидан тўпланган тўфон,
Асрлар қаҳридан яралган вулқон,
Асрий ғазаблардан уюшган бўрон

Учирди, фарқ этди, куйдирди, ювди
Ҳақсизликка тўлган эски дунёни!
Октябрь парвози билан юксалди
Инсоннинг шуҳрати, одамнинг шони.

Тинмай олға босдик қадам-бакадам,
Қанча машаққатли булмасин йуллар.
Қурбонлар беҳисоб булса ҳам жангда
Асло тарк этмади қуролни қуллар.

Вулму зулмат таҳдид қилса ҳам минг бор
Меҳнаткаш кечмади асло бахтидан.
Ўркин қулга олди жангу жадалда,
Золимни ағдариб қонли тахтидан.

Октябрь яратган мангу баҳорда
Инсон улуғланди ҳаққини топиб.
Зулм занжиридан бушалган қуллар
Безади чулларни гул билан ёпиб.

Октябрь чек қўйди ҳақоратларга,
Минг йил кулоқларни кар қилган додга.
Идрок тилсимини очди Октябрь,
Инсон қудратини чорлаб ҳаётга.

Биз учун ошкор атомлар сири,
Муъжиза яратар илму фанимиз.
Хайрат билан боқар бизга кенг жаҳон,—
Дунёнинг куркидир ҳур Ватанимиз.

Илму фанга чанқоқ кўзимиз кукда,
Ракетамиз учар юлдузлар аро.
Ниятимиз: тинчлик бузилмасин ҳеч,
Ерда бошланмасин қонли можаро.

Эллик йил! Музаффар, шонли эллик йил!
Салмоқда ҳар бири юз асрга тенг.
Октябрь сўзининг жозибаси зўр,
Мазмуни, маъноси олам қадар кенг.

Унинг замирида инсонларга бахт.
Озодлик, қардошлик, дўстлик, садоқат.
Унинг мазмунида ботирлик, мардлик,
Ҳар қандай мушкулни енгувчи тоқат.

Ленин даҳосининг кучи бэр унда.
Унда хазон билмас баҳор жамоли.

Ўз ифодасини топмишдир унда
Тарихнинг, оламнинг шони, камоли.

Унинг шуъласидан баҳраманд бўлиб
Жаҳон, инсоният кутармакда қад.
Улуғ Октябрнинг ғалабалари
Куз қорачигидай сақланар абад!

17 сентябрь, 1967.

ОЛТИН КУЗ

Водийларга чиқиб тамошо қилғил,
Нақадар гўзалдир ўлканинг кузи!
Сонсиз бойлик қўшиб бойлигимизга
Гавҳарларга тўлмиш далалар юзи.

Кумуш далаларда кўз қамаштириб
Юлдуздай чақнашар олтин чаноқлар.
Шабнам инган қизил гулларга ўхшар
Иш билан терлаган гулгун ёноқлар.

Улуғ ғалабага ишониб деҳқон
Сахий даласидан жавоҳир излар.
Бойлик соҳибаси, дур эгалари
«Зангори кема»да ўтирган қизлар.

Олтин куз сувлари шу қадар тиниқ,
Ойна бўла олур қизлар қараса.
Оламни кўмгудек гулларнинг иси
Чаман кокилини шамол тараса.

Куз кўргазмасини ёйибди, қаранг:
Олма, анжир, узум, шафтоли, анор...
Боққа атир пуркар сада райҳонлар,
Гулшанга нур тўкиб қизилгул ёнар.

Бойлик, гўзалликнинг кўргазмаси бу!
Ёмбига, айланмиш тўкилган терлар.
Файзу саховатни кўз-кўз қилишар
Бойликда, ҳуснда тенгги йўқ ерлар.

Эшитмаган борми унинг номини?
Элга донғи кетган Кучиев Жавод.
Юзлаб манман деган механизатор
Унинг мактабида чиқарган савод.

Олий мукофотга арзийдиган зот,
Ҳар қандай таҳсинга сазовор, лийқ,
Ишига тасанно ўқишиб, уни
«Дала космонавти» дейди халойиқ.

Қанча ардоқласа арзийди ўлка,
Жавод Кучиевдай донгдор эрини.
«Синов полигони» ё «космодром»
Десак хато бўлмас унинг ерини.

Янги машиналар унинг ерида
Ва унинг қулида синалар аввал.
Янги машинанинг тақдирини ҳам
Жаводнинг баҳоси қила олур ҳал.

Янги машиналар унинг қулидан
Йўлланма олади, бўлиб сарафроз.
Янги машиналар унинг еридан
Шуҳрат осмонига қилади парвоз.

Ишчи, ихтирочи, механизатор,
Олимлар ишидан қолишмас иши.
Дунёга таралган донғи, дозруғи,
Ўзи эса камтар, оддий бир киши.

Бугун Кучиевнинг моҳир қулида
Янги бир машина ўтар синовдан.
Бу ҳам тўсиқлардан ўтар бемалол
Сакраб ўтганидай арғумоқ ғовдан.

Янги машинада уста Кучиев
Бир кунда қирқ тонна пахта терибди.
Бир ўзи саккиз юз теримчи терган
Пахтани бемалол териб берибди.

Ахир, бу мўъжиза эмасми, дўстлар,
Жаҳонни ҳайратга солишга қодир?!

Янги машинанинг келажаги зур,
Бу янги машина жуда ҳам нодир.

Жавод машинага ошиқ, машина
Шуҳрат осмонига кутарди уни.
Тасаввур қилолмас машинаси у
Олтин далаларнинг келажагини...

ОЛТИН ХИРМОНЛАР

Бу йилги пахтанинг қиммати булак
Бу йилги пахтамиз нуқул дурдона.
Фалакка бош урган олтин хирмонлар
Улуг тўйимизга лойиқ тўёна.

Ҳар бир толасига азамат халқнинг
Меҳри, муҳаббати, меҳнати сингган.
Сонсиз чаноқларни кўриб водийда
Юлдузларми, дерсиз, самодан инган

Қулимиз, теримиз билан яралган
Кумуш даладаги олтин юлдузлар.
Даладаги сонсиз гавҳарни кўриб,
Шодлик, табассумга кўмилар юзлар...

Ким бўлмагил, майли, пахта тер сен ҳам.
Катта тўёнага қўшилсин ҳиссанг.
Эллик йиллик улуг байрамимизнинг
Олтин китобига ёзилсин қиссанг.

Теримга туш, дўстим, пахтазорга чиқ,
Томошабин бўлиб чегда турмагил.
Буюк халқ ишига ҳисса қўшолмай,
Яна доғда қолиб, нолиб юрмагил.

Далада синалар бугун ҳамманинг
Элга садоқати, юртга ҳиммати.
Олтин тарозуда пахтазордаги
Улчанар ҳамманинг қадри қиммати.

Далага чиқ. дўстим, олтин куз келди,
Пахтазорлар сени шуҳратга чорлар.

Меҳнат қил халқ учун, келажак учун,
Толеинг юлдузи меҳнатда порлар.

Фурсатни бой бермай теринг ҳосилни,
Вақтида ишимиз топсин саранжом.
Планни ўринлаб катта тўйгача,
Ғалабамиз учун кўтарайлик жом.

Олтин хирмонларни бошига қўйиб
Халқим тўйга борар, ўзида йўқ шод.
Садоқатимиздан, ҳимматимиздан
Миннатдор бўлади келажак авлод.

Сирдарё райони,
«Малик» совхози — Тошкент.
2 октябрь, 1967 й.

ТААЖЖУБ ҚОЛАРЛИК...

Улуғ Октябрнинг арафасида
Яна дунё бўйлаб донғимиз кетди.
Таажжуб қоларлик, ҳайратомуз ҳол:
Ўзал Зухрога ҳам қўлимиз етди!

Совға-салом элтди олтин кемамиз
Ўзал Венерага — тонг юлдузига.
Биз унга йўллаган тарихий вимпел
Ажойиб хол бўлиб тушди юзига.

Кенгайиб, узайиб бормоқда доим
Коинот бағрига солган йўлимиз.
Омадимиз келиб ҳар ишда ҳар чоқ,
Ҳар бир соҳада ҳам устун қўлимиз!

19 октябрь, 1967.

ҒАМИНИ ИНКОР ЭТМА

Йуқ, дўстим, қайғуни инкор этмагил,
Қайғу инсонларга азалдан йўлдош.
Узоқ сафарида инсониятнинг
Йўлини ҳўл қилган, кўздан оққан ёш.

Агар қулоқ солсанг тарих товшига
Кулки ҳам, фарёд ҳам эшитилади.
Айниқса ўтмишда жафо чекканлар
Ғам нималигини яхши билади.

«Дарди йўқ кесак» деб, бекор айтмаган,
Топилмас ташвиши бўлмаган одам.
Қутулиб бўлмайди ҳайдаган билан,
Орқадан соядай эргашади ғам.

Севинч гули қанча гўзал бўлмасин,
Баргида қайғунинг гарди бўлади.
Ҳар кимнинг севинчи, бахти бўлгандай,
Ҳар кимнинг озми-кўп дарди бўлади.

Мен доим хурсандман, ғамим йўқ, дея,
Мунофиқлик қилма, ҳеч ким инонмас.
Қайғура билиш ҳам керак вақтида,
Мард одам ҳеч қачон дардидан тонмас.

Дунёда жуда кўп воқеа борки,
Қалбингга иложсиз ташвиш солади.

Баъзан шундай пайтлар бўлар ҳаётда
Қайғу сени тамом қуршаб олади.

Отадан, онадан айрилганингда
Ғам дарҳол кўзингдан ёш бўлиб оқар.
Дўстингдан, ёрингдан жудо бўлганда
Қайғу олов бўлиб қалбингни ёқар.

Кўз бўлдимни, шаксиз, ёши ҳам бўлар,
Қайғу ҳам бўлади севинч бор жойда.
Ҳар қанчалик хурсанд бўлганингда ҳам
Ғамни инкор этма, чунки бефойда.

Қайғура бил, лекин, бадбин бўлмагил,
Қайғу табиий ҳол, бадбинлик ёмон!
Қайғу вақтинча гап, ўтиб кетади,
Бадбинлик инсонга бермагай омон.

Гап дардни яшириш, ичга ютишмас,
Ўз вақтида унга даво қилишда.
Гап қайғуни инкор этишда эмас,
Гап уни енгилда, енгга билишда.

30 июль — 19 октябрь, 1967.
Коктебель — Тошкент.

ОЛТИН ЧУҚҚИ

Гузаллик кўп кузда: чаман яшнайти,
Борларда товланар нашвати, узум...
Аммо, гузалликнинг тожи саналган
Кумуш пахтазорлар кўкида кўзим.

Фақат менинг кўзим далада эмас,
Далага тикилган ҳамманинг кўзи.
Дилга қувонч солар, ҳаяжон солар
Терим ҳақидаги рақамлар сузи.

Рақамлар дейдилар: марра яқиндир,
Чу, де, қамчи босгил пўлат отларга!
Эл тасанно ўқир муддатдан олдин
Планни бажарган азаматларга.

Рақамлар дейдилар: фурсат оз қолди,
Суръатга суръат қўш, ғафлатда қолма!
Омадни бой бериб, ваъдани бузиб,
Оқибат шарманда бўлма, уялма.

Ҳаво айниб қолди, огоҳ бўл дейди
Бемаҳал осмондан томган томчилар.
Ғайратга ғайрат қўш, дам ғанимат, деб,
Ёмғир томчилари бизни қамчилар.

Нест-нобуд бўлмасин етилган ҳосил,
Йиғилсин тўрт миллион тонналик хирмон.

Берган ваъдамизни удда қилолмай
Туй йили кўнгилда қолмасин армон.

Эллик йиллик туйга совға-салом кўп,
Аммо, энг аълоси «оқ олтин»имиз.
Туйга қадар, дўстлар, маррага етиб,
Зафар шодлигига тўлсин дилимиз.

Олтин чўққи яқин! Тўрт миллион тонна
«Оқ олтин» хирмони кўриниб қолди.
Улуғ Октябрнинг ишқи, илҳами
Дилимизга ишонч, матонат солди.

Олтин чўққи яқин! Олтин чўққининг
Жамоли ўзига тортмоқда кузни.
Чиқиб байроқ тикар олтин чўққига,—
Зое кетган эмас пахтакор сузи!

23 октябрь, 1967.

ЙИЛЛАР

Йиллар зинапоя бўлди биз учун,
Йил сайин юксаклик чўққилар сари.
Не қозонган бўлсак, не олган бўлсак
Меҳнат ва жанг билан олинди бари.

Ютуқлар беҳисоб, ўлжалар катта,
Бир учи Зухрода, бир учи Ойда.
Қадамимиз қутлуғ: чаманлар унди,
Боглар пайдо бўлди биз юрган жойда.

Инсонларга бахт деб, кўтардик қурол,
Инсонлар бахти деб, иш қилдик тинмай.
Биз жангда, меҳнатда қозонган зўр бахт
Кундан-кун юксалар, тубанга инмай.

Бу бахт, бу озодлик қимматга тушган,
Бу бахт деб, жон берган сонсиз қаҳрамон
Жанг билан, қон билан олинган бахтни
Энг эзгу зафар деб сақлаймиз ҳамон.

Ленин таълимоти, Ленин ғояси
Мазмун бағишлади ҳаётимизга.
Жангларда чиниққан улуғ партия
Поёни йўқ қудрат бахш этди бизга.

Йиллар олиб кетди бизни илгари
Ленин чизиб берган порлоқ йўл билан.

Асрлар орзуси ушалди: ерда —
Жаннат барпо этдик қадоқ қўл билан.

Бир жаннатки, бунда инсонлар озод,
Бунда ҳалол меҳнат айланган шонга.
Бунда дўстлик, вафо, қардошлик, севги
Фазилат бағишлар асл инсонга.

Тенгсизлик, ҳақсизлик йўқолган тамом,
Бунда оёқларга урилмас кунда.
Саҳролар уйғониб, чўллар тирилиб,
Кулбалар саройга айланган бунда.

Бунда инсон азиз, бунда инсоннинг
Жаҳонни қоплаган донғи, шони бор.
Бунда меҳнаткашнинг бойлиги сонсиз,
Туганмас кони бор, битмас дони бор.

Сермева боғи бор, олтин тоғи бор,
Зумрад даласида беҳисоб кумуш.
Бунда меҳнаткаш ҳур, бунда меҳнат ҳур,
Муъжиза яратар бунда ҳар юмуш.

Бунда оби ҳаёт, нажот манзили,
У моддий, маънавий фазилатга бой.
Бунда камол топган бутун дунёни
Ўзига тортувчи жозиба, чирой.

Бунда баҳодирлик, мардлик, матонат,
Бунда беқиёс куч, туганмас қудрат.
Ёрқин келажакка интилувчилар
Бизнинг улкамиздан олади ибрат.

Олам тақдирини ўйлаб, жаҳонга
Тинчлик уруғини сочганлар бунда.
Юлдузлар куксига юлдузлар тақиб,
Коинот эшигин очганлар бунда.

Кишилик бахтига атомлар кучи,
Юксак фан, техника, ҳур ижод бунда,
Оламни ҳайратга солган беҳисоб
Тадқиқот, ихтиро, кашфиёт бунда.

Бунда дунёдаги муҳташам ГЭСлар,—
Сунъий юлдузларнинг чарақлаши бор.
Бунда янги дарё, янги қўлларнинг,
Янги денгизларнинг ярақлаши бор.

Бунда чечакларнинг табассуми соз.
Бунда гўдакларнинг хандаси гузал.
Бунда юракларга ҳаяжон солар
Инсон толеини куйлаган ғазал.

Бунда табиатга бошланган ҳужум.
Бунда тантаналар, байрамлар, тўйлар.
Бунда олам сирийн очгувчи идрок,
Нурли келажакни қамраган ўйлар...

Бунда жаранглайди самога қадар
Бахтни улуғловчи покиза санъат.
Ҳа, бунда меҳнаткаш, чевар қўлларнинг
Маҳорати билан яралган жаннат!

Октябрь қуёши зулматни енгди,
Аммо, уч олмоқчи бўлади зулмат.
Агар иложини, пайтини топса,
Дунёнинг бошига солмоқчи кулфат.

Биламиз, ёв тамом таслим бўлмаган.
Биламиз, йулларда жанг қўпдир ҳали.
Нураб бораётган эски дунёнинг
Вьетнам куксида қонли чангали.

Нур билан зулматнинг, эски дунёнинг
Давом этмоқдадир мунозараси.
Ёв яна чок этсам бомба ташлаб дер,
Ҳали битмай туриб Ернинг яраси.

Куз олайтиради океан ортидан
Ҳали ҳам болтадан тоймаган зотлар.
Ут қўйиб дунёни кул қилсак дейди,
Гурковлар, одамзод бахтига ётлар.

Ер ҳимоя истар, кишинлик нажот,
Кишинлик нажоти, Ер ҳимояси —

Бизнинг қўлимизда! Ерга тушмагай
Атом бомбасининг мудҳиш сояси!

Октябрь қуёши қудрат берган халқ
Юлдузларга қадар кўтармоқда қад.
Улуғ партиямиз парвариш қилган
Бахту толеимиз порлар то абад.

Сенга чексиз олқиш! Сенга тасанно!
Кишилиқ тонгини ёритган қуёш!
Гоят бахтиёрмиз буюк йўлбошчи
Улуғ Ленин билан бўлдиқ асрдош!

Йиллар зинапоя бўлди биз учун,
Йил сайин юксалдик чўққилар сари.
Неки қилган бўлсак ярим асрда
Инсон бахти учун қилинди бари.

30 октябрь, 1967.

ТАСАННО

Ўзи енгил, аммо, меҳнати оғир,
Меҳнат ва тер билан етилар пахта.
Шу сабаб «оқ олтин» деган ном билан
Элимизда эъвоз этилар пахта.

Ҳар бир граммида минглаб қатра тер,
Меҳрибон қалбларнинг ҳарорати бор.
Ҳар бир граммида пахтакорларнинг
Халқига курсатган садоқати бор.

Ҳар бир граммига меҳримиз сингган,
Кўз нуримиз сингган ҳар толасига.
Қамашгудек бўлур қуёшнинг кўзи
Боқса оқ пахтанинг нур жилосига.

«Оқ олтин»имизнинг ҳар бир грами
Қимматлироқ эрур минг шоҳ тожидан.
Ҳар бир грамм пахта салмоқлидир
Ўтмишда минг хоннинг олган божидан.

Бир грамм қиммати шунча кўп бўлса,
Тўрт миллион тоннанинг қанча қиммати?
Бу сонсиз бойликнинг танҳо ўлчови:
Ботир халқимизнинг олий қиммати!

Ҳа, бу, халқимизнинг олий қиммати,
Матонати билан етилган бойлик.

Ха, бу, эллик йиллик улуғ байрамга
Садоқат-ла тортиқ этилган бойлик.

Ваъдани оқламоқ муқаддас одаъ,
Одам ҳисобланмас лафзидан қайтган.
Лафзи йўқ кишининг бурди йўқ, дея,
Донишмандлар жуда ҳақ гапни айтган.

Олтин хирмондаги миллион тонналар
Муҳаббат, садоқат, мардликдан нишон.
Берган ваъдасининг устидан чиқди,
Қанча фахрланса ҳақ Ўзбекистон!

Турт миллион тонналик «оқ олтин» қутлуғ!
Мардларга ҳар қанча тасанно, денг, кам.
Бошида турт миллион тонналик ёмби,
Ғурур билан боқар оламга улкам!

15 ноябрь, 1967.

ХАЗИНАЧИ

Мени гапга солма, вақтимни олма,
Бошимда борини ёзиб қолайин.
Ақлимни, ҳиссимни ва илҳомимни
Имкони борича ишга солайин.

Бошимдаги гавхар, қалбимдаги дур,
Бари халқимники, халқимнинг мулки.
Биронта гавҳарни яшириб қолиб,
Яна эл олдида бўлмайин кулки,

Хаққим йуқ биронта гавҳарни, дурни
Яшириб қолишга халққа бермасдан.
Ёзилмасдан қолса биронта шеър
Дейишар хиёнат қилибди қасддан.

Бошимда неки бор, қалбимда не бор,
Халқники,— мен фақат хазиначиман.
Мен фақат богбонман, халққа мансубдир
Шеърят боғида гуллаган чаман.

17 октябрь — 16 ноябрь, 1967.

ҒИЙБАТЧИ

Киприги пириллаб, кипти ликиллаб,
Қули бориб-келиб, сўзлайди шошиб.
Тили кириб чиқар илон тилидек,
Заҳар тукилади оғзидан тошиб.

Оғзи автоматдек, сўзлари ўқдек
Пайдарпай отилар бидиллаганда.
Қулга тушганда ҳам расвоси чиқиб,
Разил одатини қилмайди канда.

Сўзлагани бўҳтон, қилгани ғийбат,
Илон пўст ташлайди ҳар бир сўзига.
Ҳаммани айблар, ҳамма одам ҳам
Эгри кўринади унинг кўзига.

Ғийбатчи гап бошлар йўлингни тўсиб:
«— Огоҳ қилмоқчиман бир сирдан сизни,
Қўшнимнинг хотини ...фалончи билан
Бир кун тут тагида ...тушундингизми?»

Нариги қўшним ҳам жуда шубҳали,
Уйига қандайдир аёллар келар...»
Гап ташиб бировдан бировга, итдай
У ёқдан бу ёққа ҳарсиллаб елар.

«— Анови қўшмачи, манови ўғри,
Жиноятларига мен ўзим гувоҳ!

Униси қип-қизил порахўр!» дея,
Қилар яхшиларнинг дилини сиёҳ.

Одамлар ичида низо қўзғайди,
Иғво ёғиб турар бўйи-бастидан.
Тотув яшаб турган оилалар ҳам
Қўйди-чиқди бўлар унинг дастидан.

Иғво қилиб ишдан қўяр кўпларни,
Дилларга ўринсиз ташвиш солади.
Тухмат билан қийнаб, азоб бериб, у,
Софдил одамлардан қасос олади.

О, ғийбатчи ёмон, тилида заҳар,
Иблис уя қўйган маккор кўзига.
Ҳаловатингизни бузмай десангиз,
Учманг ғийбатчининг ёлғон сузига.

Ғийбатчи хуружга кирмасин, дўстлар,
Ҳушёр бўлиб туринг, кузатиб юринг.
Мабодо ғийбатчи йўлиқиб қолса,
Тилини кесингу оғзига уринг!

10 май — 16 ноябрь, 1967 й.

ЛАГАНБАРДОР

Лаганбардор кунгабоқарга ўхшар,
Ҳамма вақт бошлиққа кулиб боқди.
Шуҳратпараст бўлса агарда бошлиқ,
Лаганбардор унга мойдек ёқди.

17 ноябрь, 1967 й.

ИНСОН УМРИ

Гарчи туғилишин билмаса ҳамки,
Улишини, шаксиз, билади инсон.
Умр берилмайди хоҳишга қараб,
Борига қаноат қилади инсон.

Бошқа иложи ҳам бормиди унинг,
Ажалнинг қулида бутун ихтиёр.
Ва лекин оз муддат яшаса ҳамки,
Инсон инсонлиги билан бахтиёр.

Агар солиштирсанг қузғун умрига,
Шаксиз, оз инсонга берилган умр.
Аммо, жаҳон қадар зулматдан афзал
Оламни бир лаҳза ёритолган нур.

Ҳа, инсон умрининг бир лаҳзаси ҳам
Юз қузғун умридан афзал, муътабар.
Умр умр қушсин олам умрига,
Умр умр эмас утса бесамар.

Инсон меҳнат билан зеб бериб ерга,
Она табиатни бойитай дейди.
Моддий ва маънавий бойлик яратиб,
Ейдиган нонини ҳалоллаб ейди.

Келажакни уйлаб, ширин орзулар,
Умид, мақсад билан яшайди башар.

Қанча узоқ умр кўрмасин қузғун
Фақт улакса еб, фойдасиз яшар

Инсон ўз идроки, даҳоси билан
Юлдузларга қадар кўтарилди қад.
Қузғунга нисбатан оз яшаса ҳам,
Инсон ўз умридан мамнундир беҳад.

2 декабрь, 1967.

СЕВГИ ҲАҚИДА

(Ярми ҳазил, ярми чин)

Бир кун шеър ўқисам севги ҳақида,
Бир кекса хонимга ёқмабди бу гап.
Таъби тирриқ бўлиб, энсаси қотиб,
Ёнидагиларга сўзлабди тутаб:

«—Ёши фалон ерга бориб қолгану,
Яна ишқ ҳақида шеър ўқир шоир!
Ҳа, нима, дунёда байт қуриганми
Дурустроқ, сипороқ мавзуга доир?!»

Ҳа, ахир, суюлмай, ёшига қараб
Шеър ўқисин-да, ўқиса!—демиш.
Унинг назарида ишқий шеърни
Ёш-яланг ўқиса ярашар эмиш.

Хуш, севги ҳақида ўқиган шеърим
Нега энди газаб қўзғабди унда?
Фалон ёшдан фалон ёшгача севиш
Мумкин, деб, айтилган қайси қонунда?!

Севги кексани ҳам, ёшни ҳам бирдек
Сеҳрлаб домига тортади, дерлар.
Ёши ўтган сайин инсон қалбида
Севгига иштиёқ ортади, дерлар.

Барчага баробар асл муҳаббат,
Севги қарамайди ёшу қарига.

Ҳаммага ҳам бирдай йўл счиқ, ахир.
Эзгу муҳаббатнинг гулшанларига.

Ахир, айтишган-ку, ҳамма ёшдаги
Одам ҳам севгига асир бўлар, деб.
Севги юксалтирар покиза руҳни,
Севги пок юракка қимматбаҳо зеб!

Шуни билиб қўйсин, муҳтарам хоним,
Онт ичиб айтаман севги номига:
Ўези келганда ёш ҳам, қари ҳам
Баробар илинар севги домига.

Боринги, бунга ҳам кўнмаса агар,
Бошқа бир ваз айтай шеъримни ёқлаб:
Қанча ёзган бўлсам севги ҳақида,
Ёздим шоир деган номимни оқлаб.

Шоир шоир эмас пок муҳаббатни
Тараннум қилмаса булбулдай сайраб.
Дунёнинг қизиғи қолармиди, айт,
Севги бўстонида юрмасанг яйраб.

Камида ёш-яланг ошиқлар учун
Хизмат қилиб берсам, нима, чаккими?
Менга раҳмат айтиш урнига, хоним,
Холис хизмат учун яна даккими?

Мен бир таржимонман: йигитлар қалбим
Қизларга таржима қилиб бераман.
Қизларнинг кўнглида нима борлигин
Бўзболаларга ҳам билиб бераман.

Агар гўзалларга термулса кўзим,
Мен эмас ёшларнинг кўзи деб билинг.
Агар мен севгидан сўз оча қолсам,
Ошиқ йигитларнинг сўзи деб билинг.

Мен ҳақиқий ошиқ, айнимайдиган,
Ишқ таронасининг баланд авжиман.
То тилим сўзлашга қодир эканми,
Муқаддас севгини улуғловчиман!

Нима деса десин хоним, доимо
Севги гулшанини қиламан тавоф.
Севги қушиғини куйлаб умрбод
Ошиқларга хизмат қилишлик савоб.

8 декабрь, 1967.

ДЕРСАН...

Дерсан: умр буйи шеър ёзиб, шоир,
Нимага эришдинг, шод этдинг кимни?
Инсонларни мақтаб, ардоқлаб, севиб,
Исбот қила олдим инсонлигимни.

30 июль — 14 декабрь, 1967.
Коктебель — Тошкент.

ОЛАМДА НЕКИ БОР...

Доно файласуфнинг айтганларини
Мароқ билан тинглаб хаёлга ботдим.
Юлдузли самони томоша қилиб,
Майса қучоғида уйланиб ётдим.

Бутун коинотни, борлиқни модда
Қоплаб олган эмиш азалу абад.
Модданинг хислати беҳисоб эмиш,
Жилваси, жиљоси билмас эмиш ҳад.

Фақатгина модда тинмай, тинчимай,
Чексиз коинотни кезиб юрармиш.
Доим ҳаракатда, доим турланиб,
Ҳолатдан ҳолатга утиб турармиш.

Оламда неки бор маълум, номаълум:
Узоқ галактика, тупроқ, тоғу тош.
Ойдин тун, кумуш тонг, лола ранг **шафақ,**
Ҳашарот, наботот, ҳарорат, қуёш,
Булбулдаги нағма, ғунчадаги ноз,
Атомдаги қувват, атомнинг ўзи,
Лаъли лаблардаги тотли табассум,
Булоқлар жилваси, оҳулар кузи,
Ҳансираган буюк океанлардан
Булут бўлиб кукка кўтарилган сув,
Гулдан гулга қўнган гулдор капалак,
Мусаффо кўлларда чумилган оққув,
Момагулдирак, ут, ёнартоғ, чақмоқ,

Довул ҳам, бўрон ҳам, шамол ҳам, ел ҳам,
Табиатдаги барқ, сонсиз ранг, садо,
Тўфон ҳам, тўлқин ҳам, тошқин ҳам, сел ҳам,
Чолғудаги нозик қиллар ва унлар,
Ранг-баранг гулларнинг ўткир иси ҳам,
Қуёшнинг иссиғи, Ойнинг ёғдуси,
Хатто инсон, унинг ақли, ҳисси ҳам,
Кўкда жимирлаган сонсиз юлдузлар,
Боғларда етилган ҳисобсиз емиш, —
Ҳаммаси ҳам модда ва ёки унинг
Хислати, сифати, қудрати эмиш...

Фақатгина модда абадий, мутлақ,
Чексиз коинотни кезиб юрармиш.
Камаймай, купаймай, йўқолмай, фақат,
Ҳолатинигина ўзгартирармиш.

Файласуфнинг сўзи ҳақиқат, шаксиз,
Мен унга инондим, инонинг сиз ҳам.
Хеч қандай куч йўқдир табиатдан тиш,
Моддадан иборат, моддийдир олам.

4 июнь, 1964—16 декабрь, 1967.

ҲАЁТНИ СЕВГАНЛАР...

Ота-боболарим севишиб келган,
Набираларнинг ҳам севиши аниқ.
Мен нега севгидан маҳрум бўлайин?
Севги оташидан юрагим ёниқ.

Шу олов эмасми мени қаритмай,
Севги қўшиғини оғзимга солган?
Севги қўшиқлари тугамас ҳеч вақт,
Севги мерос бўлиб азалдан қолган.

О, агар шу тотли севги бўлмаса,
Ҳаётимдан маъно кетган бўларди.
Агар жуда бўлсам муҳаббатимдан,
Умрим куз гулидай дарҳол суларди.

Ошиқлар яккалаб қўйишмас мени,
Қушилар мен айтган тўғри фикрга.
Ҳаётни севганлар мени тушунар,
Ҳаётни севганлар мен билан бирга.

Севги водийсига бошлайин сизни,
Севги водийсининг боғлари сўлим.
Севги қўшиқлари давом этади.
Бу қўшиқни фақат тўхтатар ўлим.

29 ноябрь, 1958—17 декабрь, 1967.
Москва — Тошкент.

МИННАТДОР БУЛ УША ОДАМДАН

Бахтинг борми, Ленинни ўйла,
Миннатдор бул ўша одамдан.
Уша барҳам берган зулмга,
Қулликни қувлаган оламдан.

Сургуларда юриб доҳимиз
Ўйлар эди авлодлар бахтин.
Ишонч билан режа чизарди
Қулатмоққа золимлар тахтин.

Туғилажак авлод ичида
Ҳеч шубҳасиз биз ҳам бор эдик.
Бахтимизни ўйларди Ленин,
Туғилмаёқ бахтиёр эдик.

Октябрнинг зарбаси билан
Парчаланди золимлар тахти.
Тонги отиб янги дунёнинг,
Меҳнаткашнинг порлади бахти.

Бахт дарёси мавж уриб оқди,
Ленин эди дарёга мироб.
Ўша доҳий оби ҳаётга
Ташналарни қилолди сероб.

Бахтлимисан, Ленинни ўйла,
Миннатдор бул ўша одамдан.
Уша барҳам берган зулмга,
Қулликни қувлаган оламдан.

5 декабрь, 1962—
17 декабрь, 1967.

МЕН УЧУН ШУ БАХТ

Ташлаб кетаман деб қўрқитма,— менга
Бир фикр ҳамиша берур тасалло: ¹
Ўзинг мени ташлаб кетганингда ҳам,
Ишқинг юрагимдан кетмаган асло.

Қанча уринмагил, бари фойдасиз,
Олиб кетолмайсан ишқимни ҳеч вақт.
Ўзинг кетарсану севгинг мен билан
Ўмрбод қолади,— мен учун шу бахт.

29 ноябрь, 1958—17 декабрь, 1967.
Москва — Тошкент.

ТИНЧЛИКСЕВАРЛАР

Ўлим ҳақ дейдилар, вақти келганда
Ҳамма ҳам ўлади, бу табиий ҳол.
Аммо, ўз ёшини яшамай туриб,
Ёшлар ҳалок бўлса жуда ҳам увол.

Самодан ёғилган ўқлар, бомбалар
Жаҳон тинчлигини бузмасин деймиз.
Ногаҳоний ўлим навқирон ёшлар
Умрини бемаҳал узмасин деймиз.

Бемаҳал ўлай деб тугилганмиди
Вьетнамда ҳалок этилган ёшлар?!
Яшашни истарди жаҳонгирларнинг
Манфаати учун кесилган бошлар!

Ёшини яшаган қари тулкилар
Навқирон ёшларни ўлимга йўллар.
Аммо, кўп узоққа бормас бу найранг,
Золимлар бўғзига етади қўллар.

Долларга топинган ялмоғизларнинг
Қонли хуружига чек қўйинг тезроқ!
Ерда депсинмасин гуноҳсиз бошлар,
Қонга беланмасин покиза тупроқ.

Ногаҳоний ажал олиб кетмасин
Ёшларни, умрининг гулбаҳорида.
Урушни йўқотиш, урушни енгиш,
Тинчликсеварларнинг ихтиёрида.

18 декабрь, 1967.

ШАБНАММИ, ДУРМИ?

Кўк майса устида товланиб, ёниб,
Кузни қамаштирган шабнамми, нурми?
Е сайр этганингда кумуш сийнангдан
Баҳор гиламига тукилган дурми?

2 март, 1962—
18 декабрь, 1967.

ЗАМОН ЯШАРАР...

(Тенгдошларимга)

Ҳа, дустим, ёшимиз анчага борган,
Хийла ортда қолган ёшлик баҳори.
Йигитлик сабзасин босмишдир қиров,
Сочу соқолларда кексалик қори.

Янги йил бошланса ёшимга яна
Ёш қушилар, дея, кўнглинг синмасин.
Сочингда кўпайган оқларни кўриб,
Юрагингга қайғу гарди инмасин.

Янги йил кечаси хаёлга чўмиб,
Тенгдошим, ўйлама фақат ўзингни.
Билдирмайин десанг кексайганигни,
Яшарган ҳаётдан узма кўзингни.

Янги йил бошланур, ёруғ истиқбол
Баҳор тимсолида оламга қарар.
Хурсанд бўл, тенгдошим, биз қарисак ҳам,
Элу юрт яшарар, замон яшарар.

28 декабрь, 1967.

ШЕЪРИМ

Шеърим сенинг вазифанг катта,
Жон деб хизмат қиласан элга.
Шинавандаларни хурсанд қил,
Меҳнатларим кетмасин елга!

10 февраль, 1968 й.

МУЗИКА

Дуторнинг жаранги, найнинг ноласи,
Дафнинг «бак-бака»си, тамбур хониши,
Жонфизо куйларни эзиб, чалганда
Хассос созанданинг эриб, ёниши,—
Қалбимни ларзага келтирар ҳар гал,
Ҳаяжон зўридан тушаман терга!
Музика қуюни мени бир хасдек
Гоҳ кўкка учирар, гоҳ ташлар ерга!

Назаримда позик қиллар товшини
Бир кун эшитмасам яшашим қийин.
Ҳар кун музикани эшитиб аввал,
Бошқа ишларимни қиламан кейин...

Музика — бойлиги бошариятнинг,
Асрлар қалбининг садосидир соз.
Барча халқ сози ҳам сеҳрга тўла,
Барча халқ сози ҳам мен учун мумто.

Менга лаззат берар Шашмақом, ялла,
Тўйчи ҳофиз кўйи, Чайковский, Бах.
Музиканинг сеҳри, сознинг оташи
Қалбингни эритар бўлса ҳамки ях!

Назаримда қулоқ солганимда соз
Мени жаннатсимон бир боққа бошлар.
Сознинг қудрати зўр: гоҳ уйлантирар
Гоҳ кулдирад, гоҳи кўзингни ёшлар.

Илҳом бағишлайди шинавандага
Саҳарда узоқдан чалинганда най.
Булбулни чаманда шармисор этиб
Тамбур сайраганда тингла, ўргилай!

Минг дардга давомиш соз садосидан
Баҳраманд юзларда уйнаган ханда.
Асло маҳрум этма мени созингдан,
Қўлинг дард кўрмагур ҳассос созанда!

21 март, 1963—

13 февраль, 1968.

МИНГ ҚАТЛА ХУРСАНДМАН

Минг қатла хурсандман, минг қатла шукур,
Яна етиб келдим баҳор фаслига.
Қишда ғойиб бўлган оламнинг ҳусни
Баҳор қўли билан қайтар аслига.

Дарахтлар уйғонар қишки уйқудан,
Гул бўлиб очилар табассумлари.
Кимда ҳам уйғотмас эзгу ҳисларни.
Гўзал навбаҳорнинг олтин зумлари?..

Дунёни безайди баҳор устаси
Сабза гилам тўшаб саҳро қўйнига.
Баҳор жилва қилар ҳар сафаргидай
Лоладан бўйинбоғ боғлаб бўйнига.

Шу қиёфасида гўё пинер,
Ёшликнинг тимсоли жилвагар баҳор.
Шул сабаб яшариб, баҳорда ёрга
Ишқимни сўзлагим келади такрор...

Булбуллар созини созлар тонг билан
Гулга севгисини изҳор этгали.
Ошиқлар шошилар маъшуқаларнинг
Гулдай висолига тезроқ етгали.

Ойдини ҳам гўзал баҳор фаслининг,
Боғларда ошиқлар шивири тинмас.

Ошиқлар суҳбати қизиса агар
Вақтнинг ўтгани ҳам асло билинмас...

«Наргис» кўзларини очиб гулбаҳор,
«Сунбул» сочни тарар тонг билан туриб.
Омонлиқ-сомонлиқ қиламан ҳар гал
Баҳор гулларини кўзимга суриб.

Севинавераман ҳар гулга қараб,
Ўнгидан келгандай ёқимли тушлар.
Узоқ тикиламан маҳлиё бўлиб,
Чарх уриб ўйнаса самода қушлар.

Аллақандай ширин туйғу уйғотар
Ёқимли куй чалиб тоғ шалоласи.
Каммиди ёнганим баҳор ишқида,
Қалбимга ўт ташлар саҳро лоласи.

Майли ўт ташласин қалбимга баҳор,
Фақат тирик юрак ёнишга қодир.
Баҳорни севаман, баҳорда, дўстим,
Энг эзгу ўйларим бўлади содир.

8 апрель, 1968.

ТОЖИК ҚИЗИ

Хуш келибсиз, марҳабо, деб, айтди гап тожик қизи.
Кўп севиндим жилмайиб очганда лаб тожик қизи.

Мен қадам қўйганда дўстлар юртига хуррам ва шод,
Чиқди пешвоз қўлига гул дасталаб тожик қизи.

Қаҳрамонлик донғини оламга дoston айламиш
Осмондек куксига юлдуз қадаб тожик қизи.

Боғ аро хуш бўй таратган гул эмас, райҳон эмас,
Этди гулзорни муаттар соч тараб тожик қизи.

Беқиёс ҳусну камолда, кўзлари юлдузсимон,
Юзлари гул, тишлари дуру садаф тожик қизи.

Тенги йўқ лаззат бағишлар менга ширин сўзлари,
Гуфтуғу айлармикин шаккар ялаб тожик қизи?

Эхтиёт бўлсин йигитлар, сўнг пушаймон бўлмасин,
Минг асир олмоққа қодир бир қараб тожик қизи.

Ихтиёрни қўлдан олди, ром этиб ўз сеҳрига.
Шунча ҳам соҳир эканми, вожаб, тожик қизи.

Бир чавандоз от эдимким, тоғу тошга сакраган,
Мен асовни олди қўлга нўхталаб тожик қизи.

Майсафид эрдим йигитлик фаслига қайтарди боз,
Бир боқиб, бир ишва бирлан лаъли лаб тожик қизи.

Дустлар, қилдим ҳазил, олманг кўнгилга, аслида
Севги гулзорида поку боадаб тожик қизи.

25 май, 1968.

ДУШАНБАДА

Солди ҳайратга мени тенгсиз жамол Душанбада.
Шеърӯ санъат, илму фан топмиш камол Душанбада.

Тан бериб санъатда ҳассос шеърят Мирзосига,
Миршакар назмидин эдим шаҳду бол Душанбада.

Хушҳаво, хушманзара, гулбоғи кӯп, гулзори кӯп,
Тарқатур гул атрини ҳар ёи шамол Душанбада.

Шаҳрингиз гулшанга айланмиш ҳалол меҳнат билан
Энди гулшан ҳеч қачон топмас завол Душанбада.

Кӯп жафолар чекди тожик халқи ўтмишда ва лек,
Энди йўқдир ғам юкидин қадди дол Душанбада.

Лойга топталган эди ўтмишда инсон севгиси,
Энди шиқлар учун бахту висол Душанбада.

Бахти кулган элни кўрдим яшнаган хур ўлкада,
Ҳеч қачон бўлмас саодат поймол Душанбада.

Бир умр ёдимда қолгай тинглаган, кўрганларим,
Ўзгача лутфу латофат, қилу қол Душанбада.

Дўстлар, жаннатни кўрмак истасангиз марҳабо:
Боғи Эрам, равзадин бордир мисол Душанбада.

Бир келиб қолган одамнинг кетгиси келмас экан,
Кӯб экан чаши сиёҳ, соҳибжамол Душанбада.

Гулжабинлар даврасинда, майлига, минг розиман,
Бир умр бўлсам асир, бўлсам қамол Душанбада.

Шеър ўқир ширин сухан, булбул наволар боғ аро,
Дейдилар сен ҳам шеър айт, бўлма лол, Душанбада.

Дўстлар, сиз бор учун мен бир умр қолмоқчиман.
Демасангиз ҳам ўзингиз майли, қол Душанбада.

Дўстлар қалбида қолсин бир умр акси садо,
Шоир Уйғун янградиб созингни чол Душанбада.

25 май, 1968.

ТИРИЛГАН МАРМАР

Таъсир кургазибди худди тирикдай,
Бировга мәрмәрдан ясалган ҳайкал.
Гуё жон кирибди, тирилибди тош,
Санъаткор дид билан берганда сайқал.

Қандай яратолдинг бу муъжизани,
Деб сураган экан ҳайкалтарошдан,
У жавоб берибди: ортиқчасини
Батамом тарашлаб ташладим тошдан.

26 июль, 1968. Дурмон.

ДУРМОН ШАББОДАСИ

Дурмон шаббодаси тамом бошқача,
Чарчаган танингга роҳат бағишлар.
Ўпкангга соф ҳаво бўлиб киради,
Шу вайдан авж олар ижодий ишлар.

Атроф чаманлардан ҳид тўплаб келиб,
Атир пуркагандай бўлар димоққа.
Тегрангга парвона ўша шаббода
Пича сайр этай деб кирганда боққа.

Манглайингни силар, сочингни ўйнар,
Боладай эркалар бўйингдан қучиб.
Пирпирак қилади чинор баргини,
Гулдан гулга ўтар пилдираб, учиб.

Аллақандай сирли ҳикоя сўзлар,
Маҳлиё гулларга боғнинг тўрида.
Ипак қанотини елпиғич қилиб,
Аллалаб ухлатар ётсанг сўрида.

Баъзан бир нарсани излаган каби
Кўм-кўк майсазорда юрар гивирлаб.
Ошиқ бўз боладай ёрга интизор,
Хиргойи қилади баъзан шивирлаб.

Баъзан тегажаклик қилиб қолади
Бир жуфт арғувоннинг шохини эгиб.

Баъзан гунчаларни пайпаслаб кетар,
Танноз чечакларнинг жиғига тегиб.

Баъзан қалдирғочдек тўш уриб сувга,
Майин тўлқин қўзғар ҳовуз бетида.
Гоҳ қуюнча бўлиб хазон совуриб,
Ғалати рақс тушар анҳор четида.

Баъзан майсаларнинг сочини тараб,
Баъзан бўса олар гуллардан лаби.
Баъзан шафтолини ўйнаб қолади
Мушук дўғолоқ ип ўйнаган каби.

Олтин япроқларни тўдалаб келиб,
Ариққа ташлайди — бу ҳам бир ўйин.
Баъзида шўхлиги тутиб қолдими?
Ўғирлаб кетади чечаклар бўйин...

Таъриф қилаверсам хислатларингни,
Тугамайдиганга ўхшар, чамамда.
Шоирни сайратган ўйноқ шаббода,
Хар қанча тавсиф ҳам сен учун кам-да!

Бормаган, юрмаган еринг қолмади,
Чўлда ҳам, тоғда ҳам, боғда ҳам юрдинг.
Дўрмон шаббодаси, бахтинг бор экан.
Ахири шоирнинг шеърига кирдинг.

Дўрмон шаббодаси, майин шаббода,
Роҳат бағишладинг, кўнглимни олдинг.
Эвазига мен ҳам мақтадим сени,
Шеъримга кирдингу абадий қолдинг.

27 июль, 1968. Дўрмон.

МУҲОЖИР

(Мунозара)

Чет элда учрашдик, кўз ёши қилиб
Ўзбекман, юртимни соғиндим, дединг.
У ҳолда юртингга нега қайтмадинг?
Шунча вақтдан бери қаерда эдинг?

Савол бериб савол устига, мени
Синамоқчимисан, айёр муҳожир?
Булди, мени гапдан илинтиришга
Уринма, ҳеч нарса чиқмас барибир.

Қанча уринмагин ишонтиришга
Ишонгим келмайди айтган сўзингга.
Дилингда нима бор яққол сезади
Синчиклаб қараган одам кўзингга.

Менга фақатгина ҳақиқат керак,
Барибир, очилар оқибатда сир.
Кимга сотилгансан? Нима сабабдан
Ватанни тарк этдинг? Ўшандан гапир!

Соғинган эмишсан она юртингни!
Унда нега қайтиб бормайсан? Нега?
Чунки ихтиёринг ўзингда эмас,
Қора тақдирингга бошқалар эга!

Хиёнатдан ёмон жиноят йўқдир,
Муҳожир, оғирдир қилган гуноҳинг.

Беҳуда уринма, ватандошларла
Шафқат эмас, ғазаб қўзғатар оҳинг.

Тўғри, баъзилар бор йўлдан адашган,
Душманларнинг ширин сўзига учиб.
Ватангадо бўлиб юрар баъзиси,
Баъзиси ётибди қора ер қучиб.

Баъзиси умрбод жаҳонгаштадир.
Ҳеч ерда тополмай тамкину қарор.
Баъзиси тўтиё қилгали кўзга
Ватаннинг бир сиқим тупроғига зор.

Баъзиси бош эгиб юртига қайтди,
Қора қилмишидан бўлиб пушаймон.
Уларни кечирди Она-юрт, улар
Ҳалол меҳнат билан қозонмоқда шон.

Сен эса уларга ўхшамайсан, йўқ,
Вужудингдан ғазаб ёғиб турибди.
Сендайлар чет элда қурбон ахтариб,
Қутурган бўридай изғиб юрибди.

Гумроҳларни тақдир эркаламайди,
Аттанг, дер, бошлари текканда тошга.
Уларнинг ҳолига ачиниш мумкин,
Аммо сен бўлаксан, ниятинг бошқа!

Ниятинг курашни давом эттириш,
Жиноят устига жиноят қўшиб.
Бизни кўролмайсан, бизга нисбатан
Юрагингда ғазаб кўпирар жўшиб.

Башарангни ниқоб яширолмайди,
Заҳар томчилайди ёлгон кулкингдан.
Бир вақт меҳнаткашнинг қаҳрига учраб
Жудо бўлсанг керак молу мулкингдан.

Ҳа, ўша қўлингдан кетган еру сув,
Мулк дарди қўлингга ханжар тутқизар.
Аммо, ҳаромтама бўлма, муҳожир,
Биз билан беллашган доим ютқизар.

Занжирдан бўшатмас хўжайинларинг,
Ювиндига роса боқилган жосус!
Афсуски, дучёга ҳали ҳам догсан,
Сендай разилларни ер ютмас, афсус.

Гарчи ғариб бўлиб кўринсанг ҳамки,
Ёвларга қуролсан, ўзинг ҳам ёвсан!
Инсоният тушган мунаввар йўлда
Нураган тўғонсан, чириган ғовсан!

Чет элда учрашдик, ўзбекман, дединг,
Аммо, гумоним бор ўзбеклигингга.
Ҳа, ҳақиқий ўзбек Она-юртига
Хиёнат қилмайди, аминман бунга!

4 июнь, 1963.

6 декабрь, 1968.

АЙТИШИМ ШАРТМИДИ?

Айтишим шартмиди ошиқлигимни?
Ўзинг сезмадингми кўзимга боқиб?
Ёки билмасликка солиб ўзингни,
Роҳат қиласанми бағримни ёқиб?

Нега қасд қиласан жонимга, айт-чи,
Кўзларингни сузиб, қошингни қоқиб?
Камайиб қолмас-ку, давлатинг, ахир,
Бир йўл кўкрагимга қўйсанг гул тақиб.

Томчига зор этиб, гоҳо ёнимдан
Оби ҳаёт бўлиб ўтасан оқиб.
Васлингга етолмай доғдаман, гузал,
Ҳижрон азоб берар илондай чақиб.

Айтишим шартмиди ошиқлигимни,
Ахир, сезмадингми дардимни ўзинг?
Умрбод бахтиёр этарди мени
Битта табассуминг, бир оғиз сўзинг.

1 июнь — 7 декабрь, 1968.

МУБТАЛО БУЛСАМ КЕРАК

Кетди Лайлим, ҳажрида мажнуннамо бўлсам керак.
Минг азобу минг жафога мубтало бўлсам керак.

Гул бўлиб очилди дилдорим ҳаёт бустонида,
Энди гул юз ишқида булбулнаво бўлсам керак.

Айриқ дардига чора ахтариб борган эдим,
Қувлади даргоҳидин ёр, бедаво бўлсам керак.

Бахту иқболим ўзингсан, илтифот кўргаз десам,
Бир назар ҳам солмади, бахти қаро бўлсам керак.

Жону тан, бору йўғимни ол, десам, рад айлади.
Энди жону, бору йўқдин Мосуво бўлсам керак.

Бир табассум, бир боқиш, бир бўса — бир эҳсон тилаб,
Ул париваш кўйида юз йил гадо бўлсам керак.

Дилбаро, деб жондин айрилган ҳам, ишқ кўкида
Мангу янграб қолгучи акси садо бўлсам керак.

Ишқ йўли хавфу хатарли, ўйла, Уйғун, дейдилар,
Ўйламай бу йўлга кирдим, бир бало бўлсам керак.

25 май — 9 декабрь, 1968.

ЗАМОН БИЗГА БОҚАР

Асрлар қўйнига қадам ташлаймиз,
Қўзимизни тортар нурли истиқбол,
Қутлуғ янги йил ҳам ғалабамизни
Дунёга намойиш қилажак яққол.

Ғалаба қозониб ўрганган халқмиз,
Олам яшаради меҳнатимиздан.
Ерда ҳам, кўкда ҳам жумлаи жаҳон
Мардлик сабоғини ўрганар биздан.

Фазо яшигини очдик, юлдузлар
Яқинлашиб қолди маконимизга.
Ақлу идрокимиз, фанимиз билан
Ҳамнафас бўлолдик замонимизга.

Замон бизга боқар, вақт измимизда,
Қўлимиз етади узатган жойга.
Балки, янги йилда космонавтимиз
Биринчи бор бориб қўнгуси Ойга.

Ҳалол меҳнат қилдик йил бўйи тинмай,
Натижа: мул ҳосил, ғалаба ва шон.
Елкада тўрт миллион тонна олтин юк,—
Янги йилга булар яхши армуғон.

Бахту саодатнинг, озод яшашнинг
Қадру қимматини билар халқимиз.

Уруш деганларнинг огзига уриб,
Тинчликни ҳимоя қилар халқимиз.

Янги йилда бахту зафарга тўлсин
Ўзал юртимизнинг ҳар он, ҳар куни.
Саломатлик тилаб ватандошларга
Қадаҳ кутарамиз янги йил туни.

Қадаҳлар жаранги фалакка етиб,
Янги бахтимизнинг мадҳини сўзлар.
Умид, ишонч билан янги йил туни
Яна истиқболга тикилар кузлар.

9 декабрь, 1968.

ТЕШИКТОШ

(Табиат китобидан)

Дунёда кўп қизиқ номлар бўлади,
Бу қишлоқнинг номи «Тешиктош» экан.
Аммо, мос эмасдир исмига жисми,
Латофатли, серфайз, серқуёш экан.

Иссиқ, совуқ, ёгин, шамол зарбидан
Баҳайбат қоялар уйилган, ковак.
Шу ваздан «Тешиктош» аталмиш бу ер,
Лекин жамоли бор ҳавас килгудак.

Табиатнинг уйин, тўполониға
Қадимдан майдондир бу сулим жойлар.
Жала ёққанида, сел юрганида
Қутурган дарёға айланар сойлар.

Сел оқизиб келган ҳайбатли тошлар
Хумрайиб ётибди йўл қирғоқида.
Аммо, табиатнинг дуқидан қўрқмай
Мева дарахтлари гуллар боғида.

Шаббодаси келар Қора дарёнинг,
Майсалар қўйнида ҳузур-ҳаловат.
Лочин бўлиб уч деб, юксакка чорлар
Баланд тоғлардаги виқор, салобат.

Юксак чўққиларнинг кумуш тожлари
Чақнаб, ёниб уйнар қуёш нурида.

Гулдор капалаклар арзи ҳол айтиб,
Тиз чукишга тайёр гул ҳузурида.

Чиний кабугарлар муаллақ уриб,
Мусаффо осмонда учишар туп-тўп.
Насл қолдиргани — уя солгани
Қушлар шошилади, тумшугида чуп.

Ҷамбул ҳиди анқир аллақайлардан,
Қулоқни тешгудай булбул ноласи.
Баҳорни учратдим: қулда лоладан
Шабнам тулдирган гул пиёласи.

Салом берган каби елда тебраниб
Барқут ёнбағирнинг яшил арчаси.
Мени мафтун этди бир кўришдаёқ
«Тешиктош» аталган жаннат парчаси.

8 май — 12 декабрь, 1966.

ҲАР КИМ ЎЗ ЕРИ БИЛАН

Бахтиёр бўлсин вафодорлар вафодори билан.
Айшини сурсин умрбод бирга дилдори билан.

Қанча севгинг, қанча меҳринг бўлса ўз ёрингга **бер,**
Ўз уриштира ҳаёсиз ўзгалар ёри билан.

Марҳамат қил ошигингга етса ҳам кўкка бошинг,
Ташна чулни қондирур тоғ бошдаги қори билан.

Танласанг ёр танла ишқингга муносиб, бўлма дўст
Бевафолик қилгали ҳар дамда тайёри билан.

Бевафолар бевафолар бирла ҳамдамдир мудом.
Тил топишса не ажаб, сайёра сайёри билан?

Панд берур бир кун эмас бир кун сенга, ҳеч шубҳасиз,
Бўлмагил сирдош одамнинг пасту айёри билан.

Ўз олайтирмоқ уят, Уйғун, булақлар ёрига,
Бахтиёр бўлсин жаҳонда ҳар ким ўз ёри билан.

8 январь, 1969.

АРЗИ ҲОЛ АЙТМОҚЧИМАН

Арзи ҳол айтмоқчиман, бирпас қулоқ сол, ўргилай.
Бир кўриб ҳуснингни менда ўзгача ҳол, ўргилай.

Кўзларинг сеҳрига тортди, гул юзинг лол айлади,
Қилди шайдо лабларинг устидаги ҳол, ўргилай.

Ҳар сўзинг жонимга роҳат, сўзла тинмай, тинглайин,
Сўзласанг шаккар тукилгай, лабларинг бол, ўргилай.

Бир боқишда ихтиёримни олиб эрдинг, мана,
Икки қўллаб топширай қалбимни ҳам ол, ўргилай.

Энди сенсиз менга оламнинг севинчи, завқи йўқ,
Мен билан ишқ гулшанида бир умр қол, ўргилай.

Сўзларим севган юракдан ҳайқириб чиққан садо.
Кулма мендан сўзласам ишқимни яққол, ўргилай.

Шодлигидан сизмагай оламга Уйғун, жонгинам,
Севги боғида сени ҳам кўрса хушҳол, ўргилай.

9 январь, 1969.

ЭЗГУ ВАЗИФА

Шоир ҳам жангчидир, ғоявий жангнинг
Олдинги сафида шоирнинг ўрни.
Шоирнинг қалами, кези келганда,
Чуқурроқ қазийди душманга гўрни.

Шоирнинг оташин сўзи ёв учун
Даҳшатлироқ эрур найзадан, ўқдан.
Жангга кирар экан ҳақиқий шоир
Ҳайиқмас таҳдиддан, қўрқмайди дуқдан.

Қаттиқ туриб шоир уз ғоясини
Ҳимоя қилади кирганда жангга.
Бутун истеъдоди, бутун кучини
Бағишлар халқига, она-Ватанга.

Ленин ғоясидир бизнинг ғоямиз,
Бизга қудрат берган шу буюк ғоя.
Ватанпарвар шоир, ҳақиқий шоир
Жангда шу ғояни қилар ҳимоя.

Бу ғоя эрк, ҳаёт, иқбол ғояси,
Бу ғоя инсонни юксакка чорлар.
Бу ғоя элларга тинчлик бахш этиб,
Озодлик кўкида қуёшдек порлар.

Унда кишиликнинг ақли, гидроки,
Даҳоси, закоси бўлмиш жамулжам.

Бу ғоя туфайли келажак равшан,
Халқимиз бахтиёр, улкамиз кўркам.

Бу ғоя асрлар ва инсонларнинг
Эзгу орзусидан туғилган, усган.
Бу ғоя минг йиллик зулматни ёқиб,
Асрий ваҳшатларнинг селини тўсган.

Сен ҳам бир жангчисан, ҳушёр бўл, шоир,
Гард ҳам қунолмасин гўзал Ватанга.
Ҳали тугамаган ғоялар жангги,
Бутун кучинг билан ташлангин жангга.

Тирқишлардан чиқар, чет элдан келар
Разил ғояларнинг бадбўй ислари.
Ётлар таъсиридан авлодимизнинг
Покиза сақлансин онги, ҳислари!

Чақмоқдай ярқира, булбулдай сайра,
Момақалдиरोқдай гулдура, янгра!
Денгиз бўлиб ҳайқир, олов бўлиб ён,
Мардлик садоси бўл, мағрур жарангла!

Жангда чекиниш йўқ, чекиниш ўлим!
Жангда ён берганнинг ҳоли бўлур танг!
Омонсиз ҳужум қил ёт ғояларга,
Душман ҳужумингдан бўлсин қангу манг!

Ҳаёт ишқи билан яшар халқимиз,
Коммунизм учун қилмоқдадир жанг.
Бу улуғ курашда, бу улуғ жангда
Масъулиятлидир сенинг вазифанг!

20 феврал, 1969.

БАҲОР КЕЛДИ

Баҳор келди, одатимча, табиат
Кучоғига йул оламан шошилиб.
Гул баргини юзларимга сураман,
Севинаман кипригимга ёш илиб.

Табиатнинг овозини тинглайман,
Бахмал қирнинг гул тўшига бош қўйиб
Ариларни меҳмон қилар сабззор
Ҳузурига гул табақда «ош» қўйиб...

Қора ердан бош кутарар гиёҳлар,
Қурт-қумурсқа ишга тушган ғивирлаб.
Йрмоқчалар қўшиғини бошлаган.
Ел эсади лапар айтиб, шивирлаб.

Чириллайди, кўкда туриб муаллақ,
Навбаҳорнинг қўшиқчиси бўзтўрғай.
Тоғ бошида, кун тигида эрир қор,
Сувга тўлиб тўлғанади сулим сой.

Қилдим гуллар кўрғазмасин томоша,
Қойил қолиб табиатнинг дидига.
Ҳар баҳорда майса узра чўзилиб,
Маст бўламан гунафшанинг ҳидига.

Гул ундирар қора ердан ранг-баранг,
Табиатнинг мўъжизаси аломат.
Ҳар баҳорда такрорлансин одатим,
Ҳар баҳорни қарши олай саломат.

23 март, 1969.

ЛОЛА ТЕРИБ ҚАЙТДИМ

Болалигим қўзғаб баҳорда
Чопа кетдим далага бирдан.
Лола териб урганган эдим,
Ёшлигимда даладан, қирдан.

Гул лолалар, гулхан лолалар,
Дала тулиб турар ловиллаб...
Хиёл утмай гулдиради кук,
Жала ёға кетди шовиллаб.

Болалигим мададга келди,
Хайиқмадим қуйган жаладан.
Уст-бошим ҳул, ва лекин, хурсанд,
Лола териб қайтдим даладан.

23 март, 1969.

ЎЗИНГ АЙТ

Нима қилсам сенга ёқар эканман?
Ўйлаб-ўйлаб тополмадим, ўзинг айт!
Шипшитиб қўй қулоғимга, жонгинам,
Саодатнинг маъносини келса пайт.

Мен кўпдандир сенга ошиқ бўлишни,
Ўз-ўзимча, соадат деб юрардим.
Шул сабабдан сира қолмай изингдан,
Доим юрган йўлларингда турардим.

Адашганим йўқми, гузал ва ёки,
Беҳудами йўлларингда туришим?
Айта қолгил, айтиш учун келди пайт,
Беҳудами умид билан юришим?

Келасанми, ойдай бўлиб ойдинда,
Бу сафар ҳам чаманзорда кутайми?
Тугаганми ёки висол кунлари,
Ҳижронингда қону зардоб ютайми?

Нима қилсам хуш келади кўнглингга?
Чаман бўлиб очилайми қошингда?
Юлдуз бўлиб ёритайми йўлингни?
Булбул бўлиб сайрайинми бошингда?

Салқинимни ура-ура юзингга
Анҳор бўлиб оқайинми ёнингдан?

Бир нарса де, интизорман, кўнглингга
Нима қилсам хуш келади, жонингдан?

Гулоб билан ювайинми зулфингни?
Шамол бўлиб гул юзингни силайми?
Безак қилиб мрамардай оқ бўйнингга
Шабнамларни инжу қилиб илайми?

Саҳролардан чопа-чопа гул териб,
Қучоқ-қучоқ гул тутайми қўлингга?
Бир ишора, бир имо қил, гузалим,
Умид билан кўз тутаман йўлингга.

Мен жуда ҳам сенга зорман жонгинам,
Билолмадим, сен ҳам менга зормисан?
Нима учун менга уйча хушинг йуқ?
Ростини айт, ё ўзгага ёрмисан?

23 март, 1969.

ГУЗАЛЛАРГА ТИКИЛСАМ АГАР.

(Ҳазил)

Гузалларга тикилсам агар,
Бошқа маъно чиқариб юрманг.
Мақсадимни тўғри тушунинг,
Гапни булак ёқларга бурманг.

Гузалларга термулган бўлсам,
Сабаби бор, билиб турибман.
Ахир, мен шоирман, азизим,
Ҳаётни ўрганиб юрибман!

23 март, 1969.

КЕКСА ЖАЗМАН

(*Ҳазил*)

Тугамади кекса жазманнинг
Ишқ бобида мақтанчоқлиги.
Ўзи билмас, ҳамма гапини
Бир пул қилар сочининг оқлиги.

23 март, 1969 йил.

ГУНАФШАХОН

Гунафшахон баҳор номидан
Салом берар бошини эгиб.
Таъзим қилар катта-кичикка
Пешонаси тупроққа тегиб.

Канда қилмас яхши одатни,
Салом бериб доим боши хам.
Тўхтамайди таъзим қилишдан
Умри тугаб, хазон бўлса ҳам.

24 апрель, 1969 й.

ЭСКИ АФСОНА

Эски афсонани қўзгадинг яна,
Гуё булбул гулга ошиқи зормиш.
Булбулга нисбатан, гуё азалдан
Гулнинг ҳам оташин севгиси бормиш

Булбул гул ишқида нола чекармиш,
Гул ҳам йиглар эмиш чок этиб яқо...
Бу — кимдир тўқиган ширин афсона,
Булбулнинг иши йўқ гулда мутлақо.

Гулни қандай қилиб севади булбул,
Ўзининг дилрабо ёри турганда?
Булбул булбулга ишқ изҳор этади
Сайраб чаманларни кезиб юрганда.

Бири парранда-ю, бири ўсимлик,
Ҳар икковининг ҳам севгиси бошқа.
Ҳаёт лаззатини тотиши мумкин
Ўилмайиб боққанда гуллар қуёшга.

Булбул эса фақат булбулни севар,
Бу бир ҳақиқатдир азалдан қолган.
Яшаш иштиёқи, насл орзуси
Булбулнинг қалбига аланга солган.

Ҳаёт тақозоси, ҳаёт қонуни
Сайрамоқни талаб қилади ундан.
Бутага ин қўяр бола очгани,
Богда ўралашиб юриши шундан.

3—29 апрель, 1969 й.

ВОЛГА

Улуғ пойтахтга қилганда сафар,
Ҳар гал дуч келасан қутлуғ йўлимда.
Салом келтираман Амудан, Сирдан,
Дўстларинг топширган гул бор қўлимда.

Гулларни бошингдан сочиб ўтаман,
Изҳор этиб сенга чексиз севгимни.
О, Волга, сендаги салобат, виқор,
Улуғлик ҳайратга солмаган кимни?

Қалбимда ҳаяжон, тўфон қўзғайди
Сендаги тенги йўқ, муҳташам чирой.
Ахир, булбул бўлиб мадҳ этишган-ку,
Сенинг жамолингни Некрасов, Туқой!

Қушиқда, шеърда куйлашган сени,
Дарёлар ичида табсифинг тенгсиз.
Қирғоқда меҳрингни намойиш қилар
Олтин бошоқлардан яралган денгиз.

Тунлари кўксингга осмон чўкади.
Юлдузлар сочилар — сонсиз гавҳар тош.
Оққувга айланиб сузар тўлин Ой,
Гўзал тонг ёришиб, чиққунча Қуёш.

Қуёш шуъласида, қуёш тафтида
Эриган олтинга айланар сувлар.

Эзгу табассуминг ярқираб нурда
Хар қандай дардни ҳам кўнгилдан қувлар...

Ташна йўловчини мамнун қаршилаб,
Узоқдан ярқираб боқшинг гузал.
Баъзан файласуфдай ўйчан, баъзида
Шоирона жўшиб оқшинг гузал!

Ранг-баранг, дилнавоз қирғоқларингда
Гузаллик ўтирар кўргазма очиб.
Шамол тўш уради тўлқинларингда
Ўрмон гулларининг атрини сочиб.

Киранмиш барака, файзу саховат
Сенинг шарбатингдан шимирган боққа.
Бир-бирини қутлаб, гудок чалишиб
Пароходлар ўтар у ёқ-буёққа...

Кучоғингда мен ҳам осуда, мамнун,
Хаёл елканида аста кезаман.
Ўтмиш нидосини барала тинглаб,
Ўтмиш шарпасини яққол сезаман...

Ульянов турибди соҳилда ўйчан,
Асрларни камраб олган нигоҳи.
Унинг ёш қалбида галаён қўзгар
Таланган, шилинган элларнинг оҳи.

Салават бошқирдни жангга чорлайди.
Разиннинг наъраси чиқар фалакка.
Шоҳ асарларини ўйлаб, оҳиста,
Горький кезинади қирғоқда якка.

Репин бурлоқларнинг расмини чизар,
Бахт кўриб қулларнинг истиқболида.
Чкалов мусаффо кўкка кўз тикар,
Лочин бўлиб учар ўз хаёлида...

Ўтмишда эзилган элатлар сени
Қашшоқ Россиянинг ёши демишлар.
Сендан нажот топган гадолар эса,
Оларнинг шарбати, оши демишлар.

Ўз ризқу рўзини сонсиз одамлар
Сенинг қучоғингдан топиб келганмиш,
Енингга инсонлар она Волга деб,
Зориққан боладай чопиб келганмиш.

Неча асрлардир боқасан элни,
Аммо, тугамаган ҳазинанг ҳали.
Меҳрибон онадай қучоқ очасан,
Янги авлодларга, келганда гали.

Ўтмишдаги юзлаб қўзғолонларнинг
Мазмунида сенинг қудратинг бордир.
Буюк Россиянинг оби ҳаёти,
Сувингдан баҳраманд ерлар баҳордир.

Бахт топган элларнинг табассумидай
ГЭСларингдан ёнган олтин чироқлар.
Бу сонсиз чироқлар, мусаффо нурда
Юртнинг келажаги равшан ярақлар!

Хаёлимни аста йиғиб оламан,
Манглайимни силар Волга шамоли.
Волгага бағишлаб қўшиқ айтади
Ўзал Россиянинг соҳибжамоли...

8 май, 1969 й.

«БУРЛОҚ»ЛАР

«Бурлоқ»лар суратига Илья Репин
Андозани Волгадан олган экан.
Доҳийлик кузи билан кўриб уни,
Доҳиёна қўл билан солган экан.

Минг йиллик оғир меҳнат, жабру ~~нафо~~
Бир сурат мазмунида бўлмиш аён.
Бурлоқлар тимсолида улуғ рассом
Инсонларга меҳрини қилмиш баён.

Назаримда «эй, ухнём!» дея улар
Мангуликка йўл олган Волга буйлаб.
Жавоҳир қолдирибди буюк рассом
Келажак авлодларнинг бахтин уйлаб...

8 май, 1969 й.

УШАЛГАН ОРЗУ

Агар кишиликнинг бахтини ўйласам
Октябрь келади дарҳол ёдимга.
Ҳа, Улуғ Октябрь қудрат бахш этди
Бахт сари қўйилган ҳар бир одимга.

Эрк учун ташланган ҳар бир қадамда
Шонли Октябрнинг туганмас кучи.
Октябрь тонгида бошланган йўлнинг
Мангуликка бориб туташар учи...

Ўтмишда боболар орзу қиларди
Зулмдан қутулган эркин дунёни.
Шу орзу йўлида қанча наслнинг
Жангу жадалларда тукилган қони.

Ўтмишда саноқсиз жафокаш инсон
Йиғлаб туғилди-ю, оҳ уриб ўлди.
Зулумот ичида мудраган дунё
Етим-есирларнинг додига тўлди.

Ўтмишда мазлумлар орзу қиларди:
— Биз ғариблар учун қачон тонг отар?
Қачон чек қўйилар жабру жафога?
Қачонгача инсон топталиб ётар?

Ахир, қачонгача зулукдай сўриб,
Молдек ишлатади бизни бировлар?

Занг босган кишанлар қачон узилар?
Қачон емирилади нураган ғовлар?

Хўрликлар остида инграган инсон
Ганграган бошини ҳар тошга урди.
Йўқ ердан дардига даво ахтариб,
Зулмат тўқайида адашиб юрди.

Нажот берарми, деб қўлини чўзди
Йўлида нимаки ташланса кўзга.
Нажот излаб шўрлик топинди ҳатто —
Дарёга, илонга, ўтга, ҳукизга!

Аммо, орзусига ета олмади,
Худолар алдади, алданди инсон.
Қалбида ғазаби, кўзида ёши,
Тарих йўлларида соврилди сарсон.

Қуриган ўтиндай сонсиз одамни
Уруш оловига ташлади хонлар.
Ҳар парча тупроқда, ҳар қарич ерда
Хок бўлиб ётибди минглаб қурбонлар.

Ўтмишда туғилиб бутун умрида
Бир дам роҳат кўрмай ўтганлар сонсиз.
Ўзгадарга жаннат яратиб бериб,
Ўзлари яшаган яланғоч, нонсиз...

Жабру ситамларга тоқат қилолмай,
Йиғлайвериб кўзи буларди хира.
Ўтмишда инсонлар тортган азобни
Ўлчаш учун ўлчов топилмас сира!

Ўтмиш садосига қулоқ солсангиз
Шеърда фарёду созида наво!
Қаллоб пайғамбарлар, ёлғон худолар
Беролмади халқнинг дардига даво!..

Ниҳоят минг йиллик зулматни қувлаб
Тонг отди, адолат, саодат тонги!
Инсонларни бахтли ҳаётга чорлаб
Оламни янгротди Октябр бонги!

Россия жаҳонга Ленинни берди,
Инсонлар бахтига туғилди доҳий.
Октябрь туфайли жафокаш халқнинг
Тўхтади кўз ёши, тугади оҳи!

Шарқни ҳам уйғотди асрий уйқудан
Шонли «Аврора»нинг янгроқ садоси.
Ҳаққи-ҳуқуқини, қадрини топиб,
Қад кутарди Шарқнинг сонсиз гадоси.

Менинг боболарим — собиқ қулларнинг
Минг йиллик орзуси амалга ошди.
Улуғ партиянинг меҳрига қонган
Кўнгиллардан севинч жўш уриб тошди!

Занг босган кишанлар чилпарча бўлди.
Шоҳлар ағдарилди қонли тахтидан.
Золимлар қулади жаҳаннам сари,
Меҳнаткаш қувонди мангу бахтидан.

Октябрь туфайли барча азобга,
Хўрликка, зўрликка берилди барҳам.
Эркин нафас олди меҳнаткаш инсон,
Ниҳоят топилди дардига малҳам.

Минг қатла олқишлар улуғ Ленинни
Эркин яшамоққа ҳуқуқи борлар.
Меҳнаткаш инсонлар мангу бахтлисиз,
Жаҳонда Октябрь қуёши порлар!

Энди қудрати зўр инсониятнинг,
Қўл чўзса ойга ҳам етади қўли.
Октябрь тонгидан олам чароғон,
Мангу мунаввардир кишилик йўли!

5 сентябрь, 1969 й.

ОКТАБРЬ МАДҲИ

Октябрь кишиликнинг бахт қуёши,
Нур сочиб юксалади йилдан-йилга.
Мадҳини бутун дунё куйлар унинг,
Таърифи кўчиб юрар тилдан-тилга.

Қуёшнинг жамолига тикилгандай,
Боқади юртимизга бутун жаҳон.
Оламга тож бўлади, мангу порлаб,
Октябрь зафаридан яралган шон.

Октябрь юрти дерлар юртимизни,
Тонг отди бизнинг момо еримиздан.
Шонли Ватан айланди чаманзорга,
Шарафли меҳнатимиз, теримиздан.

Куз ташлар бутун дунё ҳавас билан
Гуллаган юртимизнинг жамолига.
Фазода учган сонсиз космик кема
Далилдир халқимизнинг камолига.

Дўстлар шод, ёвлар нолон, қўлга кирган
Хисобсиз ютуғимиз, ўлжамиздан.
Мазлумлар юрагига қувонч солиб,
Оламга нур таралар ўлкамиздан.

Хасаддан ёрилгудек бўлиб ёвлар
Ғов солиш пайидадир йўлимизга.

Шубҳасиз, парчаланар барча ғовлар,
Октябрь қурол берган қўлимизга!

Зарбини тотиб кўрди бу қуролнинг,
Биз билан беллашмоқчи бўлган зотлар.
Неча бор душманларни мағлуб этди
Ол байроқ кутаришган азаматлар.

Ол байроқ — Ленин берган шонли байроқ,
Тушмагай алал-абад қўлимиздан.
Йўлимиз коммунизм йўли — ҳеч ким,
Ҳеч қачон тўхтатолмас йўлимиздан!

Октябрь кишиликнинг бахт қуёши,
Нур сочиб юксалади йилдан-йилга.
Мадҳини бутун дунё куйлар унинг,
Таърифи ўтар доим тилдан-тилга.

16 сентябрь, 1969 й.

ҲИММАТ

Баҳор оғир келди, ёз оғир келди,
Кузнинг авзойини кўриб турибсан.
Мана, ёмғир ёғди, нарироқ бориб
Нима бўлишини сезиб юрибсан.

Осмон водийсида қора булутлар
Ҳурккан қўтослардай ҳалпиллаб елар.
Кузнинг изғирини, ёмғири келди,
Хаш-паш деганингча қори ҳам келар.

Ҳолбуки, далада ҳали олтинлар.
Ғуж бўлиб ётибди сонсиз жавоҳир.
Булар самараси шонли меҳнатнинг,
Булар халқимизнинг бойлиги, ахир!

Хавф остида қолса етилган ҳосил,
Қандоқ қилиб четда қараб турасан?!
Ватанпарвар бўлсанг, халқингни севсанг
Бугун пахтазорда жавлон урасан!

Ха, пайсалга солма, тезроқ қимирла,
Қанча ҳиммат бўлса шу топда кўрсат!
Эртага қўймагил бугунги ишни,
Пайсалга солдингми, ўтади фурсат!

Ҳолбуки, бу йилги меҳнатимизнинг
Ўзгача маъноси, моҳияти бор.

Барча ҳосилини муқаддас тўйга
Тортиқ қилмоқчидир чексиз пахтазор.

Муборак тўйига улуг Лениннинг
Тўёна бўлади бу йилги ҳосил!
Барча машаққатни мардона енгиб
Ғалаба васлига бўлайлик восил!

11 октябрь, 1969 й.

ПАХТАЗОР ИЛҲОМЛАРИ

I

Кузнинг жамолини кўрмакчи бўлсанг
Олтин далага чиқ, водийларга юр.
Ҳавасингни тортар, кўз қамаштириб
Пахтазор қўйнида жилоланган нур.

Яққол кўрсатади сўлим водийлар
Олтин кузимизнинг тенгсиз кўркини.
Етилган гўзалар товланар нурда
Бошига қўндириб олтин бўркини.

О, кумуш гўзалар, момиқ гўзалар,
Қаердан олдингиз бунча чиройни?
Шунча чиройлисиз, шунча гўзалсиз,
Догда қолдиради ҳуснингиз Ойни!

Очилган кўраклар гўё нур тўкар
Шамдонга ёқилган чироқлар каби.
Жилмайган гўзални эслатар менга
Пайкалда очилган чаноқлар лаби.

Пахтазорни кезиб юрар эканман,
Кўзларим очилган сонсиз чаноқда.
Гўёки, сахий куз совға деб бизга
Жавоҳир келтирмиш олтин товоқда.

Деҳқон меҳр билан иш кўрган экан
Зумрад далаларга берганда сайқал.

Бекорга кетмабди қилинган меҳнат,
Ҳар кусак меҳнатга бир кумуш ҳайкал!

Терган билан адо бўлмайди, чоғи,
Бойликка кон бўлмиш чексиз пахтазор.
Сахий далаларга жило берибсан,
Қўлинг дард кўрмасин, азиз пахтакор!

2

Муҳтарам, қадрдон Қурбон Кенжаев¹
Ҳорма — бор бўл, дея келдим ёнингга,
Кумуш далаларнинг ўлмас севгиси
Оташ солган экан сенинг қонингга.

Шу севги туфайли пахтазор ичра
Туну кун тинмайин жавлон урибсан.
Шу севги туфайли чарчашни билмай
Чўлларни гулистон қилиб юрибсан.

Шу севги туфайли ташландиқ жойдан
Янги ер очибсан — янги хазина!
Ҳар бир қилган ишинг, ҳар бир ютуғинг
Шуҳрат чўққисига элтувчи зина!

Шу севги туфайли ҳамла қилибсан,
Зербингга чидолмай чекилибди чўл.
Меҳнатинг туфайли олтин далангга
Барака кирибди — пахталаринг мўл!

Чўлда барпо бўлган бойликларингни
Курганда одамнинг ақли шошади.
Шубҳага ўрин йўқ, бу йил ҳам, дўстим,
Планинг, албатта, юздан ошади!

Дўстим, қани айтчи, ютуқларингда,
Ғалбаларингда қанақа сир бор?
Эҳтимол, юкингни енгил қилгандир
Остингда ўйнаган «зангори тулпор»!

¹ Қурбон Кенжаев — Фарғона область, Киров районидаги «Москва» колхозининг машҳур механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Ҳа, пулат арғумоқ — зангори кема,
Сенга қанот бўлди, мададкор бўлди.
Шухрат чўққисига кутарди сени,
Шонли меҳнатингга зафар ёр бўлди.

Ҳа, дўстим, ажойиб машиналарсиз
Эплаб бўлармиди шунча юмушни?!
Йил сайин юк ошар, жамғариш қийин
Машина термаса олтин-кумушни.

Ҳа, дўстим, давримиз машина даври,
Машина бер, дейди, пахтаворимиз!
Юкимизни енгил қилар машина,
Машина дўстимиз, дастиёримиз!

3

Қадимда «Шайтон кўл» аталган экан,
Энди пахтазорга айланмиш бу жой.
Асар ҳам қолмабди аввалги чўлдан,
Гулистонда йўқдир бунақа чирой!

«Шайтон кўл» дейишса, ростини айтсам,
Хунук эшитилар экан қулоққа.
Қадимий «Шайтон кўл» халқ меҳнатидан
Айланмиш «Олтин кўл», олтин булоққа!

4

Бу дамнинг бир куни ун кунга тенгдир.
Кеч куз кирди — ҳаво айнийдиган пайт.
Нега иш сусайиб кетди далангда?
Ҳар хил важ ахтармай, бўлар гапни айт!

Ҳавони тартибга чақириб бўлмас,
Ёмғир ёғаверар хоҳлаган чоғда.
Ҳавога суяниб иш қилма зинҳор,
Оби-ҳаво сени қолдирар доғда!

II

Баъзи одамлар бор гапга кирмайди,
Асло купчиликнинг йулига юрмас.

Ундайлар ўзини ўйлайди фақат,
Ундайларда бурд йўқ, лафзида турмас.

Тўғри, ҳаммага ҳам ёқавермайди
Иссиқ уйни ташлаб далага чиқиш.
Аммо, қандай қилиб уйда ётишар
Пахтазорда бошдан ошиб ётса иш?!

Ҳамма ишга тушса, далага чиқса,
Панага олишар улар ўзини.
Ҳар қанча гапирма, ўрнидан жилмай
Безраяр лўқ қилиб икки кўзини.

Ундайлар ҳашарга, ишга чақирсанг,
— Ҳаловатимизни бузманг, дейишар.
Аммо, пахтамиздан яралган читни
Пўрим либос қилиб яйраб кийишар!

Уларсиз ҳам битар ишимиз, кейин
Уялгани қолар икки орада.
Юзларига ҳеч ким қарамас сўнгра,
Кимнинг ҳам иши бор юзи қорада?!

6

Абдураззоқ ота¹, дейишар сизни,
Лекин, назаримда ҳали ҳам ёшсиз.
Пахтадан мул ҳосил олиш бобида
Навқирон ёшларга ҳали ҳам бошсиз.

Ёшингиз етмишга бориб қолса ҳам
Меҳнатдан қолмабсиз, қойилмиз сизга!
Далаларингизни айланиб чиқдик
Ишингиз жуда ҳам мақбулдир бизга.

Планни муддатдан олдин ўринлаб
Илғорлар сафида турибсиз ҳамон.
Не-не миришкорлар билан беллашиб,
Марди майдон бўлиб юрибсиз ҳамон.

¹ Абдураззоқ ота — Фарғона область, Киров районидаги «Искра» колхозининг машҳур бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



Уйгун қаламкаш дўстлари Ғафур Ғулом, Назир Сафаров,
М. Шевердин, Комил Яшинлар билан. 1960.

Ишингизга қараб ҳеч ким чол демас,
Ўн йигит кучи бор билагингизда.
Иложи борича, имкон борича
Халққа хизмат қилиш тилагингизда!

Гарчи планингиз бажарилса ҳам,
Сахий далангизда ҳосил кўп ҳали.
Кўп ҳиммат қилибсиз, гайрат қилибсиз.
Қандингизни уринг, кам бўлманг, бали!

Асло қаримайди дейди халқимиз
Шарафли меҳнатдан баҳра олганлар.
Сиздан ўрнак олса яхши бўларди
Элликка кирмасдан қариб қолганлар!

7

Водийни айланиб юрдим чарчамай,
Томоша қилгали кузнинг кўркини,
Нурда товланади сонсиз гўзалар,
Бошига кўндириб кумуш бўркини.

Гўзаллик ахтариб бордим у топдим:
Гўзаллик юрибди пахтазоримда
Таажжубга тушманг пахтазор мадҳи
Яна такрор бўлса чалган торимда!

Пахтазор ўлканинг бир шоириман,
Пахтага боглиқдир менинг ҳам шоним.
Пахтакор халқимнинг муҳаббатига
Сазовор бўлсам йўқдир армоним.

Фаргона — Тошкент, 23 октябрь, 1969 й.

ШОНЛИ ОКТЯБРЬ

Шонли Октябрь қуёши нур сочар порлаб ҳамон,
Изимиздан чиқмас асло бизга бўйсунган замон.

Халқимиз қуллик ва ҳўрликдан қутулган мангуга,
Элда гап бор: ҳаммадан қуллик ёмон, ҳўрлик ёмон!

Доимо ғолиб чиқиб жангу жадалда халқимиз,
Тўхтамай шахдам қадам ташлайди истиқбол томон.

Улкамизда ўлжалар мўлдир, ютуқлар беҳисоб,
Бу ютуқларни кўриб ҳайратдадир жумла жаҳон.

Биз учирган кемалар — сайёраларнинг кўркидан
Ҳуснига қўшди ҳусн, бўлди гузалроқ осмон.

Бизни нурли йўлга бошлар доҳи Ленин ғояси,
Ошдик, ошгаймиз яна дуч келса ҳар қандай довон.

Бахтиёрмиз доимо дўстлар билан ҳур ўлкада,
Шонли Октябрь қуёши нур сочар порлаб ҳамон.

2 ноябрь, 1969 й.

ОКтябРНИ ҚУТЛАБ...

Жаҳон тақдирини уйлаймиз ҳар га,
Октябрни қутлаб байрам тонгида,
У эзгу ғоялар уруғин сочиб
Гулғула уйғотди инсон онгида.

Кўхна дунё неча, неча асрлар
Ғафлат уйқусида карахт, маст эди.
Агарда Октябрь наъра тортмас,
Уйқусидан асло уйғонмас эди.

У зўр довул бўлиб эсмаса, Ердан
Кўтарилмас эди қуллик булути.
Агар чақмоқ бўлиб чақилмаса у,
Зулматни ёқмасди озодлик ути.

Агар қуёш бўлиб балқимаса у
Кишилиқ баҳори бошланмас эди.
У зарб бермаганда эолимлар, зулм
Жаҳаннам қаърига ташланмас эди.

У зарб бермаганда қуллик занжири,
Занглаган кишанлар узилмас эди.
У зарб бермаганда нураган тузум,
Қонли тожу тахтлар бузилмас эди.

Октябрь туфайли инсониятнинг,
Жаҳоннинг тақдири ўзгарди тамом.

Октябрь бахтсизни бахтиёр этди,
Эрксизга эрк берди, номсизларга ном.

Қудрат бағишлади бизга Октябрь,
Жаҳон машъалига айланди ўлкам.
Бизнинг юртимизда гул очмоқдадир
Кишилик баҳори аталган кўклам.

Октябрь ёвлари тинчиган эмас,
Тарихни орқага қайтармоқ истар.
Ёвузлар — қўли қон жаҳонгирларни:
— Атом бомбасини ташла! — деб қистар.

Агар биз бўлмасак ваҳшат тўлқини
Тинчлик гулларини йиқиб кетарди.
Атом бомбасига бардош беролмай;
Ер ўз меҳваридан чиқиб кетарди!

Дунёда биз бормиз — тинчлик бузилмас!
Ишонч билан олам бизга боқди.
Тинчлик кабутари ҳаётни қутлаб,
Мусаффо осмонда қанот қоқди.

Октябрь қуёши нур сочар ҳамон,
Ўлкамни ҳазонсиз гулбаҳор этиб.
Октябрь қуёши порлар жаҳонда
Инсонларни мангу бахтиёр этиб.

2 ноябрь, 1969 й.

ҲАЁТ МАКТАБИ

Ҳаёт мактабини очди Октябрь,
Улуғ Ленин унга муаллим бўлди,
Бу мактаб туфайли Совет Ватани
Адолат, саодат нурига тулди.

Ленин озодликдан, бахтдан дарс берди,
Бутун жаҳон бўлди унга дарсхона.
Бутун инсоният тинглади уни,
Эзгу маърифатнинг нурига қона.

Октябрнинг олтин минбаридан у
Ўз таълимотини айлади баён.
Инсонга бахт берган бу таълимотнинг
Қудрати, қуввати жаҳонга аён.

Унинг таълимоти инсониятни
Озодлик, адолат йўлига бошлар.
Унинг таълимоти — ўлкамиз бўйлаб
Қад кўтарган ГЭСлар — янги қуёшлар.

Бу таълимот билан азиз инсонлар
Ўз келажагини кўради равшан.
Октябрь ютуғи, жаҳоннинг кўрки,
Совет ўлкаси деб аталган гулшан.

Карл Маркс, Ленин таълимотлари
Гултож бўлиб қолди жаҳон фанига.

Ленин таълимоти камолот берди
Советлар халқининг ҳур Ватанига.

Унинг таълимоти зулмга қарши,
Нур учун, бахт учун курашга чорлар.
Унинг таълимоти инсониятнинг
Йўлини ёритиб абадий порлар.

Жангда енгилишни билмайди асло
Ленин мактабида дарс олган инсон.
Октябрь нуридан порлайди олам,
Ленин ғоясидан гуллайди жаҳон.

3 ноябрь, 1969 й.

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИДАГИ УЙЛАР...

Янги йил кечаси уй босар мени,
Бошимда гувиллар уйлар қуюни.
Уйларим фалакка парвоз этади
Чароғон кўрганда дўстлар уйини.

Дўстлар янги йилни қаршилаб, қутлаб,
Қадаҳ кўтаришар бахтиёр, хуррам.
Устига бахт ортиб кезар бўшлиқда
Она-ер аталган муқаддас куррам!

Нажот кемасига ўхшар Куррамиз,
Космос бағрида, узоқ сафарда.
Курранинг тақдири кўринар яққол
Халқимиз қозонган улўғ зафарда.

Фақат биз ва бизнинг буюк ғоямиз
Куррани қазодан сақлай олади!
Ерга таҳдид қилган атом бомбаси
Ҳеч вақт ишлатилмай сабил қолади.

Юракда шу умид, шу ишонч ҳоким!
Мияни қоплайди энг ёруғ уйлар.
Жуда кўн бўлади янги йилда ҳам
Яшнаган ўлкада муборак тўйлар.

Ленин барпо этган саодат тушар
Ватандошларимнинг порлоқ ўйига.

Бутун дунё келар олқишлаб, қутлаб,
Севиқли доҳийнинг қутлуғ тўйига.

Жаҳон жаҳон бўлиб кўрган эмас ҳеч
Бундай улуғ тўйни, шарафли тўйни.
Лениндан миннатдор бўлди кенг жаҳон
Бахт, нажот нурига тўлганда қўйни.

Нажот соҳилига бахт кемасини
Омон олиб келган дарғанинг тўйи.
Буюк доҳиймизнинг васиятини
Тўла ижро этиш халқимнинг ўйи!

Коммунизм қуриш шонли ўлкада,
Ижро этиб доҳий васиятини!
Бу олий тилақдир, жаҳон билади
Доно халқимизнинг пок ниятини!

Халқимизнинг ўйи: дунёда тинчлик,
Дўстлик ҳукм сурсин, гулласин олам!
Уруш гирдобига тушмасин жаҳон,
Оналар бағрини эзмасин алам!

Тўхтасин Вьетнам далаларида,
Араб тупроғида оқаётган қон!
Муштипар Куррамиз, азиз еримиз
Атом урушига бўлмасин майдон!

Чаманлар яшнасин, боғлар гулласин.
Меҳнатдан безансин келин каби ер.
Ўза бўлиб унсин, гул бўлиб унсин
Дехқон манглайдан ерга томган тер...

Ишчининг болғаси, олимнинг илми,
Янги муъжизалар яратсин, деймиз.
Янги космонавтлар шуҳратимизни
Бутун коинотга таратсин деймиз.

Деймиз: давом этсин музаффарона
Улуғ Октябрда бошланган баҳор.
Халқимизнинг бахти — бизнинг бахтимиз,
Халқ бахтиёр бўлса биз ҳам бахтиёр!

Юракка хаяжон солар орзулар,
Мияни қоплайди мунаввар ўйлар.
Жуда кўп бўлади,— ишончим комил,—
Бахтиёр ўлкамда муборак тўйлар...

Янги йил кечаси гуё доҳиймиз
Кезиб юрган каби ўлкамиз бўйлаб.
Қадаҳ кутарайлик, ватандошларим,
Азиз халқимизнинг бахтини ўйлаб!

29 декабрь, 1969 й.

УЛУҒ АЙЕМ

Бугун доҳиймизнинг туғилган куни
Бугун доҳиймизнинг юз йиллик туйи.
Унинг даҳосидан рўёбга чиқди
Азиз инсонларнинг муқаддас уйи.

Инсонлар бахт деди, бахтга эришди,
Ленин ғоясининг шарофатидан.
Халқимиз эрк деди, эрка етишди,
Қутулиб зулмнинг касофатидан.

Минг йиллик жумбоқни ҳал этиб берди
Қуёшдай порлаган Ленин шуури.
Тарихнинг, оламнинг зеҳнига сингди
Ленин ғоясининг ҳаётбахш нури.

Ғалаба қозондик жангларда доим
Қурол қилиб Ленин таълимотини.
Халқимиз умрбод миннатдор ундан
Ҷароғатда куриб уз ҳаётини.

Лениннинг ғояси ҳаёт булоғи,
Келажакни равшан ёритган қуёш.
Бу муқаддас ғоя инсониятнинг
Узоқ сафарида ажралмас йўлош.

Насллар, асрлар муҳаббат билан,
Хурмат билан эслар унинг номини.
Доҳийнинг муборак туйини қутлаб
Баҳор кўтармакда лола жомини.
12 январь, 1970 й.

БАҚА ҚУРИЛЛАДИ

Бақа қуриллади, эшитдингизми?
Баҳорнинг жунашниб кетгани шу-да!
Сайрашда булбулдан утказаман деб,
Куч тўплабди бақа қишки уйқуда.

Чўзиб-чўзиб, эзиб сайраганида
Тақлид қилар эмиш булбулга бақа.
Булбул ҳам тан берсин овозимга деб,
Сайрайвериб тили булармиш чақа.

Дарҳақиқат афти хунук бўлса ҳам,
Бақанинг овози ёқимли, майин.
Бақа қурилласа баҳор тунида
Тинглагим келади тинглаган сайин...

Табиат жуда ҳам хасислик қилмиш
Хусн берганида бақага, қаранг!
Шу қадар хунукки, билмаган одам
Бақани кесакдан ажратар аранг!

Рупарадан чиқиб қолгудай бўлса
Ўтакангни ёрар бақрайиб бақа.
Унда латофатдан бир зарра ҳам йўқ,
Қисмати шунақа, маҳри шунақа...

Шунча зарба унинг битта бошига!
Жуда ээса керак бу тенгсиз хўрлик.

Ўзи ҳам сезгандай бу ҳақиқатни
Ковакларда ётиб сайрайди шўрлик.

Тун қоронғисида қуриллар мунгли,
Заҳга кўкрак бериб, унгурда ётиб...
Эҳтимол қалбида севги уйғонар
Ҳаёт лаззатини баҳорда тотиб.

Баҳор нафасини сездими, дарҳол
Хониш қилар бақа жуда ҳам яйраб.
Балки у ҳам бола-чақа ўйида
Ишқини ёрига англатар сайраб.

Баҳор она каби бағрига босиб
Барча жониворни суяр, яйратар.
Муъжизакор баҳор, сеҳргар баҳор
Бақани ҳам булбул қилиб сайратар!..

7 апрель, 1969—16 февраль, 1970 й.

СЕНДАДИР ХАЕЛИМ...

Сендадир хаёлим, сенинг хаёлинг
Ўзга бир одамда, яхши биламан.
Аммо, узолмайман кўнглимни сендан,
Толеим шу бўлса қандоқ қиламан?..

Дунёда сен борсан, шу менинг бахтим!
Қай ерда бўлсанг ҳам омон бўл, жоним.
Хуснингни узоқдан томоша қилиб,
Ўзимни бахтиёр сезаман, хоним.

Сен яшаган шаҳар менга ҳам маскан,
Сен юрган йўللардан мен ҳам юраман.
Ўзинг хабарсизсан, аммо, ҳар куни
Ўтган-кетганингда қараб тураман.

Мен ҳам сайр этаман сен юрган боғда,
Юзингга термилиб узоқ-узоқдан.
Дил ишқ тузоғида, қанча уринмай,
Бўшата олмадим уни тузоқдан...

Мусаффо ҳаводан, сен нафас олган,
Мен ҳам қониб-қониб нафас оламан.
Айта олмасману кўнглимни, аммо,
Ишқимда, аҳдимда содиқ қоламан.

Ишқимни айтганда нима дер эдинг?
Нима қилар эдинг? Билмайман, гўзал.

Аммо, нима десанг дегин, бари бир,
Севгига хиёнат қилмайман, гузал.

Узоқдан бўлса ҳам кўриб юраин,
Шу менга кифоя, шу менга мадор.
Доимо омон бўл, шудир тилагим,
Самимий севгимдан хабарсиз дилдор.

16 февраль, 1970 й.

ЧЕЧАКЛАР...

О, чечаклар, бунча гүзалсиз!
Күз қамашар қараган сайин.
Нурда минг хил товланадиган
Япроғингиз бунча ҳам майин?

Сунбул сочни шабнамда ювиб,
Гунча лабга сурибсиз тоза.
Хуснингиздан афсона тўқиб,
Ел тарқатар боғда овоза.

Олтин заррасими чангингиз?
Нафосатдан яралганмисиз?
О, бунча ҳам нафис рангингиз?
Гүзалликдан таралганмисиз?

Чаман ичра туғилибсизки,
Сизда экан қуёшнинг кўзи.
Билсам, сизни машшота бўлиб
Безатибди қуёшнинг ўзи.

6 июль, 1969—21 февраль, 1970 й.

ЛАБЛАРИНГ...

Икки қизил гул япроғидан
Яралганми нафис лабларинг?
Гапларингга муштоқман, гапир,
Дилга ором берар гапларинг.

Сен гапирсанг ишқ мадҳи бўлиб
Лабларингдан сочилар гаплар.
О, бу лаблар қарғаш учунмас,
Бўса учун яралган лаблар...

13 август, 1969—21 февраль, 1970 й.

ЛЕНИН ТАЪЛИМОТИ

Ленин таълимоти сўнмас қуёшким,
Оламни ёритур унинг нурлари.
Ленин таълимоти буюк уммонким,
Унда беҳисобдир зако дурлари.

Унинг уммонида поёнсиз, терап
Фикрлар ётибди доҳийларга хос.
Донолик дурларин олиб чиқади
Унинг уммонига шўнғиган ғаввос.

Табиат уммони қуриши мумкин,
Аммо, қуримайди унинг уммони.
Унинг уммонидан баҳра олади
Доно кишиликнинг муқаддас шони.

Минг йиллик орзуси башариятнинг
Балоғатга етди унинг фикрида.
Меҳнаткаш инсоннинг абадий бахти
Ифодаданмишдир унинг зикрида.

Баланд кўтарилди унинг қўлида
Асрлар топталган инсоний номус.
Ҳаётнинг ҳар қандай сўроғига ҳам
Жавоб берар Ленин яратган қомус.

Унинг таълимоти башариятнинг
Онгини, йўлини ёритган қуёш.
Унинг таълимоти инсониятнинг
Абадий йўлида абадий йўлдош.

24 февраль, 1970 й.

ҚУТЛУҒ БАЙРАМ

Биз учун муқаддас, биз учун байрам
Улуғ доҳиймизнинг туғилган куни.
Мана, юз йилдирким, табиат такрор —
Такрор тўй қилади ардоқлаб уни.

Баҳор лолалардан шам ёқиб қирга,
Сабза гилам тўшар дарё бўйига,
Гулга айланади бутун табиат
Поёндоз бўлгани доҳий тўйига.

Булбуллар боғларда сайрайди тинмай,
Чаманлар ораста, ҳаволар хушбўй.
Башарга бахт берган доҳийга атаб
Жамиятда байрам, табиатда тўй.

Бу тўй халқимизнинг, ҳаётимизнинг,
Бахтимизнинг тўйи — саодат тўйи.
Ленин чизиб берган мунаввар, шонли
Йўлда давом этиш халқимнинг ўйи.

Бу йўл коммунизм сари элтади,
Бу йўл кишилиқнинг ягона йўли.
Ленин байроғини баланд кўтарди
Енгилмас халқимнинг букилмас қўли.

Йлоҳлаштиришга ҳаққим йўқ, аммо,
Йлоҳий бир қудрат бор эди унда.

Унинг меҳридаги ҳароратга тенг
Ҳарорат топилмас кўкдаги кунда.

Қуёш бўлиб порлар унинг ғояси,
Ундан баҳра олар замини замон.
Бу ғоя ғолиблар қўлида қурол,
Зулму зулматларга бермагай омон.

Энг инсоний инсон инсонлар аро,
Донолар доноси, мардларнинг марди,
Буюклар буюги доҳиймиз Ленин
Эрк ва бахт маъносин яхши биларди.

Бахтиёр бўлолмас эрки йўқ одам.
Бахт бўлмас озодлик бўлмаган жойда.
Инсонларни озод қила олмаса
Курашлар, талашлар бари бефойда.

Инсонлар эрки деб, инсон бахти деб
Курашга сарф этди бутун умрини.
Бизга бахт бахш этди, эрк берди дея,
Замонлар, авлодлар унутмас уни.

24 февраль, 1970 й.

Ж И Й Д А

Жийда гуллаганда баҳорда
Узгача файз касб этар боғим.
Жийда гуллаганда ҳидидан
Ерилгудек бўлар димоғим.

Иси ўткир жийда гулининг.
Босиб кетар барча исларни.
Жийда иси анқиганида
Эркалайди майин ҳисларни.

Билолмадим, жийда гулининг
Исидан ҳам ўткир ис борми?
Гуллаганда жийдалар, ҳиди
Қоплаб олар бутун диёрни!

Бир қишлоқни муаттар қилар
Бир туп жийда гуллаганида.
Жилва қилиб турар гузаллик
Кумуш барги, нуқра танида...

Олтин кузда, мева пишганда,
Жийдазорда сайр этиб юргил,
Сонсиз маржон тизилган шохлар
Ҳузурида бир нафас тургил.

Табиатнинг мўъжизасини,
Санъатини кўрасан яққол.

Ёқут сирға таққан келинчак
Кўз олдингга келади дарҳол.

Япроқлари кумуш елпигич,
Нуқрадандир кийган либоси.
Қулоғида нозик сирғалар,
Жон олади нозик ибоси.

Кул устига сочилган чўғдай
Барг ичида ҳисобсиз жийда.
Кумуш ичра олов ёлқини,
Томошадан ҳайратда дийда...

Дейдиларким, жийда қуйилса
Дастурхоннинг ҳусни тўлади.
Эътиқод бор қадимдан: жийда
Минг бир дардга даво бўлади.

*Коктебель — Тошкент.
30 июль, 1967—26 февраль, 1970 й.*

СЕНСИЗ

Юзингни қуёшга ўхшатдим, гузал,
Энди сенсиз менга ёруғ кун йўқдир.
Сенсиз хавф остида қолар ҳаётим,
Айрилиқ қалбимга отилган ўқдир.

Агар жилмаймасанг бахтим яшнамас,
Толеим гулшани сулади сенсиз.
Ўзинг барпо этган севги эҳроми,
Ҳеч шубҳасиз, хароб бўлади сенсиз.

Жамолингдан маҳрум этмагил мени,
Яшашим мумкинми қоронғи тунда?
Сенсиз утгап умр, тириклик, ҳаёт
Қўлга кишан эрур, оёққа кунда...

Сени қуёшим, деб атадим, энди,
Мен учун яшамоқ қийиндир сенсиз.
Кўз ёшларим туфон, ҳасратим денгиз,
Оҳим алангали қуюндир сенсиз.

Тинган шалоламан, сунган вулқонман,
Кукунга айланган қояман сенсиз.
Инграган садоман, ишқингда гадоман,
Жисми йўқ шарпаман, сояман сенсиз.

Сени қуёш дедим, қуёшлик қилу
Мени маҳрум этма ҳароратингдан.
Мен кичик гиёҳман сенга интилган,
Четда қолдирмагил саховатингдан.

16 декабрь, 1968—26 февраль, 1970 й.

КИШИЛИК БАҲОРИ НУР ОЛГАН ҚУЁШ

Тарихдан ахтариб юрма тенгини,
Тенги йўқ Ленинининг ўзидан бошқа.
Лениндай доҳийни, асл инсонни
Олам бир учратди келиб шу ёшга.

Дунёда жуда кўп доҳийлар ўтган.
Аммо, тенг келолмас ҳеч бири унга.
Ҳарорат беришда, зиё беришда
Тенг кела олурми юлдузлар. Кунга?

Қуёш бўлиб боқди оламга Ленин,
Нуридан баҳр олди элатлар, эллар.
Ростланди доҳиймиз Ленин туфайли,
Қуллик азобидан букилган беллар.

Минг йил баҳор кутган инсониятга
Баҳор олиб келди унинг ғояси.
Мангу кўтарилди халқлар бошидан
Асрий зулматларнинг мудҳиш сояси.

Меҳнаткаш инсонлар қадрини топди
Ленин барпо этган шонли Ватанда.
Мангу бахтимиздан дарак берарди
Ленин чеҳрасида уйнаган ханда.

Лениннинг ҳаётбахш, эзгу ғояси
Кишилик баҳори нур олган қуёш.

Ленин ғоясидан баҳраманд бўлган
Халқлар бир-бирига абадий қардош.

Лениндан олганмиз дўстлик дарсини,
Ленинча яшамок биз учун одат.
Бизни ғалабага бошлар доимо
Ленин бахш айлаган эзгу саодат.

Лениндан ўргандик озод яшашни,
Зафар қозонишни меҳнатда, жангда.
Суюкли доҳийнинг ўлмас сиймоси
Абадий қолади юракда, онгда.

Ленин инсонларни севди, улар ҳам
Ленинни севади жони-дилидан.
Бахтиёр одамлар ундан миннатдор,
Номи асло тушмас халқлар тилидан.

Унинг номи билан юксалди кўкка
Ғолиб қишилиқнинг шуҳрати, шони.
Улуғ айёмида буюк доҳийнинг
Шодлик қоплаб олар бутун дунёни

5 март, 1970 й.

БАХТ БАҲОРИ

Баҳорда тугилди, унинг шаънига
Кушлар чалар эди боғда торини.
Баҳорда туғилиб инсониятга
Баҳор ола келди, бахт баҳорини

Минг йиллик мазлумлар, жафо чекканлар
Шу бахт баҳорига интизор эди.
Ҳақсизлик, зулмнинг исканжасида
Олам меҳнаткашга тангу тор эди.

Ҳақиқат ахтарган осилди дорга,
Озодлик деганнинг кесилди боши.
Адолат деганнинг қирқилди тили.
Шодлик ахтарганнинг тукилди ёши.

Мазлум инсонларни узоқ тарихда
Зулмдан қутқара олмади ҳеч ким.
Минг йиллаб бахт, нажот излаганларнинг
Кўнглига ёруғлик солмади ҳеч ким.

Саноқсиз донишманд эзилганларнинг
Топа олгани йуқ дардига чора.
Тангрини пеш қилди минглаб пайғамбар,
Минг йиллаб алданди инсон бечора.

Эзилганлар учун бахтни муллолар
«Нариги дунё»дан ваъда қилдилар.

Бу дунёда эса илондек авраб,
Шўрлик ғарибларни роса шилдилар.

«Ҳар нарса худодан,— деди муллолар,
Исён кўтарманглар, шаккоклик гуноҳ!
Тақдирга тан бер инг, тангридан тиланг,
Фақат тангримиздан топасиз паноҳ!»

Паноҳ тополмади алданган мазлум,
Ўтди устига ғам юкланган йиллар.
Аммо, адолатдан умид узмайин
Нажоткор ахтарди эзилган диллар.

Мазлумлар минг йиллаб оҳ чекди, аммо,
Тангриларга бориб етмади охи.
Ленин тангри эмас, аммо тангрилар
Қилолмаган ишни қилолган доҳий!

Қунпаякун бўлди шохлар, золимлар,
Тотиб кўрганида унинг қаҳрини.
У бахт булоғининг кўзини очди,
Мазлум томон бурди ҳаёт наҳрини.

Бугун тўй қилади Ленинни қутлаб
Ўз бахтини топган озод инсонлар.
Ленин байроғини баланд кутарган
Улуғ Партияга шарафлар, шонлар!

Ҳамон орамизда қадрдон Ильич
Йўлда йўлбошчидир, меҳнатда устод.
Бизга бахт келтирган, баҳор келтирган
Доҳийни халқимиз эслар умрбод!

Тўй қилар халқимиз, тўй қилар жаҳон,
Доҳийни олқишлар бугун қари, ёш.
Нур сочар оламга дунё тургунча
Саодат кўкида порлаган қуёш!

16 март, 1970 й.

ЯПРОҚ

Баҳорда қуёшнинг таптини сезса
Дарҳол қузғалади қишки ётоқдан.
«Сичқон қулоқ» булиб, йилтираб нурда,
Югуриб чиқади қора бутокдан.

Куртак эшигини оҳиста очиб
Сеҳргар оламга мамнун боқади.
Шодлигидан елда уйинга тушиб,
Капалакка ухшаб қанот қоқади

Чиқа солиб ишга тушиб кетади,
Минг хил вазифани бажарар япроқ.
Япроқ умр буйи меҳнатда, жангда
Дарахт ҳожатини чиқарар япроқ.

Япроқ кийинтирар, безар ёз буйи
Яшил либос булиб она дарахтни.
Дарахт яшармиди япроқ бўлмаса?
Япроқнинг борлиги дарахтнинг бахти.

Япроқ қоплаганда она дарахтни
Безакларга сира қолмас эҳтиёж.
Япроқ — бутоқларнинг бошида румол.
Япроқ — оғочларнинг тепасида тож.

Зебигардон бўлар шохларга япроқ,
Нозли новдаларга «баргак», «сочпопука».

Дунёда баъзан шулардек эру хотин ҳам бўлар,
Ҳа, бу бир аччиқ ҳақиқат, бил уқувчим, билмасанг.

Менга басдир ўқиганлар берса ҳаққоний баҳо,
Десалар: хуп боплагансиз, шоир Уйғун, куп яшанг!

27 июль, 1970 й.

ЧИҚМАГАЙ БИР МАЪНИЛИК ГАП...

Чиқмагай бир маънилик гап бу қовоқ, хом калладан.
Қурмагай ҳеч ким ёруглик эгри қул ҳам далладан.

Гоҳ қимор уйнар эди, гоҳ нуш этиб аччиқ шароб,
Тентирарди кеча-кундуз оғзи тинмай ялладан.

Энди осон иш топибди: бир мачитга суфимиш,
Қавмлар овлоқ юрармиш жирканиб кир салладан.

Бари бир эски қиморбоз, ухшамас «ҳазрат»га ҳеч,
Булса ҳамки эғнига кийган чопони малладан.

Бир куни жиндак отиб, кайфи ошиб, ухлаб қолиб,
Гандираклаб келди вақт ўтгач, намозшом палладан.

Эски дард қузғаб, ўғрилар, икки қопни тўлдириб
Келтирибди уйига хирмонда турган галладан.

Шоир Уйғун, не қилардинг титкилаб бу эскини,
Чиқмагай бир маънилик гап ошқовоқ, хом калладан.

27 июль, 1970 й.

БАХТ

Қайда бахт, деб сўрдинг, айтай: меҳнатим, шонимда
бахт.

Бахтиёрлар бирла ўтгай ҳар кун, ҳар онимда бахт.

Халқимизнинг меҳнатидан гуллаган саҳрою чўл,
Яшнаган олтин даламда, боғу бўстонимда бахт.

Чарчамай ўлкамни кездим ҳуснига шайдо бўлиб,
Жилва кўргазди менга ҳар дамда, ҳар ёнимда бахт.

Элни тўйдирган, кийинтирган, фароғат бахш этиб,
Беҳисоб бойлик яратган ишчи, деҳқонимда бахт.

Бўйи Ой, Зухрога етган, халқимиз бахти учун,
Коинот сирини очган илму урфонимда бахт.

Мен гадо бўлган эмасман бахту толе ахтариб,
Шонли, ҳур республикамда — Ўзбекистонимда бахт.

Бахтиёрлар ичра Уйғун бахтиёрлардан бири,
Куйлаган эл бахтини шеъримда, достонимда бахт.

*15 август — 3 сентябрь, 1970 й.
Дубулти — Тошкент.*



Уйғун Фарғона область, Ленинград районн колхозчилари орасида. 1971.

БАХТИЁРМАН

Бахтиёрман, гулзорим, дунёда сен бор учун.
Айласам дунёни жаннат оз эрур сен ёр учун.

Бахтиёрман, энди бахтим кўрмагай фасли хазон,
Боғбон бўлдим сенингдек юзлари гулзор учун.

Койисанг бардош берурман, чунки булбул боғ аро
Кўксини қалқон қилармиш гулда битган хор учун.

Қанча меҳрим бўлса тўккайман оёгинг остига,
Жон нисор этсам ҳам арзир сен каби дилдор учун.

Дейдилар кўзлар қуёшга тоб беролмай ёшланур.
Кўзларим ёш тўкса не тонг кўзлари хуммор учун?

Мен муҳаббат қадрини кўкка кўтардим мадҳ этиб,
Баъзи бир номард қўлида эзгу севги хор учун.

Яхши инсонлар билан дунёга келдим, жонгинам,
Кўҳна дунёга мурувват, яхшилик даркор учун.

Сен билан бу кўҳна дунё менга жаннат, Уйғунинг
Дунёни тарк этмагай, ҳеч, дунёда сен бор учун.

20 июнь — 4 сентябрь, 1970 й.

КЕТАР

Кетса инсоф, одамийлик бошда виждондан кетар.
Нафси бад одам қулаб кетса жиғилдондан кетар.

Яхшилик яхши одамдан дунёда мангу қолур,
Улса номард додруғи бир зумда даврондан кетар.

Бермагил ёрингга озор маънисиз гаплар билан,
Бермасанг тинчлик ағар булбул гулистондан кетар.

Қўрқаман ҳажрингда оҳ урмакка, оҳ урсам ағар,
Тоб беролмасдан қуёш ҳовримга осмондан кетар.

Эҳтиёт бўл: оила, бахт, севги қўлдан кетмасин,
Кетмасин бир омадинг, бир кетса ҳар ёндан кетар.

Тўғри сузла, тўғри ёз, шоир, ҳақиқат изласанг,
Борди-ю, ёлгонни ёзсанг маъни дostonдан кетар.

Қанча неъмат бўлса дастурхонга қўй дўстлар учун,
Уйлама сарфингни, Уйғун, кетса ҳамёндан кетар.

18 август — 5 сентябрь, 1970 й.

ИНДАМАС...

Кузи менга тушган заҳоти
Ловлагидай қизариб кетар.
Сабабини билмайман... ахир,
Айта қолса кўнглини нетар?

Севганими, уялганими?
Билдирмасдан қолдирди доғда...
Уни пойлаб, кўзим тўрт бўлиб,
Ўтираман ҳар куни боғда.

Ҳар кун келар боққа, индамас,
Мени кўриб қизариб ҳар гал.
Севганими? Уялганими?
Бу жумбоқни этолмадим ҳал.

Индамайди, мен ҳам индамай
Орқасидан қараб қоламан.
Шунда юрак орзиқиб кетар,
Оғир-оғир нафас оламан.

Мени кўриб қизарар, аммо,
Дилдагини айтмас тил билан.
Балки айтмас кўнглини, гўзал,
Сезиб ол, деб, ўзинг дил билан?..

15 сентябрь, 1970 й.

ЎЗИНГДАН АХТАР

Юз ўгирса сендан одамлар агар,
Сабабини аввал ўзингдан ахтар.
Феълу атворингдан, заҳар тилингдан,
Бемаъни, қўланса сўзингдан ахтар.

16 сентябрь, 1970 й.

НАФСИ БУЗУҚ

Ол дейиш шарт эмас нафси бузуққа,
Ол демасдан бурун олиб қўяди.
Бир амаллаб унинг қорни тўяру,
Аммо, кўзи ўлгур қачон тўяди?

16 сентябрь, 1970 й.

ВАҚТ КЕТМАСИН

Вақт кетди — бахт кетди дейди халқимиз.
Ҳа, дўстим, бекорга ўтмасин вақтинг.
Вақтни жиловлаб ол, вақтга қўп юк орт,
Ўшанда келади омадинг, бахтинг!

16 сентябрь, 1970 й.

ВАҚТ СЕНИ КУТМАС

Агар ғафлат босиб орқада қолсанг,
Ёрдам берай деб, вақт қўлингдан тутмас.
Қиладиган ишни тезроқ қилиб ол,
Сен вақтни кутарсан, вақт сени кутмас!

16 сентябрь, 1970 й.

ШОИР ҚАЛБИ

Шоир қалби дарё, тўхташни билмай,
Ҳайқириб, кўпириб, қайнаб оқувчи.
Шоир билан бирга оқар, жўш урар
Шеър гирдобига тушган ўқувчи.

Тўлқинли денгиздир шоирнинг қалби,
Ҳисси шалоладир, ҳаяжони сел,
Шеъри билан дилга ҳаяжон, тўфон
Солмаса шоирни севадими эл?

Шоир қалби кўлмак сувга айланса
Шеърият йўқолур унинг дидидан.
Кўлмак сув ачийди, биқсийди сасиб,
Инсон ҳазар қилар кўлмак ҳидидан...

16 сентябрь, 1970 й.

БИР БОҚСАНГ КИФОЯ

(Ҳазил)

Бир боқсанг кифоя, кўзингдан қалбим
Аккумулятори куч олиб кетар:
Бир зарядка бергил бир боқиб, гузал,
Шунда қалб мотори юз йилга етар..

16 сентябрь, 1970 й.

ИЛҲОМНИ...

Илҳомни от қилиб минсаму чопсам,
Мисралардан қамчи ушлаб қўлимга
Шеърӣ жавҳарларни беҳато топсам,
Ҳеч ким ғов бўлмаса тушган йўлимга...

26 август, 1964—17 сентябрь 1970 й.

ШУҲРАТ ҲАҚИДА

Баъзи бир маддоҳнинг сўзига учма,
Маддоҳлик қилишдир маддоҳнинг ишн,
Оқибат шуҳратдан қуруқ қолади
Маддоҳнинг сўзига алданган киши.

Шоир шуҳрат учун шеър ёзмайди,
Вақти билан шуҳрат ўзи келади.
Насллар ёнига асрлар оша
Шоирнинг ўзимас, сузи келади.

21 март, 1969—19 сентябрь, 1970 й.

ГУЗАЛЛИК АХТАРИБ...

Гузалик ахтариб аллақайларга
Бориб юрадиган тентак эмасман.
Атрофдан гузалик топа олмаган
Шоирни ҳеч қачон шоир демасман.

Гузалик тегрангни қуршаб ётибди,
Энг гузал гузалик ҳаётнинг ўзи!
Халқнинг меҳнатида гузалик сонсиз,
Гузалик манбаи донолар сўзи.

Навоий ғазали, Пушкин шеърида
Гузалик чамани қулф урар ҳамон.
Гузалик нақшида Гури Амирнинг
Мавжуддир — уни маҳв ётолмас замон.

Гузалик инсоннинг хулқи, дилида,
Гузалик инсоннинг ақлу ҳушида.
Гузалик инсоннинг муҳаббатида,
Дунёга зеб берган шонли ишида.

Гузалик — яратиш, барпо этишда
Гузалик жўш урар ижодда доим.
О, дилинг дарёдай чайқалиб кетар
Гузалик кўзлардан боқса мулойим.

Бизни қуршаб олган табиатни сев,
Табиат азалдан гузаликка бой.

Дўстим, сени мафтун этмасми, ахир,
Ватан боғларида яшнаган чирой?

Кумушни ҳайратга солган чаноқда
Қанча гузаллик бор, синчиклаб қара!
Гузаллик жилмаяр олтин бошоқдан.
Гузаллик ёстанмиш чаманлар аро.

Ҳар ердан гузаллик топиши мумкин,
Қунт билан ахтарса шоирнинг кўзи.
Гузаллик тегрангни қуршаб ётибди,
Энг гузал гузаллик ҳаётнинг ўзи!

9 январь, 1958—22 сентябрь, 1970 й,

ОЛТИН ДАЛА

1

Уйда тинч ётишга қўймади ҳеч куз,
Олтин имо билан ёнига чорлаб...
Шамдонларда ёнган ҳисобсиз шамдай
Кўзингни олади чаноқлар порлаб...

Зебу зийнат бўлиб олтин далага
Ўзалар бодроқдай очилмиш бирам!
Теримчилар ишлар тонгдан шомгача
Қолдирмайлик дея ерда бир грамм.

Очилган пахталар ўза-қизларнинг
Табаррук бошида олтин дурралар.
Тирсиллаб турибди, ичи тўла дур,
Ҳисобсиз кўсаклар — яшил курралар.

Оқ пахта чаноқдан тошиб чиқибди,
Олтин қадаҳларда кўпиргандай май...
Яшил денгизида пахтажорларнинг
«Зангори кема»лар сузишар тинмай...

— Ҳорманг! Ҳорманг! — дейман теримчиларга,
Эзгу ишларига барака тилаб.
Гул ҳидини шимган шабада эсар
Теримчи қизларнинг сочини силаб...

О, нақадар ўзал, нақадар серфайз,
Саховатга тўлган ўлкамнинг кузи!

Гўзалликни кўз-кўз қилишар шу пайт
Боғларнинг чиройи, бўстонлар юзи!

Хазина қўшади хазинамизга
Сахий куз келтирган олтин кўрмана.
План тўлсин дейман ошиғи билан,
Халқимнинг шонига шон қўшиб яна...

2

ЗАРДАРЕ.

Номидан бир ҳарфи тушиб қолибди,
Асли: «Зардарё»дир, «Задарё» эмас.
Бу ернинг ҳуснини бир кўрган одам
Бошқача номламас, бошқача демас.

Барака дориган пахта туфайли,
Бу ерлар чиндан ҳам бошдан-оёқ зар!
«Бурдоқи» гўзалар, бўлиқ гўзалар
Пахтакор дўстларга бахш этар зафар.

Самарқанднинг кўрки «Зарафшон» бўлса,
Наманганнинг кўрки гўзал «Зардарё!»
Гавҳар чаноқларми сонсиз, саноксиз,
Кўкдан инган сонсиз юлдузларми ё?

Олий ҳимматидан қўли гулларнинг
«Гулбоққа» айланмиш ёввойи ерлар.
Минг офарин сизга, тасанно сизга,
Дунёни қайтадан яратган эрлар!

НАМАНГАН ОБЛАСТИ ПОП РАЙОНИДАГИ
«ПОП» СОВХОЗИНИНГ БРИГАДА БОШЛИГИ
ГОЗИВОЙ АКАГА

Эшитдик, қайтадан ишга тушибсиз,
Минг раҳмат, отахон, хурсандмиз жуда.
Планин бир кунда ўринлабсизлар,
Ахир, қаҳрамонлик дегани шу-да!

Машина қудрати, машина кучи
Синмас қанот булмиш парвозингизга!
Пахтазорда шердай наъра тортсангиз
Жаҳон қулоқ солар овозингизга!

Пенсияга чиққан экансиз кўпдан,
Аммо, дала ишқи яна тортибди.
Олтин далаларни кўриб сиз билан
Тенгдошларингизда ҳавас ортибди.

Белни маҳкам боғлаб ишга тушибсиз,
Витта бригада тузиб тенгдошлар.
Сиздаги ғайратни, ҳимматни кўриб
Ҳангу манг булибди, ҳаттоки ёшлар!

Тогдек кўксингизда Ленин ордени
Қуёшдай нур сочиб йўлни ёритар.
Ҳа, имкон бор экан меҳнатдан қолманг,
Ишсизлик одамни тезда қаритар.

Қандингизни уринг, балли, отахон,
Ҳурматимиз чексиз сизга нисбатан.
Ватанпарварларни сиздек ҳамиша
Ардоқлаб бошига кўтарар Ватан!

4

НАМАНГАН ОБЛАСТИ ЗАДАРЕ РАЙОНИДАГИ
«ГИГАНТ» КОЛХОЗИНИНГ АЪЗОСИ,
СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ
АБДУҚОДИР АКА ВАЛИЕВГА

Дўстим Назир билан суҳбат қилдингиз,
Мен тинглаб ўтирдим ҳавасга тўлиб.
Яна эсга тушди ўтган замонлар,
Мени хаёл босди сизга термилиб.

Бир ёни туқайзор, бир ёни ботқоқ,
Тунгиз еб кетарди экилган донни.
Уруш борар эди, бу ерларда ҳам
Топиш қийин эди бир бурда нонни.

Жуда қийин бўлган уруш йиллари
Уруш орқасида қолганларга ҳам.

Қорахат келарди қонли қирғиндан,
Қулбаларда фарёд, уйларда мотам...

Елкада юк оғир, жангга кетганлар,
Қайтмаганларнинг ҳам юки елкада.
Ёвни енгиш учун тинимсиз, оғир
Меҳнат борар эди шонли ўлкада.

Сиз ҳам киришдингиз меҳнат жангига,
Туқайзорга қарши бошланди ҳужум.
Дарак бериб турар бугун зафардан
Ишкомда солланган қаҳрабон ҳужум.

Зафардан нишона обод бўлган ер,
Пахтазор, шолитор, бол томар боғлар
Ёшликда қилинган шарафли меҳнат
Кўзга нур берармиш кексайган чоғлар...

Ҳа, юзда табассум, кўзингизда нур,
Энди сизни дерлар: пири бадавлат!
Юз йигитга савлат бўлар улашса
Сиздаги кўркемлик, сиздаги савлат!

Ёшингиз кўп ерга бориб қолса ҳам,
Жуда хушчақчақсиз, руҳингиз тетик.
Ҳали ҳам ярашар сизга, отахон,
Йигитларга ухшаб кийсангиз этик!

Ҳурмат кўрсатдингиз, отахон, бизга,
Сихат-саломатлик тилаймиз сизга!

5

НАМАНГАН ҲАКИДА КЎШИҚ

Гулдир, чамандир бошдан-оёғинг,
Гулдан қизармиш нуқра ёноғинг.
Лафзинг асалдир, ширин, дудоғинг,
Боғ ила бўстон бўлган Наманган,
Оламга дoston бўлган Наманган.

Сочингни сийпар дарё шамоли,
Роҳат бағишлар боғлар жамоли,

Дунёга машҳур фазли, камоли,
Орзу тилакка етган Наманган,
Хуснига шайдо этган Наманган.

Хар тонг уфқдан чиққанда қуёш,
Таъзим қилармиш сенга эғиб бош,
Меҳнатда донгдор ҳам кекса, ҳам ёш,
Завқу сафога тўлган Наманган,
Дунёга машҳур бўлган Наманган.

Равнақ топибдир санъат, саноат,
Қилган ишингга қилмай қаноат —
Олга босарсан — шудир саодат,
Оламга донғи кетган Наманган,
Хуснига шайдо этган Наманган.

Бахтинг асоси яхши замонлар,
Ғоят сулимдир дарё томонлар,
Ут солди дилга қоши камонлар,
Хуснингга шайдо бўлдим, Наманган,
Завқу севинчга тўлдим, Наманган.

Шарбатга тўлган олма, аноринг,
Гулшанда гулдан ёққан фаноринг,
Илҳом бағишлар сайроқ дуторинг,
Ғоят гузалсан, жоним Наманган,
Фахрим Наманган, шоним Наманган!

Хизматда бўлсам, елсам, югурсам,
Булбулча сайраб боғингда юрсам,
Уғлинг қатори қошингда турсам,
Завқу сафога тўлдим, Наманган,
Созингга Уйгун бўлдим, Наманган!

28—30 сентябрь, 1970 й. Наманган — Тошкент.

КАТТА ХИРМОН

Жуда катта хирмон кутардик бу йил,
Кукка буй чўзмоқда сонсиз олтин тоғ!
Ҳосилини куриб ўз меҳнатининг,
Азиз халқимизнинг бўлди кўнгли чоғ.

Баракага тўлган кумуш далалар
Бу йил кўз-кўз қилар саховатини.
Дарёлар қондирди оби ҳаётга,
Қуёш аямади ҳароратини.

Бу йил пахта йили бўлди дейдилар,
Қаранг, еру кўкни пахта қоплади.
Тарихда мисли йўқ ҳосил ундириб,
Миришкор деҳқонлар роса боплади!

Шу эди ҳамманинг дилидаги гап!
Ҳа, амалга ошди дилдаги орзу,
Бу йилги ҳосилни ўлчаш учун оз
Кўк палласидан ҳам қилсанг тарозу!

Оби-ҳаво жуда қулай келди, рост,
Аммо, ўзимизда эди ҳамма гап.
Бу йил меҳнат қилдик қаҳрамонона
Улуғ доҳиймизнинг тўйига атаб!

Бу Ленин тўйига совғамиз бўлди,
Ҳар қанча мақтовга арзирлик совға!

Ҳалал беролмади зафаримизга
Баҳорда табиат кутарган ғовга.

Даф этдик тошқинлар, селлар хавфини,
Енгдик баҳордаги дўлни, жалани.
Қўрилмаган меҳнат, муҳаббат билан
Парвариш айладик олтин далани.

Дастёримиз бўлди техника ва фан,
Деҳқонлар кўрсатди тенгсиз маҳорат,
Бу улуг зафарга асосий асос
Шонли партияга бўлган садоқат!

Пахта учун кураш — яхши одатдан,
Пахта учун кураш — умумхалқ иши!
Юксак ҳосил учун бошланган жангдан
Четда қолгани йўқ биронта киши!

Бутун Республика парвариш қилди,
Оқ олтин сочилди ҳадсиз еримга.
Долизарб кунлари зўр ҳиммат билан
Бутун Республика чиқди теримга!

Йил бўйи тер тўқдик садоқат билан,
Республикамизнинг шонини уйлаб,
Мана, катта хирмон! Буюк тантана!
Тўй борар музаффар улкамиз бўйлаб!

Карнай садосидан кўк қулоғи кар
Ноғора зарбидан осмон ноғора!
Колхозда тўй борар қозон-қозон ош,
Қатлама, сомсага тўлди тоғора!

Ана, паҳлавонлар курашга тушди,
Ана, чавондозлар тортишар улоқ!
Ана, рақсу қўшиқ, аския, кулки!
Шодлик садосидан жаранглар қулоқ!

Еру кўкни пахта қоплаб олгандай,
Атрофингга қара, атрофингга боқ!
Катта тортиқ билан борар съездга,
Халқимизнинг юзи оқ пахтадай оқ!

Кумуш хирмонларга, тенгсиз ҳосилга
Ҳайрат билан боқар оламнинг кўзи!
Ерда қолгани йўқ, амалга ошди
Азиз халқимизнинг муқаддас сўзи!

Ҳимматингга балли, азамат халқим!
Шонингга шон қўшди бу улуғ зафар!
Комил ишонч билан давом этади
Коммунизм сари бошланган сафар!

Шу улуғ айёмда, шодиёнада,
Шонли партиямиз, сенга ташаккур!
Ёрқин келажакка дадил боқамиз.
Дилимизда қувонч, кўзимизда нур!

19 ноябрь, 1970 й.

ШОНЛИ ВАТАН ҚУШИҒИ

Дунё чиройи кўркем жамолнинг,
Жаҳоннинг фахри сенинг камолнинг,
Хушбўй таратгай эсан шамолнинг,
Боғ ила бустон бўлган Ватансан,
Файзу сафога тулган Ватансан.

Эрк қўшидан нур эмиб ўсдинг,
Сарҳад дахлсиз, мустаҳкам постинг,
Дунёда кўпдир қадрдон дўстинг,
Оламга донғи кетган Ватансан,
Мақсад, муродга етган Ватансан.

Амрингга сўзсиз буйсунар замон,
Пахтазорларинг «оқ олтин»га кон,
Зафарлар билан сурасан даврон,
Дунёга машҳур бўлган Ватансан,
Шону шарафга тулган Ватансан.

Тинчлик, ободлик биз юрган жойда,
«Луноход»имиз сайр этар Ойда,
Ҳар бир ишимиз инсонга фойда,
Оламга дoston бўлган Ватансан,
Шону шарафга тулган Ватансан.

Эзгу иш тушар халқнинг ўйига,
ГЭСлар қурилар дарё бўйига,
Меҳмонлар келар зафар тўйига,
Дунёга донғи кетган Ватансан,
Эзгу тилакка етган Ватансан.

Меҳнатда ўтар сенда қишу ёз,
Улуғ партия ҳар ишда устоз,
Шунинг учун ҳам ҳамма ишинг соз,
Оламга дoston бўлган Ватансан,
Шону шарафга тўлган Ватансан,

Ҳар ерга стар чўзганда қўлинг,
Гулдир, чамандир соғ ила сўлинг,
Партия раҳбар мунаввар йўлинг,
Оламга донғи кетган Ватансан,
Эзгу тилакка етган Ватансан.

23 февраль, 1971 й.

ПАРТИЯГА ШАРАФЛАР

Улуғ партияга шарафлар бўлсин!
Партия йўлбошчи, байроқдоримиз.
Шодликлардан боши кўкка етган халқ.
Партия бахтимиз, номус, оримиз.

Муборакбод этар шонли съездни
Шодликларда боши кўкка етган халқ.
Ўз меҳнати билан, ўз қўли билан
Ерда янги ҳаёт барпо этган халқ.

Улуғ партиямиз, доно халқимиз
Азиз инсонларнинг бахтини кўзлар.
Ғолиб халқимизнинг юрак сўзидир
Съезд минбаридан янговчи сўзлар.

Янги беш йилликнинг рақамларидан
Келажак кўриниб турибди яққол.
Янги бўстонларнинг чиройи билан
Бизга юз очмоқда гузал истиқбол.

Жаҳон ичра янги жаҳонлар пайдо
Бўлади режалар амалга ошиб.
Меҳнатдан тирилган қадимий даштлар
Қўйнида бойликлар ётади тошиб.

Коммунист деган ном энг муқаддас ном,
Коммунист деган ном жуда мўътабар.

Шуҳратидан сўзлар коммунистларнинг
Жангда ва меҳнатда олинган зафар!

Қалбимизда ишонч, кўзимизда нур,
Партия ғояси нур сочган қуёш.
Бизнинг толеимиз шундаки, дўстлар,
Улуғ Ленин билан бўлдик асрдош!

Бизнинг толеимиз: партиямиз бор
Ҳар бир мушкулни ҳам осон қилувчи,
Меҳнатда, ижодда бизга мададкор,
Келажакни равшан кўра билувчи!

Барча ғалабамиз, бутун ёруғлик
Шонли партиянинг шарофатидан!
Биз учирган ажиб, космик кемалар
Дарак берар юртнинг балоғатидан.

Бошқаларга таҳдид қилмаймиз, аммо
Бизга таҳдид қилган олади жазо!
Юксалиб йўл олдик коинотга ҳам
Биз учун бағрини кенг очди фазо.

Муъжиза яратган олимларимиз
Ўзал Зухрога ҳам кема қўндирди.
Фанимиз донғини дунёга ёйиб
«Луноход» Ойдаги ишни дўндирди!

Ленин партияси парвариш қилган
Озод халқимизнинг толеи баланд.
Шонли партиямиз, доно халқимиз
Элда коммунизм қуриш билан банд.

Улуғ партияга шарафлар бўлсин!
Партия раҳнамо, байроқдоримиз.
Шонли партиядан миннатдор халқим,
Партия бахтимиз, мадақдоримиз.

25 февраль, 1971 й.

ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

*Пахта планини муддатидан олдин бажари
Киров районининг меҳнаткашлари*

Хушxabар ҳаммамизни хурсанд қилди,
Азизлар, галабангиз қутлуғ бўлсин!
Навбатда мажбурият — муддаомиз
Областнинг плани ҳам тезроқ бўлсин!

Фаргона нашъали деб донг чиқарган
Районнинг юзи ёруғ яна порлар.
Офарин деймиз сизга, қарсак чалиб,
Ваъдага вафо қилган пахтакорлар.

Манзилга карвон борар қатор-қатор,
Областда сиз бўлдингиз карвонбоши.
Булуллар орасидан шошиб қараб,
Фурсат оз, жадалланг дер, куз қуёши!

Тенглашсин бошқалар ҳам илғорларга,
Халқ десин уларга ҳам баракалла!
Курсатсин ҳимматини катта-кичик,
Пахтазор ҳиммат талаб қилган палла!

Уддалар ишни ишнинг кўзин билган,
Мардларга мадад бўлди «пулат отлар».
Қойилмиз сизга, юкни енгил қилган,
«Зангори кема»даги азаматлар!

Ҳали ҳам пахтазорда ҳосил кўпдир,
Беҳисоб гавҳар порлар чаноқларда.

Теримда чевар қизлар, ёруғ юзлар,
Жуш урар ғайрат гулғун ёноқларда.

Илғорлар илғорисиз бугун яна,
Ғолиблар ғолибисиз қадрдонлар.
Кучингизни намойиш қилмоқдадир
«Оқ олтин»дан уйилган зўр хирмонлар!

16 октябрь, 1971 й. Фарғона.

ПАХТАЗОР АРСЛОНИ

*Фарғона области, Ўзбекистон районидаги Ғафур
Ғулом номи колхознинг дондор бригада бошли-
ғи Тўйчи ота Ҳамроқуловга*

Одамга сиртдан баҳо бериш хато,
Ким қари, ким ёш — меҳнат билдиради.
Ҳамма гап инсонларнинг меҳнатида,
Дерлар, меҳнат тоғни ҳам жилдиради.

Ким қари дер йигитнинг ишин қилса
Етмишга яқинлашиб қолган киши!
Одамга тўғри баҳо бериш учун
Тарозу булар унинг қилган иши.

Гарчи оппоқ бўлса ҳам соқоллари
Қари деб айтишликка тилим бормас.
Планни ўринлабди шу кифоя,
Ортиқча таърифларга сира зормас.

Хушчақчақ, юзларида нур ёғади,
Йигитлардай серсавлат, қадди расо.
Шу боришда, уйлайман, юздан ошар,
Ҳали-бери олмагай қўлга асо.

Кўпларга ўрнак булар, ҳиммати зўр,
Ишига қойил қолдим миришкорнинг.
Олқишлаб отахонни чин юракдан,
Атадим арслони деб пахтазорнинг!

16 октябрь, 1971 й. Фарғона.

ЯНГИ ЙИЛ ҚЎШИҒИ

Баҳор жилвасими, тонг жилосими,
Дилга севинч солган янги йил туни?
Узоқларга боқиб қулоқ соламан,
Янграб эшитилар истиқбол уни.

Истиқбол қўшиғи барала янграб
Оламга жар солар янги зафардан.
Асримиз ғалаба юклаган карвон,
Тўхтармиди карвон қутлуғ сафардан?

Баҳорга ухшайди биз борар манзил,
Тонг қиёфасида кўринар кўзга.
Коммунизм номи келар даставвал
Дунёни мадҳ этиб лаб очсам сўзга.

Коммунизм ишқи юрагимизда,
Меҳнат қилар халқим шу ғоя учун.
Қуёш бўлиб боқдик, юксалдик мудом
Ленин ғоясининг кўрсатиб кучин.

Дўстлар, мунаввардир келажагимиз,
Кўзлардаги ишонч, матонат шундан!
Олам яшаради, дунё безанар
Тинчликни мадҳ этиб янграган ундан.

Косагул, қадаҳ тут: келажак учун,
Бахт учун оқ ичай, сипқарай бутун!

Дўстлар даврасида соғу саломат
Ўзимни бахтиёр сезаман бу тун!

Косагул, қадаҳ тут, қаҳрамон халқим,
Шонли Ватанимнинг бахтига ичай!
Дўстлар, маъзур тутинг, айби йўқ бугун
Мисли шалоладек қуйилса ҳам май!

Улуғ партиянинг эзгу гоёси
Бизга мадад берар ёруғ йўлларда.
Янги йилимизни ардоқлаб, қутлаб
Бахт майи чайқалар голиб қўлларда!

11 ноябрь, 1971 й.

ТАСАННО!

Ёшлик сочларимни, юзимни,
Вужудимни тарк этдинг, аммо,
Юрагимни тарк этганинг йуқ.
Шунинг учун сенга тасанно!

Юрагимни тарк этсанг агар,
Ижод қилиб булар эдимиз?
Сен боғбони булган чаманнинг
Чечаклари сулар эдимиз?

Ёшлик, сенга минг бор тасанно,
Юрагимда қолдинг умрбод.
Ёшлик билан шеърят гуллар,
Ёшлик билан биргадир ҳаёт...

24 сентябрь — 12 ноябрь, 1971 й.

ЮЗЛАРИМГА БОЌИБ...

Юзларимга боқиб ҳайрон бўларсан,
Ёшликдан асар ҳам қолмаган юзда.
Бу табиий бир ҳол: баҳор, ёз ўтиб
Хазон резгилиги бошланар кузда.

Танамни, чеҳрамни тарк этди ёшлик,
Фақат юрагимни тарк этолмади.
Қанча уринмасин кетишни чоғлаб,
Ўрганган жойидан ҳеч кетолмади.

Ёшликни юзимдан ахтариб юрма,
Ёшлик юрагимда, ёшлик шеъримда.
Қалбимнинг ёшлиги, хушчақчақлиги
Айт-чи, дўстим, шубҳа уйғотар кимда?

Агар юрагимни тарк этса ёшлик
Дарҳол билинади қариганлигим.
Дилда ёшлик қўри бор экан ҳали
Мени қариди деб айтолмас ҳеч ким!

Бахтим шу: юзларим сарғайса ҳамки,
Юрагимда кўклам, ёшлик баҳори.
Токи ёшлик ҳамроҳ экан юракка
Сайрашдан тўхтамас шеърят тори...

12 ноябрь, 1971 й.

ТАБИАТНИНГ УЙИНИ

Табиатнинг ўйини қизиқ,
Бунга мисол кўкарган ёғоч:
Қийим кийиб ёзда, иссиқда,
Қишда эса бўлар яланғоч...

15 ноябрь, 1971 й.

ИНСОН ЗАКОВАТИ

Кечаги чўл бугун гулистон,
Тамом ўзгарибди бу ерлар.
Меҳнат қилар бунда «тангри»нинг
Хатосини тузатган эрлар.

«Тангри» чўлни «яратган» бўлса
Инсон уни, «тахрир» қилибди.
Чўл ўрнида бўстон бўлишни
Доно инсон афзал билибди.

Яшасин оламга эсб берган
Инсондаги заковат, идрок!
Бўстон бўлар минг йиллик чўл ҳам
Меҳнат ҳалол, ният бўлса пок!

16 ноябрь, 1971 й.

ЧИНОР

Савлат тўкиб туради чинор,
Ҳавас билан қарайман унга.
Бўйи баланд, ҳаммадан аввал
Салом берар тонг чоғи кунга.

Довулларда аста тебранар
Афсонавий паҳлавонсимон.
Буй чўзганда қаддини ростлаб
Тор келгандай бўлади осмон.

Ун қулоч ҳам етмас белига,
Барги қалин, кумуш тан, сершоҳ.
Ойдин тунда бошига келиб
Қушдай қунар бутун бошлиқ моҳ...

Юз кишита соябон бўлар
Саратонда серсоя чинор.
Чиқсанг етар юлдузга қўлинг,
Чинор — кукка туташган минор.

Юз ёғочга барг бўлар барги,
Битта дарахт ҳар битта шоҳи.
Тоғлар билан бўй ўлчар мағрур,
Чўққиларда доим нигоҳи.

Яшил тўнни ечкиси келмас,
Япроғини кечроқ тўкади.

Кузда унинг олтин кифтига
Оқшом қуёш келиб чўкади.

Унча-мунча бўрондан қўрқмас,
Тўпиғидан келмайди селлар.
Ажиб бир манзара касб этар
Баргларини ўйнатса еллар.

Беш қиррали олтин барг сонсиз,
Инган каби юлдуз галаси...
Чақмоқ силаб ўтар манглайин,
Сочин ювар баҳор жаласи.

Фойдаси кўп инсонлар учун,
Яшил бойлик дейдилар уни.
Бекорга тилашмас кексалар
Йигитларга чинор умрини.

Аъло бўлар чинор тахтаси,
Чинор сандиқ азалдан машҳур.
Мўъжизага айланар унда
Узоқ йиллар қуёш тўккан нур.

Умри узоқ бўлар чинорнинг,
Дарахтларнинг норидир чинор.
Хавасимни келтириб доим.
Савлат тукиб турар пурвиқор.

Тақлид қилгим келар чинорга,
Орзу учун айбламас ҳеч ким.
Жуда хоҳлар эдим, ўхшаса,
Ҳеч бўлмаса умрига умрим...

9—16 ноябрь, 1971 й.

СЕҲРГАР

Сеҳргар бор деса ишонмас эдим,
Сени учратдиму энди ишондим,
Сеҳргар экансан, сеҳрлаб олдинг,
Севгингга тутилдим, ишқингда ёндим.

Ипсиз боғлаб олдинг бир қиё боқиб,
Қўлингга туширдинг мени тузоқлаб.
Қўлдан олиб қўйдинг ихтиёримни,
Энди кетолмайман сендан узоқлаб.

Менда ихтиёр йўқ энди, жонгинам,
Бутун ихтиёрим сенинг қўлингда.
Шу ёққа бораман қайга бошласанг,
Умримни сарф этиб сенинг йўлингда.

Узоқларда бўлсам висол умиди
Менга далда берар, менга жон берар.
Яқинингда бўлсам висол лаззати
Дилга сигмайдиган ҳаяжон берар.

Ахир, одам тирик ҳаяжон билан!
Сунар ишқ ўтида ёнмаса юрак.
Бахтли бўлармидим, ўзинг айт, жоним,
Севги лаззатига қонмаса юрак!

Тақдиримдан сира хафа эмасман,
Хурсандман шу кўйга тушганлигимдан.

Аминман сенинг ҳам юрагинг нотинч,
Кузатиб юрибман билдирмай зимдан...

Мени алдаганинг алдаган, жоним
Сенда инсоф деган нарсa йўқ экан.
Лабингга лаб қўйсам икки гилос деб,
Лабимни куйдирди — икки чўғ экан!..

Сеҳргар бор деса ишонмас эдим,
Сени учратдиму энди ишондим.
Бир қарашингдаёқ сеҳрлаб олдинг,
Севгинг оловида ловиллаб ёндим...

30 май — 17 ноябрь, 1971 й.

СЕНИ ИЗЛАБ...

Сени излаб гулзорга кирдим,
Сен йўқ эдинг, ҳувиллар гулзор...
Келишингга ишонган эдим,
Шу эдими ваъдаларинг ёр?..

Тополмадим ахтариб сени,
Мени ташлаб кетибсан йироқ.
Жуда оғир билсанг, гўзалим,
Куз пайтида юз берган фироқ.

Сенсиз яшаш мушкулдир менга,
Излаб сени бир кун топарман.
Дарагингни эшитдимми, бас,
Орқангдан ҳарсиллаб чопарман.

Бор эканми бошқа иложим?
Сенсиз яшаш жуда ҳам қийин.
Ҳозир сени топа олмасам,
Умидворман, топарман кейин...

Сени излаб гулзорга кирдим,
Гулзор сенсиз бўм-бўш, ҳувиллар...
Хазон титиб бор ўртасида
Аллақандай қушлар чувиллар.

Қулогимга кирмас шовқинлар.
Чунки бутун хаёлим сенда.
Бутун умр сени излайман,
Бошқа илож бормиди менда?..
10 ноябрь, 1970—17 ноябрь, 1971 й.

КУК ЧОЙ

(Ҳазил)

Йук, биродар, мен ҳам ичаман...
Аммо, менинг ичганим кук чой!
Докторларнинг айтишларича
Кук чой жуда витаминга бой!

Фойдаси кўп саломатликка,
Кук чой бўлар минг дардга даво.
Кук чой зарур тирик одамга
Мисоли сув, мисоли ҳаво!

Кук чой ичинг, яхши доғ бўлиб,
Каҳрабога айланганида.
Кук чой дарҳол қувиб чиқармиш
Иллат бўлса инсон танида.

Ҳеч ичимлик чанқов босишда
Тенг келолмас кук чойга асло.
Кук чой берар, мириқиб ичсанг,
Танга роҳат, дилга тасалло.

Шошилмасдан ҳўплаб-ҳўплаб ич,
(Бу ишда ҳам лозим маҳорат!)
Чўллаб келиб саратон пайти
Яхнасини шимирсанг роҳат!

Меҳнат қилиб чўллаганда ҳам
Чой ичарсиз, дўстим, ҳойнаҳой.

Дейдиларким, «йиғлаб кўришар»
Ёғлиқ палов орқасидан чой!

Мойдек ёқар оғзингга кўк чой,
Тахир бўлса ҳамки мазаси.
Агар палов ҳазм бўлмаса,
Кўк чой ичинг — шудир жавзаси!

Бир пиёла кўк чой бўлса бас,
Шароб тутманг, ичмайман, узр.
Ҳа, биродар, ёш қайтиб қолган,
Кўк чой ичиб қиламан ҳузур...

Кўк чой дори танангга, кўк чой
Чанқоғингни босади дарҳол.
Ҳа, кўк чойнинг фойдаси, дўстим,
Эл оғзида купдандир мақол.

30 январь, 1961—21 ноябрь, 1971 й.

САТАНГ

(Баъзи бир қуйилмаган сатанларга)

Сочнинг оқини-ку, буярсан, аммо,
Юздаги ажиъни нима қиласан!
Упа-элик билан ўтган умрни
Қайтариб бўлмайди, яхши биласан.

Модомики шундай экан ҳақиқат,
Сипороқ кийингин ёшингга қараб
Элга кулки бўлиб юрма-да, ахир,
Минг хил қиёфада сочингни тараб!

Анвойи қилиқлар билан килтиллаб
Беҳуда уринма ёш бўламан деб.
Масхара бўласан, даъво қилмагин
Навқирон ёшларга бош бўламан деб.

Демасин одамлар калака қилиб:
Қариликни асло бўйнига олмас,
Ёши фалон ерга бориб қолса ҳам
Қилтиллаб, йилтиллаб модадан қолмас!

Кипригинг бўялган, лабинг бўялган,
Юзингга чапланмиш упа, минг хил мой.
Барибир фойдасиз, минг уринмагил,
Барибир қайтмайди аввалги чирой!

Буяма сочингнинг оқини, хоним,
Эларо беҳуда таъналардан қоч!

Жуда ҳам ярашар нуроний юзга
Вақтида кумушдай жилоланган соч!

Ўзингни ёш килиб кўрсатаман деб,
Беҳуда уринма, фойдасиз, йиллар —
Ўз ишини қилар сендан сўрамай,
Буни жуда яхши билар оқиллар...

9 сентябрь, 1961—22 ноябрь, 1971 й.

МУНОФИҚ

Шеър уқимайди, аммо, шеърдан
Суз очса очилган жағи ёпилмас.
Минг йиллик тарихни ахтариб қара,
Бундай мунофиқнинг мисли топилмас!

Узини ҳисоблар жуда билағон,
Алломан замон, каттакон олим.
Аммо, шеър боғига қадам қўйдими,
Шеърятни пайхон қилади золим!

Баъзан хўп сайрайди шеърни мақтаб,
Гуёки у булбул, кўзлари гулда!
Аммо тама ётар мадҳ замирида,
Мақсади пул унинг, хаёли пулда...

30 август, 1966—23 ноябрь, 1971 й.

ЧУТИР КАМПИР...

(Ярми ҳазил, ярми чин)

Минглаб ғазалларда, минг йилдан бери
Ойга ўхшатилар эди ғўзал ёр.
Энди сабил қолди минг йиллик мадҳлар,
Минг йиллик таърифлар, ташбиҳлар бекор!

Чехрасига нурни, ғўзалликни ой
Кечаси қуёшдан қарзга олармиш.
Кундузи қарзини қайтариб бергач,
Ранги учар эмиш, нурсиз қолармиш.

Бизга ғўзал бўлиб кўринган кўкда
Аллақачон сўнган совуқ тош эмиш.
Бизни ойдин тунда маҳлиё қилган
Аслида кўримсиз бир қоқбош эмиш...

Сиз ҳам мақтангансиз, мен ҳам мақтадим,
Ой тўлишганида шайдоси бўлиб.
Ойга боққанимда ёрни эслардим,
Ҳаяжонга тушиб, шодликка тўлиб.

Ҳа, инсон кўзига кўкда оймома
Ќўзал кўринарди тўлган фаслида.
Аммо, космонавтлар кўриб тушишди:
Чўтир кампир экан, шўрлик аслида...

26 ноябрь, 1971 й.

ВАФОЛИ ЁР ЭРУРМАН...

Вафоли ёр эрурман, сен ҳам менга вафо қил.
Берсам тариқча озор, сен ҳам менга жафо қил.

Урнингни ёрга бер деб, кўкдан қуёшни ҳайдай,
Юксал қуёш бўлиб сен, кўкда сайри само қил.

Мурувват айла менга, кўрсат менга саховат,
Сен бахтиёр эрурсан, бахтингга ошно қил.

Хуснингга боққанамда ақлу ҳушим йўқолса,
Келтир ҳушимга дарҳол кўзинг билан имо қил.

Ҳар қанча ишва бўлса кўрсат ўзимга, жоним,
Шарму ҳаёни сақла, бегонадан ибо қил.

Васлинг билан тирикман, ҳажрингга тоқатим йўқ,
Ҳажрингда ҳаста бўлсам васлинг билан даво қил.

Ошиққа бўса берса маъшуқаси, хатомиш,
Бўсангга қонганим йўқ, ҳар дамда юз хато қил.

Лабинг лабига текса уликка жон кирармиш,
Лабингни қўй лабимга жонсизга жон ато қил.

Хурсанд бўларди Уйғун, хурсандлигингни кўрса,
Давринг келибди жоним, даврингни сур, сафо қил!

4 февраль — 3 декабрь, 1971 й.

БИР АҶИБ ХИСЛАТ СЕЗАРМАН...

Бир ажиб хислат сезарман мен гўзалнинг нозида,
Севги мадҳи куйланар ул дилрабонинг созида.

Боғда булбуллар тасанно дер қўшиқ айтганда у,
Чунки булбулларга хос мунг бор унинг овозида.

Тингласангиз дилда шодлик мавж урар дарё каби,
Тенги йўқ, лаззат, назокат бор унинг «Шаҳноз»ида.

Интизорман, жонгинам, бир-бир босиб гулшанга кел,
Қолдириб из навбаҳорнинг турфа поёндозид.

Булса имкон ҳамма ҳам қилгай мурувват ўзгага,
Сен сахий бўлсанг мурувват қилгил имкон озида.

Тез билингай ишқибозларнинг баланд-пасти аниқ,
Севги осмонида қилган сайрида, парвозида.

Ўнлари роҳатда ўтгай кексаликда ким агар
Ўилса меҳнат умрининг фасли баҳори, ёзида.

Шоир Уйғун, кўзларинг тўймас гўзалликка сира,
Кўзларинг соҳибжамолларнинг яна таннозида...

17 апрель — 3 декабрь, 1971 й.

БИР ДУШМАН БОР...

Бир душман бор кўзга кўринмай,
Оздиради тўғри йўлингдан.
Иродангни бушаштиради,
Ишлама деб, ушлар қўлингдан.

Карахт қилиб миянгни у шум
Юрагингга муз бўлиб кирар.
Қувватингни олиб пайингни,
Оғу бўлиб қонингда юрар.

Гарданингдан тоғ бўлиб босар,
Бўйнингга ғул, оёққа кишан!
Ким бўйсунса унинг амрига
Оқибати вой бўлар, ишон!

Кимки унинг қўлига тушса
Тинкасини қуритар дарҳол.
У илашса забардаст йигит
Ишдан чиқар мисли қари чол.

«— Ҳеч нарсани ўйлама, ухла,
Умр бўйи танбал бўлиб ёт!
Ҳаёт билан ишинг бўлмасин,
Ҳаёт сенга, сен ҳаётга ёт!

Меҳнат қилма, оғир меҳнатнинг
Азобини башқалар тортсин!

Ишла деса унама, йўқ де,
Ноз қил, қадрү қимматинг ортсин!»

Деб шивирлар қулоғингга у,
Афсуи ўқир, илондек аврар.
Танбалликни, пастликни мақтаб
Зағизғондек шақиллаб жаврар.

У жин эмас, шайтон эмас, йўқ,
У — ялқовлик, қадимдан қолган.
У домига тушган одамнинг
Бошига кўп уқубат солган.

Шалвираган одамини кўрса
Маҳкам ушлаб олар баридан.
Ялқовлик у — янги дунёнинг
Энг ашаддий душманларидан!

Эҳтиёт бўл, дўстим, ялқовлик
Бошларингга чиқиб олмасин!
Ишга тушсин, ғайрат, шижоат,
Ялқовликдан асар қолмасин!

Иродангни қилич қилиб ур,
Газанданинг янчилсин боши!
Тепиб ташла, юрган йўлингга
Ғов бўлмасин касофат тоши!

13 январь, 1962—3 декабрь, 1971 й.

МУҲАББАТ МАДҲИНИ КУЙЛАБ...

Муҳаббат мадҳини куйлаб ҳаваскор этмадингизми?
Табассумлар билан қийғоч боқиб ёр этмадингизми?

Гулу райхону бодом, pista, нору гунчалар ёйиб,
Ҳусн бозорида бизни харидор этмадингизми?

Муҳаббатсиз ҳаётнинг завқи йўқ, шавқи ҳам йўқ деб
Муҳаббат шавқиға доим талабгор этмадингизми?

Баҳам кўр неки бўлса мен билан биргаликда, жоним деб,
Муҳаббат лаззатига бизни ҳамкор этмадингизми?

Умрбод бирга бўлгайман, жаҳонда севганим сенсан
Дебон аввал, бериб ваъда, кейин ор этмадингизми?

Узингиз қилмайин шафқат, бузиб аҳду вафо расмин,
Мени, аҳдингни буздинг деб, гуноҳкор этмадингизми?

Солиб ҳижронга гоҳи, қолдириб ҳижрон азобида,
Жамолингизни бир кўрмак учун зор этмадингизми?

Паришон бўлса аҳволим, эзилсам боиси бордир,
Севиб, эъзоз этиб аввал кейин хор этмадингизми?

Агар мен таъна қилсам ҳақлиман, севгимни рад айлаб,
Кўзимга кенг жаҳонни бир умр тор этмадингизми?

Мени маҳрум этиб севги, саодатдан, ҳаловатдан.
Тунаб боримни мен шўрликни абгор этмадингизми?

Вафо кўрсатсангиз хурсанд, жафоларга чидар Уйғун,
Мени сиз севги завқига талабгор этмадингизми?

24 июль, 1940—9 декабрь, 1971 й.

СЕН КАБИ СОҲИБЖАМОЛНИ...

Сен каби соҳибжамолни кўрмаган ҳеч бир замон.
Бир боқиб ошифта қилдинг ғунча лаб, қоши камон.

Сен қуёшсан қай томондан боқмагил, ҳеч фарқи йўқ,
Мен гиёҳман қайрилиб ҳардам қарайман сен томон.

Дилбарим, севгинг туфайли гуллаган ишқ гулшани,
Учрамай ҳижрон елига қулф уриб, яшнар ҳамон.

Қайда бўлмай доимо ёдимдасен, қалбимдасен,
Гул юзим, бир лаҳза ёнимдан йироқ кетсанг ёмон!

Бир нафас бўлсин висолингдан жудо бўлсам оғир,
Зориқиб ҳажрингда, жоним, бўлмасин рангим сомон.

Сен билан дунёда ўз бахтини топган Уйғунинг,
Жонгинам, бахтимга доим дунёда бўлгил омон!

6 январь, 1968—9 декабрь, 1971 й.

СЕВГИ ИЗҲОР ЭТДИМИ?

Бир умр ёринг бўлай деб, севги изҳор этдим?
Ўзга ёр даркор эмас деб. бошида ёр этдим?

Бошида гулдай юзингга суқланиб, туймай қараб,
Тўлдириб кўнглингга шодлик, дилни гулзор этдим?

Энди оҳинг кўкка етмиш, кўз ёшинг дарёча бор,
Бевафо ҳижронга ташлаб оқибат хор этдим?

Пора-пора айлабон бағрингни золим, бағри тош,
Сенга бўлган ишқидан охир келиб ор этдим?

Гул эдинг, беор ғижимлаб, ерга ташлаб хас каби,
Нурга муштоқ кўзларингга дунёни тор этдим?

Сен билан то ўлганимча бирга бўлгайман дея,
Бошида ичган қасамни энди инкор этдим?

Йиғлама, сен бирла Уйғун унга минг лаънат дегай,
Сендайин бир нозанинни бераҳм хор этдим?

6 январь, 1968—9 декабрь, 1971 й.

ГУЗАЛ ЁР

Гўзал ёр алдама, овора қилма.
Жафо бирлан дилимни пора қилма.

Гўзалликка мислсиз бой эрурсан,
Ўзингни ноўрин бечора қилма.

Менингдек ошиқингга нисбатан сен
Мулойим бўл, дилингни хора қилма.

Агар севсанг мени кўз узма мендан,
Бўлаклар ҳуснига наззора қилма.

Муқаддас ёрга берган аҳду паймон,
Бузиб аҳдни юзингни қора қилма.

Агар ишқингга мен қилсам хиёнат,
Йўқот, дардимга, майли, чора қилма.

Умр борича Уйғун сенга содиқ.
Кечиб мендан дилимни пора қилма.

11 декабрь, 1971 й.

ТОЗА ГУЛСАН

Тоза гулсан, яшнамиш гуллар-ла гулзоринг сенинг,
Жим булар булбул чаманда сайраса торинг сенинг.

Ҳасрату ғамдан асар йўқ, дилларинг тўлган севинч,
Шўх табассум, нозу истигно, сафо коринг сенинг.

Кўз узолмас гул юзингдан боқса гуллар суқланиб,
Эслатар товусни, жоним, боғда рафторинг сенинг.

Ким висолингга етиб, севгинг шаробидан ичар?
Қайси бир барно буларкан бахтиёр ёринг сенинг?

Жонгинам, дарҳол сеҳрлар, ихтиёримни олиб,
Кўзларимга тупса ҳар гал чашми хумморинг сенинг.

Утга солсанг ёнмагайман, сақлагай ишқинг мени,
Тобланур қалбим пулатдек ўртаса норинг сенинг.

Қанча озор бермагил, ишқингга содиқман мудом,
Қайтаролмас мақсадимдан берган озоринг сенинг.

Узга ёрнинг ишқи бордир, балки кўнглингда, бироқ
Қуп замонлар бўлди Уйғун ошиқи зоринг сенинг.

15 декабрь, 1971 й.

ЯНГИ ЙИЛ ТАРОНАСИ

Олтин дарвозангни оч, эй муборак янги йил,
Ғолибларни қабул эт, улар сенга интизор.
Совға-салом келтирдик сенга атаб бехисоб,
Сонсиз олтинларни совға қилди пахтазор.

Шод эрурмиз, жаҳонга гурур билан боқамиз,
Чунки, бутун соҳада ишни дундириб келдик.
Қамолот чуққисига кўтарилиб пайдарпай,
Битта олтин кемани Марсга қундириб келдик.

Сенга яхши совғадир Мурунгов олтинлари,
Сенга совға Чотқолдан баланд пахта тоғлари,
Совғадир Фарғонанинг шойисию атласи,
Бухоро қорақули, Мирзачўлнинг боғлари.

Янги завод, янги уй, янги мактаб, янги кон,
Янги, янги саройлар ҳаммаси биздан тортиқ.
Халқимизнинг меҳнати, муруввати улугдир,
Қилган ишимиз олган вазифалардан ортиқ.

Меҳнат қилдик Ватаннинг ҳусн қўшиб ҳуснига,
Меҳнатимиз туфайли ҳаётимиз фаровон.
Эй, муборак янги йил, олтин дарвозангни оч,
Қучоғингга йўл олди зафар юклаган карвон.

Давом этар ютуқлар янги йилимизда ҳам,
Йишлагани кирамиз муборак қучоғингга.

Обод қилиб, яшнатиб қўл тегмаган ерларни,
Зеб берамиз иш билан янги, янги боғингга.

Ижодимиз юксалар янги чўққилар томон,
Шарафли меҳнат учун қутлуғ майдон бўласан.
Осойишталигингни буздирмаймиз ҳеч кимга,
Тинчлик қушиқларига, эзгуликка тўласан.

Биз ишчимиз, деҳқонмиз, ниятимиз яхшилик,
Ниятимиз ерга қут, инсонга бахт беришлик.
Инсонларни тўйдириш, кийинтириш муддао,
Ҳалол меҳнат туфайли муддаога эришдик.

Дунёнинг тақдири ҳам бизнинг қадоқ қўлларда,
Жаҳонлар тан беради улуғ давлатимизга.
Инсоний ҳаёт, озод яшамак истаганлар
Ҳавас билан боқади шону шавкатимизга.

Тоғдай вазифа юклар бизга янги беш йиллик,
Муқаддас юмушларнинг йўқ асло ниҳояси.
Барча эзгулик, зафар Партия даҳосидан,
Башарга бахт бағишлар партиянинг ғояси.

Қадаҳ кўтаринг, дўстлар, партияни улуғлаб,
Қадаҳ кўтаринг шонли халқимизнинг бахтига!
Тинчлик, бахт учун кураш муқаддас бурчимиздир,
Тинчликсевар халқимиз содиқдир ўз аҳдига!

Халқимизнинг қудрати, заковати туфайли
Саҳро, чўллар гул очиб яшаради янгидан.
Қадаҳ кўтаринг, дўстлар, омонлик, соғлик учун,
Янграсин арзу само қадаҳлар жарангидан!

Олтин дарвозангни оч, эй, муборак янги йил!
Ишга шайланган халқим эшигингни қоқмоқда.
Шодлик тўла кўнглимиз, ишонч тўла қалбимиз,
Кўзимизга келажак қуёш бўлиб боқмоқда.

27 декабрь, 1971 й.

ЖОҲИЛ, САЖДА ҚИЛМА!

Жоҳил, йўқ тангрига ёлвориб, йиғлаб,
Сажда қилаверма ерга бош уриб!
Оламда муҳайё нимаки бўлса,
Еруғ оламга боқ ўрнингдан туриб!

Инсоннинг идроки, фаннинг қудрати,
Бузган жаҳолатнинг кўҳна қасрини.
Сен минг йил нарида мудрайсан ҳамон,
Инсонлар бошлади космос асрини!

На таягри, на шайтон, на инсу жинс бор,
Буларнинг ҳаммаси уйдирма, ёлгон!
Булар нодонларни лақиллатгали
Чиркин мерос бўлиб эскидан қолган.

Жаҳолат, нодонлик ҳукмрон бўлган
Ўтмишнинг қоронғи суқмоқларида,
Инсон узоқ йиллар адашиб юрди,
Калтакланиб «тақдир» тўқмоқларида.

Табиатнинг турфа ўйинларини
Курганида ҳайрон қоларди инсон.
Аянч аҳволига нажот ахтариб,
Ўзини ҳар кўйга соларди инсон.

Гоҳ ожиз кўзини осмонга тикиб,
Мадад ахтарарди кўкдан, қуёшдан.

Гоҳ ўз қўли билан йўниб, тарошлаб,
Тангри ясар эди ёғочдан, тошдан.

Инсон тасаввури ва ҳаёлида
Яралган тангрилар саноқсиз, сонсиз.
Баъзиси осмонда, баъзиси ерда,
Баъзиси жонлигу баъзиси жонсиз.

Ҳукизга сиғиниб, ўтга топиниб,
Илонни муқаддас деганлар ҳам бор.
Аммо, тангрилардан ёрдам ололмай,
Бахти қора инсон бўлар эди хор.

Янги бир пайғамбар чиқар эди-ю,
Пайдо бўлар эди бир дин янгидан.
Адашган, алданган, жоҳил умматлар
Ҳалок бўлар эди динлар жангидан.

Ҳар дин яратарди ўз худосини,
Етмиш минг пайғамбар ўтган дейдилар.
Мунофиқ руҳоний, айёр роҳиблар,
Ғариблар нонини алдаб ейдилар!

Мазҳаблар жанжали, динлар талоши
Халқлар орасига тафриқа солди.
Заҳарланган эллар дин афюнидан
Тараққий йўлида орқада қолди.

Дин инсон ақлининг, фаннинг душмани,
Динлар замирида ётар ғараз, кин.
Жордано Бруно, Улугбек каби
Фан юлдузларини ҳалок этган дин.

Салиб юришлари, ғазавот минг бор
Ларзага келтирди арзу самони.
Диний қирғинларнинг оқибатида
Дарё бўлиб оқди шаҳидлар қони.

Шунча алданганнинг етар, энди бас!
Йўқ тангрига сажда қилма бош эгиб!
Дин ҳомийларининг валақлашлари
Безор қилмадими, жонингга тегиб?!

Сажда қилгинг келса инсон ақлига,
Инсон идрокига сажда қил — жоиз!
Оламга саодат, тинчлик бахш этиш
Инсоннинг қўлидан келар юз фоиз!

Инсон бахт топади ўз меҳнатидан,
Оламни безайди қудратли меҳнат!
Борди-ю, дунёда жаннат яралса,
Инсон меҳнатидан яралар фақат!

Йўқ тангрига сажда қилма, фойдасиз,
Кутиш мумкин эмас ғойибдан эҳсон!
Инсонни яратган худо эмас, йўқ,
Аксинча худони «яратган» инсон!

13 январь, 1962—3 январь, 1972 й.

ИНСОН ОРЗУСИ

Жаннат уйдирма гап дейдилар, аммо,
Замирида инсон орзуси ётар.
Саҳрода чуллаган ғариб йўловчи
Бутана сувни ҳам шарбат деб тоғар...

Дунёни гулистон қиёфасида
Кўрмак истар эди яланғоч инсон.
Нозу неъмат тўлса дунёга дерди
Бир бурда нонга зор ва муҳтож инсон.

Истарди озодлик, эркин муҳаббат,
Эрки, муҳаббати топталган одам.
Қумсарди шодликка тўлган кунларни
Елкасидан тоғдай босганида ғам...

Орзуга айб йўқ, дейди донолар,
Орзу-умид билан яшайди башар.
Гарчи ошмаса ҳам амалга умид
Дунёда инсоннинг орзуси яшар.

Ўтмишда эзилган, хўрланганларни
Бир оз юпатгандай бўларди рўё.
Жаннат — оч, яланғоч, хор инсонларнинг
Орзу, хаёлида яралган дунё...

29 октябрь, 1965—3 январь, 1972 й.

ОҚШОМГИ ТУЙГУЛАР...

Пойтахт устига оқшом чўкади,
Кўкда бирин-кетин юлдузлар сунар.
Нур сочар боғларга аста тулин ой —
Самовот шифтига осилган фонарь...

Хилватга айланар ошиқлар учун
Кундузги сершовқин, гавжум чаманлар.
Чироқлар нурида ажиб товланиб,
Ёнига чорлайди анҳор томонлар...

Сайр этишар аста анҳор бўйини,
Кулиб, шивирлашиб йигитлар, қизлар.
Бир-бирига севги изҳор қилишиб
Оқшом оғушида бахтини излар...

Қадам ташлашади қизлар саллона,
Ноз билан эшилар камалак беллар.
Гул ҳиди тарқалар алақайлардан,
Келтирмоқдамикан югурдак еллар?..

Йигит ўз ёрига арзи ҳол айтар,
Қўли севганининг нуқра бўйнида.
Булбул нола қилар ишқини сузлаб,
Ноласи янграйди оқшом қўйнида.

Гуллар япроғини қайириб олди.
Гунчалар баргига бош қўйиб мудрар.

Богдаги дарахтлар хаёлга толди.
Ой нур этагини оҳиста судрар...

Атрсфга кўз ташлаб хурсанд бўламан
Мени қуршаб олар эзгу ҳиссиёт.
Умр ўтган сари яна ҳам гузал,
Яна ҳам жилвагар кўрнар ҳаёт...

Ёшларга қарайман ҳавасим келиб,
Ёшлик: эсга тушар ёшларни кўрсам.
Кошки эди дунё бир айланса-ю,
Қайтадан ёшликнинг завқини сурсам.

Гуллаган оламга суқланиб қараб,
Бахтиёр авлодга хурсанд боқаман.
Ҳар қалай, азизим, тирик эканман,
Ҳаёт селобида мамнун оқаман...

2 февраль, 1967—11 январь, 1972 й.

РАСАДХОНА ЁНИДАГИ УЙЛАР...

I

Самарқанднинг соф ҳавосидан
Нафас олиб турибман яйраб.
Менга ўхшаб ухлამас булбул,
Жағи тинмас тун бўйи сайраб.

Расадхона ёнида туриб
Улуғбекни эсга оламан.
Осмон тўла чақнаган юлдуз,
Ҳайрат билан назар соламан.

Ҳа, азизим, шу юлдузларга
Улуғбекнинг нигоҳи тушган!..
Тиниқ осмон бағрида аста
Ой сузади, расо тўлишган.

Бу ойни ҳам кўрган Улуғбек,
Балки, худди шу ерда туриб.
Тонг оттирган бунда неча бор
Фан бобида режалар қуриб.

Ўзи қурган расадхонадан
Юлдузларнинг сайрин кузатган...
Ҳақиқатни излаб қўлини
Сайёралар томон узатган...

II

Ойдин кеча, юлдузлар қарар,
Коинотнинг сонсиз кўзлари.
Кўкка боқсам ёдимга тушар
Улугбекнинг доно сўзлари:

«Эркакка ҳам, аёлга ҳам фарз
Баҳра олмоқ илм наҳридан.
Фахр бўлмас дунёда улуғ
Доноларнинг топган фахридан».

Йўқ тангридан нажот ахтариб,
Руҳонийлар тушганда чўкка,
Юлдузларнинг сирин очғали
Кўз тикди у неча йил кўкка.

Илм эҳромида турибди
Улугбекнинг машҳур жадвали.
Ўтса ҳамки, беш юз йил у зиж
Фан қўлидан тушмаган ҳали.

Юлдузларга қадар кўтардик
Ҳурматингни, қадрингни бобо!..
Расадхона ёнида ўйнар
Гул атрини тарқатиб сабо...

III

«Зижи курагони» мунажжимларнинг
Қўлидан ҳали ҳам тушган эмас, йўқ!
Унинг фан бобида айтган сўзлари
Хурофот кўксини тешиб ўтган ўқ!

Ўзи ўлдирилган, ўзи йўқ, аммо,
Шуҳрати оламини кезиб юрибди.
Унга ҳайкал бўлиб расадхонаси
Кўкка қад кўтариб, мағрур турибди.

Қотилларга доғдир, доғ бўлиб қолар,
Мирзо Улуғбекнинг тўкилган қони!
Бугун фан шуъласи, маърифат нури
Қоплаб олди бутун арзу самони!

Авлодлар меҳнати билан доимо
Давом этажакдир олимнинг йўли.
Фан машъали бўлиб нур сочар ҳамон
Улуғбекнинг кўкка чўзилган қўли...

13 октябрь, 1970—11 январь, 1972 й.

ЯХШИЛИК

Нима қилиш кераклигини
Тушунтириб ўтирма менга.
Яхшилик қил қўлингдан келса,
Раҳмат десин одамлар сенга.

Хар бир киши ишига қараб
Халқ олдида баҳосин олар.
Бу дунёда авлодлар учун
Яхшилардан яхшилик қолар.

Яхшиликсиз яшай олурми,
Виждони пок, ҳақиқий одам?!
Яхшиларнинг яхши ишидан
Яшаради, гуллайди олам!

Жуда ҳам савоб иш дейдилар
Яхшиликни яхшироқ билиш.
Олижаноб фазилат эрур
Инсон учун яхшилик қилиш.

Яхшиликни ҳимоя қил деб,
Ҳаёт талаб қилади биздан.
Яхшиликка қасд қилган ёвуз
Ҳалок булар ғазабимиздан.

Дунёга келдингми, вазифанг
Одамларга яхшилик қилмоқ.

Яхшиликсиз ҳаёт йўлида,
Мумкин эмас илгари жилмоқ!

Бахил бўлма, чунки, бахиллик
Қора доғ бўлади кишига.
Ҳеч бўлмаса хурсанд бўла бил
Яхшиларнинг яхши ишига.

Нима қилиш кераклигини
Тушунтириб ўтирма менга.
Яхшилиқ қил қўлингдан келса,
Раҳмат десин одамлар сенга!

10 февраль — 27 март, 1972 й.

ЯНА БАҲОР КЕЛДИ

Мана, баҳор бошланганидан
Дарак берар қушларнинг уни.
Юрагимни ларзага солиб,
Босиб келар севинч тўлкини.

Асабларим расо тортилган,
Худди тамбур торидай таранг.
Тугён урар ҳислар, туйғулар,
Ҳаяжонни босаман аранг.

Ҳар товушга қулоқ соламан,
Ҳозир бутун вужудим қулоқ.
Навбаҳордан ҳикоя сузлаб,
Ёнбағирда чулдирар булоқ...

Баҳор келди, момагулдирак,
Тўйни бошла, ногорангни чал!
Қани, гуллар, рақсга тушинг!
Қани, булбул, найни қўлга ол!

Базмингизни жуда согиндим,
Муштоқ эдим жамолингизга.
Елпиб ўтинг, бир роҳат қилиб,
Юзни тутай шамолингизга!

Қилич бўлиб урил, эй, чақмоқ,
Булутларнинг сўкилсин чоки!

Кумуш томчиларни шимириб
Гул очади қирларнинг хоки.

Қани, шамол, алгов-далғов қил,
Лопиллатиб ўйнат булутни.
Баҳор ёмғиридан деҳқонлар
Кутишмоқда барака, қутни...

Баҳор келди, момагулдирак
Кук тоқида ноғара чолар.
Машғал бўлиб ёқилар чақмоқ,
Абри найсон авжига олар...

7—27 март, 1972 й.

БАҲОР ШАМОЛИГА

(Ҳазил)

Қасдинг борми менда, тўхтамай
Эшигимни қоқасан, шамол!
Ахир, тонг ёришиб қолди-ку,
Мени тинч қўй! Ўзинг ҳам дам ол!

Маълум бўлди, баҳор шамоли
Тиним билмас қайсар экансан.
Гувуллаб, гувуллаб, увуллаб,
Тўхтамасдан вайсар экансан.

Қўшни томнинг тунукасини
Тарақлатиб кўчириб кетдинг.
Шўхлик қилиб момо кампирнинг
Рўмолини учуриб кетдинг,

Ғазаб билан ғижирлатасан
Ҳам дераза ҳамда эшикни.
Тортинмайсан уйга киришдан
Топиб олсанг бирор тешикни.

Тўс-тўпалон, ҳамма ёқ ифлос,
Қуюн бўлиб кўтарилар чанг.
Дарахтларнинг жонига тегдинг,
Қийнашингдан новдалар тажанг.

Бўлди, энди, бас қил ўйинни,
Деразамни қоқмагил, шамол!
Ахир, тонг ёришиб қолди-ку,
Мени тинч қўй! Ўзинг ҳам дам ол!

27 март, 1972 й.

ЎЗГУ ИШНИНГ ЗАВОЛИ БЎЛМАС

Якун ясар умрига ҳар ким,
Ҳисоб берар қилган ишидан.
Бирор нишон қолар дунёда
Ўз қадрини билган кишидан.

Донолардан яхши суз қолур,
Олимлардан илм, кашфиёт.
Яхши иш қолади бировдан,
Бировидан қолар яхши от.

Меҳр билан қилинган меъмор
Устасини эслатиб турар.
Шоир шеъри, бастакор куйи
Жаҳон бўйлаб айланиб юрар.

Бировдан боғ қолур, бировдан
Чиқарилган ариқ қолади.
Санъат билан ишланган ҳайкал
Мангуликдан урин олади.

Меҳнаткашнинг ҳалол меҳнати
Ҳаёт билан умрбод йўлдош.
Улуғ Ленин яратган ғоя
Авлодларга ҳамиша қўлдош.

Мангу яшар инсон қалбида
Ўзгу меҳр она-Ватанга.

Ном қолдирган талай қаҳрамон
Озодлик деб кирганда жангга,

Ишчининг шуҳрати абадий,
Ҳунарманднинг ҳунари ўлмас.
Бирор эзгу иш қил умрингда,
Эзгу ишнинг заволи бўлмас.

27 март—24 апрель, 1972 й.

МАЙ ТАРОНАСИ

Табиатнинг чехрасида табассум,
Гулдан либос кийди яшил дарахтлар.
Сахий қуёш нур сочади юксакдан,
Дарёларнинг юзи нурда ярақлар.

Гўзалликка макон бўлди чаманлар,
Гулистонлар оро берар ўзига.
Май тонгида мамнун боқар инсонлар,
Олам гўзал кўринади кўзига!

Кўчаларда, майдонларда намойиш,
Кўшиқ янграр гул сочилган йўлларда.
Илгарига борар шонли халқимиз,
Гўзал Майнинг ол байроғи қўлларда.

О, гўзал Май, тинчлик, меҳнат байрами,
Яна келдинг қучоқ-қучоқ гул билан.
Меҳнатсевар, тинчлик севар, голиблар
Қарши олар сени қувноқ дил билан.

Бугун яна гўзаллашган Ватаним,
Кўз-кўз қилар чиройини оламга.
Бизнинг ўлка тинчлик, меҳнат ўлкаси,
Шонли меҳнат бахт беради одамга!

Бутун дунё қойил қолиб келмакда
Ўлкамизнинг қудратига, кўркига.

Бу ўлкада яшаганлар армонсиз,
Эга эрур ўз бахтига, эркига.

Аммо, ҳали чет элларда бахтсизлар,
Тинчлигини йўқотганлар жуда кўп,
Одамларнинг тинчлигини бузмоқда
Белфастдаги отилган ўқ, бомба, тўқ.

Қора юрак, тубан хулқли ирқчилар
Таҳдид қилар мард Девиснинг жонига,
Беламакда Вьетнамнинг тупроғин
Болаларнинг, оналарнинг қонига!

Исроиллик муттаҳамлар арабнинг
Тупроғини оёқ ости қилмоқда.
Виждони йўқ, юзи қора аблаҳлар
Ҳақсизликни ҳақиқат деб билмоқда.

Бомба ташлар Вьетнамнинг бошига
Зуравонлар, пентагонлик қузғунлар.
Ҳалок бўлсин дейди, олам бомбадан
Ёвуз ният бузуқчилар, бузғунлар.

Тинчлик севар, пок виждонли одамлар
Урушларнинг даҳшатига чек қўйинг!
Қабиҳларнинг ушланг қонли қўлидан,
Золимларнинг ваҳшатига чек қўйинг!

Қизил байроқ ҳилпиратган гўзал Май
Озод яшаш, тинчлик шодлик шиоринг.
О, эзгу Май, меҳнаткашнинг байрами,
Хазон билмас сенинг мангу баҳоринг!

29 апрель, 1972 йил.

ШОД УТАР ҲАР БИР ДАҚИҚАМ...

Тўлдириб хонамни ҳар гал дўстларим бўлганда жам,
Шод утар ҳар бир дақиқам, бўлмагай қалбимда ғам.

Кўрмагайман, дўстларим, сизга ёмонликни раво,
Сизга қилмайман хиёнат жондин айрилганда ҳам.

Дунёда сиз деб юрибман, бўлмайин сиздан жудо,
Тушмасин қалбимга ташвиш, босмасин кўзларни нам.

Мен, агар, дўстларга лойиқ бўлмасам, раҳм этмангиз,
Мустаҳиқ айланг жазога ўтмасин, беҳуда дам.

Дўстларинг борида, дўстим, ет уларнинг қадрига,
Чунки, дўстлардек қадрдон, меҳрибон дунёда кам.

Дўстларинг ёнингда юрса дил бўлар шодликка кон,
Дўстдан айрилсанг юракни ўртагай чексиз алам.

Ишқимизга тушмасин доғ, севгимизни сақла пок,
Бир умр ёнимда қолгил менга дўст бўлсанг санам.

Оз эрур дўстликни тавсиф этгали ҳар қанча сўз,
Эзгу дўстлик ҳиссини мадҳ этмаса синсин қалам!

Дўстларим кўп бахтлиман, дунёда ёлғизлик ёмон,
Шод утар ҳар бир дақиқам дўстларим бўлганда жам.

12 май, 1972 й.

КЕТОЛМАЙМАН ЁНИНГДАН...

Хафа қилдинг бир кун аямай,
Шунда туйиб кетдим жонимдан.
Жаҳл билан кетаман дедим,
Аммо, кетолмадим ёнингдан.

Кетолмаслигимни биласан,
Шунга қараб муомала қил.
Чидай олмай кичик зарбангга
Чил-чил бўлиб синиб кетар дил...

Биласан-ку, синган чиннини
Бутун қилиб бўлмайди қайтиб.
Жоним, менга ёмон қарама,
Хафа қилма чакки суз айтиб.

Ахир, сенсиз яшашим қийин,
Мурувват қил менга, жонингдан.
Қанча азоб берма барибир
Кетолмайман асло ёнингдан...

1—17 май, 1972 й.

ШОНЛИ ЎЛКА

Элик ёшга кирган ўлканинг
Ҳашаматли тўйи бошланур.
Шу ўлкадан юксалар порлаб
Дунёмизга жило берган нур.

Озодликнинг макони бу ер,
Бу ўлкада ҳақиқат гуллар.
Бу ўлкада кўпдан ҳокимдир
Ўтмишдаги ҳуқуқсиз қуллар.

Улуғ Ленин даҳоси билан
Ҳаёт тушди янги бир изга.
Бахту-толе ато қилмишдир
Шонли ўлка ҳар биримизга.

Қудратимиз урушларга сад,
Меҳнатимиз оламини безар.
Жаҳон бўйлаб қуёш синггари
Ўлкамизнинг шуҳрати кезар...

Шарқдаги, ғарбдаги йўқсуллар
Бизга боқар нажот ахтариб.
Ҳа, биз нажот юлдузи бўлиб
Балқдик асрий зулматни ёриб.

Бу ўлкада тинчлик, фароғат,
Ҳалол меҳнат, ижод авжида.

Намоёндир эзгу ишимиз
Янги дарёларнинг мавжида.

Барпо бўлур меҳнатимиздан
Янги уйлар, янги шаҳарлар.
Нурга кўмиб гўзал ўлкани
Балқимоқда гулгун саҳарлар...

Фанимизнинг, техникамизнинг
Қудратига қойилдир жаҳон.
Космонавтларимиз учганда
Қучоқ очиб қаршилар осмон!

Коинотни равшанроқ қилди
Биз яратган ГЭСларнинг нури.
Келажакни қазодан сақлар
Доно инсонларнинг шуури.

СССР нинг гражданимиз,
Бу фаҳримиз, мангу бахтимиз.
Бахтимизга емрилмас асос
Москвामиз — пойтахтимиз!

Яшаш учун ва тинчлик учун
Атомни ҳам ишга соламиз.
Ҳар соҳада, ҳар бир курашда
Доим ғолиб бўлиб қоламиз.

Қудрати зўр, шонли халқимиз
Қадам ташлар илгари бардам.
Йўлимизни тўсса кимда-ким
Зарб беришга қодирмиз ҳар дам.

Ниятимиз покиза, холис,
Инсонларни бахтиёр этиш.
Мақсадимиз меҳнат-ла тезроқ
Коммунизм асрига етиш.

Тарих карвонига сарбонмиз,
Замонанинг жилови қўлда.
Ленин байроғини кўтариб
Бормоқдамиз мунаввар йўлда...

13—17 май, 1972 й.

ҲИММАТИНГГА БАЛЛИ!

Ҳимматингга балли азамат халқим,
Энди, қутлуғ бўлсин шонли зафаринг!
«Оқ олтин» карвони билан гузалдир
Коммунизм сари қутлуғ сафаринг!

Лафзи ҳалол дея ном чиқаргансан,
Берган маъдаларинг ерда қолмади.
Ғалабани кўлаб пахтакорларинг
Йил бўйи тер тукди, асло толмади.

Дулу сел, қатқалоқ, совуқ, ҳашарот,
Сувсизлик гов бўлди зафар йўлида.
Аммо, ҳаммасини енгди мардларинг
Ҳосил калитини ушлаб қўлида.

Деҳқоннинг жонига оро кирди фан,
Техника кучига куч қўшди ҳарвақт.
Бутун халқ шайланиб далага чиқди,
Мислсиз ҳосилни жамғардик барвақт.

Оқибат юз берди кутилган зафар,
Донггимиз кезмакда яна жаҳонда.
Олий ҳимматимиз, қудратимиздан
Олтин тоғлар пайдо бўлди хирмонда.

Бу йилги ҳосилни устига ортсанг
Майишиб кетарди тоғларнинг бели.

Фалакка бош урган хирмонга боқсанг
Дилингда жуш урар шодликнинг сели!

Еру кукка сирмас бу йилги пахта,
Химни қувонтирмас бу катта хирмон.
Яна Ўзбекистон оқ олтинининг
Кумуш жилосидан ёришди жаҳон

Пахта карвонлари келар пайдарпай,
Чеки, чегараси кўринмас ҳали.
Жавоҳир юклаган карвонбошилар
Саховатингизга ташаккур, балли!

Азамат Сирдарё, Қашқадарёнинг
Берган «оқ олтин»и хирмонларга тож!
Қадимий Самарқанд ва Қорақалпоқ
Шонли ишингизга тилаймиз ривож!

Андижон, Наманган, Тошкент, Фарғона
Хирмонга муносиб ҳисса қўшганлар.
Хоразм, Бухоро ва Сурхондарё
«Оқ олтин» ишқида қалби жушганлар.

Олий ҳимматингга барча эл қойил,
Қўлинг дард кўрмасин азиз пахтакор!
Тўрт миллион беш юз эллик минг тонна
Совға СССРнинг тўйинга тайёр!

«Оқ олтин» унади қора тупроқдан,
Гўёки мўъжиза яралган каби.
Оламга таралур ўзбек пахтаси
Худди қуёш нури таралган каби.

Ҳар, оқ пахтамызга талаб каттадир,
Шарқда ҳам, ғарбда ҳам кўп харидори.
Пахта — бойлигимиз ва қудратимиз,
Халқимизнинг шони ва ифтихори!

Ипак пахтамызнинг олтин толаси
Дўстлик ипи эрур, дейди пахтакор.
Бу гапнинг мағзини чақинг, дўстларим,
Бу гапда жуда ҳам катта маъно бор!

Пахта — қут, барака, бойлик келтирар,
Минг бир муъжизанинг бари пахтадан!
Коммунизм номли олий бинонинг
Безаги, ҳашами, зари пахтадан!

Шаҳарлик меҳнаткаш, ҳашарчиларнинг
Буюк ҳиссаси бор катта хирмонда.
Студентларнинг ҳам улуши бордир
Пахтакорларимиз қозонган шонда.

«Зангори кема»нинг капитанлари,
Пулат отга минган аёллар, қизлар,
Кумуш пахтазорнинг миришкорлари,
Сизга минг офарин! Фахримиз сизлар!

Олтин далаларнинг коммунистлари
Сизга ҳурмат билан таъзим қиламиз!
Ҳар бир эзгу ишнинг замирида ҳам
Сизнинг идрокинғиз бор деб биламиз!

Азиз пахтакорлар, йилдан-йилга ҳам
Олтин хирмонингиз ҳосилга тўлсин!
Ҳар ишда раҳнамо, мададкоримиз
Улуғ партияга шарафлар бўлсин!

14 ноябр, 1972 й.

ТУЙИНГ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Юртимиз шонига қўшилган шонсан,
Ҳикмат, фазилатга туганмас консан,
Меҳнаткаш халқимга қўп жонажонсан,
Тўйинг қутлуғ бўлсин, қадрдон «Муштум»!

Сен билан кулкимиз фалакка етди,
Ватаннинг шуҳрати оламга кетди,
Эзгу ишинг элни бахтиёр этди,
Тўйинг қутлуғ бўлсин, жонажон «Муштум»!

Ютуқларимизда сенинг ҳиссанг бор,
Адолатга ҳомий, ҳақиқатга ёр,—
Деб ном чиқаргансан, ҳурмат, эътибор
Сенга қаратилган меҳрибон «Муштум».

Яхшиларга дўстсан, ёмонларга ёв,
Ёмонларни урдинг тинмай, беаёв,
Бузиб ўтдинг йўлда учраб қолса ғов,
Қўлинг дард кўрмасин қаҳрамон «Муштум».

Яхши одатингни қилмадинг канда,
Қўлингда шамширу лабингда ханда,
Зарбингдан янчилди талай газанда,
Золимни қақшатдинг беомон, «Муштум».

Кул бўл деб, ўт қўйдинг хору хасларга,
Дунёни тор қилдинг ярамасларга,

Асло кун бермадинг паст, нокасларга,
Шонли туй муборак, паҳлавон «Муштум»!

Зарбингдан безори таёқсиз қолди,
Муштингдан зўравон яроқсиз қолди,
Эгри оёқ босган оёқсиз қолди,
Қандингни ур, ғолиб, паҳлавон «Муштум»!

Меҳнаткаш қўлида ўткир қуролсан,
Ёмонларга заҳар, яхшига болсан,
Ҳали новқиронсан, ҳали ниҳолсан,
Яхшилар бахтига бўл омон «Муштум»!

Эзгулик келади доим ўйингга,
Бутун эл қатнашар шонли тўйингга,
Раққосалар тушар қутлаб ўйинга,
Тўйинг қутлуғ бўлсин қадрдон, «Муштум»!

25 декабрь, 1972 й.

БОЛАЛАР ШЕЪРЛАРИ

ҲАДЯ

Сизни деб кирдиму шеърий чаманга
Ранг-баранг ва хушбуй гуллар сайладим.
Сизга атаб шеър ёзиш бахт менга,
Сизга гулларимни ҳадя айладим.

Ғоят қувонардим: бўлолса шеърим
Қадрдон дустингиз ва улфатингиз.
Кичик уртоқларим, токи тирикман
Қалбимда сақланар муҳаббатингиз.

ИККИ ОНА

Менинг икки онам бор,
Иккиси ҳам меҳрибон.
Бири менга сут берди,
Бири эса ширин нон.

Бири менга тил бериб,
Булбул қилиб сайратди.
Бири мени бағрида
Гуллар каби яйратди

Бири туққан онамдир,
Иккинчиси ҳур Ватан.
Иккисига баробар
Қурбон бўлсин жону тан.

МЕНИНГ АКАМ

Менинг акам урушда
Фашист билан жанг қилди.
Берлингача қувалаб
Ёв ҳолини танг қилди.

У урушга кирганда,
Душманлар қалтирайди.
Унинг мағрур кўксига
Беш орден ялтирайди.

Бирин олди, кўрсатиб —
Жангда жасурлик кучин;
Жанг қилиб немис билан
Шонли Москва учун.

Бирин олди Ватанни
Ёв қонида ювганда,
Сталинград шаҳридан
Фашистларни қувганда.

Бирин олди Днепр
Дарёсидан ўтганда.
Бирин олди Варшава
Шаҳарига етганда.

Сўнгги орденни олди
Ёвни хўп қирганида,

Тантана, зафѣр билан
Берлинга кирганида.

Ватан учун жанг қилиб
Акам топди шараф-шон.
Акамга раҳмат айтди
Севикли Бош Қўмондон.

Мен ҳам улуғ Ватанга
Содиқ бўлиб қоламан.
Акамнинг мардлигидан
Мен ҳам ўрнак оламан.

БИЛСА БҰЛАР КҰЗИДАН

Сұрамаёқ ұзидан
Билса бұлар кұзидан.

Кұзи чақнаб келади
Яхши баҳо олганда.
Яхши баҳо қалбига
Чексиз шодлик солганда.

Ёмон баҳо олса-чи,
Ерга қадар кўзини.
Айби бордек ноқулай
Ҳис қилади ўзини.

Ҳеч бир ўғил, ҳеч бир қиз
Ёмон баҳо олмасин.
Ёмон баҳо уларнинг
Кўнглига ғам солмасин.

Сұрамаёқ ұзидан
Билса бұлар кұзидан.

ОДОБЛИ АҲМАД

Бир кун Аҳмад мактабга
Трамвайда борарди.
Унинг усти-бошига
Ҳамма одам қарарди.

Чунки унинг кийими
Тоза эди жуда ҳам.
Дупписи ундан яхши,
Сумкаси ундан кўрам.

Бир маҳал трамвайга
Чиқиб қолди битта чол.
У ултирмоқ истарди,
Аҳмад пайқади дарҳол.

Ҳаммадан аввал туриб,
Урин бўшатди чолга.
Дуо қилиб мўйсафид
Хурсанд бўлди бу ҳолга.

Трамвайда турганлар
Раҳмат, ука, дедилар.
Аҳмаднинг одобига
Қойил қолган эдилар.

ЧЕГАРАЧИ

Катта бўлсам акамдай,
Чегарачи бўлгим бор.
Халқим буюрса ҳатто,
Ватан учун ўлгим бор.

Чегарада тураман,
Кулимда милтиқ олиб,
Юрагимга ботирлик,
Мардлик ҳиссини солиб.

Майли ёмғир, қор ёғсин,
Ўз постимдан кетмайман.
Аскарлик қасамига
Ҳеч хиёнат этмайман.

Қоронғи тушларда ҳам
Постимда тик тураман.
Ким бузса чегарани
Тумшуғига ураман.

Шитир этса тушган барг,
Эшитаман шу замон.
Қанча айёр бўлмасин,
Ёвга бермайман омон.

Ҳушёр туриб, адашмай,
Ҳар шарпани сезаман.

Душман қаршилик қилса
Шум бошини азаман.

Мен чегарачи бўлиб,
Ватанимни сақлайман.
Улуғ Ватан олдида
Ўз бурчимни оқлайман.

СОҒ БАДАНДА СОҒ АҚЛ

«Соғ баданда соғ ақл»
Дейди бизнинг боболар.
Бу сўз тўғри, бу сўзга
Амал қилинг болалар.

Бу ҳикматли мақолга.
Мен ҳам амал қиламан.
Бадан тарбия ишин
Вазифа деб биламан.

Яхшилаб ювинаман
Эрталаб турганимда.
Букилмасдан юраман
Ҳар маҳал юрганимда.

Мен ҳеч вақт партада
Қийшайиб ўтирмайман.
Ифлос болаларни ҳеч
Ёнимга келтирмайман.

Аъзойи баданимни
Хўп яхшилаб кутаман.
Тириюгимни, тишимни
Доим тоза тутаман.

Докторларнинг сўзига
Ҳарчоғ қулоқ соламан.

Вақтида еб овқатни,
Вақтида дам оламан.

Мактабдан келгач ҳар хил
Ўйин ўйлаб топаман.
Гоҳ сакраб қўзичоқдек,
Гоҳ тойчоқдек чопаман.

Гоҳ балиқдай сув ичра
Сузиб қулоч отаман.
Тоблаб соғлом танимни
Гоҳ қуёшда ётаман.

Шунинг учун ҳар маҳал
Руҳим енгил, кўнглим шод.
Шунинг учун, дўстлар, мен
Дард кўрмайман умробод.

САОДАТ СОҚЧИЛАРИ

(Совет Армиясига)

Шонли ғолиб армия
Ғуруримиз, фаҳримиз.
Тилга олсак номини
Очилади баҳримиз.

У бор: даҳлсиз эрур
Тупроғимиз, паҳримиз.
У бор: осойиш яшар
Кишлоғимиз, шаҳримиз.

У бор: ҳаёт кундан-кун
Яшаради одатда,
Ватанимиз мангу ҳур,
Халқимиз саодатда.

Тинч ухлайди гудаклар,
Оналар ҳам роҳатда,
Ёшларимиз хуррам, шод,
Кексалар фароғатда.

Партия раҳнамомиз,
Чароғондир йўлимиз,
Шонли меҳнат, ижодга
Тулиқ соғу-сулимиз.

Бойлик кони: еримиз,
Дарё, денгиз, кулимиз,

Кескин жангу жадалда
Доим баланд қўлимиз.

Армиямиз қудрати
Тинчлигимизга гаров.
Ўлимга маҳкум, кимки
Йўлимизга солса ғов.

Агар ифлос қўлини
Юртимизга чўзса ёв,
Армиямиз зарбидан
Янчилади беаёв.

Армиямиз сафида
Халқнинг жонажонлари.
Шону шарафлар сизга
Совет қаҳрамонлари!

Бахтимизга бор бўлинг
Ватан меҳрибонлари,
Саодат соқчилари,
Тинчлик посбонлари!

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ

Ленин комсомоли деб,
Мағрур тилга оламиз,
Унинг муҳаббатини —
Дилимизга соламиз.

Чиндан ҳам улуғ номга,
Лойиқ эрур комсомол.
Уни бахтга етказди,
Ленин чизиб берган йўл.

Қўлда Ленин байроғи,
Борар Ленин йўлидан.
Бу байроқни ҳеч қачон,
Туширмайди қўлидан.

Улуғ доҳий номини,
Шараф-ла оқламоқда.
Лениннинг гоясини.
Жонидай сақламоқда.

Ватанга садоқатли,
Халқимизга жонажон!
Партияга ёрдамчи,
Ҳар бир ишда, ҳар қачон!

Жангга кирса баҳодир,
Матросовдай қаҳрамон.

Зоядай қўрқув билмас,
Ёвга қарши беомон.

Намунадир: қурилиш,
Ижод, ўқишда, ишда.
Кўпдир унинг ҳиссаси,
Коммунизм қуришда.

Яшасин комсомоллар,
Ёшларнинг асллари!
Бор бўлсин тинчликсевар
Лениннинг насллари.

ҒУНЧА

(«Ғунча» журналининг ўқувчиларига)

Сиз ҳам ҳали ғунчасиз
Маърифат қучоғида.
Гул бўлиб очиласиз
Гузал ҳаёт боғида.

Ғунча очилмоқ учун
Қуёш керак, нур керак.
Ҳар бир ғунча, ҳар гулга
Бахтиёр умр керак.

Сиз учун мактаб, билим
Қуёш бўлган нур сочар.
Келажакнинг эшигин
Илму маърифат очар.

Шодлик тўлсин десангиз
Юрагимга, дилимга,
Аъло ўқинг мактабда
Меҳр қуйиб билимга.

БАҲОР

Осмон тиниқ кук шоҳи,
Оқ булут кезар гоҳи.
Гулларга кумилади
Қандак урикнинг шоҳи.

Богбон чиқар боғига,
Чупон кетар тоғига.
Боларилар гувиллаб,
Қунар гул япроғига.

Қушлар учиб келади,
Шамол ғир-ғир елади.
Қуёш гуллар юзини
Шуълаларга белади.

Сувлар шилдираб оқар,
Қушиғи дилга ёқар.
Бизга шодлик келтирдинг,
Салом сенга, гул баҳор!

БОЙЧЕЧАК

— Қаттиқ ердан таталаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.
Сиз баҳорнинг тўнғич, гузал қизисиз,
Бизга қараб бир жидмайинг, ҳой чечак!

— Қарамайман сизга, мендан куласиз,
Дарров келиб мен шўрликни юласиз.
Сунг гижимлаб тупроқларга ташлайсиз
Раҳм этмасдан кўзларимни ёшлайсиз.

— Йўқ, бойчечак, сендан асло кулмаймиз,
Хотиржам бул, сени сира юлмаймиз.
Ҳавас билан юзларингга қараймиз,
Бизлар сени қуриқлашга яраймиз.
Шафқат билан бошларингни силаймиз,
Сенга узоқ-узоқ умр тилаймиз.

ҚУШЛАР КЕЛДИ

Қорлар эриб кетдилар,
Майса унди тупроқдан.
Кўнглимни шод этдилар,
Қушлар келиб йироқдан.

— Қушларим, ҳой қушларим,
Қаноти кумушларим,
Меҳмон бўлиб қолингиз,
Боғимда дам олингиз.

— Қол десанг, биз қоламиз,
Кузгача меҳмон бўлиб,
Боғингда дам оламиз,
Кўнглимиз завққа тўлиб.

Кўклам чоғи сайраймиз,
Гул боғингда яйраймиз.
Ёзда бола очамиз,
Бошингга гул сочамиз.

Биэни меҳмон қилди деб,
Қадримизни билди деб,
Сенга раҳмат айтамиз,
Сўнг жанубга қайтамиз.

ГУЛ УТҚАЗДИМ БОҒИМГА

Баҳор бўлиб сойларда
Сувлар шилдираб қолди.
Тоғдан кумуш томчилар,
Пастга ғилдираб қолди.

Япроқчалар ел билан
Ўйнаб, пилдираб қолди.
Шодланишиб қушчалар
Сайраб чулдираб қолди

Майсалар далаларнинг
Юзини ёпиб қолди.
Йўрға тойлар кишнашиб
Ҳар ёққа чопиб қолди.

Қўзичоқлар сакрашиб,
Ҳаддидан ошиб қолди.
Иш купайиб ҳовлида
Кампирлар шошиб қолди.

Мен ҳам қараб турмасдан
Гул ўтқаздим боғимга.
Чунки гуллар муносиб
Менинг ёшлик чоғимга.

Шунинг-чун ўстираман
Гулларга меҳр қўйиб.
Гулларим очилганда
Ҳидлайман тўйиб-тўйиб.

БУЛБУЛГА

Жоң булбулим, булбулим,
Боғда очилган гулим,
Сенга қучоқ кераман,
Гулларимдан бераман.

Сен ҳам менга дўст бўлиб,
Атрофимда уйнаб юр.
Мен дарсимни тайёрлай,
Сен ашула қилиб тур.

ЛАЙЛАК

Лайлак келди ёз бўлди,
Қаноти қорғоз бўлди.
Қунлар исиб кетди-ю,
Болаларга соз бўлди.

Лайлакнинг бўйи новча,
Тумшуғи бор тарновча.
Лапанглайди учганда,
Уясидан кучганда.

Узун экан оёғи,
Худди чолнинг таёғи
Қаноти ола экан,
Сайрашга бало экан.

ГУЛДОР КАПАЛАК

Аҳмад бир кун боққа кирди
Даста-даста гул терай, деб.
Хурсанд қилиб,

Кучоқ-кучоқ гул берай,
дўстларимни деб.

У заман деб қўл чўзувди,
Гул тўсатдан учиб кетди.
Аввалига шошиб қолиб
Аҳмад бирдан чўчиб кетди.

Кейин билса, гул дегани —
Гул эмас, булак экан,
Чуп бошига қуниб турган
Гулдор капалак экан.

Е Э

Ез бошланар далада, боғда,
Еру кукни қиздирар қуёш.
Ҳансирайди қушлар бутوقда,
Қум ёнади, қизиб кетар тош.

Салқин ерда ётиб олар дам,
Қурт-қумурсқа, барча жонивор.
Аммо енгиб иссиқни бардам,
Пахтазорда ишлар пахтакор.

Чиллакилар шарбатга тулар,
Пишабошлар мевалар секин.
Колхозчилар жуда шод булар,
Далаларда урилар экин.

Ҳандалакдан таралган хушбуй
Қоплаб олар қовунполизни.
Шунда булар колхозчига туй,
Меҳмон қилар полизда бизни.

Қуш учирма қилар боласин,
Саҳрода чўп сарғаябошлар.
Сувда қувлаб балиқ галасин
Чувиллашиб чўмилар ёшлар.

Қаторлашиб, қўшиқ айтишиб,
Пионерлар кетар лағерга.
Кузда келар яна қайтишиб,
Шод кунларни ўтказиб бирга.

ЛАГЕРДА

Мана лагерь: теграси
Гулга тулиб ётади.
Яллиғланиб, қизариб
Июль тонги отади.

Ўйнаб юрар кийиклар,
Жанбул ўсган тогида.
Юзимизни ювамиз,
Кумушдек булоғида.

Ёнбағрида арчалар,
Кўзимизни тортади.
Томоша қилган сайин
Ҳавасимиз ортади.

Баъзан ётиб, ағанаб,
Гулларга кумиламиз.
Баъзан кумуш сувларда
Яйрашиб чумиламиз.

Баъзида жим қоламиз
Соз тинглаб булбуллардан
Коллекция қиламиз
Баъзан турли гуллардан.

Баъзида кон ахтариб
Тоғ бағрини ковлаймиз.

Баъзан гулдор капалак,
Ниначилар овлаймиз.

Баъзан саёҳат қилиб,
Лагерга кеч қайтамиз.
Баъзан тупланиб олиб,
Роса қўшиқ айтаминз.

Қуруқ арча келтириб,
Баъзан гулхан ёқамиз,
Баъзан чалқамча ётиб,
Юлдузларга боқамиз.

Оппоқ, гўзал чодирлар
Гўё очилган гуллар.
Ҳеч эсимдан чиқмайди,
Лагерда ўтган кунлар.

СУВ ҚУЧОҒИДА

Мен анҳорда чўмилганимда
Кумуш сувлар мени ўрайди.
Бирга сузиб ўйнашайлик деб,
Балиқчалар мендан сўрайди.

Сув қўйнида, қуёш нурида
Яйраб-яйраб сузиб кетаман.
Сузишайлик, юринг дейману,
Балиқлардан ўзиб кетаман.

ХАНДАЛАК

Мана қовун пуштаси
Усти тула кук палак.
Кук палаклар ичида
Пишиб ётар ҳандалак.

Шудринг тушиб туклари
Бир оз намга ўхшайди.
Усти йул-йул, сариқ-кук
Беқасамга ўхшайди.

Ширинлиги тил ёрар,
Хиди ўткир, бўйи паст.
Пишганини кўрдиму,
Ейман дея, қилдим қасд.

Олиб келиб сўйганда
Шарбати оқиб кетди.
Еган чоғда мазаси
Жуда ҳам ёқиб кетди.

Шунда тоза севиндим,
Ёзда қилган ишимга,
Уни қанд, асал қилган
Яхши парваришимга.

ИШКОМДА УЗУМ ПИШДИ

Ишкомда узум пишди,
Узумга кузим тушди.
Чопиб бориб бирпасда,
Елбошладим аста.

— Шарбатларга тўлибсан,
Бунча ширин бўлибсан!—
Десам, деди у кулиб,
Таъзим қилиб букилиб:
— Мени ўзинг бутун ёз
Яхши парвариш қилдинг.
Мен етилдим, бўлдим соз,
Энди мазамни билдинг.
Энди ҳузур қиласан
Меҳнатингга яраша.
Мен дедимки:— Минг яша!
Кунглимни хўп биласан!

ТЕРИМЧИ ҚИЗ ҚУШИҒИ

Донғи кетган теримчи
Ба шуҳрат юлдузиман.
Лафзи ҳалол, юзи оқ,
Фаргонанинг қизиман.
Қушиқ айтсам ҳаққим бор,
Юртнинг шаҳло қузиман.
Планини бажарган
Қаҳрамоннинг ўзиман.
Бошимда гижим рўмол,
Қийганим атлас, шоҳи.
Ваъдага вафо қиладим,
Юксалар колхоз шони.
Эл ичра дoston бўлган,
Шуҳратим бор, шоним бор.
Ишлагайман халқ учун,
Токи танда жоним бор.
Атлас куйлак ярашар
Теримчи қиз бўйига.
План тўлганда келинг
Пахтагоннинг тўйига.

ҚИШ

Ҳар томонда оппоқ қор,
Совуқ ҳукм суради.
Ёғочлар оқ кийимда
Хаёл суриб туради.

Уйларнинг мўрисидан,
Тутун чиқар буралиб,
Мактаб борар болалар,
Пальтоларга ўралиб.

Дарёларда сув музлаб,
Тўхтаб қолар қайиқлар.
Қиш уйқусига толар
Ўз инида айиқлар.

Қишда ҳам ёздагидай,
Болаларга ўйин кўп.
Мактабдан бўшаганда,
Ўйнашади улар хўп.

Гоҳ қор бўрон ўйнашар,
Гоҳ чана қўйишади.
Гоҳ яхмалак отишиб,
Завқига тўйишади.

Гоҳ қордан одам ясаб,
Қўйишар йўл бўйига.

Гоҳ тўпланиб боришар
Арчахоннинг тўйига.

Қишда ҳам ёздагидай
Қайнаб ётади турмуш.
Уқиш, уйин, иш билан
Шод ўтади бизнинг қиш.

ҚОРБОБО

Қишнинг совуқ кунлари эди,
Уйнар эди тишда изғирин,
Иссиқ уйдаи эшикка чиқиб,
Билгим келди совуқнинг сирин.

Онам деди:— Дарсингни ўқи!
Эшик совуқ, чиқмагил зинҳор!
Унамасдан чиқиб кетдим мен,
Ғижирларди босганимда қор.

Аммо тездан қулоқ-бурнимни,
Кимдир биров чимчилаб олди,
Қузларимга ёш чиқиб, юзим,
Қулоқ, бурним ачишиб қолди.

Қўп ҳам ўтмай қундуз ёқамга
Ошпоқ бўлиб ўрнашди қиров,
Юзларимга, бармоқларимга,
Гўё игна санчарди биров.

Чидамасдан оғриққа шунда,
Қочиб кирдим уйга қалтираб.
Кипригимда икки томчи ёш,
Тураи эди аста ялтираб.

Дедим:— Биров кўринмай келиб,
Мени тоза азобга қўйди.

Игна санчиб бармоқларимга,
Юэларимни чимчилаб ўйди.

Дедим:— Она, сендан сўрайман,
Хабардор қил мени бу сирдан.
Шунда менинг ҳолимга қараб,
Онам кулиб юборди бирдан.

Сўнгра деди:— У Қорбободир,
Дуч келибсан эшикда унга.
У айланиб юради ҳар кун,
Тартиб бериб аёзли тунга.

«Дарс тайёрла, эшикка чиқма!»—
Дедим, қулоқ солмадинг менга.
Шу гуноҳнинг учун Қорбобо,
Яхши жазо берибди сенга.

Шунда тинглаб онамнинг сўзин,
Дарс тайёрлаб ўтирдим уйда.
Китобимдан ажрай олмайин
Ўтирибман анча шу кўйда.

Бир чоқ бундай кўзимни солсам,
Дераза оқ бўлиб қолибди.
Кимдир биров билдирмай келиб,
Кўп ажойиб гуллар солибди.

Хурсанд бўлиб дедим:— Онажон,
Ким гул солди деразамизга?
Қайси рассом бу кумуш чаман,
Бу санъатни қолдирди бизга?

Онам деди:— Дарсингни ўкиб
Қулоқ солдинг сузимга буткул.
Шу сабабдан Қорбобо сендан
Хурсанд бўлиб, солиб кетди гул.

АРЧА

Арча-арча, жон арча,
Сени севади барча.
Бизлар ҳам севиб жондан,
Сени қорли ўрмондан,
Уйга олиб келамиз,
Шоҳларингга иламиз,
Турли ўйинчоқларни,
Электр чироқларни,
Қатор қилиб ёқамиз.
Сунг ҳуснингга боқамиз.
Тупланишиб қошингга,
Зар сочамиз бошингга.
Шунда яшнаб кетасан,
Бизни хурсанд этасан.
Биз ҳаммамиз шайланиб,
Атрофингда айланиб,
Катта давра қурамиз,
Қўшиқ айтиб юрамиз.
Сунгра Қорбобо аста,
Келтириб даста-даста,
Олинг болалар дея,
Беради бизга ҳадя:
Печенье, конфет, ёнғоқ,
Ҳамда турли ўйинчоқ.
Ҳадяларни оламиз,
Хурсанд бўлиб қоламиз
Арча-арча, жон арча,
Сени севади барча.

ҲОЛИҚ ҚҶРҚОҚ

Кеча жуда қор қалин ёғди,
Оппоқ булиб ётибди мана,
Бугун эса тоза уйнадик,
Тепаликда қуйишиб чана.

Биз қўрқмаймиз чана қуйганда,
Ҳолиқ эса қалтирар дир-дир.
Биз чанага тушиб тепадан,
Пастга қараб учамиз бир-бир.

Аралашмай уйинга Ҳолиқ,
Қочай деган эди панага,
Ушлаб олиб уни ҳаммамиз
Ўтирғиздик қуймай чанага.

Дедик:— Қўрқма, агарда қўрқсанг
Йиқиласан дўмбалоқ ошиб.
— Ҳўп, бўлади,— деди Ҳолиқвой,
Қўрққанидан ҳовлиқиб, шошиб.

Чана кетди пастга зувиллаб,
Ҳолиқ юмиб олди кўзини.
Йўлда чана ағанаб, Ҳолиқ
Қор ичида кўрди ўзини.

Бошидаги янги телпаги
Учиб кетди анча нарига.

Бизлар роса қотиб кулишдик
Ҳолиқвойнинг аҳволларига.

Аланг-жаланг қилиб Ҳолиқвой
Шошиб-пишиб ўрнидан турди.
Изза бўлиб ўз аҳволига
Уйга қараб дарров югурди.

Биз дедикки:— Ҳолиқвой, қачон
Бизга ўхшаб ботир бўласан?
Бу аҳволда, улғайганингда
Жангчи бўлсанг қандай қиласан?

Биз қўрқмасдан чана қўйганда,
Муздай ҳаволарни қучамиз.
Катта бўлсак чанада эмас,
Самолётларда ҳам учамиз.

МЕН ҚУШЛАРГА ДОН БЕРДИМ

Қор қалин ёғиб, совуқ
Хаддидан ошиб кетди.
Дон топиб еёлмасдан,
Қушларга қирон етди.

Бечоралар изғишиб,
Дон ахтариб қолишди.
Айвон, ўчоқ бошидан,
Нон ахтариб қолишди.

Раҳмим келиб уларга
Айвончага дон сепдим.
Хар хил нарса: қўноқ, сўк
Ҳамда ушоқ нон сепдим.

Тупланишиб барчаси,
Донни тоза сийишди.
Ўзларича чулдираб,
Менга раҳмат дейишди.

Шу равишча ҳар куни
Йулга қўйдим ишларни.
То совуқ тугагунча
Меҳмон қилдим қушларни.

Шундай қилиб уларни
Мен ўлимдан сақладим.
Оғир ҳолда қолганда
Дўстлар каби ёқладим.

КУТЛУҒ БУЛСИН, БОЛАЛАР

Қутлуғ булсин, болалар,
Янги йилингиз.
Бахт нурига, дустларим,
Тулсин дилингиз.

Кремль занг уради
Табриклаб сизни.
Севинг: халқни, Ватанни,
Партиямизни.

Ота-оналарингиз
Илғордир ишда.
Сиз ҳам аълочи бўлинг
Доим уқишда.

Коммунизм нуридан
Ёруғ йулингиз.
Халқимизнинг бахтига
Омон бўлингиз.

ЛАТИФАЛАР

АФАНДИ ВА ОЙНАК

Йўлдан бир кун Афанди
Ойнак топиб олибди.
Қарабди-ю, ойнакка
Жуда шошиб қолибди.

Негаки у ойнада
Ўз аксини курибди.
Аммо, бошқа одам, деб,
Ҳоли-аҳвол сўрибди:

— Бола-чақа омонми?
Омон-эсон бормисиз?
Нарсангизни ўрнига —
Қўйсам, миннатдормисиз?

Деб, ойнакни қайтадан
Ўз жойига қўйибди.
Бу ишини Афанди
Доноликка йўйибди.

АФАНДИНИНГ ТУШИ

Афандининг тушига
Бир қоп толқон кирибди,
Аввалига афанди
Ҳайрон бўлиб турибди.

Чунки, толқон ейишга
Қошиқ топа олмабди.
Қошиқ олиб ётишни
Хотин эсга солмабди.

Шундай қилиб толқондан
Шўрлик қуруқ қолибди.
Роса койиб, ўчини
Хотинидан олибди.

Эртасига афанди
Қошиқ олиб ётибди.
Ётибди-ю, донг қотиб,
Роса хуррак отибди.

Аммо, унинг тушига
Бу гал толқон кирмабди.
Алам қилиб, хотини
Уйротса ҳам турмабди.

16 март — 10 май. 1967 й.

АЛДАТГАН АФАНДИ

Афанди бир куни ёш болаларни
Алдамоқчи бўлиб: «Хо, анов боғда
Ёнғоқ қоқишмоқда, югуринг тезроқ,
Агар кеч қолсангиз қоласиз доғда!»—
Деса, ишонишиб болалар шу он
Чопибди афанди кўрсатган ёққа.
«—Ие, рост шекилли» дея ўзи ҳам
Болалар кетидан чопибди боққа,

23 декабрь, 1966 й.



ПОЭМА ВА БАЛЛАДАЛАР

МАРТ КУНЛАРИДА

I

БАҲРИ

Қайнананинг юзи буришиб,
Баҳриойнинг жеркиб уришиб:
«Қуриб кеткур қайга борасан,
Салимжондан рухсат олмасдан?..
Кетсанг агар ундан ўласан,
Сузларимга қулоқ солмасдан»,
Дея қаргаб жағи тинмайди.
Баҳриойнинг кўнгли синмайди:
«Сузингизга қулоқ солмайман,
Байрам куни уйда қолмайман.
Салимжоннинг менда ҳаққи йўқ.
Женотдел бор, менинг кўнглим тўқ!»
«Вой жувонмарг, кимдан ўргандинг,
Бутун бошли эрни қарғашни?
Хотин киши майрам қилармиш!..
Бундай ишни қачон кўргандинг?!»

Баҳри энди ортиқ сўзламай,
Пинак бузмай, сира ўйламай,
Паранжини четга ташлайди,
Эшик сари юра бошлайди.
Муштарини тугиб, асабий,
Кампир вайсай-вайсай қолади.
Ғазабидан қакшаб, қалтираб,
Қарғай-қарғай жағи толади...

II

ХАЙРИ

Хайри севинчлар-ла, қип-қизил
Буйинбоғни боғлаб олади.
«Юринг, юринг!» дея қистаб, сунг
Опасини йулга солади.
Гулсинойнинг кузи жовдираб,
Ҳар томонга тинмай қарайди.
Ҳар янгини курса севиниб,
Синглисидан шошиб сўрайди...
Пионер клубга етгунча,
Билганини тинмасдан сўзлар.
Янги ҳаёт нурига тулиб
Ярқирайди бахтиёр кузлар.

III

ҚУМРИ ҲАМ УМРИ

Қумри билан Умри кўпдандир
Комсомолга кириб олганлар.
Баҳор каби яшнаб, очилиб,
Дилларига нашъа солганлар.

Анор юзларида севинчлар
Майда-майда тўлқин уради.
«КИМ» нишони кўкракларида
Ёлқин каби порлаб туради.

Эркин ҳаёт кизи бўлганда,
Ўтмишини қарғаб сўкканлар.
Чиммат билан, қора ерларга
Ҳасрат, аламларни тўкканлар.

Қумри шошиб дейди: «Ўртоқжон,
Сен клубга қачон борасан?
Соат олтилардан кечиксанг,
Маърузадан қуруқ қоласан».

Умри жавоб берар жилмайиб:
«Айтмасанг ҳам ўзим биламан.

Маърузадаш сўинги концертда,
Хатто, иштирок ҳам қиламан».

Меҳнат, китоб, дўстлар ҳақида
Суҳбат қизгин давом этади.
Эсларига тушганда Сора,
Ғазаблари тошиб кетади.

— «Қачонгача Сорани, ахир,
Паранжида сақлайди Олим?
Маҳрум этиб эрк қуёшидан,
Нега бунча қийнайди золим?»

«— У тулкининг ифлос юзини,
Мажлисда биз очиб ташлаймиз.
Сорахонни, дўстлари каби,
Эркин ҳаёт сари бошлаймиз!»

Дея қизлар аҳд этишади
Ва аҳдида туришар маҳкам.
Кузларида бахт, севинч порлар,
Байрам куни нақадар кўркем!

IV

Букун байрам... хурсанд кўнгиллар
Мавж уради... нашъа сочилган.
Баҳор янглиғ, эркин қалбларда
Севинчлардан чечак очилган...

Букун яшнаб, сўлгин дийдалар
Озодлик пурига қонади.
Эскиликка қарши ўт сочиб
Юракларда исён ёнади.

Букун баҳор, нурли бир кундуз,
Кўчаларда ҳаёт қайнайди.
Олтин шуълаларга кўмилиб,
Қизил байроқ кулиб ўйнайди.

Эҳ, ана кўрдингми қизларни
Паранжи, сочвонни тўплашиб

Ут қўйди, ёндирди, кул қилди,
Эҳ, яна дилларни гул қилди.

Зебигардон, қўлтиқтуморлар
Парча-парча бўлиб синади.
Енгилган ҳаётнинг кўзлари
Юмилади... жимжит тинади.

Бўйтумор ўрнига галстук
Бойланади қизлар бўйнига.
Қип-қизил чечаклар сепамиз
Яшнаган ҳаётнинг қўйнига.

Фабрикалар, заводлар, колхозлар
Хотин-қизлар билан тўлади.
Ҳасрат, аламларнинг юзлари
Сарғаяди мутлақ сўлади.

Букуи қумриларнинг кўзида
Севинчлардан тўлқин кезади.
«Эрк, эрк» дея учган овозлар
Ев қалбини янчиб эзади.

Букуи баҳор... нурли бир кундуз
Қизил чечак сочиб ўйнайди.
Кўнгилларни гулдек яшнатиб,
Мавж уради, ҳаёт қайнайди...

Март, 1929 й.

КОЛХОЗЧИ ҚИЗ

I

Баҳорларнинг чаман қўйнида
Трактордан қўшиқ тинглаган;
Қизил рўмолини учириб,
Ишлаган, чарчашни биламаган,
Иш севган кучли қиз, Аноргул,
Шу қизил юлдузни кулдириб,
Яшнатиб кўксингга тақибсан.
Ҳаётнинг чаманзор бағрига
Умидвор кўзлар-ла боқибсан.

Кенг далалар, зумрад боғларга
Баҳорнинг лаблари текканда,
Уфқ ёқут кўйлак кийганда,
Тонг кулганда сени кўргандим.
Коллектив-ла бирга ишлардинг
Ўза эккан колхоз ерида...

Қора ер кўксини парчалаб,
Тракторлар ўйин соларди.
Пулат отга минган йигитлар,
Меҳнатнинг завқига толарди.

Бир ёнда хотин-қиз, ёш-яланг,
Терга ботиб ишга берилган.
Бир ёнда чол, кампир аралаш,
Камситилмай сафга терилган.

Барча бирдек тинмай ишларди,
Қишлоқда «жон ман» деб билинган.
Ҳукиз, омон, кетмон... барчаси
Сафарбар деб эълон қилинган.
Болалар ҳам дастёр булишиб,
Катталардан сира қолмайдн.
Гоҳ унда, гоҳ бунда чопишиб,
Енгил оёқлари толмайди.

Каримча ҳам колхозчиларнинг
Келтирарди ошу нонини.
Қувонарди кампир онаси,
Ургилай деб, кокиб жонини...

Чулларга, қирларга, боғларга
Баҳорнинг гул тани тийганда,
Уфқ ёқут куйлак кийганда,
Ҳаёт, иш денгизи қайнарди.
Бирга тепиб, бирга юраклар
Умидларга тулиб уйнарди.

Шу ҳаётга узоқ тикилиб,
Ҳавасларга тўлиб боқдим мен.
Дамларнинг завқига кўмилиб,
Шу чамандан чечак тақдим мен.

Эҳ, бу ҳаёт шунча дилбарки,
Қучоқлаб бағрига тортади.
Эҳ, бу ҳаёт, шунча гўзалки,
Кундан-кун чамани ортади!

II

Эслайсанми, дўстим Аноргул,
Эслайсанми қора кунларни?
Алам билан тўлиб ётарди,
Эслайсанми машъум тунларни?

Юраклар илвираб, эзилиб,
Дилларни ғам ути ёқарди.
Қамчилар-ла танлар тилиниб,
Кузлардан қонли ёш оқарди.

Шу баланд, оқ мармар қуббали
Тоғлар этагига солинган,
Кумуш сувлар оқиб теграси,
Боглар билан ўраб олинган,
Шу гузал қишлоқнинг қўйнида,
Тулаң деган бир бой яшарди.
Қуй, туя, йилқиси ҳеч ерга
Сиғишмасдан, тўлиб-тошарди.

Донги кетган Тўланбой эди
Қишлоқнинг бирдан-бир хўжаси.
Унинг учун эди қишлоқнинг
Товуғидан тортиб жўжаси.

Кайфу сафо, севинчлар фақат
Айланарди шунинг бошида.
Тўлан солган заҳар ётарди
Камбағалнинг еган ошида...

Ёдингдами, бир кун, Аноргул,
Олиб кетди зўрлаб опангни?
«Қаршилиқ қилдинг» деб урганди,
Қора қонга белаб отангни.

Шундан кейин онанг бечора
Йиғлай-йиғлай кўзи кўр бўлган.
Тўланбойга қарши отангнинг
Ғазаблари яна зўр бўлган.

Тўланнинг базмини кўрмаган
Қишлоқда ҳеч бир қиз қолмаган.
Кўп гуноҳсиз диллар ўзини
Ёш тўкишдан тийолмаган.

Опанг шу жафоли кунларда
Озиб, билаклари қил бўлган.
Ҳасратларга тўлиб юраги,
Юзлари сарғайиб сил бўлган.

Ҳе, кўплари маъсум қизларнинг
Ўлим чангалига илинган.
Отанг каби бечораларнинг
Қамчилар-ла тани тилинган...

III

Эҳ, кўндандир, қора кунларнинг
Қоронғи тонглари ёришган.
Меҳнатнинг баҳори гул ёзиб,
Ёвлар қора қонга қоришган.

Трактор ўйнатган қўлларда
Туланларнинг боши янчилган...
Ҳеч омон бермасдан найзалар
Душманнинг кўксига санчилган,

Биламан, Аноргул, бу ерда
Ёппасига колхоз тузилган.
«Арвоҳи» чирқираб, хор бўлиб,
Туланларнинг уйи бузилган...

Мана боқ, қишлоқнинг барчаси,
Бир рўзгорнинг ўғил-қизлари!
Баҳор каби яшнаб, очилиб,
Кулаётир ҳаёт юзлари...

Эҳ, шу эркин, гузал қирларда
Севинчларинг, дўстим, ўсади.
Сен ўстирган оппоқ чаманлар
Чўлларнинг кўксини тўсади.

Кенг далалар, зумрад боғларга
Баҳорнинг лаблари тийганда,
Кумуш терга ботиб ишлардинг,
Уфқ ёқут кўйлак кийганда.

Мана энди бошқа бир фасл,
Булултардан инжу ташланди.
Иш билан қайнаган қирларда
Йиғим-терим вақти бошланди.

Иш севган, курашчан, дадил қиз!
Оқ олтинларингни тердингми?
Қизил карвон бўлиб, тизилиб,
Заводга уларни бердингми?

Октябрь, 1930 й.

ЖОНТЕМИР

I

На хотин на фарзанд кўрмаган,
Кимсасиз, бечора, бир йигит;
Кулбасиз, тушаксиз, яланғоч,
Ҳаётнинг завқини сурмаган,
Роҳат кўрмай ўтган бир умр,
Кулфат билан ўсган подачи —
Чупон эди, бизнинг Жонтемир...

На кўкнинг фонари ўчмасдан,
На юлдуз сайр этиб, кўчмасдан,
На уфқ ўрамай ёқут-зар,
На булут силкитмай олтин пар,
Тонг кулмасдан бурун турарди.
Тўрвасига солиб нонини,
Таёгини судраб, кўнгилсиз,
Пода ҳайдаб қирга кетарди,
Майса гиламларга етарди.

Балки, у ерларда куп дилбар,
Манзаралар жилва қилгандир...
Балки, у ерларда соз чалиб,
Базм қуриб нозли булбуллар,
Қалбига севинчлар илгандир...
Дайди еллар ўйнаб эсганда,
Майсалар бағрини кесганда,

Ранг-баранг чечаклар тўлғаниб,
Жозибали кулиб боққандир...
«Бечора Жонтемир келди» деб,

Овламоқчи бўлиб кўнглини,
Балки, қушлар қанот қоққандир...
Балки, ширин бир қўшиқ бошлаб,
Қитиқловчи бир оҳанг ташлаб,
Кумуш сувлар тоғдан қўйига,
Дона-дона бўлиб сочилиб,
Кўнғироқлар чалиб оққандир...
Қирчиллама, шўх йигитлардай,
Пинак бузмай, чордона қуриб,
Кўк беқасам кийиб эғнига,
Оқ тагдўзи — кумуш дўпписин,
Чаккасига аста қўйдириб,
Муйлов бураб, жиламайиб тоғлар,
Балки йўлларига боққандир...

Йўқ! Унинг аламли қалбига
Булар ором бера олмаган!
Чечак табассуми кўнглига
Зарра қадар роҳат солмаган!
Зотан, нечук севинч бахш этсин?
Хар ифлос оғзидан тўкилган
Ҳақорат қалбида ётсин-да;
Дилларида жароҳат очиб
Учли ханжар каби ботсин-да;
Кулфатли дамларнинг чангали
Ҳалқумидан бураб тутсин-да,
Аламлар-ла бечора йигит,
Ош ўрнига заҳар ютсин-да;
Чечаклар унга завқ берармиш!
Булбуллар тасалли терармиш!..
Йўқ! У чоғлар, унинг қалбига
Қўйилганди ғамнинг тўшлари,
Кўнгил боғларига яйраб келиб,
Қўнолмаган севинч қушлари...
Ўта берган шавқ беролмайин
Водийларнинг баҳор чоғлари.
Қола берган завқ беролмайин
Табиатнинг гул қучоқлари...
Унинг юрагига, гул кулғуси,
Оғир йиғи бўлиб туюлган,
Булбул товушлари, сув қўшиқлари,
Аччиқ фарёд бўлиб қуюлган...
Ўтмишнинг жафоли қўйнида

Жонтемирлар жуда кўп бўлган
Бири батрак, бири чоракор,
Бири малай, бири нонга зор,
Бири чўпон, бири камбағал,
Бири гадой бўлган, бири хор...
Барча укубатни, барча меҳнатни
Ёлғизгина шулар кутарди.
Қўзидан қон оқиб, асабий, бўғиқ
Нола билан кунлар утарди...
Буларнинг шаънига харомхурлар
Минг турли ҳақорат тақдилар.
Зулук каби суриб қонларини,
Миясида ёнғоқ чакдилар.
Зили замбил булиб куҳна қишлоқ,
Шуларнинг устига қурилди.
Ишламаган бўлди фароғатда,
Ишлаганлар четга сурилди.
Борлиқни йиғлатди, кукни тутди
Шуларнинг ноласи, шуларнинг оҳи.
Қанча сулгин оқшом,
Қанча қонли тонг,
Шу оҳларнинг бўлди гувоҳи...

Факат, улар, сира берилмай,
Илгарига қараб кетдилар.
Хужаларга қарши омонсиз,
Зур курашда давом этдилар...
Озодлик машъали байроқ бўлди,
Буюк тулқин: ясаб юрдилар.
Тарихнинг рулини, ғилдирагини
Саодат богига бурдилар...

Ойлар утди, йиллар айланди,
Анча сувлар оқиб кетдилар.
Зафарларга зафар бойланди,
Минутлар шон тақиб ўтдилар.
Жонтемирлар кураш сўнгида,
Олов сочиб отган тонгларнинг
Қайноқ нафасидан куч олиб.
Дилга қувват ва ором солиб,
Ботир ишчиларнинг изидан,
Ўпиб зафарларнинг юзидан,
Севинчли кунларга етдилар...

Кун совуқ. Қийшанглаб изғирин,
 Юзларни чимчилаб оларди.
 Онда-сонда қор учқунлари
 Ойнинг кук нурига кумилиб,
 Ойнинг кук нурида чумилиб,
 Олмос каби ялтираб, аста
 Ел билан уйнашиб қоларди...

Мажлис битди, сузлар тугади,
 Сайланганлар дарров турдилар..
 Юракда уч ути ёқилди..
 Ел ётарга яқин, тусатдан,
 Сарик дарвозанинг ҳалқаси
 Асабий бир тусда қоқилди..
 «Ким экан у... шундай... бемаҳал...
 Дарвозани келиб урувчи?..
 Ким экан у, шундай кечада..
 Ваҳмали бир ғавво қурувчи?..
 Бир ярамас шарпа сезгандай,
 Йиртилардай бўлиб томоғи,
 Нега қақшаб қолди Олапар?
 Юз бермаса эди бир хатар...»
 Деди-да, Турдиннинг юраги
 Орзиқиб, ёмон бир сапчиди.
 Ҳалқумига тиқилди дами.
 Қул-оёғи, бутун гавдаси
 Кузги япроқ каби қалтираб,
 Куз олди жимираб, ялтираб,
 Турдиннинг қавжироқ нафаси,
 «Ким...м...» дея бушашиб чузилди.
 «Нима қилсин энди шу дамда?..
 Биров келиб кумак бермайди
 Унинг қанотлари қайрилган.
 Дабдабаларидан айрилган.
 «Нима қилсин энди шу дамда?..
 Хароба, қоронғи кунглига
 Яна зур ваҳималар ёндашди.
 Телбалардек, Турди, ниҳоят
 Эшик занжирига тармашди..
 Арғимоқнинг узангисини

Чираниб-чираниб тепганда;
 Ҳар батракка қараб, хумрайиб,
 Қаҳри ғазабини сепганда;
 Урма қамчисини уйнатиб,
 Чаккаларни тилиб, ёрганда;
 Танларини кесиб, купларни
 Кора қонга белаб қорганда;
 Мағрур булиб юрган эди-ку?
 Нега энди фарёд чекади?
 Нега энди куз ёш тукади?
 Йўқ! Унинг куксига етган қўл,
 Миллионларнинг темир чангали!
 Нега энди омонлик тилар,
 Маҳв этишининг етганда гали!?
 Бизнинг одат эмас, курашда,
 Оз булса-да, ёвга ён бериш.
 Бизнинг одат эмас чекиниш,
 Балки:— енгиш, ёки:— жон бериш!
 Фарёдига қулоқ солиш йўқ!
 Бизда иккиланиб қолиш йўқ!
 Турдибойлар улимга маҳкум.
 Ғолиб чиқди эркин насллар.
 Кишиликнинг бахтига тушган
 Ҳашаротни енгди асиллар.

III

Бошланди, қишлоқнинг куксида
 Янги бир ҳаётнинг чамани.
 Бошқа тусга кирди эски қишлоқ,
 Гулзор булиб, гул булиб тани.
 Увалган, жонсарак, бедармон
 Рузғорларнинг бир қилиб барин,
 Ёлпасига колхоз туздилар.
 Нурлантириб тарих дафтарин,
 «Қизил октябрь» деб номини,
 Олтин суви билан ёздилар.
 Бошлади қишлоқнинг юраги,
 Янги қувват, янги қон билан
 Янги суръат, янги шон билан,
 Ҳайқирмоққа давр қушигин.
 Қуёшнинг нурида чўмилди
 Далаларнинг чечак — патлари.

Қишлоқнинг яшнаган кўйида
Кишнади, ҳайқирди, гуркираб,
Путиловнинг пулат отлари.
«Яшасин колхоз» деб, ёзилган лавҳа
Товланди кушларнинг бўйида...

Дамлар ўтди. Кунлар айланди,
Зарбдор бўлиб бизнинг Жонтемир
Бригадир бўлиб сайланди.
Эҳ, унинг аламли кўнглида
Кўпдан энди баҳор очилган.
Темир мускулига қон тўлиб,
Дилларида наҳор очилган.

На кўкнинг фонари ўчмасдан,
На юлдуз сайр этиб, кўчмасдан,
На уфқ ўрамай ёқут-зар,
На булут силжитмай олтин пар,
Тонг кулмасдан бурун Жонтемир
Қуюқ бир завқ билан туради.
Бригадасини уйғотиб,
Пулат отларини уйнатиб,
Экиш майдонига юради...
Буларни қаршилаб, буларни севиб,
Чечаклар тўлғаниб, қушлар сайраб,
Тонг еллари ғир-ғир уради...

Катта мусобақа. Иш қизиган.
Ишда колхозчилар бариси.
Ишга тушган, «Қизил октябрь»нинг
Битта қолмай ёшу қариси.
Барчаси шод, барчаси тетик,
Шараф, обрў учун курашда...
Ким ўзади мусобақада?..
Колхозчилар бари синашда...
Жонтемирнинг бригадаси
Меҳр қўйиб ишга киришди.
Толдик демай, чарчадик демай,
Бутун кучи билан тиришди.
Саҳар туриб то оқшомгача
Ишладилар зўр бериб ҳар кун...
Шошилиш йўқ, эсанкираш йўқ,
Ўз ишини билади ҳар ким.

Жонтемирнинг сўзидан чиқмас.
Барчаси дўст, бари иттифоқ.
Шунинг учун булар ютиб чиқиб,
Оқ пахтадай бўлди юзи оқ...

IV

Бошлади қишлоқнинг юраги,
Янги қувват, янги қон билан,
Янги суръат, янги шон билан
Хайқирмоққа давр қушигин,
Бошланди, бошладик бир ҳаёт,
Катта гигант рўзгорлар тузиб.
Бошладик бир ҳаёт, душманнинг
Ҳаётини парчалаб, бузиб.
Севгили, муқаддас улкамизнинг
Гулга тулди кенг қучоқлари.
Бизнинг янги боғлар қаршисида
Ип эшолмас эрам боғлари.
Узмиз қуручи, узимиз уста,
Чаман яратамиз узимиз!
Саодат биз билан босар илгари.
Умид билан тулган кўзимиз.
Бизга қаратилган ҳар тухматни,
Қилич каби кесди сузимиз.
Кишилик олдида, тарих олдида,
Ярқиради кундай юзимиз!..

Купирди, қайнади зур тулқин,
Хайқириб ғовларни суражак.
Шубҳа йўққи, бутун ер шари
Шу асосда чаман қуражак.

Сентябрь, 1931 й.

КОММУНИЗМНИНГ ГУЛ БОҒЛАРИГА

I

Қонларингга тулқин солади,
Бу дамларнинг буюк шовқини.
Кукрагингга йиғиб олдингми,
Гигант қурилишининг завқини?!
Метин қанотига даврнинг,
Большевик суръати бойланган,
Ҳар дамда минг зафар, гардиши —
Давримизнинг шундай айланган!
«Қуш учганда қаноти куйган»
Чуллардан йироққа йул солдик.
Днепрдай ўйноқ сувларнинг
Тулқинли куксига қул солдик.
Узоқ йиллар бўйсунмай оққан
Кучли Чирчиқ тан бераётир.
Қалби бўстон бўлиб, шу қизил ўлка,
Электр, машинли ҳаётга
Қучоғини кенг кераётир.
Тракторстрой, сельмашлар —
Гигантларни қуриб ташладик.
Яна юзлаб, минглаб заводлар,
Фабрикалар қура бошладик.
Темир кукрагини кўтариб.
Юксалмоқда, шаҳар ўсмоқда,
Қулоч ёзиб коллектив рўзғор,
Чулларнинг юзини тўсмоқда.
Яшнади, ҳар ёнда, яшнатдик
Оқ олтиннинг чаманзорини.
Парчаладик кўҳна ҳаётнинг

У, ҳазин, жонсарақ торини.
Ёвга қарши бўлган ҳар ҳужум,
Ҳар кураш, ҳар юриш, ҳар ишда,
Раҳбар булди бизга партия,
«— Ёвга ўлим! Бизга бахт», дея,
Ўнғалмас зарб бериб «ўнг» ва «сўл»ларга,
Иқболи, тақдири чўлларга,—
Ғолиб бўлдик, зафар биз билан!

II

Эҳ, қалбингга тўлқин солади
Бу дамларнинг буюк шовқини.
Бизлар бахтиёрмиз,
Кўкракларга олиб,
Гигант қурилишнинг завқини!
Кучли қанотига даврнинг
Большевик суръати бойланган,
Қадам сайин кескин кураш, жанг гардиши —
Давримизнинг шундай айланган.
Жабҳа бўйлаб кулоч отган ҳужум,
Осди ёвнинг тилак-армонин,
Ёвга ўлим сочди,
Ёвга мазор очди,
Пайларидан қирқди дармонин.
Фақат ёв, тарқалган тутунлардай бўлиб,
Белгисиз, нишонсиз йўқолган эмас!
Ёв ўз ихтиёри билан таслим бўлиб,
«Мен энди курашдан воз кечдим», демас.
Мижилган ҳолича судралиб,
Сочмоқдадир ғазаб-қаҳрини.
Ёв ҳали тирикдир, туплаб қувватин
Сочмоқда энг сўнгги заҳрини.
Душман айёр,
Турли-турли йўл олади курашга.
Пастқам ерда иғво қўзғар,
Ёғламачи тил билан.
Бурчакларда йўл оздирар,
Қора, машъум дил билан.
Синдирмоққа мулжал қилиб,
Янгиларнинг қўлини,
Талвасалаб, тўсаман деб
Кучли колхоз йўлини
Иғво қўзғар дин исмидан

Афсоналар яратиб,
 Кўҳна, ёлғон китоблардан
 Оят, ҳадис таратиб.
 Душман айёр,
 Турли-турли йул олади курашга.
 Дам қонсираб ханжар, пичоқ,
 Милтиқ билан иш курса;
 Дам ут қуйиб пахталарга
 Оловида исинса;
 Дам истайди, колхозчининг
 Тилак-армони синса,
 Ишонч тулган юракларда
 Ғайрат тўлқини тинса;
 Дам юзига пиқоб тортиб,
 Ўз кишингдай бўлади:
 Ширин сузлар, «қизил» гаплар
 Билан борлиқ тулади.
 Қуз олдингда силлиқ бўлиб,
 Иблисона кулади.
 Лозим бўлса: «уз» булмоқ-чун;
 Бирон нуқсон юз берса,
 Ачингандай бўлиб шунга
 Сочларини юлади.
 Душман айёр, курашларга
 Турли-турли йул олар,
 Қалбимизга кирмоқ учун,
 Минг тевланиб буралар.

III

Эҳ, кунлар келади,
 Ўзгариб жаҳон,
 — Касб этиб узига янги бир мазмун,
 Янги бир кайфият,
 Янги бир одат,—
 Бутун қайта бошдан яралажакдир.
 Бонг уриб, дунёнинг асабларига
 Янги қон, янги жон таралажакдир.
 Биз, мана тарихда биринчи дафъа,
 Бу нурли жаҳонга қадам ташладик,
 Ўзимиз яратиб, яралиб, унинг
 Аввал баҳорига кира бошладик.
 Биз, мана бор бутун қувватни туплаб,
 Шу олий жаҳонни қураётормиз.

Шунинг иқболига халақит берган,
Шунинг йўлларида кўксини керган,
Ҳар тўсиқ, ҳар ғовни парчалаб, бузиб,
Тубсиз ўпқонларга сураётирмиз.
Партия йўлбошчи, йўлимиз равшан,
Сафимиз мустаҳкам худди темирдек,
Биз, мана, қақшатиб ёвуз душмanning
Разил ҳаётини тубдан емирдик.
Фақат, у, эриган тутунлардай бўлиб,
Белгисиз, нишонсиз таралган эмас.
Ёв ўз истагича, бизга бўйин эгиб,
Курашсиз ўлай деб яралган эмас!
Сиртқи ёв тишимсиз тишини қайраб,
Янги дунёмизни ағдармоқ истар.
Ҳали, буржуйларнинг тўплари сайраб,
Ўн тўртинчи йилни қайтармоқ истар.
Коммунизм номли олий ҳаётнинг
Ҳали етилажак наҳори олдда,
Ҳали кишиликнинг тўлиқ зафари,
Абадий кулажак баҳори олдда.
Ҳали биз бошлаган ғурли жаҳоннинг,
Ўтилмаган, мушкул йўллари бордир.
Албат ўтилгуси, бу йўлларнинг ҳали —
Хавфи, хатарлари, чўллари бордир.
Шу учун чидамли, саботли бўлиб,
Ҳеч бўшашмай олға юрмоқлик керак.
Суръатлар устига суръатлар қўшиб,
Кунларни илгари сурмоқлик керак.
Шу учун қадалиб синфий курашнинг
Постларида маҳкам турмоқлик керак,
Синфий сезгирликни яна ошириб,
Ёвни, ғал бермасдан, урмоқлик керак.
Биз Маркс Лениндан таълимлар олиб,
Ҳар қандай ғовни ҳам янчиб ўтамыз.
Йўлларда учраган ҳар қандай ёвнинг
Бағрини қон этиб санчиб ўтамыз.
Биз қуриш даврининг самолётида
Йилларни ойларда ўтиб кетамиз.
Биз коммунизмнинг гул боғларига
Албатта, албатта етамыз.

1931 й.

ШУНИНГ ИШКИ

I

Ер бағирлаб учган лочин каби,
Йўлларида кетар паровоз.
Завқим билан тўлиб мен қарайман.
Чаман водийларга тикиб кўз.
Хаяжон тўлдириб сўзларимга,
Қалам ўйнатаман... Шу қадар
Жилва билан кулар кўзларимга
Дил тортучи алвон лавҳалар...

БИРИНЧИ ЛАВҲА

Қуёш ботган.
Шўхлик билан еллар
Гул ҳидларин ҳар ён тўкканлар.
Еқут танли, сулув бир оқшомнинг
Атлас яйловида булутлар
Мармар тушларини қўйиб аста,
Ясов тортиб қатор чуқканлар.

ИККИНЧИ ЛАВҲА

Ҳавасларга тўлиб мен қарайман,
Барқут водийларга сузилиб.
Зилол денгизлардай пахтазорлар
Йўл ёқалаб кетган чузилиб.

Йўл ёқалаб кетган пахтазорлар,
Кўм-кўм, тоза, зумрад япроқлар,

Оқиш, қизғиш, рангли сарин гуллар,
Алвон-алвон бўлиб ёзилган.

Зумрад водийларда ўсиб, униб,
Зумрад водийларда кучга тўлиб,
Зумрад водийларга ҳусн бўлиб,
Чексиз пахтазорлар ястанган.

Бу лавҳалар, дилбар кўринишлар,
Минг товланиб жилва бошлайди.
Ҳавасларни боғлаб асир этмоқ учун,
Қалб ичра домини ташлайди.

Ҳаваслар талпиниб, қанот қоқиб,
Шунда сайр этмоқни истайди,
Лавҳалар товланиб, дилбар боқиб,
Бизни севгил!— дея қистайди.

Биламан, ранг-баранг, бой табиатнинг
Туганмас, кенг, теран завқлари бордир.
Ёқут оқшомларнинг, кумуш тонгларнинг,
Ўзига яраша шавқлари бордир.
Биламан, оқ қушлар — мармар булутлар,
Майсалар, чечаклар духоба ўтлар,
Денгизлар, наҳрлар, кўллар, кўлчалар,
Олтин жимжимали зилол кечалар,
Гул танли водийлар, увалар, тоғлар,
Баҳорнинг лаблари сийпаган боғлар,
Саноқсиз кайфият,
Саноқсиз хислат,
Саноқсиз, ҳисобсиз мавжудотларнинг
Кенг ётоғи бўлган шу бутун ҳаёт,
Туганмас абадий буюк коинот
Битмас манбаидир гўзалликларнинг!..

Фақат, ҳаяжонли юрагимни
Пахтазорлар келиб бойлади.
Ҳуснлари тўлган, кўркем, бўла
Қарашимни асир айлади.

Ҳавасларга тўлиб мен қарадим
Зумрад водийларга сузилиб,
Чексиз денгизлардай, оқ олтиннинг

Яшиа бустонлари чузилиб,
Ястанганлар.
Майин тулқинлари
Завқларимни қучиб олдилар.
Шунинг ишқи кезиб қонларимда,
Дилларимга илҳом солдилар.

II

Оқ олтиннинг ишқи дилни тортган,
Миллион чехраларни кулдирган.
Шунинг ишқи, бизнинг юракларда,
Тоza, асл севги устирган.
Шунинг ишқи кун-туш шуъла сочиб,
Қушгилларда тинмай порлаган.
Шунинг ишқи бизни тонг отмасдан,
Меҳнат кучоғига қорлаган.
Шунинг ишқи эилад тунларда-да,
Трактор минмакни истаган.
Шунинг ишқи бизни «ғайрат билан
Ҳормай ишла» дея қистаган.
Шунинг ишқи бизни зарбдор этиб,
Асабларга қувват тулдирган.
Шунинг ишқи топтаб ялқовликнинг
Қора юзларини сулдирган.
Шунинг ишқи билан синфий постда,
Кукракларни кериб турамиз.
Шунинг ишқи билан душман сари,
Кескин ҳужум ясаб юрамиз.
Шунинг ишқи билан емирилмоқда
Синфий ёвнинг қурган тусиғи,
Шунинг ишқи билан янграмоқда,
Мустақиллик — мардлик қушиғи.

III

Қуй, кукарсин, уссин пахтазорлар,
Пахтанинг ҳосили мул бўлсин:
Меҳр қуйиб ҳар ким,
Терган оқ пахтадан,
«Тома-тома катта кул бўлсин!..»

Колхозчи қиз! Қайга? Йўл бўлсин?
Пахта теришгами?
Суйлагил!
Тер пахтангни, майли
Истар эсанг ҳар кун,
Янги бўлсин кийган кўйлагинг!

Пахта терсанг, агар, пайқаб тергил,
Синдириб қўймагил бандини...
Пахта кўкартирган азаматлар,
Минг яшасин! Урсин қандини!

Бизнинг иродамиз, бизнинг мўъжиза,
Олтин билан ёзилар тошга.
Қани биродарлар, ёппасига,
Давлатманд, маданий яшашга!..

IV

Шундай қараганда пахта ўзи,
Оддий бир ўт,
Оддий ўсимлик.
Шундай қараганда пахта гули
Қизил гулдан гузал эмасдир.
Унинг гузаллиги,
Унинг ҳусни,
Унинг бизга берган фойдаси!

Биз севамиз уни, чунки унда
Бахтимизнинг озиқлари бор,
Пахта учун тўккан ҳар томчи терда
Давлатманд турмушнинг мазмуни порлар.

Биз севамиз уни ўлкамизнинг,
Чеҳраси баҳордай бўлсин деб;
Чеҳраси баҳордай бўлган ўлкамизнинг,
Пайларига қувват тўлсин деб;
Пайларига қувват тўлган ўлкамизнинг,
Донги дунёларга кетсин деб;
Донги дунёларга кетган ўлка
Тилагига тўлиқ етсин деб...

V

Бизнинг далаларда очилган ғўза,
Куз нуримиз билан етилган.
Оқ олтиннинг ишқи ҳар ишчининг,
Ҳар комсомол,
Ҳар колхозчининг,
Ҳар курашчан,
Ҳар зарбдор қизнинг,
Ҳар пионер —
Ҳар олма юзнинг,
Юрагига пайванд этилган.

VI

Ер бағирлаб учган лочин каби,
Йулларида кетар паровоз.
Завқим билан тулиб мен қарайман,
Зумрад водийларга тикиб куз.

Сентябрь, 1931—1935 й.

УФА ЙҮЛИДА

I

Кеча сутдай ойдин...
Кеча сокит...
Кеча ухлар оппоқ кўрпада.
Ой нурида кумуш сурат каби
Кўринади мудраган сада...

Вагон ойнасидан қарайман,
Равшан бўлиб кўринар бари:
Ложувард юксакда уйқусираб ойнанинг
Сузилмоқда шахло кўзлари...

Дала ухлар. Тепалар ухлар.
Тинчиб ухлар ялтироқ қорлар.
Новча қарағайлар, оқ қайинлар,
Ўрмонларнинг яшил арчаси,
Чарчаган ел, музлаган дарё,
Жимжит, толиб ухлар барчаси...

Пассажирлар текис уйқуда...
Уйқуни тарк этдик иккимиз...
Оддийгина, шундай танишдик-да,
Суҳбатлаша кетдик иккимиз.
Сен сўзладинг. Мен қулоқ бердим.
Ой ҳам тинглагандай туюлди.
Назар солдинг ойга, кўзларингга
Ойнанинг кумуш нури қуйилди...

II

Сузлаб бердинг. Бари эсимда:
«Мен отадан жуда ёш қолдим.
Онам ҳам тез ўлди. Йиғлай-йиғлай,
Бошим сққан ёққа йўл солдим.

Яланг бошман. Яланг оёқман.
Кузининг сўнгги пайти... Ер қиров...
Куз ёшимни артиб, шафқат билан,
Силамади бошимни биров...

Куринганга қўлимни чўздим,
Рангим сариқ, юзим заъфарон.
Қўл, оёғим шишган. Тил гўлдиар.
Дейман: йиглаб — бу қандай замон?!

Ҳар гўшада тентираб юрдим.
На ғамхўр бор. На меҳрибон бор.
На ялчиб кийиндим. На тўйиб едим,
Бурда қора нонга бўлдим зор...

Муз — тўшагим бўлди. Қиров — кўрпам...
У кунларнинг азоби қурсин!
Қандай замон — дейман — биров очдан ўлсин,
Биров терисига сиғмасдан юрсин?!

Оғир бўлиб ўтган болалик.
Нималарни кўрмади бошим?..
Оч-яланғоч қолиб,
Хору зор бўлиб,
Кучаларда тўкилди ёшим...

Мен ўн бешга кирган ўсмирман.
Гумбурлади ўн еттинчи йил.
Мени бирга олиб кетдилар.
Қуроллилар — байроғи қизил.

Мен қизиллар билан ҳар фронтда
Бирга юрдим қурол кўтариб,
Меҳнаткашлар учун уруш қилдик,
Душманларни тупроққа қориб...

Унутмайман уша кунларни,
Шарафли замонлар эсимда.
Ут ичида юриб жон берган
Талай қадрдонлар эсимда.
Тоғу тошда ёвни хор этган
Қизил партизанлар эсимда.
Ёвга ер юзини тор этган
Шонли қаҳрамонлар эсимда...

Уруш битди. Қишлоққа қайтдим.
Қишлоқ хароб, кулбалар вайрон.
Усти бош йўқ. Озиқ-овкат йўқ.
Қир экинсиз, чечаксиз қолган.

Биз ишладик, гуллади тупроқ;
Биз ишладик, кукарди экин.
Илгарига қараб йўлга тушди
Зафарларнинг карвони секин...

Қишлоқ тиклаб қолди қаддини.
Колхоз туздик... Мен ўзим бошлиқ...
Ёдимдан ҳеч чиқмас қурбон бўлан
Комсомолкам, қайрилма қошлик.

Ишга чаққон, барчага ёққан,
Ҳеч нарсадан қурқмаган бир қиз...
У ҳам дустим эди, ҳам севганим,
Кузи шаҳло, юзлари қирмиз...

Бир кун тунни, йўлда ушлашиб,
Сўйибдилар уни қулоқлар.
Қони пастга силжиб оқипти,
Қизарипти кумуш булоқлар...

Кўз олдимга келар элаганда,
Келиб турган шаҳло кўзлари,
Эшитилган каби бўлиб туюлар
Қулоғимга ширин сўзлари...

Эсимдадир оғир курашлар.
Эсимдадир ёвларнинг иши.
Эсимдадир гузал Ойсулув —
Мени севган, севилган киши...

Эсимдадир катта йиғинда
Ахмаджон қулоқни сўккани,
Абдулла суфининг обрўйини
Бир пул қилиб ерга туккани...

Эсимдадир булоқ бўйида
Тегаман — деб ваъда бергани.
Эсимдадир шарақлаб кулиб,
Ўйнаб юриб гуллар тергани.

Гуллар қолди, булоқлар қолди,
Бир умрга юмди кўзини.
Шарафли кун, шонли турмуш учун
Қурбон этди гўзал ўзини...

Яқин дўстим, биринчи севгим,
Очилмайин сўлди мангуга...
(Сунгра сен жим қолдинг — ўйга толдинг
Яна бирдан сўзладинг): Нега?!

Нега керак бекорчи ҳасрат?!
Нега керак фойдасиз ғамлар.
Ўтган ўтиб кетди туш каби —
Ҳам севинчли, ҳам оғир дамлар...

Биз яшаган шу кеча-кундуз,
Севинч шарафларнинг ётоғи,
Қайга борсанг ўртоқлик хаёт,
Қайга борсанг колхознинг боғи.

Гуллаб кетган бизнинг колхоз ҳам,
Турмушимиз қувноқ, фаровон.
Меҳнатимиз бойлик манбан.
Қирларимиз мул ҳосилга кон.

Ҳисоби йўқ сизир, йилқининг;
Ўтлоқларда семирар қўйлар.
Ҳалол меҳнат қилиб ҳар колхозчи
Халқимизнинг бахтини ўйлар.

III

Уйқуни тарк этдик иккимиз.
Кўп толиққан-толган булсак ҳам,
Суҳбат яхши эди, суҳбат қизиқ.
Суҳбатга қўшилди субҳидам...

Фируза уфқда тонг кўринди,
Қизил шоҳи кийган кўйлаги.
Сунг очилди куннинг эшиги —
Усти сарғиш, лола ранг таги.

Сен сўзлаган асил сўзларинг
Юрагимга ёзилди бари...
Хайрлашиб сен тушиб қолдинг,
Қўл силкитиб мен кетдим нари...

Март, 1934 й.

Декабрь, 1935 й.

ГУЛАСАЛ

I

Ҳаво тиник.

Ҳаво жуда тиниқ.

Осмон тиниқ, кўм-кўк шишадай.

Қиттай ҳам булут йўқ, қуёш тетик,

Ётоғига қайтар ишидан.

Қуёш жуда тетик ударниклар каби,

Оёқ олишлари мардона.

Чехрасида унинг ёнади, эртанги —

Янги ишга чиқиш белгиси.

Қуёш хурсанд.

Қуёш ударниклар каби,

Унда йўқдир чарчашдан асар.

Қуёш севинчидан, уфқлар юзига

Расм солди — бўёқлари зар...

А, сен, нега бунча қайгулисан?

Рангларингда қатра ҳам қон йўқ?

Юзингда, кўзингда, дилингда товланиб,

Қулиб турган кечаги шон йўқ?

Ёки қаттиқ ишлаб чарчадингми?

Ёки бирор шикаст етдими?

Ёки аччиқ сўзлар, ҳақоратлар билан

Биров сени хафа этдими?

Ким у уялмасдан, номардларча,

Севинчларинг билан ўйнаган?

Кимга ўпка қилдинг?

Кимдан хафа бўлдинг?

Ким у, сени, бунча қийнаган?

Ёки ўзингда йўқ мажнун бўлиб,
Бирор бевафони севдингми?
Ялиниб-ёлвориб, куз ёш билан.
«Сенсиз туrolмайман» деддингми?
У бевафо алдаб, сўнгра сени
Ташладими қайғу чулига?
Аввали: «Сен билан ўлгунча...» деб, сўнгра
Бошладими ҳижрон йулига?
Ёки қимматбаҳо узугингни
Уяти йўқ биров олдим?
Ёки отанг ўлиб, қайғу булутлари
Юзларингга соя солдим?
Ёки жондан севган ўғилчангни,
Тошқин сувлар олиб кочдим?
Ё бошқа бир бало юз берди-да,
Ҳасрат-алам қучоқ очдим?..

Бироқ биламанки, севган ёринг
Ўзинг каби жуда оқ кунгил.
Қувлик-шумликларни урганмаган,
Кунглида кири йўқ, содда дил.
Биламанки, Асал, севган ёринг
Орсизларча сени ташламас.
Эсидан айрилиб, бебурдларча, сени
Ҳижрон йулларига бошламас!
Биламанки, содда бармоқларинг
Кимматбаҳо узук такмаган
Олтин узукларнинг орзусида
Хаёлларинг сувдай оқмаган...
Ўғилчангни, янги, боқчада кўрдим,
Қузичоқдай уйнаб юрарди.
Тетик, соғлом, хурсанд,
Хўп етилган, қизил
Олма каби тулиб турарди...

Қуёш хурсанд,
Қуёш ударниклар каби,
Унда йўқдир чарчашдан асар.
Қуёш севинчидан
Уфқлар юзига
Расм солди — бўёқлари зар...
А, сен, нега бунча қайғулисан?
Рангларингда қатра ҳам қон йўқ!

ГУЛАСАЛ

I

Ҳаво тиниқ.
Ҳаво жуда тиниқ.
Осмон тиниқ, кўм-кўк шишадай.
Қиттай ҳам булут йўқ, қуёш тетик,
Ётоғига қайтар ишидан.
Қуёш жуда тетик ударниклар каби,
Оёқ олишлари мардона.
Чеҳрасида унинг ёнади, эртанги —
Янги ишга чиқиш белгиси.
Қуёш хурсанд.
Қуёш ударниклар каби,
Унда йўқдир чарчашдан асар.
Қуёш севинчидан, уфқлар юзига
Расм солди — бўёқлари зар...

А, сен, нега бунча қайғулисан?
Рангларингда қатра ҳам қон йўқ?
Юзингда, кўзингда, дилингда товланиб,
Кулиб турган кечаги шоп йўқ?
Ёки қаттиқ ишлаб чарчадингми?
Ёки бирор шикаст етдимми?
Ёки аччиқ сузлар, ҳақоратлар билан
Биров сени хафа этдимми?
Ким у уялмасдан, номардларча,
Севинчларинг билан уйнаган?
Кимга ўпка қилдинг?
Кимдан хафа бўлдинг?
Ким у, сени, бунча қийнаган?

Ёки узингда йўқ мажнун бўлиб,
Бирор бевафони севдингми?
Ялиниб-ёлвориб, куз ёш билан.
«Сенсиз туролмайман» девдингми?
У бевафо алдаб, сунгра сени
Ташладими қайғу чулига?
Аввали: «Сен билан ўлгунча » деб, сунгра
Бошладими ҳижрон йулига?
Ёки қимматбаҳо узугингни
Уяти йўқ биров олдами?
Ёки отанг ўлиб, қайғу булутлари
Юзларингга соя солдими?
Ёки жондан севган ўғилчангни,
Тошқин сувлар олиб қочдими?
Ё бошқа бир бало юз берди-да,
Ҳасрат-алам қучоқ очдими?..

Бироқ биламанки, севган ёринг
Ўзинг каби жуда оқ кунгил.
Қувлик-шумликларни урганмаган,
Кунглида кири йўқ, содда дил.
Биламанки, Асал, севган ёринг
Орсизларча сени ташламас.
Эсидан айрилиб, бебурдларча, сени
Хижрон йулларига бошламас!
Биламанки, содда бармоқларинг
Қимматбаҳо узук тақмаган
Олтин узукларнинг орзусида
Хаёлларинг сувдай окмаган...
Ўғилчангни, янги, боқчада кўрдим,
Қузичоқдай ўйнаб юрарди.
Тетик, соғлом, хурсанд,
Хўп етилган, қизил
Олма каби тулиб турарди...

Қуёш хурсанд,
Қуёш ударниклар каби,
Унда йўқдир чарчашдан асар.
Қуёш севинчидан
Уфқлар юзига
Расм солди — буёқлари зар...
А, сен, нега бунча қайғулисан?
Рангларингда қатра ҳам қон йўқ!

Юзингда, кўзингда, дилингда товланиб,
Кўлиб турган, кечаги шон йўқ?
Айт-чи, гулим!
Айт-чи, Гуласалим!
Нега қайғу кезар юзингда?
Нега қутинг ўчган? Асабийсан?
Нега ғазаб ўти ёнар кўзингда?
Сўйла, Асал! Сўйла! Нега энди,
Юрагингга ҳасрат тулипти?
Нега эркам, нега Гуласалим,
Гул юларинг бунча сўлипти?

«— Қайғу, ғазабларнинг сабабини
Нега энди шунча сўрадинг?
Гангратиб жуда бошларимни
Сўроқларинг билан урадинг!
Ортиқча дер эдим, менга қолса,
Аммо нима қилай қистасанг.
Бўлмаса қулоқ сол, майли, бир оз
Сузлаб берай жуда истасанг:
Қайғу-хасрат менга эски таниш —
Ёшликдаги ёмон улфатим.
Бир қошиқ қонимга ташна қилган эди,
Ёшлигимда тортган кулфатим.
Ёшлигимда, менга, бой қизлари
Қанча жабру, жафо келтирган!
Қора кунлар, шунда, ўз зулмини
Суяк-суягимга етирган!
Ёшлигимда мени бой қизлари
Итвачча деб, қанча урдилар.
Ёшлигимда, мени қора кунлар
Эшикдан эшикка сурдилар!
Ёшлигимда баҳор ёмғиридай ёшим
Дона-дона бўлиб тўкилган
Ёшликдаги азоб-уқубатдан юрак
Пора-пора бўлиб сўкилган...
Бироқ ўн олти йил бундан аввал
Қайғуларим ўққа илинди.
Бутун кулфатларим, ҳасратларим
Нимта-нимта бўлиб тилинди.
Ўн олти йил бўлди, кунларимни
Севинчларга тулиб ўтказдим.
Ўн олти йил бўлди талай севинчларни

Ҳзим балоғатга етказдим.
 Аммо шу кунларда яна қайғу,
 Яна алам менга ёпишди.
 Бу аччиқ аламлар юрагимни
 Қийма-қийма қилиб чопишди...
 Фақат, бу йул мени бой қизлари
 Итвачча, деб хўрлаб урмади.
 Фақат, бу йул мени тентиратиб, ҳеч ким
 Эшикдан эшикка сурмади.
 Бу гал юрагимга ўрмалаб кирган,
 Бу гал кўзларимда ястанган қайғу,
 На ота, на ўғил, на олтин узук,
 На севги, на ҳижрон, на ёр қайғуси!..
 Бирмунча кун бўлди, суяр ёрим
 Дайдиланиб юра бошлади.
 Унинг бу қилиғи, бу ҳунари
 Мени ёнар ўтга ташлади.
 Шундай бир бўлгандир, ўзи қўяр, дея,
 Авваллари парво қилмадим.
 Аммо кейин жуда шошиб қолдим,
 Нима қилишимни билмадим.
 Бир-икки уришдим, кор қилмади,
 Борган сари яна оширди.
 Унинг бу ҳунари, бу қилиғи
 Менинг ғазабимни тоширди.
 Буқун Ҳасан ота, Қумри, Салим
 Юрагимни яна тилдилар,
 Купчилик олдида мени анча
 Уришдилар, таъна қилдилар:
 «— Қойиб қўйгин болам, яхшимас!..
 Яхши эмас!.. Бундай қилмасин!
 Олдини ол тезроқ, дусту душман
 Унинг бу ишини билмасин!
 Унинг орқасида колхозчилар
 Бошларини ерга эгмасин.
 Барчамиз ҳам сенинг бригадангдამиз —
 Касофати бизга тегмасин!
 — Эрингизни бир оз тергаб олинг,
 Ишга анча зарба етирди.
 Кеча ичиб тоза маст бўлипти,
 Икки киши зўрга кетирди.
 — Буқун уч кун бўлди, ишга келмас,
 Буни, барча киши билади.

Колхоз аъзосига бу иш уят!
Бундай ишни душман қилади!..»
Шундан кейин, тоза алам қилиб,
Уйга келиб анча йиғладим.
Ўзим ёлғиз уйда, тўлиб-тошиб,
Юрагимни қанча тигладим...
Ўзинг ўйлаб қара, яқин кишинг
Суяк-суягингга етирса;
«Дайди, прогулчи» дея, ном кўтариб,
Суяр ёринг иснод келтирса;
Бундан ҳам ярамас,
Бундан ҳам паст, оғир,
Бундан ҳам уятли иш борми?
Кўпчилик олдида сени қизартирса,
Шундай киши суюкли ёрми?..
Ким билади... сўнгги вақтларда,
Бузилгандир, бурди кетгандир...
Ким билади... балки... айнигандир...
Балки ётлар таъсир этгандир...
Нима бўлса бўлсин,
Аммо, юрагимни
Кайғу зардобига тўлдирди.
Кўпчилик олдида қизартирди,
Тириклайин мени ўлдирди...
Агар билсам, шундай бўлишини бошда,
Унинг сўзларига учмасдим.
Ўзимга муносиб ёр экан деб,
Мажнун бўлиб уни суймасдим.
Ишон менга! Шундай бўлишини билсам,
Жоним дея уни суймасдим.
Ишон менга! Ишон!.. Агар мени
Ташлаб кетса бунча куймасдим...
Ўзим ударникман. Ишим йирик,
Хамма нарсам тугал, жойида.
Ударник — деб менга мукофот бердилар,
Бу йил кўклам — апрель ойида...
Ҳар мажлисда мени мақтайдилар,
Ҳар мақташда бир ўсар бўйим,
Яхши кўрадилар бутун колхозчилар,
Чакки эмас, дуруст обрўйим.
Лекин Тошпулатнинг қилиғини
Ўйлаб туриб ўтдай куяман...
Энди мен нима деб юзига қарайман,

Энди уни қандай суяман?!
Букуи келса тўғри юзига айтаман:
Уяти йуқ, бебурд ёр! дейман.
Уйга киргизмайман, «прогулчи» — дейман, —
Йуқол, энди нари бор! — дейман...»

Англадим мен, Асал юзларингда
Қандай қайғуларнинг кезганин.
Англадим мен қандай аламларнинг
Юрагингни топтаб эзганин...
Булди энди, бас қил, гул юзингни
Ҳасрат-алам билан сўлдирма!
Севинч билан тепган юрагингни
Қайғу зардобига тўлдирма!..
Ўз эркингга, ўз номусингга,
Ўз севгингга ўзингсан эга!
Колхозчилар сени ҳурматлайди.
Шу ҳолатда қайғулар нега?
Суяр ёринг айнаган бўлса,
Колхозчилар тарбия қилар.
Кўпчиликнинг сўзи, юзи билан
Ўз айбини тушунар, билар...

Булди, бас қил, Асал! Қонга тўлиб,
Беҳудага энди, тўкма ёш.
Ўз-ўзингни қийнаб, азоб чекиб,
Беҳудага гулим, эгма бош!..
Чечак отган янги ҳисларнинг
Сенда кўрдим нишонасини.
Упай эркам, упай Гуласалим,
Толеингнинг пешонасини...

Қайғурма ҳеч, бахтиёр киши,
Юрагингга етмасин озор!
Сенинг уйларингда, ҳисларингда
Келажакнинг куртаклари бор!..

Сентябрь, 1934 й.

КИРОВ ТИРИК

I

Биринчи декабрь... Мен ётаман,
Минг азоблар билан тушакда.
Уяси бузилган қушдай, юрак
Типирчилар, бўлар безовта...

Бошларимни оғир хаёл босар,
Куз олдимда унинг сурати.
Қулоғим остида такрорланар,
Такрорланар Кировнинг оти...

Юрагимда ётар оғир бир қайғу,
Ғазаб билан дейман: Йўқол! Бас! Етар!!!
Томоғимга келиб тиқилар йиғи,
Зўр билан босаман, чекилар, кетар...
Мен биламан: ёш тўкиш бекор.
Бир қатра ҳам ёш тўкилмасин.
Рашижмасин кўнгил, ғам билан юрак
Қат-қат бўлиб ҳеч сўкилмасин.
Мен биламан: иқбол бизники,
Бизникидир саодат, шараф,
СССР аталган ўлка —
Усиб-унган, гуллаган тараф.
Мен биламан: енгамиз, бизнинг
Ғалабамиз таъмин этилган.
Мен биламан: бизнинг янги турмуш
Навбаҳордай бўлиб етилган.
Мен биламан: фақат бизга боқар,

Бизникидир асл келажак.
Биз бошлаган турмуш ҳеч тўхтовсиз
Илгарига қараб елажак.
Мен биламан: Сергей ўлса-да,
Шавкатли халқ, партия тирик,
Кундан-кунга гуллар шонли Ватан,
Кундан-кунга ишимиз йирик.
Мен биламан: ёш тукиш бекор.
Аммо нима чора... Оғир бўлди...
Мен ўзимни боса олмадим.
Мен йиғладим, тукилди ёшим.
Мен унутдим ўзни бир нафасга,
Бир нафасга гангради бошим...

Ишонмасдан қайта-қайтадан,
Ўз-ўзимдан сўрайман секин:
Шундай одам чиндан ўлдими?
Киров каби асл, ноёб киши,
Сийрак умр хазон бўлдими?..

II

Минг азоблар билан мен ухлайман,
Кўз олдимда унинг сурати.
Тилларимда менинг такрорланар —
Такрорланар Кировнинг оти...

Оғир тушлар кўриб босинқирайман:
Ленин шаҳрининг қор кўчалари...
Мен кўйлакчан ўт бўлиб ёниб,
Югураман... гўё сарсари...
Оёқларим сезмас қор совуғин,
Мен кўйлакчан, ўт бўлиб ёниб.
Югураман... гўё сарсари...
Оғир тушлар кўриб босинқирайман,
Кўзларимда исён,
Кўзимда алам.
Кўзларимда ишонч,
Кўзларимда гам.
Кўзларимда менинг қасос ўти ёнар
Кўзларимда ғазаб,
Кўзларимда нам.
Типирчилар юрак. Қўлимда наган.

Наганда ўқ, огир, қўргошин ўқ,
Душман учун ўзим атаган.
Дут кўчириб бутун дунёларни,
Қичқираман: Қани? Қани қотил?
Қани жаллод? Қани шарманда?!
Қани хоин?! Қани разил одам?
Қани сотқин, ярамас банда!
Менга жавоб учун гуриллайди,
Дунёларни остин-устун қилиб —
Миллион товушлардан яралган бир соз,
Миллион товушлардан уюшган овоз:
— Асрлардан бери меҳнат қонини,
Қора зулук каби сўрувчи синф;
Босқинчиликларни, ўғриликларни,
Хўрликларни яхши кўрувчи синф;
Йўқолишга маҳкум этилган кўпдан,
Сўнгги пайти етиб ўлувчи синф;
Сўнгги нафасида ғазабга тўлган,
Хазон бўлиб умри, сўлувчи синф;
Ориятсиз, разил, сотқин бандалар;
Юзи қора, хоин, паст, шармандалар,
Ҳаромхўрлар унинг қотили!!!

Босинқирайман мен, огир тушлар кўриб,
Ленин шаҳарининг қор кўчалари...
Мен кўйлакчан, ўт бўлиб ёниб,
Югураман... гўё сарсари...
Оёқларим сезмас қор совуғин,
Мен кўйлакчан, ўт бўлиб ёниб,
Югураман... гўё сарсари...
Типирчилар юрак, тўзғиган сочим.
Қарши елни сезмас ёйган қулочим.
Мен сўрайман ҳар кўрингандан;
Қани Киров?! Қани?! Қани раҳбар?!
Қани баҳоси йўқ, у, асл инсон?!
Қани курашларда пишган коммунист?!
Қани курашларда енгган қаҳрамон?!
Қани устоз?! Қани буюк ҳурмат,
Тенгсиз тақдирларга арзийдиган жон?!
Менга жавоб учун гуриллайди,
Дунёларни остин-устун қилиб —
Миллион товушлардан уюшган овоз,
Ишонч билан тўлиб янграган бир соз!

— Киров тирик, Киров ўлмади.
Ҳар ишчининг қалбида яшар.
Киров билан бирга биз бошлаган турмуш,
Тўхтамасдан, босиб илгари,
Довонлардан довонлар ошар.
Киров ўлди... аммо биз ўлмадик —
Шарафли халқ, партия тирик.
Кундан-кунга гуллар азиз Ватан.
Кундан-кунга инимиз йирик...
Киров тирик, Киров ўлмади.
Киров ҳар чоқ бизнинг қонимизда.
Киров ҳар чоқ бизнинг ёнимизда.
Киров ҳар чоқ биз билан бирга...

III

Олтинчи декабрь, оғир дамлар...
Одатдаги каби олинмас нафас.
Юраклар типирлар, бўлар безовта,
Юракларга танлар, гўё, тор қафас.
Одатдаги каби олинмас нафас.
Фарёд чекар Шопеннинг куйи.
Гоҳи кўтарилиб, гоҳ тушиб қуйи,
Фарёд чекар, Шопеннинг куйи...

Олтинчи декабрь. Кўз очирмай,
Совуқ шиддат билан қоқар қанотин.
Изғирин асабий қамчилар отин.
Юраклар безовта, дўст кўнгиллар ғаш.
Ёшлар ихтиёрсиз тўкилар секин...
Ҳаяжонга тўлиб ораторлар,
Сўйлайдилар унинг мадҳини;
Бутун дунё тинглар,
Бутун дунё инглар,
Мотам босган дунё сатҳини...

Олтинчи декабрь. Дўстлар билан
Қизил майдон тўла... Ҳар тарафда қор
Шу куни қўйилди, у буюк одам,
Мавзолей ёнига яна бир мазор...

Сергей!
Сени ҳурматлади азиз Ватан,

Бутун дунё сени ёд этди.
Келажакни севган ҳар бир юрак
Сенинг учун куйди, дод этди.

Сени ҳурматлади, сени севди,
Қизил постда турган эрларнинг бари.
Сени ҳурматлади, янги дунёнинг —
Кишилик асрининг ижодчилари.
Сенинг исминг, Сергей, машъал бўлар,
Тутилажак, бизнинг қўлларда.
Сен ҳам бир йўлбошчи бизнинг учун,
Ўтилажак шонли йўлларда.

Сергей! Сенинг исминг мангу қолар
Тарихларнинг асл бобида.
Мамлакатда ўсган ҳар тоза ғўза,
Шараф билан қилинган ҳар иш,
Ўлкамизда янги гигантларнинг
Асосига қўйилган ҳар ғишт,
Ҳар буюк хотира,
Ҳар буюк зафар,
Давримизнинг ҳар шоҳ асари
Сенинг учун бўлсин обида.

Декабрь, 1934 й.

УКРАИНА ЕЛЛАРИ

I

Украина еллари! Сарин еллар!
Сочларимни ўпиб кетдингиз!
Чечакларни қучиб, кула-кула ўйнаб,
Ёқимли саз чалиб ўтдингиз...

Гоҳи қочиб кетиб узоқларга,
Гоҳи атрофимда юрдингиз.
Гоҳи ҳазил қилиб, қанотингиз билан
Юзларимга аста урдингиз...

Қараб турдим: сиз юрган боғда
Булбуллар созлади созини.
Буралиб, силкиниб яшил дарахтлар
Ишга солди барча нозини.

Қараб турдим: сиз юрган чоғда,
Турпа гуллар эгди бошини.
Чайқалиб, товланиб, ялтираб сувлар
Жилва билан қоқди қошини.

Украина еллари, юрагимга
Олам-олам илҳом солдингиз.
Шунча нозикликни, шунча гўзалликни,
Шуҳликларни қайдан олдингиз?..

Эҳтимол, туну кун, шу қирлар кўксига,
Ўйин қилгандирсиз тинмасдан сира.

Эҳтимол, гул фасли, феруза тунларда,
Қанот қоққандирсиз инмасдан сира.
Днепрнинг зилол сувлари кулганда
Очиб қучогида кумуш чечаклар:
Заррин денгизлардай тўлганганда аста.
Чайқалганда аста олтин бошоқлар;
Оқ бадан кечалар табассум этганда,
Чақнаганда юзи булутсиз — парсиз;
Зангори боқчада олтин палак ёзиб,
Пишиб етилганда ой — кумуш тарвуз;
Юргандирсиз: куйлаб, дам — шод қўшиқчидай,
Дам — лирик шоирдай шеър ўқиб ҳар он,
Дам — ҳаяжон солиб олтин бошоқларга,
Дам — гуллар атрини тарқатиб ҳар ён!

Ҳой еллар! Теграмда ўйнаган еллар!
Қитиқлаб, тортқилаб қўймаган еллар!
Ўйин-кулгиларга тўймаган еллар!
Қанотлари майин, танлари сарин,
Бўсалари муздай, юмшоқ ва ширин,
Ўйноқи, хушчақчақ, парвона еллар!
Бир нафас жим бўлинг, қулоқ солингиз,
Куйласин, сўйласин қўлимдаги тор.
Жим тулинг жон еллар! Жим тулинг бир оз!
Сиз учун атаган қўшиқларим бор.

II

БИРИНЧИ ҚЎШИҚ

Хўжайин шошилиб йўлга тушди,
Орқасида отлиқ аскари.
Етиб келди шахта ёнига —
«Тўполончи» ишчилар сари...

Хўжайин дарғазаб хитоб қилди:
«Нима учун иш ташладингиз!
Бу нима тўполон! Безорилик?
Нима учун бунт бошладингиз?!

Тарқалингиз ҳозир, ишга тушинг!
Бўлмаса иш ёмон бўлади!

Сабабчи бўласиз қон тўкишга,
Кўп одам бекорга ўлади!»

Жавоб учун тўпдан биров чиқди,
Кўзларига уйилган ғазаб.
Томирида тутақиб қони,
Юрагини тимдалар азоб...

У ҳеч ҳайиқмади милтиқлардан,
Ҳайиқмади отлиқ аскардан.
Ҳайиқмади сира, қиличлардан,
Ҳайиқмади хўжайинлардан.

Ҳайиқмади асло ҳеч нарсадан,
Дадил тутди йигит ўзини.
Муштумини қисиб, хўжайиннинг
Кўзларига тикди кўзини.

Вазмин овоз билан сўз бошлади,
Олов чиқди икки кўзига.
Барча қараб қолди, барча жим бўлди,
Барча қулоқ солди сўзига.

«Барчамиз яланғоч, барчамиз очмиз.
Турмушимиз оғир... зарра роҳат йўқ!
Қачонгача бизни алдайсизлар?!
Бўлди энди!.. Энди тоқат йўқ!..

Барча талабларни ёзиб бердик,
Яна нимасини сўрайсиз?!
Нима гуноҳ қилдик? Нега ахир,
Аскар билан бизни ўрайсиз?!

Шартларимиз ижро этилсин!
Сўнгра биздан иш талаб қилинг.
Бўлмаса биз ўз сўзимизда...
Ихтиёрдир... ўзингиз билинг...

Бизни сира одам санамай,
Кучаясиз бўш келган сайин...
Энди қўлингиздан нима келса,
Майли аямангиз, хўжайин!

Битди сабр, тугади чидам!
Битди... тоқатимиз бўлди тоқ!
Қўйдай бўлиб минг йил яшагунча, афзал,
Шердай бўлиб бир кун яшамоқ...»

Ҳайиқмади ботир ҳеч нарсадан,
Дадил тутди йигит ўзини.
Ғалаёнга келиб, бутун ишчилар
Қувватлади унинг сўзини...

Хўжайин дарғазаб, буйруқ берди,
Милтиқлардан ёғдирилди ўқ.
Аммо бу ҳам ботир ишчиларни
Талабидан қайтаролган йўқ.

Милтиқларга қарши калтак билан
Ва тош билан жавоб бердилар.
«Барибир ўқ, қилич, турмалар
Бизни қўрқитолмас!» дердилар.

Жангга кирди минглаб оломон.
Ҳаёт учун, ҳақиқат учун.
Хўжайин ён берди ноилож,
Сезганида ишчилар кучин...

Аммо юзлаб гуноҳсиз одам
Зулм ўқидан бўлдилар қурбон.
Порох ҳиди билан бузилди ҳаво,
Тупроқларни қизарттирди қон.

Аскар кетди. Хўжайин кетди.
Ерда жонсиз гавдалар қолди.
Отадан айрилиб, етим бўлиб,
Ёш болалар — новдалар қолди.

Кўкни тутиб, тупроқни босиб,
Йиғи қолди, мулги зор қолди.
Юзларини юлиб, фарёд чекиб
Она қолди, шўрли ёр қолди.

Аскар кетди, хўжайин кетди;
Мардлик қолди. Маҳорат қолди.
Душманлардан бир кун ўч олишга
Ғазаб қолди, жасорат қолди...

ИККИНЧИ ҚУШИҚ

Кичкина уй. Ота билан қиз
Шунда яшар. Кичкина рўзгор...
Сиртда бўрон. Кичик деразага
Парвонадай урилади қор.

Куни бўйи ишлаб, чарчаб, толиб,
Ухлаб қолди, ёлғизи — қизи.
Чолнинг кўзларига уйқу келмас.
Юзларида ваҳиманинг изи.

Эшикда қиш, эшикда бўрон,
Бури каби увиллаб елар.
Гоҳи пича тинар, яна бирдан
Даҳшат билан ғувиллаб келар...

Уйлайди чол: ҳасратлари кўп...
Қайгу билан оқарди соқол.
Болаликдан бери бойга ишлаб,
Хўрлик кўрди, қадди бўлди дол...

Хотин ўлди очликдан, ғамдан.
Ўғил ўлди, қолди ёлғиз қиз.
Бундан сўнгги турмуш қандай бўлар?...
Нима бўлар?... Асло белгисиз.

Уйлайди чол, қариган чоғда
Борми бойдан қутулар бир кун?...
Сиртда бўрон, қишнинг совуғидан,
Даҳшатида қалтирайди тун...

Эшик тақиллади, чўчиди чол,
Пайпаслаб уйготди қизини.
Юрагида лиқ тўла ваҳм,
Даҳшат босди икки кўзини.

Сабр қилмай тепди, бақариб бой,
Эшикнинг занжири узилди.
Кўзига ёш олиб, чол бечоранинг
Бу хўрликдан кўнгли бузилди...

Юзи қизил, кўзлари бежо,
Ўлгудай маст, гандираклайди.
Шеригига мастона кулиб,
Ўз-ўзича сандироқлайди...

Бежо кўзларини чолга тикди:
«Қарзларни қачон тўлайсан?!
Бўлди энди... қани... ҳозир тўла!
Бўлмаса калтакка ўласан!»

«Инсоф қилинг ахир... шафқат қилинг...
Битим билан тўлайинми, бой?
Ёз ишласам сизда, қиш ишласам,
Яна қарз... ўлайинми, бой!..»

Бойнинг маст кўзлари қизга тушди.
Сулагини қулт этиб ютди.
Гандираклаб бориб бечоранинг
Титраб турган қулидан тутди.

«Яланг оёқ! Имони йўқ чол!
Ўлиб кетсанг увол йўқ сенга!..
Қизинг билан тўла, мол бўлмаса!..
Молми? Қизми?.. Фарқи йўқ менга!..»

Ғазаб билан ташланди бойга,
Бу хўрликка чидамасдан чол:
«— Қўлингни торт, аблаҳ, қизимдан,
Уйни бўшат, чиқиб кет! Йўқол!»

Бой дарғазаб бўлиб, қутуриб,
Таёқ урди чолнинг бошига.
Чол йиқилди калтак зарбидан,
Қон қуйилди кўзу қошига.

Пар от қўшган чана йўлга тушди,
Олиб кетди ёлғиз қизини.
Ота чидолмади, зор йиғлади,
Остонага уриб юзини...

IV

Бой ухлади чарчаб, тун оғди.
Қиз қўзғалди бойнинг қўйнидан.
Зўрға юриб эшикка чиқди,
Бўрон қучоқлади бўйнидан...

Тўзғиб кетган олтин сочлари,
Тийилмайди тирқираб ёши.
Қандай кунга қолди?.. Нима бўлди?..
Англолмайди, гангираб боши...

Совуқ ялар юзи, кўзини.
Бўрон тўзғитади сочини.
Йўлда келар, ғариб отанинг
Ёлғизи, шунқори, лочини.

Канотлари қайрилган, синган,
Яраланган, эзилган лочин,
Еру кўкка сиғмай талпинади,
«Отажон!..» деб, ёйиб қулочин...

Хўрозлар қичқирди ҳар тарафдан,
Тун саҳарга берди йўлини..
Ғазабланиб, юлқиниб бўрон
Ҳар томонга чўзар қўлини...

Минг хил азоб билан, ҳолсизланиб,
Йиғлай-йиғлай етиб келди қиз.
Эгри-бугри бўлиб ортда қолди
Оқ қорларда чувалган оқ из...

Ўрнидан турмади, кел демади
Остонада чўзилган ота,
Оғир ҳақоратга чидолмасдан,
«Ёлғизим...» деб, узилган ота.

Отани қучоқлаб йиғлади қиз,
Кўкни қалтиратди ноласи.
Юзлари тирналди, ерга тушди
Олтин сочларининг толаси...

«Барбод бўлди номус... ота ўлди...
Энди қайга... қайга борайин?..
Қимдан мадад тилай? Қимдан кўмак сўрай,
Қўлларимни кимга чўзайин?..»

Дея, бир оҳ чекиб йиқилди қиз,
Қалтиради шикаста зори...
Талпинишдан тўхтади юрак,
Гул умрнинг узилди тори...

Ота ўлди. Юлдузи ўлди.
Фарёд қолди, ҳазин зор қолди:
Ҳеч кими йўқ икки бечорага.
Кафан бўлиб тунги қор қолди.

Ота ўлди. Қундузи ўлди.
Бўш, ҳувиллаб ёлғиз уй қолди.
Бойга нафрат сочиб, лаънат ўқиб,
Субҳидамда мунгли куй қолди...

V

Тамом бўлди, еллар бу икки қўшиқ,
Ўтмишдан олинган қонли лавҳалар.
Менга илҳом берган учинчи қўшиқ,
Тингланг, юрагимга сигмай чайқалар.

VI

учинчи қўшиқ

Мени қарши олди боғбон,
Селкиллайди кумуш соқоли.
Хуштабиат, файласуфнамо,
Чехрасида кулган иқболи.

«Хуш келибсан, марҳамат», деди.
Юзларида майин табассум.
Атрофимга бир қарра боқиб,
Мен ўзимни йўқотдим бир зум.

Деворлари қизил мрамардан.
Булутларга бош урган сарой.

Совлатига, ҳуснига мағрур —
Куз ташлаган жанубга қарай.

Бир ёни боғ, бир ёни гулзор,
Йулчалари, йуллари асфальт.
Мармар деворларда, асфальт йулларда,
Қуёш нури уйнайди ялт-ялт...

Эркалатиб, елкамга қоқиб,
Олиб кетди эргаштириб чол.
«Қара, ўғлим,— дейди,— қандай гузал!
Шоир бўлсанг, шундан илҳом ол!..»

Жилмаяман севинчимдан мен,
Тўғри дейман,— ота сўзингиз...
Ажойиб ер... қани бир бошдан
Кўрсатингиз, энди ўзингиз...

VII

Бошлади чол, боғига кирдим,
Ҳар тарафга чузилган кенг йул.
Кузни тортар зумрад оғочлар,
Ўрталикда шиша рангли кул.

Қатор кетган кўм-кўк садалар,
Кулга тегар эгилган шохи.
Билинар-билинемас жимирлайди
Кулнинг суви — кўкимтир шоҳи.

Бир томонда акация, сирень,
Бир томонда қайрағоч, қайин.
Бир ён — оличазор, бир ён — олмазор...
Куз қувонар қараган сайин.

Маржон каби чизилиб кетган
Йуллар бўйлаб электр чироғ.
Ҳар бурчакда мраммрдан ҳайкал,
Гул ҳидига тулиб кетган боғ.

Фонтанлардан отилиб, сапчиб,
Товланади брильянт сувлар.

Оличазорларда сайрашиб қушлар,
Бир-бирини ўйнашиб, қувлар.

Қаторлашиб, кўлга йўл солар
Талтақайлаб, тўлғаниб ғозлар.
Маст бўлишиб гул ҳидларига
Ўзал қушлар шу боғда ёзлар.

Ойна кўлда саҳар пайтида
Оққув юрар бўйнини эгиб...
Сиз ўтасиз ҳар кун, эрка еллар,
Япроқларга, гулларга тегиб...

VIII

Ўзлай-сўзлай кекса боғбон,
Ўлзор сари бошлади мени.
Ўзни қамаштирган бу, чаманзор,
Шу қадар кенг — кўринмас эни.

Ҳаво хушбўй, атир сепгандай,
Чаман-чаман очилган гуллар.
Минг хил рангга кириб ярқирашиб,
Кун нурида товланар, кулар.

Ўлзор ўртасида Лениннинг
Турпа гулдан ишланган расми...
Нима дер экан — деб сўрайди чол:
«— Юрайликми, ё энди басми?..»

Йўқ, юрайлик,— дейман. Чол кулади.
Ўлзорлардан олиб юради.
Ҳовуздаги сувнинг салқини,
Ўларимга ғир-ғир уради...

Ёш арчалар шу қадар кўм-кўк —
Баҳор ўпиб ўтган юзини...
Фарқ этиб бўлмайди гул баҳордан
Бу ўлзорнинг яшил кузини...

Айтингиз-чи, бу кўрганларим
Сувми? Ёки эриган кумуш?
Қайси боғда? Қайси ўлзорда?
Қай ердан? Ўнгми ёки туш?..

Айтингиз-чи, ҳозир қандай фасл,
Куз пайtimi? Баҳор чоғими?
Бу кўрганим, кўп эртақларда
Мадҳ этилган эрам боғими?..

Кулди боғбон:— «Бу сарф этилган,
Гулзор бўлиб этилган меҳнат!
Бу, Ленин, партия бахш айлаган
Эркин ҳаёт, мангу саодат!

Бу ерлар, бу гулзор, бу ажойиб жой
Колхознинг гулзори, колхознинг боғи.
Қават-қават бўлиб юксалган уйлар —
Ҳур колхозчиларнинг эркин ётоғи...

Ўзимиз яратдик, ўзимиз қилдик,
Ўзимиз эгамиз, ўзимиз боғбон.
Ҳозир роҳат яшар, ғамлардан озод,
Илгари қул бўлиб, хор этилган жон».

Барчасини айтди ғурур билан,
Қойил бўлдим чолнинг сўзига,
Нари кетдик, ҳайрат тўлади
Қаровчининг икки кўзига.

Шахло кўзларини пирпиратиб ой,
Бу тенгсиз боғларга суқланиб қарар.
Бу боғлардан оққан ойна сувларга
Ишва билан боқиб, сочини тарар.

Зухра юлдуз кўкда армон қилади:
Эсизки, маконим бу боғдан йироқ.
Зухра юлдуз бўлиб кўкда тургунча,
Бўлмабман шу богда ёнувчи чироқ.

IX

«Энди, ўғлим, уйга кирайлик,
Чарчагансан, озгина дам ол.
Эртага кетарсан, меҳмон бўлиб,
Бу кун туни бизникида қол.

Ўзимиздан чиққан шоирлар бор,
Артистлар бор, чолғучилар бор.
Бу кун кечга концерт берадилар,
Кўргил, балки сенга ҳам ёқар...»

Х

Бошлади чол, уйига кирдим,
Айвончаси, турт хонаси бор.
Барчасини айланиб чиқдим,
Ҳаммаси тахт, жойида рўзгор.

Кўнгилли, соз, ёруғ хоналар,
Рутубатдан, чанглардан холи.
Деворлари, шифти мойланган,
Ярқирайди ойнадек поли.

Асл гилам, барқут мебеллар.
Тувакларда жануб гуллари...
Деворларда Маркс, Лениннинг.
Бизга таниш портретлари...

ХІ

Ҳаво тиниқ, дарахтлар тоза,
Кун нурида товланади тол...
Чой устида суҳбат қизиди,
Қолганини сузлаб кетди чол:

«Колхозимиз жуда бадавлат,
Қанча сигир, қанча йилқи бор,
Еримиз куп, бир ёни бугдой,
Бир ёни кетганча мевазор.

Даламизда минглаб машина,
Осонлашган, ўғлим, ишимиз.
Юксак ҳосил учун кураш билан
Утар бизнинг ёзу қишимиз.

Ватан обод, турмуш фаровон
Бўлсин, дея меҳнат қиламиз.
Халққа хизмат, юртга садоқат
Биз учун зўр бахт, деб биламиз.

XII

Менинг умрим жуда қизиқ ўтган,
Батрак бўлиб бойда ишладим.
Бойда ишлаб-ишлаб, охирида —
Нон ўрнига кесак тишладим...

Қанча вақт сургунда юрдим,
Кишан қийди оёқ-қўлимни...
Қанча жабру жафо кўрмадим...
Талай ғовлар тўсди йўлимни...

Болам, менда хотиралар кўп...
Эсимда бор салқин куз эди.
Семён келиб бизнинг қишлоққа,
«Отланингла! Юрингла!» деди.

Камбағаллар, батраклар тездан
Отланишдик, кўп оғир сафар...
Орқамиздан эргашар ўлим,
Йўлимизда лиқ тўла хатар...

Ҳар тарафда ўликлар сасир...
Далаларда вабо кезарди...
Қишлоқлар ёнади, нимжонларни
Очликнинг азоби эзади...

Қурол етишмайди... ўқ-дорни йўқ...
Қарши бордик қора юзларга
Очликнинг азоби, касалнинг ғами,
Сира кўринмайди кўзларга.

Бўронларда, қорларда юриб,
Петлюралар билан солишдик.
Днепрнинг соҳилларида
Махно билан роса олишдик...

Ўрмонлардан ўтиб, сувлардан кечиб,
Юриш қилдик оқларга қарши,
Зарбамиздан ларзага келди,
Қалтиради, аълоси-арши...

Биз Ватанни сақладик ёвдан,
Бизга Ленин офарин деган...
Эҳ-ҳе... болам, қанча жангда бўлдим...
Манов қўлим шунда ўқ еган...

Қизим комсомолка, агроном,
Ўзим эса эски большевик.
Мана энди роҳат яшаймиз...
Ҳаммаси шай... ишимиз йирик...»

XIII

Қўлда ўйнар ойнанинг шуъласи,
Ой нурида товланади тол...
Уччовимиз концертга кетдик,
Йўл-йўлакай сўзлаб борди чол.

«Ҳавсалам жойида қарисам ҳам,
Газет, китоб ўқиб юраман.
Ҳали бўш келмайман, ҳеч қолдирмай,
Концертларни кўриб тураман...»

Мен куламан. Қизи ҳам кулар.
Маза қилиб, ўзи ҳам кулар...
Юлдузлар жимирлар, сузилиб ой
Гул баргига нурини улар...

XIV

Колхозчилар билан зал тўла,
Кийинишган, ясанган бари.
Залга киргач, кулган юз билан,
Бир қанчаси келди биз сари.

Келганимни эшитганлари,
Мени бирдан ўраша кетди.
Неча йилги қадрдонлардай,
Ҳоли аҳвол сўраша кетди.

Колхоздан, пахтадан сўрдилар,
Жавоб бердим — хурсанд бўлдилар,
Меҳмон бўлиб Ўзбекистонга
Борамиз,— деб ваъда бердилар...

Дўстлик ҳисси, қардошлик ҳисси
Тўлиб-тошди юрагимизда.
Бу дўстлик, муҳаббат, иноқлик
Саодатдир, одатдир бизда.

XV

Барча тинди. Парда очилди.
Бир қиз чиқиб қўшиқ бошлади.
Ялтирайди зангори кўзи,
Чимирилади камон қошлари.

Тўла келган, қомати расо,
Товланади олтин кокили.
Юзи гулранг, тиниқ, бир кўрганда —
Асир бўлган кўпларнинг дили...

У, берилиб айтар қўшигин,
Барча толиб тинглар, барча жим.
Юрак уриб: жимираб кетди,
Чумоли юргандай баданим.

Лақабини булбул дейишиб
Атабдилар, чиндан-да, булбул.
У тугатди, олқишладилар...
Кенг саҳнага тўлиб кетди гул...

«Бизнинг булбул ишда ҳам яхши!»—
Деди боғбон севинчга тўлиб.
Яна биров чиқиб ўйнаб кетди,
Гир айланиб, қуйиндай бўлиб.

Яна ўйин... ашула... лапар...
Соат бирда тарқалишдилар
Биз кетамиз асфальт йўллардан.
Кеча ойдин, ялтирар сувлар...

«— Қалай,— дейди,— дурустми, меҳмон? »
Менга қараб киприклари ўқ.
Дейман: «Қойил! Дуруст ҳам гапми,
Бундай концерт Москвада ҳам йўқ!..»

Кулиб дейди: «Ўғлим, шу ерда қол,
Сени куёв қилиб олайин.
Ўйинқароқ қизи тушқурдан
Бир йўласи тинчиб қолайин...»

Мен куламан. Қизи ҳам кулар.
Хурсанд бўлиб ўзи ҳам кулар...
Гуллар маст уйқуда, сузилиб ой
Гул бандига нурини улар...

«Ҳазил эмас,— дейди жиддийлашиб,
Менинг учун ҳаммаси бирдек.
Фақат киши бўлсин! Бизники бўлсин!
Фарқи йўқдир — украинми, ўзбек».

Кошки дейман ичимда... гўзал
Комсомолка... агроном ўзи...
Хуснда тенги йўқ... Севги тўла
Жовдирайди зангори кўзи.

XVI

Кеча сутдай ойдин. Мен ётаман
Деразадан осмонга қараб.
Кўзларини сузиб ой кулади,
Нозланади сочини тараб...

Кеча ойдин. Ялтирар сувлар,
Ой нурида товланади тол.
Севинчимни силаб, эркалатиб,
Чувалади ширин бир хаёл...

Янгича урф, янгича турмуш,
Янгича иш, янгича одат,
Ҳалол меҳнат, фаровон ҳаёт,
Шу эмасми, бизнинг саодат?..

XVII

Украина еллари! Сарин еллар!
Сочларимни ўпиб кетдингиз.
Чечакларни қучиб, кула-кула ўйнаб,
Ёқимли соз чалиб ўтдингиз...

1935 йил, сентябрь.

МУНДАҒИЖА

ШЕЪРЛАР

1962 йил

Тошкент руҳи	7
Сенинг мадҳиянг	9
Дўстлик қушиғи	11
Гузал Май	14
Куклам гул келтирди	16
Хиросима такрорланмасин	18
Фан йўлида	20
Шинавандалар	21
Химолой	22
Чодир ёпинган аёлга	23
Булбул	24
Шаҳрингга йўл олдим	26
Кўёш ботар чоқда	28
Анча бўлди	29
Илҳом	30
Ҳинд раққосасига	31
Қирқ баҳорнинг жамоли	33
Бир гала оқ булут	35
Хайр деганим йўқ	36
Соҳилда	37
Ай-Петри	38

1963 йил

Шеърят яшайди	39
Чечаклар терсак	40
Қирғоққа келдимми	41
Денгиз	42
Гузал Ҳиндистон	44
Тиланчи	45
Харидор	46
Оч болалар	47
Демъян Беднийга	48
Шодлик куйчиси	49
Ёруғ юлдуз	51
Коммунистлар космосда	52
Ленин байроғи	53
Тонг ўлкаси, баҳор ўлкаси	54
Ўлмас муҳаббат	56
«Муҳаббат ҳақида айтилган шеър...»	57
Севгисиз бахт йўқ	58
Муҳаббатинг бўлса	60

Кўнглининг нақши	61
Юлдуз чақнагандай қоронғи тунда	62
Келажак утмишдан гузал	63
Россия ҳақида	64
Дастурхонда қолди нозу неъматлар	66
Хашарчилар	68
Офарин	69
Зафар	71
Анҳор	73
Мерос	74
Менга таъна қилма	76
Бой келинлар	77
Олтин сатрлар	78
Кумуш пағалар	79
Байрам эгалари	80
Мавзу ҳақида	82
Ёнадиган бўлсанг яллиғланиб ён	84

1964 йил

Қубизчи	85
Баҳор табассуми	87
Хуш келибсиз	89
Сентябрь	91
Дўстлик	93
Ўзбекистон дейдилар	95
«Оқ олтин» мадҳияси	97
Кўнглимиз шодон бўлур	100
Темирни қизигида ур	101
Шонли тўй муборак!	102
Қўзлар	104
Навоний булбулни таъриф қиларкан	105
«Аврора» садоси	106
Гуллаган ўлка	108
Тамбур	110
Разлилдаги чайла	111
Бобир	112
Олтинтепа	113
Пушкин ҳайкали	115
Севгининг ўлчови	116
Томчи	117
Ҳайкалтарош	118
Инсон бахти учун	119

1965 йил

Мирашир	121
Қўрқоқ эмасман	123
Ўғри	124
Ўлган касб	125
Сароб эмас	127
Инжу ва кўпик	128
Сўнгги дамгача	129
Ёмон танқидчи ҳақида	130

Ҳар бир ялтираган нарсa ут эмас	131
Оила	132
Гузaл	133
Туғруқхонада	135
Шошилма	136
Чақалоқ йиғиси	137
Ойдин кечада	138
Куз ташласам мовий денгизга	139
Чорлоқ	140
Дам оламиз	141
Кулма, қизим	142
Йуқ, доктор	143
Данақ	144
Олтиш довон ошдим	145
Халқимни севаман	146
Нон	147
Шамол чўпон эмиш	148
Севги уммон эмиш	149
Тобут	150
Парвоз	151
Ленинни эслаб	153
Хужум	154
Бекор ётма	155
Янки	156
Ажин	158
Бола севгиси	159
Ёнғин	160
Нолима	161
Янги йил билан	162
Ер ором олармиш	164
Ер ҳам туш кўрармиш	165
Куз сузиб	166
Мижоз	167
Америкалик бир аёлга	168
Агар севсанг	170
Элликка кирганда	171

1966 йил

Порахўр	172
Садқаи кўз ёшларинг кетсин	173
Тириклар сафида	174
Кузакда	175
Фалончига	176
Най	178
Дутор	179
Улкада баҳор	180
Мақтанчоқ	183
Нима иш қилгансан	185
Олам шу қадар кенг	187
Ерни койима	188
Шеърларим билан	189
Ишонгим келмас	190
Мавлоно Ғафур	192

Фикр гавҳари	194
Йиғлоқ деманг	195
Тонгни эсла	196
Безори	197
Қутлов	199
Еш масаласи	201
Трамвайда	203
Янги йил таронаси	204
Муборакбод	206

1967 йил

Баҳорин соғиндим	208
Баҳор хикояси	210
Солдат қабри устида	213
Корин бандаси	214
Табиат қонуни	216
Умр водийсида	217
Щоир ва болари	219
Тасалли	220
Муаззинга	222
Бизга таниш	224
Жунгли	225
Тонг манзараси	229
Ўқувчини уйлаб	230
Нурли истиқбол	232
Тонг қушиғи	235
Октябрь кўсғи	237
Олтин куз	240
Таажжуб қоларлик	244
Ғамни шикор этма	245
Олтин чуққи	247
Йиллар	249
Тасанно	253
Хазиначи	255
Ғийбатчи	256
Лаганбардор	258
Инсон умри	259
Севги ҳақида	261
Дерсан	264
Оламда неки бор	265
Ҳаётни севганлар	267
Миннатдор бул уша одамдан	268
Мен учун шу бахт	269
Тинчликсеварлар	270
Шабнамми, дурми?	271
Замон яшарар	272

1968 йил

Шеърим	273
Музыка	274
Минг қатла хурсандман	276
Тожиқ кизи	278

Душанбада	280
Тирилган мармар	282
Дурмон шаббодаси	283
Муҳожир	285
Айтишим шартмиди?	288
Мубтало бўлсам керак	289
Замон бизга боқар	290
Тешиктош	292

1969 йил

Ҳар ким ўз ёри билан	294
Арзи ҳол айтмоқчиман	295
Эзгу вазифа	296
Баҳор келди	298
Лола териб қайтдим	299
Узинг айт	300
Ўзалларга тикилсам агар	302
Кекса жазман	303
Ўнафшахон	304
Эски афсона	305
Волга	306
«Бурлоқ»лар	309
Ушалган орзу	310
Октябрь мадҳи	313
Ҳиммат	315
Пахтакор илҳомлари	317
Шонли Октябрь	322
Октябрни қутлаб	323
Ҳаёт мактаби	325
Янги йил кечасидаги ўйлар	327

1970 йил

Улуғ айём	330
Бақа қуриллади	331
Сендадир ҳаёлим	333
Чечаклар	335
Лабларинг	336
Ленин таълимоти	337
Қутлуғ байрам	338
Жийда	340
Сенсиз	342
Кишилиқ баҳори нур олган қуёш	343
Бахт баҳори	345
Япроқ	347
Қаранг	349
Чиқмагай бир маънилик гап	351
Бахт	352
Бахтиёрман	353
Кетар	354
Индамас	355
Узингдан ахтар	356
Нафси бузуқ	357

Вақт кетмасин	358
Вақт сени кутмас	359
Шоир қалби	360
Бир боқсанг кифоя	361
Илҳомни	362
Шуҳрат ҳақида	363
Гузалик ахтариб	364
Олтин дала	365
Катта хирмон	371

1971 йил

Шонли Ватан қушиғи	374
Партияга шарафлар	276
Қутлуг булсин!	376
Пахтазор арслони	380
Янги йил қушиғи	381
Тасанно	383
Юзларимга боқиб	384
Табиатнинг уйини	385
Инсон заковати	386
Чинор	387
Сеҳргар	389
Сени излаб	391
Кук чой	392
Сатанг	394
Мунофиқ	396
Чутир кампир	397
Вафоли ёр эрурман	398
Бир ажиб хислат сезарман	399
Бир душман бор	400
Муҳаббат мадҳини куйлаб	402
Сен каби соҳибжамолни	404
Севги изҳор этдимиз	405
Гузал ёр	406
Тоза гулсан	407
Янги йил таронаси	408

1972 йил

Жоҳил, сажда қилма!	410
Инсон орзуси	413
Оқшомги туйгулар	414
Расадхона ёнидаги уйлар	416
Яхшилик	419
Яна баҳор келди	421
Баҳор шамолига	423
Эзгу ишнинг заволи бўлмас	424
Май таронаси	426
Сен билан бахтимни топдим	428
Қайдан билай	429
Шод утар ҳар бир дақиқам	430
Кетолмайман ёнингдан	431
Шонли ўлка	432

Ҳимматингга балли!	434
Туйинг қутлауғ бўлсин!	437

БОЛАЛАР ШЕЪРЛАРИ

Ҳады	439
Икки она	440
Меннинг акам	441
Билас бўлар кўзидан	443
Одобли Аҳмад	444
Чегарачи	445
Соғ баданда соғ ақл	447
Саодат соқчилари	449
Ленин комсомоли	451
Ғунча	453

ФАСЛИЛАР

Баҳор	454
Бойчечак	455
Қушлар келди	456
Гул утқаздим боғимга	457
Булбулга	458
Лайлак	459
Гулдор капалак	460
Ёз	461
Лагерда	462
Сув қучоғида	464
Хандалак	465
Ишжомда узим пишди	466
Теримчи қиз қўшиғи	467
Қиш	468
Қорбобо	470
Арча	472
Холиқ қўрқоқ	473
Мен қушларга дон бердим	475
Қутлауғ бўлсин, болалар	476

ЛАТИФАЛАР

Афанди ва ойнак	477
Афандининг туши	477
Алданган Афанди	478

ПОЭМА ВА ВАЛЛАДАЛАР

Март кунларида	481
Колхозчи қизга	485
Жонтемир	489
Коммунизмнинг гул боғларига	496
Шунинг ишқи	500
Уфа йўлида	505
Гуласал	510
Киров тирик	516
Украина еллари	521

На узбекском языке

УЙГУН

СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ В 6-ти ТОМАХ, ТОМ II

СТИХИ, ПОЭМЫ И БАЛЛАДЫ

Редактор *Муҳаммад Али*
Рассом *Т. Аксенов*
Расмлар редактори *А. Бобров*
Техн. редактор *В. Барсукови*
Корректор *Ш. Зухриддинов*

Босмахонага берилди 4/XII—1974 й. Босишга рухсат этилди 29/IV—1975 й. Формати 84×108¹/₃₂. Босма л. 17,0. Шартли босма л. 28,56. Нашр. л. 15 47+ +0,22 (5 вклейка). Тиражи 25 000. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома № 25—74.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида 1-қоғозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1975 йил, заказ № 248. Баҳоси 1 с. 83 т.

Уйғун.

Асарлар. 6-томлик. 2-нчи т. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

Т. 2. Шеърлар. Балладалар. Поэмалар.
1975. 544 б.

Ўзбекистон халқ шоири Уйғун асарларининг олти томлиги нашр этилмоқда. Навбатдаги II томига унинг шеърлари, балладалари ва поэмалари киритилди.

Уйғун. Сочинения. В 6-ти т. Т. 2.

Уз2

У $\frac{70403-000-20}{352(06)-75}$ 135—75



2 220000 916929

47811